

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ РАХМАТУЛЛА ХИДИРОВИЧ  
ХАЛИКОВ СУЮН РАВШАНОВИЧ  
БЕГЛАЕВ УЧКУН ХУРРАМОВИЧ**

**БАЛИҚЧИЛИК ИҚТИСОДИЁТИ**

**Билим соҳаси:** 400000 - Қишлоқ ва сув хўжалиги

**Таълим соҳаси:** 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

**Таълим йўналиши:** 5410600-Зооинженерия(балиқчилик)

**Тошкент-2020**

**Эргашев Р.Х., Халиков С.Р., Беглаев У.Х. Балиқчилик иқтисодиёти –**

**(дарслик),-Т.:“.....”, 2020. - 6.**

*Дарсликда балиқчилик иқтисодиёти фанининг назарий ва амалий асослари Олий таълим тизими니 2030 йилгача ривожлантириши Концепцияси талаблари асосида баён этилган бўлиб, аграр иқтисодий ислоҳотлар, модернизация ва диверсификация қилиши, маркибий ўзгартиришилар натижасида балиқчилик соҳасида хўжалик юритишнинг эркин бозор шаклларига ўтиши ва мустақил товар ишлаб чиқарувчилар саломогининг ўсиб бориши ва қабул қилинган қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган. Балиқчилик хўжалигида мавжуд ер-сув, моддий-техника, меҳнат ресурсларидан, инновацион гоялардан ва ҳозирги замон технологиясидан самарали фойдаланишининг ҳозирги ҳолати, чет эл тажрибалари, балиқчилик хўжалиги корхоналарининг барқарор шаклланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, истиқболда балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор суръатда ривожланиши йўналишилари очиб берилган.*

*В учебнике описаны теоретические и практические основы экономики рыбного хозяйства в соответствии с требованиями Концепции развития высшего образования до 2030 года, которая является результатом аграрной экономической реформы, модернизации и диверсификации, структурных преобразований, перехода к рыночным формам рыболовства и росту независимых производителей. принятые законы, указы и другие нормативные документы. Современное состояние эффективного использования земельных, водных, материально-технических, трудовых ресурсов, инновационных идей и современных технологий в рыболовстве, зарубежный опыт, устойчивое формирование и экономическая эффективность рыболовных предприятий научно проанализированы и в будущем будут устойчивыми.*

**УДК 33:631.1**

**ВВК:**

**Е:**

**Тақризчилар:**

**Сайдакбаров Х.Х.** Тошкент давлат аграр университети “Агрологистика” кафедраси доценти, и.ф.н.;

**Асқаров Н.** Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, и.ф.н.;

**Файзиева Ш.Ш.** ҚарМИИ ”Иқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил сонли қарори билан нашр этишга рухсат берилди.**

## МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши.....</b>	<b>7</b>
<b>I Боб.</b> <b>“Балиқчилик иқтисодиёти” фаниннинг предмети, мақсади, вазифаси ва тадқиқот усуллари.....</b>	<b>12</b>
1.1.   Балиқчилик соҳаси жаҳон ва республика иқтисодиётининг мухим тармоғи эканлиги.....	12
1.2.   Балиқчилик соҳасининг тармоқ сифатида ўзига хос хусусиятлари.....	19
1.3.   Эркин бозор муносабатларини амалга оширишда фанинг предмети, мақсади ва вазифалари.....	22
1.4.   Балиқчилик иқтисодиёти фанинг тадқиқот усуллари.....	26
<b>II Боб</b> <b>Балиқчилик соҳасининг жойлашиши, ихтисослашуви ва ривожланиши.....</b>	<b>29</b>
2.1.   Балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	29
2.2.   Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг шакл ва кўрсаткичлари.....	38
2.3.   Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришни концентрациялаш.....	43
2.4.   Балиқчилик соҳасида ихтисослашув ва концентрациялашнинг иқтисодий самарадорлиги.....	46
2.5.   Балиқчилик соҳасини кооперациялаштириш ва агросаноат мажмуасини интеграциялаштириш.....	48
<b>III Боб.</b> <b>Республика балиқчилик агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби ва вазифалари.....</b>	<b>54</b>
3.1.   Балиқчилик агросаноат мажмуасининг зарурлиги, мақсад ва вазифалари ҳамда таркиби.....	54
3.2.   Балиқчилик агросаноат мажмуаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари даражаси.....	61
<b>IV Боб.</b> <b>Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳасида давлат сиёсати ва амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислоҳотлар.....</b>	<b>68</b>
4.1.   Эркин бозор иқтисодиёти, унинг мазмун ва моҳияти.....	68
4.2.   Балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тизими.....	73
4.3.   Балиқчилик соҳасида ер, сув, мулк, баҳо, солиқ, молия ва кредит ислоҳотлари ва уларнинг натижалари.....	75
<b>V Боб.</b> <b>Баличилик соҳасида мулк ва тадбиркорлик шакллари, уларнинг бозор шароитида ривожланиши .....</b>	<b>78</b>
5.1.   Инновацион иқтисодиёт шароитида балиқчилик соҳасида турли мулкчилик шаклларини барпо этишнинг зарурлиги.....	78

5.2.	Балиқчилик соҳасида хусусий, шахсий ва аралаш мулк турлари.....	80
5.3.	Балиқчилик соҳасида деҳқон ва фермер хўжалигилари, уларнинг ривожланиши.....	83
<b>VI Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.....</b>	<b>95</b>
6.1.	Балиқчилик соҳасида фойдаланилайдиган ер ва сув ресурслари, уларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.....	95
6.2.	Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	97
6.3.	Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	105
<b>VII Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида моддий -техника ресурслари, фан – техника тараққиёти, инновацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш .....</b>	<b>108</b>
7.1.	Моддий -техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши.....	108
7.2.	Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва инновацион технологиялар.....	113
7.3.	Балиқчилик соҳасида фан-техника ютуқларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.....	118
<b>VIII Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасининг асосий ва айланма (воситалари), фондлари ва улардан самарали фойдаланиш</b>	<b>121</b>
8.1.	Балиқчилик соҳасида асосий воситалар ҳақида тушунча, уларнинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти ва туркумлаштирилиши .....	121
8.2.	Балиқчиликда асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар....	124
8.3.	Балиқчиликда айланма воситалар ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлаштирилиши.....	131
8.4.	Балиқчиликда айланма воситалар, улардан фойдаланиш даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар...	134
<b>IX Боб.</b>	<b>Балиқчиликда меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги .....</b>	<b>139</b>
9.1.	Балиқчиликда меҳнат ва меҳнат ресурслари.....	139
9.2.	Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	141
9.3.	Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	144

9.4.	Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.....	148
<b>X Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида инвестициялар (капитал қўйилмалар), манбалари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги .....</b>	<b>151</b>
10.1.	Инвестиция ҳақида тушунча, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.....	151
10.2.	Балиқчилик соҳасида сарфланаётган инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг манбалари, сарфланиш йўналишлари.....	155
10.3.	Балиқчилик соҳасида инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	158
10.4.	Балиқчилик соҳасида инвестиция (капитал қўйилма)лар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.	161
<b>XI Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида сервис, уни ривожлантириш йўллари .....</b>	<b>165</b>
11.1.	Балиқчилик соҳасида сервис ҳақида тушунча, унинг мазмуни ва аҳамияти.....	165
11.2.	Балиқчилик соҳасининг фаолият самарадорлигини оширишда сервисни ривожлантириш масалалари.....	169
<b>XII Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи .....</b>	<b>173</b>
12.1.	Балиқчилик соҳасида турли хилдаги харажатларнинг объектив зарурлиги.....	173
12.2.	Балиқчилик соҳасида харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши.....	174
12.3.	Балиқчилик соҳасида маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртacha харажатлар) ва унинг турлари.....	179
12.4.	Балиқчилик соҳасида маҳсулотларининг ўртacha харажатларини (таннархини) хисоблаш усувлари.....	184
12.5.	Балиқчилик соҳасидаги маҳсулотларининг таннархини камайтириш йўллари.....	188
<b>XIII Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида ялпи ва товар маҳсулоти,уларнинг тақсимланиши ва қўпайтириш йўллари.....</b>	<b>192</b>
13.1.	Балиқчилик соҳасининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти.....	192
13.2.	Балиқчилик соҳасининг ялпи маҳсулоти таркиби, ўзгариши, сифати ва рақобатбардошлиги.....	196
13.3.	Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини тақсимлаш, сотиш ва товарлилик даражасини ошириш йўллари.....	200
<b>XIV Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида баҳо, уларнинг такомиллаштирилиши .....</b>	<b>207</b>

14.1.	Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари.....	207
14.2.	Балиқчилик соҳасида баҳолар тизими, уларнинг даражаси ва динамикаси.....	212
14.3.	Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳаси маҳсулотлари баҳоларини такомиллаштириш ва рақобат мухитини шакллантириш.....	218
14.4.	Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш омиллари.....	221
<b>XV Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик ва уни ошириш йўллари .....</b>	227
15.1.	Балиқчилик соҳасида такрор ишлаб чиқариш, аҳамияти.....	227
15.2.	Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти.....	235
15.3.	Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	242
15.4.	Балиқчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	246
<b>XVI Боб.</b>	<b>Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатлар ва уни такомиллаштириш йўллари .....</b>	248
16.1.	Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатлар ва унинг турлари.....	248
16.2.	Балиқ маҳсулотларни сотища шартноманинг аҳамияти	251
16.3.	Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш йўллари.....	254
<b>XVII Боб.</b>	<b>Балиқчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш .....</b>	259
17.1.	Балиқчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш.....	259
17.2.	Балиқчилик маҳсулотларини сотиш тизимини бошқаришда давлатнинг тутган ўрни.....	263
17.3.	Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлашда ва сақлашда иқтисодий муносабатларни шакиллантириш.....	268
<b>Глоссарийлар.....</b>		274
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>		286

## Сўз боши

Бугун дунё аҳлини қийнаётган глобал муаммолар кўпаймоқда. XXI асрга келиб энг тез глобаллик касб этиб бораётган муаммолардан бири дунёда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқислигининг тобора кучайиб бораётганлигидир, дунё аҳолисининг тез суръатларда кўпайиши ва табиий ресурсларнинг тобора камайиб, тўпроқ унумдорлигининг кескин пасайиб бораётганлигидадир. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ташкилоти (ФАО)нинг маълумотига кўра, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи тобора ошиб бораяпти.

Дунёning қўплаб мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этадиган йўналишлардан бири балиқчилик соҳаси ҳисобланади. Кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларига мос равишда сифатли ҳамда тўйимли истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бугун қўплаб давлатлар учун ўта долзарб масалалардан саналади.

ФАО маълумотларига кўра<sup>1</sup>, 2017 йилда жами 174,0 млн. тонна балиқчилик ва аквакультура маҳсулотлари етиштирилган. Шундан, 152,9 млн. тонна балиқ озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилиниб, дунё аҳолиси жон бошига бир йилда ўртacha 20,3 кг тўғри келмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида балиқчилик ва аквакультура хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича иқтисодиётнинг ўсишига сезиларли даражада улуш бўлиб кўшилиши мумкинлиги аниқланган. ФАО маълумотига кўра, “... 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони тақрибан 9,5 миллиардга етиши” қайд этилган. Шунингдек, “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши”<sup>2</sup> таъкидланган.

---

<sup>1</sup> FAO Sofia Report 2016 and Globefish Highlig October 2017; FAO Food Outlook June 2016, EUMOFA Monthly Highlights 4/2016 маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

<sup>2</sup> Б.Г.Комилов, И.И.Халилов “Дарё форелини етиштириш – Ўзбекистондаги фермерлар учун юкори даромадли агротижорий имконият” <http://sgp.uz/uz/news/1029>.

Балиқчилик бу – қишлоқ хўжалигининг сув ҳавзаларида балиқ захирасини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан шуғулланувчи соҳаси бўлиб, балиқ ўстириш тадбирлари, балиқни табий ва сунъий усулларда кўпайтириш ва уни янги шароитга ўргатиш, янги зот балиқлар етиштириш, сув ҳавзаларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг биологик асосларини ва асосий балиқ ўстириш жараёнлари, вояга етган балиқларни овлаш, балиқ тухумини очириш, балиқ боқиши ва биомаҳсулот ишлаб чиқилиб юқори самарага эришилмоқда.

Кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларига мос равища сифатли ҳамда тўйимли истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бугун кўплаб давлатлар учун ўта долзарб масалалардан саналади.

Мамлакатимизда балиқ етиштиришнинг ташкилий-технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ чавоқларини тақрор кўпайтириш ва озуқа базасини яхшилаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Балиқ етиштириш динамикаси таҳлилига кўра, 2000 йилда 9870 тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 90984,3 тоннани ташкил этди ва 2000 йилга нисбатан балиқ етиштириш 9,2 баробарга ортганилигини кўришимиз мумкин. Балиқ етиштиришнинг интенсив технологияларини кенг татбиқ этиш орқали тармоқни тубдан ислоҳ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш<sup>3</sup> масаласи устувор вазифа қилиб белгиланган. Шу боис бугунги кунда балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий масалаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ўта долзарб ҳисобланади.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4947-сон), 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-2939-сон), 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари (ПҚ-4005-сон) ва ушбу фаолиятга мансуб бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур дарслик хизмат қиласди.

Бугунги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг йиллик истеъмоли 80-90 фоизини ташкил қилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти йилдан йилга камайиб, унинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Балиқчилик соҳасини эркин бозор иқтисодиёти қонунлари талаби даражасида барқарор ривожлантириш учун балиқчилик соҳасида хўжалик юритишнинг турли мулк ва мулкчилик шаклларини ва тадбиркорлик шаклларини барпо этишнинг зарурлиги, балиқчиликда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, инновацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш, балиқчилик соҳасининг асосий ва айланма фондлари меҳнат ресурслари бозори, меҳнат унумдорлигини ошириш, инвестициялар бўйича давлатнинг сиёсати, балиқчилик сервисини ривожлантириш, харажатларни тежаш, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг баҳоларини белгилаш, рақобатбардошлигини ошириш ва балиқчилик соҳаси корхоналарининг даромадларини кўпайтириш йўлларини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Аграр-иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда диверсификациялаш натижасида балиқчилик соҳасида хўжалик юритишнинг бозор шаклларига ўтилди ва мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг салмоғи ошди.

Балиқчилик соҳаси корхоналарини молиявий соғломлаштириш, давлат бюджети субсидиялари орқали кредит тизимидан фойдаланиш ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, балиқчилик соҳасининг барқарор ва жадал ривожи учун бир қанча ишларни амалга ошириш лозим. Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришида инновация, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хўжалик юритишининг янгича шаклларидан фойдаланиш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин. Шу билан бир қаторда, қишлоқ ва бошқа АСМ корхоналари мутахассисларининг иқтисодий тайёргарлик даражасига кескин талаблар қўйилмоқда. Ушбу талабларга жавоб бериш учун “Балиқчилик иқтисодиёти” фани бўйича чукур билимга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси талаблари ва Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарори билан тасдиқланган (2019 йил 20 июлдаги 654-сонли бўйғуғи ҳамда №БД-5410600-2.11 билан рўйхатга олинган) “Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, дарслиқда ўқитишининг янги таълим технологияси, замонавий ахборот технологиялардан фойданилган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича мақсади, мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ёритилган ҳамда мавзу бўйича назорат ва муҳокама учун саволлар, таянч иборалар ва фойдаланиладиган адабиётлар руйхати келтирилган.

“Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг дарслиги асосан олий ўқув юртларининг Зооинженерия таълим йўналишлари талabalari учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, балиқчилик соҳаси иқтисодиёти муаммолари билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар, талabalар, тадқиқотчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, тадбиркорлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу дарслик балиқчилик иқтисодиёти билан боғлиқ муаммолар, масалалар ва уларни тармоқ ишлаб чиқаришига жорий этиш учун имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадидеган фикрдамиз.

Муаллифлар “Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг дарслиги сифатида унга билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни миннатдорлик билан қабул қиласидилар ва уларни кейинги нашрларга тайёрлаш ва чоп этиш жараёнида ёрдам берганларнинг барчасига самимий миннатдорчилик билдирадилар.

## **I Боб. “Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг предмети, мақсади, вазифаси ва тадқиқот усуллари**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасининг жаҳон иқтисодиёти ва республика иқтисодиётида тўтган ўрнини, балиқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини, тармоқнинг иқтисодий-ижстимоий аҳамиятини, эркин бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳасини ривожлантиришига қаратилган масалаларни, фанинг предмети, мақсади, вазифаларини ҳамда фанинг мазмунини ёритишда қўлланиладиган тадқиқот усулларини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Моддий неъмат, балиқчилик, балиқ маҳсулотлари, эҳтиёжлар, иқтисодий мустақиллик, ялти ички маҳсулот (ЯИМ), бозор иқтисодиёти.

### **1.1. Балиқчилик соҳаси жаҳон ва республика иқтисодиётининг муҳим тармоғи эканлиги**

Балиқчилик соҳасининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни кейинги йилларда кескин ривожланиб бормоқда, бу эса балиқчилик соҳасининг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти янада ошаётганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам балиқчилик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлган ер, сув, меҳнат ресурслари ва уларнинг ўзигахос хусусиятларини ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар миқёсида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Балиқчилик соҳаси моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва энг қадимги тармоқларидан бири бўлиб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун балиқ хом-ашёсининг асосий қисмини етказиб беради.

Дунё бўйича балиқ етиштириш 2025 йилга келиб кўпгина мамлакатларда сезиларли даражада камайиши прогноз қилинган бўлиб, (1.1.1-жадвал) бунда Африка давлатлари Гана -18,4%га, Лотин Америкаси давлати Аргентина - 16,7%, Япония -2,2%, Жанубий Африка -3,9%, Янги Зелландия -3,1%, Россия -3,1%, Канада 3,9 % га камайиши кутулмоқда. Бу эса ўсиш суръатини пасайишига олиб келади. Аҳолини ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак озиқ

овқат муаммоси юзага келиши мамлакатлар балиқ маҳсулотига бўлган талабни фақатгина импорт қилиш йўли орқали таъминлаши мумкин бўлади.

### 1.1.1-жадвал

#### Балиқ хўжаликларининг асосий иқтисодий модели 2013-2015 йиллар натижаларини 2025 йилга мўлжалланган прогнози<sup>4</sup>

	Балиқ маҳсулотлари			Балиқ истемоли		
	2013-15 йиллар учун ўртacha	2025 йил	2025 йил 2013 йилга нисбата н	2013-15 йиллар учун ўртacha	2025 йил	2025 йил 2013 йилга нисбата н
	Минг тонна	Минг тонна	%	Минг тонна	Минг тонна	%
Дунё бўйича	146 648	177 679	21,2	20,2	21,8	7,9
<b>Ривожланган мамлакатлар</b>	<b>31 917</b>	<b>33 950</b>	<b>6,4</b>	<b>22,7</b>	<b>23,4</b>	<b>3,1</b>
Шимолий Америка	8 381	9 339	11,4	23,6	24,3	3
Канада	801	851	6,2	22,5	21,8	-3,1
АҚШ	7 580	8 488	12	23,7	24,6	3,8
<b>Европа</b>	<b>15 568</b>	<b>16 605</b>	<b>6,7</b>	<b>20,8</b>	<b>22,2</b>	<b>6,7</b>
Европа иттифоки	11 082	12 181	9,9	22	23,9	8,6
Норвегия	274	317	15,7	53,3	55,3	3,8
Россия	3 171	2 979	-6,1	22,1	21,1	-4,5
<b>Океан орти мамлакатлар</b>	<b>760</b>	<b>1 014</b>	<b>33,4</b>	<b>27</b>	<b>31,7</b>	<b>17,4</b>
Австралия	646	893	38,2	27,3	33	20,9
Янги Зеландия	115	122	6,1	25,5	24,7	-3,1
<b>Бошқа мамлакатлар</b>	<b>7 207</b>	<b>6 992</b>	<b>-3</b>	<b>26,5</b>	<b>24,6</b>	<b>-7,2</b>
Япония	6 362	6 035	-5,1	50,2	49,1	-2,2
Жанубий Африка	417	430	3,1	7,7	7,4	-3,9
<b>Ривожланаётган давлатлар</b>	<b>114 732</b>	<b>143 730</b>	<b>25,3</b>	<b>19,6</b>	<b>21,5</b>	<b>9,7</b>
Африка	10 881	14 655	34,7	10	10,2	2
Шимолий Африка	2 803	3 553	26,8	15,6	16,7	7,1
Миср	1 875	2 446	30,5	20,9	22,5	7,7
Африканинг шарқий қисми	8 078	11 102	37,4	8,9	9,1	2,2

<sup>4</sup> Манба: ОЕСД ва ФАО

Гана	639	656	2,7	23,9	19,5	-18,4
Нигерия	2 097	2 910	38,8	11,8	12,5	5,9
<b>Лотин Америкаси</b>	<b>6 302</b>	<b>8 476</b>	<b>34,5</b>	<b>10</b>	<b>12,2</b>	<b>22</b>
Аргентина	207	192	-7,2	4,8	4	-16,7
Бразилия	1 972	2 841	44,1	9,6	12,7	32,3
Чили	253	314	24,1	14,2	16	12,7
Мексика	1 610	2 117	31,5	12,8	14,9	16,4
Перу	675	969	43,6	21,8	27,6	26,6
<b>Осиё мамлакатлари</b>	<b>97 549</b>	<b>120 599</b>	<b>23,6</b>	<b>23,5</b>	<b>26,4</b>	<b>12,3</b>
Хитой	54 128	66 747	23,3	39,5	47,2	19,5
Ҳиндистон	7 755	9 758	25,8	6	6,7	11,7
Индонезия	8 896	11 206	26	35	39,4	12,6
Филиппин	3 091	3 703	19,8	31,2	31,9	2,2
Жанубий Корея	2 924	3 340	14,2	58,4	64,3	10,1
Таиланд	1 859	1 879	1,1	27,5	27,4	-0,4
Вьетнам	3 275	3 846	17,4	35,4	37,7	6,5
<b>Ривожланмаган мамлакатлар</b>	<b>12 170</b>	<b>15 978</b>	<b>31,3</b>	<b>13,2</b>	<b>13,6</b>	<b>3</b>

Жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак балиқ асосан озиқ-овқатда истеъмол қилинганлиги сабабли балиқнинг йилдан йилга истеъмоли ортиши кутилмоқда. 2025 йилга келиб балиқ истеъмоли 21,8 килограмм (тирик вазнда), яъни бошланғич даражага нисбатан ўсиш саккиз фоизни ташкил этади.

Глобал масштабда аквакультурада Осиё етакчи континент ҳисобланиб аквакультурадиги умумий улуши 73,8 млн.тонна, балиқ ҳажмининг 89 фоизни ташкил қилмоқда.

Прогноз бўйича етиштириладиган балиқ маҳсулотларини 2025 йилга келиб асосий қисмини Осиё мамлакатлари бериши маҳсулотга бўлган талабнинг кескин ортиб боришини кўриш мумкин.

Бу ерда асосий балиқ маҳсулотлари Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келишини (73%) ҳисобга олсак бошқа мамлакатларда ўз ўзидан талаб кескин ортиши бу табиий ҳол. Шу билан бирга балиқ ва балиқ маҳсулотларининг нарҳи ҳам кескин ошиши кузатилиши мумкин.

Балиқчилик бутун дунёдаги миллионлаб инсонлар учун озиқ-овқат ва даромаднинг муҳим манбалари ҳисобланади. Балиқ дунёдаги энг машҳур озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб қолмоқда ва балиқ экспортининг ярмидан қўпи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2014йилда Ветнам денгиз маҳсулотлари бўйича дунёдаги учинчи йирик экспортчи бўлиб, Таиланд экспортини сезиларли даражада қисқартирди.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришидаги аграр-иктисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда соҳани диверсификациялаш натижалари Республикаизнинг ва МДХ ичида балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқариши юқори даражада ўсаётган давлатлар қаторига киритиш мумкин. Балиқчилик тармоқдаги таркибий ва миқдорий ўзгаришлар тенденциясига кўра, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келгандан кейин бозор муносабатларининг шаклланиши натижасида балиқ ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда аҳолининг балиқ истеъмоли кўрсаткичлари йиллар давомида ўсишига эришилган. Бу албатта кўпайиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат таъминотини янада яхшилашга ёрдам беради. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда жами балиқ етиштириш ҳажмига нисбатан юқори кўрсаткич Навоий вилояти (12%), Андижон вилояти (11,2%), Тошкент вилояти (10,9%), Қорақалпоғистон Республикаси (10,8%), Хоразм вилояти (10,4%) ва Жizzах вилоятлари (7,9%) ҳиссасига тўғри келмоқда (1.1.2 - жадвал).

Шунингдек, Бухоро вилояти (4,1%), Сурхондарё вилояти (4,2%), Самарқанд вилояти (4,4%) ва Қашқадарё вилоятида (5,3%%) жами балиқ етиштириш ҳажмига нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлган. Мамлакатда балиқ етиштириш кўрсаткичлари 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 1,96 маротабага ва 2017 йилга нисбатан эса 108,4 фоизга ортган. 2014 – 2018 йиллар мобайнида Андижон вилоятида (4,7 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (3,71 марта), Сирдарё вилоятида (3,48 марта), Навоий вилоятида (2,89 марта), Самарқанд вилоятида (2,89 марта), Сурхондарё вилоятида (2,51 марта), Наманган вилоятида (2,5 марта) ва Бухоро вилояти

(2,38 марта)да балиқ етиштириш бўйича кескин ўсишга эришилган. 2018 йилда балиқчилик фермер хўжаликлари томонидан 35665,8 тонна балиқ етиштирилиб, мамлакатда етиштирилган балиқнинг 39,2 фоизини ташкил этади. Дехқон хўжаликларида 9578,7 тонна ва масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)лар томонидан 45739,8 тонна балиқ етиштирилган.

### **1.1.2-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикада 2014-2019 йиллар давомида овланган балиқлар ҳажми<sup>5</sup>(тонна)**

<b>T/p</b>	<b>Худудларноми</b>	<b>2014 йил</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2018 йил</b>	<b>2019 йил</b>	<b>2019йилда 2014 йилга нисб. (%)</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2658	3 410	4 515	6 157	9856,7	12210	+4,6 марта
2.	Андижон вилояти	2176	2 535	2 088	4 081	10224	12618	+5,8 марта
3.	Бухоро вилояти	1570,7	1 951	2 813	3 400	3737,9	4510,1	+2,9 марта
4.	Жizzах вилояти	9035,5	10 850	11 198	13 838	7151,5	7902,4	0,9
5.	Қашқадарё вилояти	2608	3 151	3 952	4 770	4796,1	4801,3	+1,8 марта
6.	Навоий вилояти	3771,1	5 610	7 670	12 566	10882,4	13014	+3,5 марта
7.	Намангандарё вилояти	2146	2 733	3 384	5 218	5360	6906,7	+3,2 марта
8.	Самарқанд вилояти	1384	1 839	2 540	3 435	4006,1	7008,4	+5,1 марта
9.	Сурхондарё вилояти	1521,8	1 911	2 580	3 876	3815,9	3641,2	+2,4 марта
10.	Сирдарё вилояти	1545	1 822	2 279	2 222	5375,9	7214,1	+4,7 марта
11.	Тошкент вилояти	8000,4	11 557	8 171	8 155	9867,2	11045	+1,4 марта
12.	Фарғона вилояти	3485,1	4 025	5 214	6 782	6430,3	8421,1	+2,4 марта
13.	Хоразм вилояти	6490	8 457	8 919	9 401	9480,3	16142,4	+2,5 марта

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти 2019 йил

	<b>ЖАМИ</b>	<b>46391,6</b>	<b>59 852</b>	<b>65 322</b>	<b>83 900</b>	<b>90984,3</b>	<b>115434,7</b>	<b>+2,5марта</b>
--	-------------	----------------	---------------	---------------	---------------	----------------	-----------------	------------------

Мамлакатда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ўртacha аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол қўрсаткичлари таҳлилига кўра, балиқ ва балиқ маҳсулотлари (консерва, икра ва бошқа иккиламчи маҳсулотлар) 2018 йилда аҳоли жон бошига ўртacha 4,8 кгдан тўғри келган. Бу қўрсаткич 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар ёки 1,2 килограммга ортган, 2016 йилга нисбатан 20 фоизга камайган. Балиқ истеъмолининг меъёри 13,37 килограмм қилиб белгиланган ва бугунги кунда аҳоли томонидан белгиланган меъёрдан 8,6 килограмм кам балиқ маҳсулотлари истеъмол қилинмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёning қулай худудида жойлашган. Унинг худудида азалдан инсоният учун ниҳоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги балиқчилик соҳаси маҳсулотлари етиштирилмоқда. Чунки бу худудда табиий-иқлим шароитлар етарли. Асосий мақсад тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун:

- аҳоли бирданига истеъмол қиласидиган сифатли балиқчилик маҳсулотларини барча талабларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш;
- қайта ишлаш саноати корхоналарининг балиқ хом ашё маҳсулотларига бўлган талабини қондириши лозим.

Хозирги даврда бу балиқчилик маҳсулотлари тиббий меъёр бўйича аҳоли жон бошига йиллик истеъмол 13,37 кг бўлсада, мамлакатимизда **4,8 кг ёки 3 баробар кам** истеъмол қилинмоқда. Балиқчиликда озуқа билан таъминлаш тизимида мавжуд муаммолар хусусан асосий озуқа таъминоти импортга таянганлиги, ресурслар билан таъминлашда йиллар давомида сақланиб қолаётган муаммолар ҳамда меҳнат ва моддий ресурслар сарфи бўйича аниқ илмий ҳамда амалий асослари ишлаб чиқилмаганлиги

Хитой иқтисодиётида ЯИМда балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг улуши 1978 йилда 28%ни ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб 10%ни

ташкил этган, саноат маҳсулотлари эса мутаносиб равишида 48,0%дан 46,8%га ва хизмат кўрсатиш соҳаси 28%дан 43,2 фоизга ошган<sup>6</sup>. Японияда эса ЯИМда балиқчилик соҳасининг улуши 1980 йилда 4%дан 2010 йилга келиб 1%гача камайган<sup>7</sup>.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришида республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 0,2 фоизга яқини қатнашган.

Мамлакат дехқончилиги сугоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина қондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё ҳамда Сирдарё ҳавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб этишни талаб этади. Ҳозирги даврда балиқчилик соҳасида кам сув ресурсларидан фойдаланилмоқда. Табиатда ер ва сув ресурслари чекланган, улар такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар бир гектаридан, 1м<sup>3</sup>сувдан тадбиркорлик билан фан-техника ютуқларини жорий этиб, йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбекистонда балиқчилик соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожлантирилишини тақозо этади. Сўнгги ўн йилларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакат балиқчилик соҳасида эркин бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатларни, хуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларни шакллантириш имкониятини берадиган, хуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар босқичма-босқич қатъий ишонч билан амалга оширилишини таъминлаб берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда.

---

<sup>6</sup>XXРнинг статистик йиллик тўпламлари, турли йилларда

<sup>7</sup>World Development Report 2012. World Bank. P.396.

Тадбиркорларга балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш учун турли имтиёзли кредитлар берилмоқда. Лекин амалга оширилаётган тадбирлар ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмаяпти. Шунинг учун балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган барча турдаги ислоҳотларни эркинлаштириш, уларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса келажакда балиқчилик соҳасининг юқори суръатларда ривожланишини, республика иқтисодиётининг юксалишини таъминлайди.

## **1.2. Балиқчилик соҳасининг тармоқ сифатида ўзига хос хусусиятлари**

Балиқчилик соҳаси – қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлардан бири бўлиб, мамлакат аҳолиси учун озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати учун хом-ашё етказиб беради. Унинг асосий вазифаси мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эхтиёжини кондиришдир(1.2.1-жадвал).


### **1.2.1-жадвал Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол кўрсаткичлари**

№	Номланиши	Тиббий меъёрлар кг/йил	Йиллар					2018 й. 2014 й.га нис. (%)
			2014	2015	2016	2017	2018	
<b>1</b>	Картошка	54,68	56,4	56,4	56,4	55,2	56,4	100,0
<b>2</b>	Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	134,18	277,2	276,0	277,2	277,2	278,4	100,4
<b>3</b>	Мева ва резаворлар	90,67	145,2	145,2	148,8	145,2	150,0	103,3
<b>4</b>	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	45,59	43,2	44,4	44,4	43,2	43,2	100,0
<b>5</b>	<b>Балиқ ва балиқ маҳсулотлари</b>	<b>13,37</b>	<b>3,6</b>	<b>4,8</b>	<b>6,0</b>	<b>4,8</b>	<b>4,8</b>	<b>133,3</b>
<b>6</b>	Сут ва сут маҳсулотлари	156,36	279,6	278,4	279,6	270,0	272,4	97,4
<b>7</b>	Ўсимлик ёғи	32,91	22,8	24,0	24,0	24,0	24,0	105,3
<b>8</b>	Тухум, дона	295,85	211,2	211,2	214,0	215,0	217,2	102,8
<b>9</b>	Шакар, қандолат маҳсулотларин и қўшган ҳолда	19,39	30,0	32,4	32,4	31,2	32,4	108,0

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг 50% дан кўпроғи хом-ашё сифатида ишлатилади. Бу соҳа саноатнинг озиқ-овқат, омихта ем ва бошқа тармоқлари учун хом-ашё етказиб беради.

Ўз навбатида балиқчилик соҳаси саноат товарларининг йирик истеъмолчиси ҳамдир. Балиқчилик соҳасини асбоб-ускуналар, ёқилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, омихта ем ва бошқалар билан таъминлайди. Шундай экан, саноатнинг айрим тармоқлари ривожи балиқчилик соҳаси билан чамбарчас боғлиқ ва айни вақтда балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчиларининг мақсадга мувофиқ фаолияти саноатнинг қай даражада ривожланганлиги билан боғлиқ.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланилади, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишчи-хизматчилардан етарлича малака талаб қилинади. Худди шундай балиқчилик соҳасининг ҳам ўзига хос ҳусусиятлари борки, бу тармоқда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда ушбу ҳусусиятларни ҳисобга олиш зарур, (1.2.1-расм).



## **1.2.1-расм. Балиқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятлари**

Балиқчилик соҳасининг хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий хусусиятлари билан ўхшаш бўлиб, иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобига ушбу хусусиятларни тартибга келтириш имкониятига эгадир, аниқроғи ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик циклидан йил бўйи циклига ўтказилиши, даромаднинг қўшимча манбаларини ишлаб чиқариш жараёнига киритиш орқали ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига эришиш мумкин.

Балиқчилик соҳасида ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда балиқчилик, балиқчилик маҳсулоти ва балиқчилик менежменти каби тушунчаларга такомиллаштирилган таърифлари ишлаб чиқилди.

***Балиқчилик** – бу балиқ, қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа балиқ маҳсулотларини етишиши орқали денгиз, дарё, сунъий сув ҳавзаларидан ва бошқа биоресурслардан фойдаланишидир.*

***Балиқчилик менежменти** – бу балиқчилик хўжаликларини ташкил этиши, замонавий бошқарув усулларини қўйлаш ҳамда хўжалик фаолиятини самарали юритишда мустақил қарорлар қабул қилишидир.*

***Биобалиқ маҳсулоти** – бу ҳеч қандай кимёвий воситаларсиз табиий усолда етиширилган балиқ яъни табиийлик даражаси 97-98 % бўлган балиқ маҳсулотлари<sup>8</sup>.*

Ушбу хусусиятларни, балиқ етишириш самарадорлигини баҳолаш, жумладан, иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳисоб усулларини такомиллаштиришда эътиборга олиш талаб этилади .

Озиқ-овқат ҳавфсизлиги шароитида балиқчиликни ривожлантириш объектив зарурият ҳисобланади ва тармоқни ривожлантириш билан боғлиқ

---

<sup>8</sup> У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

иқтисодий ислоҳотлар аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада ошириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштиришнинг самарадорлигини ошириш;
- балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича моддий-техника таъминотини яхшилаш, инвестицияларни жалб қилиш;
- табиий ва сунъий сув ҳавзалардан самарали фойдаланиш;
- балиқ етиштиришнинг илмий асосланган ресурстежамкор усуллари ва интенсив технологияларини кенг тадбиқ этиш;
- товар балиқ етиштиришни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, балиқчилик тармоғини ҳудудий оптимал жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- балиқ етиштиришнинг қиймат занжиридаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни тизимли ташкил этиш;
- балиқ чавоқларини такрор қўпайтириш ва балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлаш тизимини рағбатлантириш;
- балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- хорижий тажрибаларни таҳлил қилиб, аҳамиятли жиҳатларини жорий этиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

### **1.3. Эркин бозор муносабатларини амалга оширишда фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари**

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. Дастрлаб “иқтисодиёт” тушунчаси хўжалиги юритишининг қонуниятлари ва уй хўжалигини

бошқариш санъати маъноларида муҳим аҳамият касб этган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, иқтисодиётнинг турли тармоқларининг шаклланиши натижасида ушбу тушунчанинг маъно-мазмуни анча кенгайиб, ўзгариб борди. Бу қуидагиларда акс этади:

**Биринчидан**, иқтисодиёт – бу жамиятни моддий бойликлар ва хизматлар билан таъминловчи иқтисодиёт тармоқларининг мажмуудир.

**Иккинчидан**, иқтисодиёт – бу ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари-моддий неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнларида одамлар (гурухлар, жамоалар, тоифалар) ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий қонунлар орқали тартибга солинади. Иқтисодий қонунлар деганда, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий тақрорланиб турадиган ўзаро боғлиқ алоқалар тушунилади. Жамиятнинг, шунингдек иқтисодий субъектларнинг ривожини қуидаги қонунлар тизими аниқлаб беради: қиймат қонуни, талаб қонуни, таклиф қонуни ва бошқалар.

Ривожланган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш кучлари-бу меҳнат қилиш жараёнида ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтира оладиган инсонлардир.

**Учинчидан**, иқтисодиёт – бу фан. Ушбу фан ўзининг тадқиқот обьектлари ва кўламига кўра қуидаги қисмларга бўлинади: макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, корхона иқтисоди, тармоқлар иқтисоди (саноат, транспорт, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик соҳаси ва бошқалар).

Шунингдек, иқтисодиёт деганда ҳам фан, ҳам амалиёт тушунилади. Иқтисодиёт фани амалий иқтисодиётни тақозо этиб, қуидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланади:

- нима ишлаб чиқариш, жамият эҳтиёжини қандай товарлар ва хизматлар тўплами янада тўлароқ қондира олади;
- қанча ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнида қандай ресурслардан ва қанча миқдорда фойдаланиш мақсадга мувофик;
- қандай ишлаб чиқариш;
- ким учун ишлаб чиқариш- шахсий истеъмол учунми ёки даромад олиш учунми, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай тақсимлаш учунми?

Ушбу муаммоларни бозор иқтисодиёти шароитида бир мунча тезроқ ҳал этиш мумкин. Чунки бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида эркин алмашув билан боғлик. Бозор иқтисодиёти турли мулк шаклларига ва ишлаб чиқариш ўртасидаги эркин рақобатга таянади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг бир тўхтамга келиши моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг тақсимотини аниқлаб беради. Хақиқий иқтисодиёт доимо ўз ичига бозор ва давлат соҳаларини олади, айрим холларда давлат томонидан бошқарилади. Айнан бошқарув даражаси иқтисодиётнинг қандай хусусиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Балиқчилик иқтисодиёти фан сифатида тармоқда иқтисодий қонунларнинг намоён бўлиши, уларнинг балиқчилик соҳаси ривожига таъсири ва балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришида иқтисодий қонуниятларнинг ишлашини ўрганади. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар балиқчилик соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда турли мулкчиликка асосланган хўжалиги юритиш шакллари пайдо бўлди, аграр соҳада қўп тармоқли иқтисодиёт шаклланди. Бу эса агросаноат мажмуида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига олиб келди. Балиқчилик иқтисодиёти фани тармоқ фани сифатида бозор шароитида аграр соҳада иқтисодий муносабатлар тизимини очиб бериш вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, “**Балиқчилик иқтисодиёти**” фанининг предмети – балиқчилик соҳасида иқтисодий қонунларнинг амал қилиш механизми, агарар соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини тадқиқ қилиш. Бундан ташқари, фаннинг предмети бўлиб ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш тамойиллари ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар амал қилишининг бозор механизмини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқот обьекти** – бу мамлакат балиқчилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларининг ташкилий иқтисодий шакллари фаолиятидир.

Балиқчилик иқтисодиёти фан сифатида иқтисодий назариясига таянади. Иқтисодий назария фаннинг метадологик асоси бўлиб хизмат қиласди. Фан, аввало балиқчилик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти, тадбиркорлик, маркетинг, иқтисодий статистика, бухгалтерия ҳисоби фанлари билан, қолаверса бошқа иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Балиқчилик иқтисодиёти фани ушбу фанларни ўрганишнинг назарий ва услубий асосини ташкил қиласди.

Ушбу **фаннынг асосий мақсади** – бозор иқтисодиётининг турли босқичларида балиқчилик иқтисодиётининг назарий ва амалий масалалари бўйича эркин бозор қонун ва қонуниятларини шакллантиришdir.

Балиқчилик соҳасининг **муҳим вазифаси** мамлакат аҳолисини озиқ-овқат ва саноатни балиқ хом ашёси билан таъминлаш ҳисобланади. Ушбу масалани фақатгина балиқчилик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш орқали ҳал этиш мумкин. Айнан ушбу самарадорлик даражаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини белгилаб беради, шунинг учун ҳам “**Балиқчилик иқтисодиёти**” фанининг биринчи галдаги вазифаси бозор шароитида соҳани ривожлаштиришнинг иқтисодий асосларини ва ҳўжалиги юритишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиши ҳисобланади.

Балиқчилик соҳасининг ривожи ишлаб чиқариш ресурслари билан қайдаражада таъминланганлигига боғлиқбўлади. Ресурсларнинг чекланганлиги ва тақчиллиги шароитида фан олдида яна бир муҳим масала туради- бу ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кетадиган моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш, яъни ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш. Шунингдек, қишлоқ хижалигини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, тўловга қодир бўлмаган балиқчилик корхоналарини қайтадан ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар бериш каби муҳим масалаларни ҳал этиш фаннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Юқоридагилардан хulosса қилган ҳолда балиқчилик иқтисодиёти фани тармоқ фани сифатида қўйидаги вазифаларни бажаради:

- ✓ аграр соҳада кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш;
- ✓ балиқчилик соҳасида рақобат муҳитини яратиш;
- ✓ бозор ҳолати, талаб ва таклифни таҳлил қилган ҳолда ресурслар (ер, сув, капитал, ишчи кучи, инвестициялар) бозорини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- ✓ илфор фан-техника ютуқларидан ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- ✓ балиқчилик соҳасида инвестицион ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- ✓ балиқчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш даражаси ва йўналишларини иқтисодий жихатдан асослаб бериш.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳар бир ҳудудининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир ҳудуди табиий-иклим, иқтисодий ва демографик шароити билан бир-биридан фарқ қиласи.

## **1.4. Балиқчилик иқтисодиёти фанининг тадқиқот усуллари**

Иқтисодий тадқиқотлар ўрганишнинг мураккаб жараёни ҳисобланиб, ўз ичига мавзуни асослаш, мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш, таҳлил қилинадиган обьектларни танлаб олиш, тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш кабиларни камраб олади.

Иқтисодий тадқиқотлар асосида услубият ётади.

**Фанинг услубияти бу** – илмий билимнинг тамойиллари, тизими, йўллари ва қонун-қоидаларидир. Тадқиқотларнинг назарий ва услубий асосини мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишлари ҳамда иқтисодий фан ютуқлари ташкил килади.

Услубият фан томонидан қўлланилаётган усулларга таянади. Услубият умумилмий тавсифга эга, лекин хар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билим усулларига эга бўлади. Шунинг учун услубият умумилмий ва хусусий бўлади. **Умумилмий усуллар:** *иқтисодий-статистик, монографик, ҳисоб-конструктив, баланс, иқтисодий-математик усуллардир.*

Балиқчилик иқтисодиёти фанини ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

**Илмий абстракция усули.** Ушбу усулда ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратилиб, таҳлил вақтида чалғитиши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисалар фикрдан четлаштирилади (масалан, талаб қонуни ўрганилаётган вақтда фақатгина талаб ва баҳо ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлил қилиниб, бошқа ҳолатлар давлатнинг нарх сиёсати, рақобат, бозорнинг тўйинганлик даражаси ва бошқалар эътиборга олинмайди).

**Индукция ва дедукция усули** бир-бирига қарама-қарши бўлган, аммо ўзаро боғлиқликдаги фикрлаш усулидир. Фикрнинг хусусий фактлардан

умумий фактларга қараб ҳаракати индукция, аксинча умумий фактлардан хусусий фактларга томон ҳаракати дедукция деб аталади. Индукция ва дедукция усуллари гипотеза ҳақидаги фикрларни илгари суради. *Гипотеза*-бирор бир воқеа-ходисанинг илмий назария бўла олиши учун уни тажрибада синаб қўриш ва назарий жиҳатдан асослаб бериш учун бериладиган илмий таклифdir.

**Таққослама таҳлил усули.** Энг яхши натижаларга эришиш мақсадида хусусий ва умумий кўрсаткичларни таққослаш. Тадбиркор ўзи қилган харажатлар билан рақибларининг харажатларини солиштириши, муқобил вариантларни топиб таққослаб бориши керак. «Харажатлар-натижа» сингари машхур бўлган ёндашув ҳам таққослама таҳлил усулига асосланади.

**Эксперимент (тажриба) усули.** Бу усул табиий фанларда асосийлардан ҳисобланиб, иқтисодий воқеа-ходисаларни ўрганишда кенг кўлланилади. Ўрганилаётган воқеа-ходисага омиллар таъсирини, унинг ривожланиш қонуниятларини билишда қўлланилади. Балиқчилик соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисоби, ижара пудрати ва бошқаларда экспериментлар ўтказилади.

**Ҳисоб-конструктив усули.** Келажакда муаммони ҳал этишнинг илмий асосланган йўлларини аниқлаб беради. Ушбу усул балиқчилик тармоғини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилади.

**Иқтисодий-математик усули** ўз ичига математик статистика, ишлаб чиқариш функциялари ва иқтисодий-математик моделлаштирилишини олади ва ҳ.к.

### **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Республика балиқчилик соҳаси жаҳон иқтисодиётида қандай ўрин тутади?
2. Балиқчилик соҳаси мамлакат иқтисодиётида қандай ўрин тутади?
3. Балиқчилик соҳасининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
4. Балиқчилик соҳасида эркин бозор муносабатларини амалга оширишдаги хусусиятлар нимадан иборат?

5. Ҳукуматнинг балиқчилик соҳасини ривожлантиришига қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлари нималардан иборат?
6. Балиқчилик соҳасини ривожлантириши Концепцияси, деганда нимани тушунасиз?
7. Балиқчилик маҳсулотларининг импорт ва экспорт потенциали деганда нимани тушунасиз?
8. Балиқчилик соҳасида ривожланган давлатларнинг тажрибасини қўллаш имкониятлари нимадан иборат?
9. “Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
10. “Балиқчилик иқтисодиёти” фанининг қандай тадқиқот усуллари мавжуд?

## **II Боб.Балиқчилик соҳасининг жойлашиши, ихтисослашуви ва ривожланиши**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасини республика ҳудудларида мақсадга мувофиқ жойлаштириши, самарали ихтисослаштириши ҳамда кооперациялаштиришининг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини, жойлаштириши, ихтисослаштириши даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича назарий ва амалий билимларни ўрганишидан иборат.

**Таянч иборалар:** Жойлаштириши, ихтисослаштириши, кооперациялаштириши, меҳнат тақсимоти, агросаноатни интеграциялаштириши, горизонтал ва вертикал интеграция, ихтисослаштириши даражаси.

### **2.1. Балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти**

Мамлакатимизда балиқ етиштиришнинг ташкилий-технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ чавоқларини такрор кўпайтириш ва озуқа базасини яхшилаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Балиқ етиштириш динамикаси таҳлилига кўра, 2000 йилда 9870 тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 90984,3 тоннани ташкил этди ва 2000 йилга нисбатан балиқ етиштириш 9,2 баробарга ортганлигини кўришимиз мумкин. Балиқ етиштиришнинг интенсив технологияларини кенг татбиқ этиш орқали тармоқни тубдан ислоҳ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш З масаласи устувор вазифа қилиб белгиланган.

Худудларнинг табиий шароитларини ҳамда бозор талабларини эътиборга олган холда балиқчилик тармоқларини жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши зарур. Балиқчилик чорвачиликнинг мухим тармоғи ҳисобланади. Балиқчиликнинг чорвачиликдаги улуши ўртacha 0,2-0,5 фоизни ташкил этади. Бу тармоқ аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва саноатнинг кўп тармоқларини хом-ашё билан таъминлайди. Шунинг

учун ҳам хукуматимиз томонидан балиқчилик тараққиётига ҳар доим катта эътибор бериб келган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар доим жонли меҳнат билан ишлаб чиқариш воситалари моддий сарфлар бўлишини талаб қиласди. Бошқача қилиб айтганда, жонли меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг иштирокисиз маҳсулот етиширишни ўзи бўлмайди.

Маҳсулот етишириш учун хом-ашё, материаллар, чавоқ, омухта-ем, эҳтиёт қисмлар, энергия қуввати, меҳнат ва ҳоказолар сарфланади.

Жамиятнинг экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган балиқ маҳсулотларига бўлган талаби ўсиб бормоқда. Аммо бу борадаги талаб ҳозирги даврда тўлиқ қондирилгани йўқ. Муаммони ҳал этиш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий тадбирларни амалга ошириш, жумладан, балиқчиликда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш керак. Бу жараённи бир неча йўналишлар бўйича амалга ошириш мумкин. Масалан, республика худудларининг, хўжаликларининг йўналишларини этиборга олган ҳолда балиқчилик тармоқларини мақсадга мувофиқ жойлаштириб, уларнинг ихтисослаштириш жараёнларини ривожлантириш лозим.

Мамлакатимизда табиий ва сунъий ҳавзаларида балиқ овлашни кўпайтириш 2021 йилда, 2016 йилга нисбатан, ўсиш суръати 84544 т (211%), сунъий сув ҳавзаларини кенгайтириш товар балиқ учун 8420 га (133%), балиқ чавоқлари етишириш учун 2420 га (197%) кўпайиши таҳмин қилинмоқда. Шунингдек балиқ чавоқлари етишириш ҳажмини оширишда эса 101,8 млн дона (268%), сув ҳавзаларини балиқлантириш ишларини ташкил этишда 101,5 млн дона (268%), инкубация цехларини қуриш ва личинка ишлаб чиқаришни кўпайтириш 16 та (173%), қуввати эса 1280 млн д га (236%), балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ташкилотларини ташкил этиш ва қувватларини ошириш 16550 т (8,9м %) га кўп маҳсулот ишлаб чиқариш прогноз қилинган (2.1.1-жадвал).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики 2017 йилда республикамизда 1601 та шундан 296 та табиий ва 1305 та сунъий сув ҳавзаларида балиқчилик фермер

хўжаликлари фаолият кўрсатган. Улар ҳисобида жами 583,7 минг гектар сув ҳавзалари бўлиб, шундан 566,6 минг гектари табиий ва 17,1 минг гектари сунъий сув ҳавзаларидир. Мамлакатимиз бўйича ўтган 2016 йилда 25,9 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 7,6 минг тоннани ташкил этган.

Балиқчилик соҳасини жойлаштириш меҳнатнинг ижтимоий бўлиниши географик (худудий) бўлинишининг бир шакли бўлиб, у балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан юзага келади. Умумий кўринишда у ўзида балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини худудлар бўйича маълум принциплар асосида ва қатор омиллар таъсирида шаклланган табиат, ижтимоий, демографик, сиёсий шароитларга кўра тақсимланишини кўрсатади.

**Балиқчилик соҳасини жойлаштириш** – бу алоҳида тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мамлакатнинг республика, вилоят ва туманлар бўйича тақсимлаш бўлиб, жараён узоқ давом этувчи ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кўра ўзгарувчандир. Балиқчилик соҳасини энг тўлиқ жойлаштирилишини ушбу худудда маълум турдаги балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва балиқ маҳсулотининг ялпи ва товар маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги алоҳида худудларнинг ҳиссаси каби кўрсаткичлар билан изоҳланади.

- Худуд истеъмолчиларининг балиқ маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражасининг меҳнатни худудлараро ва халқаро бўлиниши билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Худудда алоҳида балиқ маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш, уларнинг ички ва ташки бозорларга етказиб берилишини таъминлаш лозим.

- Балиқчилик соҳаси ва саноат ривожланишининг оптимал мутаносиблиги. Қайта ишлаш корхоналарини арzon балиқ хом-ашё ишлаб чиқариладиган зоналарга жойлаштириш, уларни хом ашё зонаси билан таъминлаш. Шу билан бирга балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши

истеъмолчиларга яқинлашади ва йирик шаҳарлар, саноат марказлари яқинига жойлаштириш. Бу эса етказиб бериш харажатларини минималлаштириб маҳсулотлар йўқотишларини камайтиришга имкон беради.

## 2.1.1-жадвал

### 2017 — 2021 йилларда балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари<sup>9</sup>

Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Номланиши	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йилда, 2016 йилга нисбатан, ўсиш суръати %
Табиий ва сунъий ҳавзаларида балиқ овлашни кўпайтириш	тонна	Жами	75 897	105 113	115 117	130 327	145 133	160 441	211
		Табиий	27 097	44 745	48 500	54 000	60 000	65 000	240
		Сунъий	48 800	60 368	66 617	76 327	85 133	95 441	196
Сунъий сув ҳавзаларини кенгайтириш	гаектар	Жами	27 900	29 600	31 570	33 820	36 185	38 740	139
		товар балиқ учун	25 400	26 800	28 350	30 050	31 900	33 820	133
		балиқ чавоқлари етиштириш учун	2 500	2 800	3 220	3 770	4 285	4 920	197
Балиқ чавоқлари етиштириш ҳажмини ошириш	млн дона	Жами	60,5	111,1	121,4	134	144,2	162,3	268
Сув ҳавзаларини балиқлантириш ишларини ташкил этиш	млн дона	Жами	60,5	111,1	121,4	134	144,2	162	268
		Табиий	2,5	13,1	20,7	24,9	31,0	47	18,6 м
		Сунъий	58,0	98,0	100,7	109	113	116	200
Инкубация цехларини қуриш ва личинка ишлаб чиқаришни кўпайтириш	бирликда	Сони	22	27	30	34	36	38	173
	млн дона	Куввати	940	1 200	1 480	1 770	1 970	2 220	236
Балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ташкилотларини ташкил этиш ва қувватларини ошириш	бирликда	сони	7	21	38	57	78	101	14,4 м
	тонна	Куввати	2 100	5 000	8 100	11 400	14 900	18 650	8,9 м

<sup>9</sup> Манба lex.uz

- Транспорт харажатларини қисқартириш, йўл тармоқларининг ривожланиши, темир йўл масофаларининг, сув йўлларининг етарлича узунлиги балиқчилик соҳаси корхоналарини оқилона жойлаштириш имконини беради, ишлаб чиқариш таннархи паст бўлган туманлардан балиқ маҳсулотларни аҳоли зич жойлашган истеъмол жойларига етказиб бериш имкониятларини кенгайтиради.
- Мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашда балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб, унинг импортга боғлиқлиқдан чиқишига ёрдам беришини таъминлайди.
- Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мунтазам равишда ўсиши учун уни меҳнатлар сарфи камайишига эришиладиган ҳудудларда амалга ошириш керак.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштиришнинг асосий мезони** - меҳнат сарфини максимал даражада тежашдир.

Мамлакат ҳудуди бўйича балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини жойлаштирилишини баҳолаш учун бу жараён таъсирида юз берадиган асосий омилларни ажратиш керак.

#### **Балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг асосий омиллари:**

- ҳудуднинг табиий потенциали;
- сув билан таъминланганлик (ҳудуд аҳолиси жон бошига тўғри келадиган балиқ маҳсулотлари ва ажратилган балиқчилик соҳаси учун сув ҳавзаси майдонлари);
- балиқчилик соҳаси таркибий ўзгаришлари ва маҳсулот диверсификациясини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;
- балиқ маҳсулотларини сотиш бозорларига нисбатан хўжалигининг жойлашган ўрни;
- балиқ хом-ашёларини сақлаш ва транспорт воситалари билан таъминланганлик даражаси;

- аҳолининг табиий, тарихий малакаларини ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг иш билан таъминланганлиги;
- илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мукаммаллаштириш;
- ҳудудда балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.

Балиқчилик соҳасининг табиий потенциалларини баҳолашда қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: умумий қуёш радиацияси (ёруғлик билан таъминланганлик), намлаш шароити ёғингарчиликлар миқдори, сув ресурслари билан таъминланганлик, озуқа экинларига бўлиши, об-ҳаво шароитининг қайтарилиши эҳтимоли (қурғоқчилик, совуқ уриши, шамол ва сув эрозияси), жойлашиш шароитлари ва бошқалар.

**Корхонанинг жойлашиш ўрни-балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг муҳим омилларидан биридир.** Балиқ маҳсулотларини сақланиш ва транспортировка қилиниш хусусиятлари билан фарқланиши сабабли бу омилни етказиб бериш, транспорт йўллари, сақлаш жойлари, қайта ишлаш корхоналарининг жойлашуви каби омиллар билан бир вақтда кўриб чиқиш керак.

Темир йўллар, сув йўли, транспорт воситалари билан таъминланганлиги балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш, маҳсус корхоналарни чукурлаштириш, товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш муддатларини камайтириш ва шу билан юкларни ташиш бўйича харажатларни сезиларли қисқартириш имконини беради.

Балиқчилик соҳаси жойлаштиришда алоҳида эътибор ҳудудлардаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилиши лозим. Аҳолиси зич жойлашган зоналарда фонд ва энергия билан таъминланиш мавжуд даражада бўлганда ундай жойларга маҳсулот бирлигига сезиларли меҳнат сарфи талаб қилинадиган балиқчиликнинг интенсив жойлаштириш керак.

Балиқчилик соҳасини оқилона жойлаштириш ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг табиий-тарихий урф-одатларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Балиқчилик соҳасини жойлаштириш меҳнатнинг ижтимоий бўлиниши географик (худудий) бўлинишининг бир шакли бўлиб, у балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан юзага келади. Умумий кўринишида у ўзида балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини худудлар бўйича маълум принциплар асосида ва қатор омиллар таъсирида шаклланган табиат, ижтимоий, демографик, сиёсий шароитларга кўра тақсимланишини кўрсатади.

**Балиқчилик соҳасини жойлаштириш** – бу алоҳида тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мамлакатнинг республика, вилоят ва туманлар бўйича тақсимлаш бўлиб, жараён узоқ давом этувчи ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кўра ўзгарувчандир. Балиқчилик соҳасини энг тўлиқ жойлаштирилишини ушбу ҳудудда маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва у ёки бу турдаги ялпи ва товар маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги алоҳида ҳудудларнинг ҳиссаси каби кўрсаткичлар билан изоҳланади.

***Балиқчилик соҳасини жойлаштириши қўйидағи тамойилларга асосланади:***

- қишлоқхўжалиги маҳсулотлари бирлигига уни ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришдаги меҳнат ва маблағлар сарфини минималлаштириш. Ердан моддий меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ушбу ҳудудда бошқаларга нисбатан балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг энг кам таннархини таъминлаши керак. Бу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун Ўзбекистон Республикасидагисубъектлар, иқтисодий туманлари, табиий зоналарининг кўп йиллик маълумотлари бўйича жиддий таҳлиллар ўтказиш тақозо этади.
- бозор талабларини ҳисобга олиш. Ўта талабгир бўлган маҳсулотни бозорга жойлаштириш, ҳудудда юзага келган ишлаб чиқариш шартлари, паст рентабелли маҳсулот ишлаб чиқариш пайдо бўлмаслигини ҳисобга олган

ҳолда балиқчилик соҳасининг ихтисослашуви ва концентрациялашувига мос ҳолда амалга оширилиши керак<sup>10</sup>.

- худуд истеъмолчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражасининг меҳнатни ҳудудлараро ва халқаро бўлиниши билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Ҳудудда алоҳида тур маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш, уларнинг ички ва ташки бозорларга етказиб берилишини таъминлаш лозим.
- балиқчилик соҳаси ва саноат ривожланишининг оптималь мутаносиблиги. Қайта ишлаш корхоналарини арzon хом-ашё ишлаб чиқариладиган зоналарга жойлаштириш, уларни хом ашё зонаси билан таъминлаш. Шу билан бирга балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши истеъмолчиларга яқинлашади ва йирик шаҳарлар, саноат марказлари яқинига жойлаштириш. Бу эса етказиб бериш харажатларини минималлаштириб маҳсулотлар йўқотишларини камайтиришга имкон беради.
- транспорт харажатларини қисқартириш, йўл тармоқларининг ривожланиши, темир йўл масофаларининг, сув йўлларининг етарлича узунлиги балиқчилик соҳаси корхоналарини оқилона жойлаштириш имконини беради, ишлаб чиқариш таннархи паст бўлган туманлардан маҳсулотларни аҳоли зич жойлашган истеъмол жойларига етказиб бериш имкониятларини кенгайтиради.
- мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб, унинг импортга боғлиқликдан чиқишига ёрдам беришини таъминлайди.
- маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг мунтазам равишда ўсиши учун уни меҳнатлар сарфи камайишига эришиладиган ҳудудларда амалга ошириш керак. Шу мақсадда қатор йиллар динамикасида зоналар бўйича иқтисодий

---

<sup>10</sup>Киселёв С.В. и др. Сельская экономика. М., Инфра-М, 2008. – 110стр.

туманлар, ҳудудларнинг маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи ва моддий пул харажатлари таҳлил қилиниши керак.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштиришнинг асосий мезони** - меҳнат сарфини максимал даражада тежашдир.

Мамлакат ҳудуди бўйича балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини жойлаштирилишини баҳолаш учун бу жараён таъсирида юз берадиган асосий омилларни ажратиш керак.

**Ишлаб чиқариши жойлаштириш омили** деб, хўжалиги обьекти (корхона) ёки республика тармоғи, иқтисодий ҳудуд, шунингдекхудудий ишлаб чиқариш мажмуалари жойлашадиган кучлар йиғилган жойни ҳисобга олиш қабул қилинган.

#### **Балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг асосий омиллари:**

- ҳудуднинг табиий потенциали;
- ер билан таъминланганлик (ҳудуд аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ҳайдаладиган шудгор, озуқаерлари ажратилган ҳолда балиқчилик соҳаси ерининг майдони);
- балиқчилик соҳаси экинларининг таркибий ўзгаришлари ва маҳсулот диверсификациясини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;
- маҳсулот сотиш бозорларига нисбатан хўжалигининг жойлашган ўрни;
- хом-ашёларни сақлаш ва транспорт воситалари билан таъминланганлик даражаси;
- аҳолининг табиий, тарихий малакаларини ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг иш билан таъминланганлиги;
- илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мукаммаллаштириш;
- ҳудудда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.

Балиқчилик соҳасининг табиий потенциалларини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: тупроқ сифати, қуёш кунлари давомийлиги, фаол ҳарорат миқдори (иссиқлик билан таъминланганлик), умумий қуёш

радиацияси (ёруғлик билан таъминланганлик), намлаш шароити ёғингарчиликлар микдори, сув ресурслари билан таъминланганлик, об-ҳаво шароитининг қайтарилиши эҳтимоли (қурғоқчилик, совуқ уриши, шамол ва сув эрозияси), жойлашиш шароитлари ва бошқалар. Ушбу параметрларнинг балиқчилик соҳасида турли тармоқларга таъсир этиши бир хил эмас.

Балиқчилик соҳасини оқилона жойлаштириш ушбу худудда яшовчи аҳолининг табиий-тарихий урф-одатларидан фойдаланишни кўзда тутади.

## **2.2. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг шакл ва кўрсаткичлари**

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш асосий турдаги маҳсулотларни ва ҳажмини ошириш ва барча қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Балиқчилик соҳасининг ихтисослашуви меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши сифатида, алоҳида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг устуворлиги сифатида, баъзан эса тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдаги алоҳида босқичининг бажарилиши сифатида ифодаланади. Бу энг аввало, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган объектив динамик жараёндир.

**Балиқчилик соҳасини ихтисослаштириши катта иқтисодий аҳамиятга эга:** биринчидан, моддий ва молиявий ресурсларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга жамлаш (концентрациялаш) имконини беради; иккинчидан, илмий-техника тараққиёти, тармоқ ривожланишининг саноат йўлига ўтиши учун зарур шароит яратади; учинчидан, меҳнатни ташкил этиш шаклини мукаммаллаштиришга имкон беради; тўртинчидан, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига ёрдам беради.

**Балиқчилик соҳасини ихтисослаштириши айrim ҳусусиятларига боғлиқ:** такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодиёт ва биологик қонунларини кўшиб юбориш, ишлаб чиқаришнинг мавсумий ва худудий характери,

маҳсулотларнинг кўп турларининг қисқа муддатларда келиб тушиши, тез бузиладиган маҳсулотларнинг катта ҳажми, маҳсулотлар ва бошқа айрим нарсаларнинг бир текисда истеъмол этилиши. Бу хусусиятлар ихтисослашувнинг шаклларига суръати ва умуман бутун жараёнига кучли таъсир кўрсатади.

Ихтисослашувнинг чукурлашувига илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш асосида техникалар, технологияларни мукаммаллаштириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яхши йўл транспорт кабиларнинг мавжудлиги ёрдам беради. Корхоналар юқори даражада ихтисослашгандагина балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини комплекс ривожлантиришни амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни қайта ишлашнинг интенсив ва тежамкор технологияларини жорий этиш, меҳнатнинг ташкил қилишнинг илғор шаклларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ихтисослашишни кечиктирадиган омиллар – бу ердан, сувдан, техника ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, ўзини-ўзи таъминлашга интилиш, қўшимча маҳсулотлардан фойдаланиш, балиқчилик хўжалигининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш зарурати кабилардир.

Балиқчилик соҳаси корхоналарини ихтисослаштириш асосий ёки етакчи тармоқни ажратиш ва уларнинг устувор ривожланиши учун шароитлар яратиш ҳисобланади. Ихтисослашувнинг чукурлашуви қуйидагилар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- товар ишлаб чиқариш тармоқлари сонининг қисқариши;
- интенсивлаштириш асосида асосий тармоқда ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш;
- асосий тармоқ товарлилигини ошириш.

#### ***Балиқчилик соҳасида ихтисослашувнинг қўйидаги шакллари мавжуд:***

Зоналар бўйича, хўжалигилараро, хўжалиги ичидаги ва тармоқ ичидаги.


**Зоналар бўйича ихтисослашув**-бу меҳнатнинг географик бўлиниши. У балиқчилик соҳасининг ҳудудий жойлашувини акс эттиради. Балиқчилик

соҳаси ишлаб чиқариш натижаларининг табиий-иқлим ва сув шароитларига боғлиқлиги меҳнатнинг географик бўлиниши заруратини келтириб чиқаради. Йирик худудлар (иқтисодий туманлар, хўжалигилар, вилоятлар) табиий-иқлим шароитга мослашуви етарли бўлган балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашади (2.2.1-расм).

**Хўжаликлараро ихтисослашув-бу** балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчилар орасида меҳнатининг ижтимоий тақсимланишини акс эттиради. Бозор шароитида балиқчилик хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан фойдали балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашадилар.

## 2.2.1-расм

**2019 йилда худудлар қесимида овланган балиқлар (т)**



Худудлар ўртасида умумий овланган балиқлар ҳажмига нисбатан энг катта улуш Хоразм (14,0%) вилоятига тўғри келди. Шу билан бир қаторда, юқори улуш Навоий (11,3%), Андижон (10,9%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси (10,6%)да ҳам қайд этилди. Таҳлил қилинган даврда овланган балиқларнинг умумий ҳажмига нисбатан энг кам улуш Сурхондарё

(3,1%) ва Бухоро (3,9%) вилоятларида кузатилди. 2018йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Самарқанд (173,9%), Хоразм (170,1%), Сирдарё (134,3%), Фарғона (131,1%), Навоий (127,9%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси (123,6%)да қайд этилди.

**Хўжалик ичидаги ихтисослашув-** бу меҳнатнинг хўжалик ичидаги бўлимлар (бўлинмалар, цехлар, фермалар) орасида бўлиниши. Бўлимлар мавжуд ресурсларни ҳисобга олиб, битта ёки бир нечта турдаги балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Хўжалик ичидаги ихтисослашув балиқчилик соҳаси ялпи маҳсулотининг структураси бўйича белгиланади.

**Тармоқ ичида ихтисослашув**-турли корхоналарга жамланган бир босқичдаги якуний маҳсулот кейинги босқичдаги ишлаб чиқариш учун дастлабки бўладиган технологик циклларни алоҳида босқичларга бўлиб ташлашга асосланадиган ихтисослашув. Ихтисослашувнинг бу шакли кўпроқ балиқчиликда кенг тарқалган.

Иқтисодий аҳамиятига кўра, балиқчилик тармоқлари асосий, қўшимча ва ёрдамчи тармоқларга бўлинади.

**Балиқчилик соҳаси корхоналари тармоқларининг оқилона ихтисослашиши қўйидаги асосий принципларга асосланади:**

- минимал меҳнат ва маблағ сарфи билан максимал даромад олиш учун рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- табиий-иклим шароитини ҳисобга олиш;
- меҳнат, сув ресурслари ва техника воситаларидан самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини енгиллаштириш ва йил давомида пул маблағларининг мақбул ҳолда тушишини таъминлаш ва ҳ.

Ихтисослаштириш балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун балиқчилик ишлаб чиқаришининг ихтисослаштириш йўналиши уларда етиштирилган товар маҳсулотининг структурасига қараб аниқланади.

***Ихтисослаштириши даражасига кўра, балиқчилик хўжалигилари  
куйидаги гурухларга бўлинади:***

- 1) Тор ихтисосли балиқчилик хўжалиги;
- 2) Ихтисослашган балиқчилик хўжалиги;
- 3) Кўп ихтисосли (тармоқли) балиқчилик хўжалиги.

Биринчи гурухга қоидага асосан таркибида битта тармоғи бўлиб, унинг товар маҳсулот структурасидаги улуши 90-100 фоизни ташкил қилган хўжаликлар киради ( балиқ наслчилик хўжаликлари, иссиқхона, мева қўчати етиштириш ва шунга ўхшаш хўжаликлар).

- а) Таркибида битта асосий тармоқ бўлиб, унинг товар маҳсулотидан нисбати 50 % дан юқори бўлган хўжаликлар киради (балиқчилик хўжаликлари);
- б) Таркибида иккита асосий тармоқ бўлиб, уларнинг ҳар бири товар маҳсулотидаги нисбати 20 % дан кам бўлмай, биргаликда товар маҳсулотининг ярмидан кўпроқ қисмини ташкил қилган хўжаликлар киради (дон-пахтачилик, балиқ-чорвачилик, сабзавот-сутчилик, боғдорчилик-узумчилик ,чорва);
- в) Таркибида учта асосий тармоқ бўлиб, улар хўжалиги товар маҳсулотини тўртдан уч қисмини ташкил қилган ҳамда таркибида бир неча ёрдамчи тармоқлар бўлган хўжалигилар киради (дон-балиқа-чорвачилик, балиқ-картошка-чорвачилик ва хоказо).

Ихтисослаштиришнинг ривожланиши хўжаликларда балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқариши самарадорлиги ошишининг асосини ташкил этади.

Балиқчилик соҳасини ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тизим кўрсаткичлари орқали аниқланади:

- 1 гектар балиқчилик соҳасига яроқли ер ҳамда асосий ва айланма воситаларнинг ҳар бир сўми ҳисобига тўғри келган ялпи ва товар маҳсулот қиймати;

- бир центнер балиқ маҳсулоти етиштириш учун сарфланган меҳнат сарфи (одам-соат);
- бир центнер балиқ маҳсулоти таннархи, сўм;
- бир гектар балиқчилик соҳасига яроқли ер ҳисобига тўғри келган даромад миқдори, сўм.

Балиқ наслчилик хўжаликларининг ихтисослашув даражаси ( $Y_c$ )товар маҳсулотлари структурасидаги асосий тармоқнинг улуши билан аниқланади.

$$Y_c = \frac{C_{at}}{C_{tm}}$$

*Бу ерда:*  $C_{at}$  - асосий тармоқ товар маҳсулоти қиймати, сўм;  $C_{tm}$  – жами товар маҳсулоти қиймати, сўм.

Ихтисослашган асосий тармоқнинг барча товар маҳсулотдаги улуши 50% дан ортиқ бўлса, иккита асосий тармоғи бўлиб, улардан ҳар бири 25 % дан кам бўлмаган корхоналар киради. Уч ва ундан кўп тармоққа эга бўлган балиқчилик соҳаси корхоналари кўп тармоқли ёки ихтисослашмаган дейилади.

### 2.3. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришни концентрациялаш

*Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини концентрациялаш* ўзида ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш кучларининг йирик балиқчилик корхоналарга тўпланишини билдиради. Концентрацияни чуқурлаштириш-йирик ишлаб чиқаришнинг майдалари олдида устунлиги хақидаги амалдаги иқтисодий қонунга боғлиқ объектив жараёндир. Йирик балиқчилик соҳаси маҳсулдорлиги юқори, маҳсулот бирлигига камроқ хомашё сарфланади, унга меҳнат сарфи ва таннарх пастрок, ишлаб чиқариш эса рентабеллироқ. Аммо балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини йириклаштириш чексиз давом этмайди: ишлаб чиқариш кучларининг ҳар бир босқичдаги ривожланишида чегаралар мавжуд ва бунда концентрациянинг самарадорлиги кескин пасаяди.

*Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришини концентрациялаши қўйидаги бир неча йўл билан амалга оширилиши мумкин:*

- марказлаштириш асосида, яъни бир неча майда балиқчилик корхоналарини битта йиригига қўшиб юбориш;
- интенсивлаштириш йўли билан – сув хавзалари ўзгармаган ҳолда қўшимча қўйилмалар ҳисобига балиқчилик соҳаси маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг қўпайиши юз беради;
- балиқ наслчилик хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш ҳисобига - саноат технологиялари ва меҳнатни ташкил қилишнинг илфор усулларини қўллаш асосида маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш;
- ер, сув ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларини ижарага олиш асосида - кўпгина балиқ наслчилик хўжаликлари соҳаси сув хавзаларини ижарага олиш ҳисобига ўз хўжаликлари ўлчамини кенгайтирадилар;
- агросаноат интеграциясини ривожлантириш ҳисобига – балиқчилик корхона доирасида ишлаб чиқариши сақлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш, бинобарин, етиштирилган ҳамма маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради.
- концентрация даражаси ишлаб чиқариш ҳажми билан характерланади.

Балиқчилик корхоналар ва уларнинг ишлаб чиқариш ўлчамининг асосий кўрсаткичлари сифатида ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблаш лозим бўлади. Бу кўрсаткич балиқчилик корхонанинг ихтисослигига ва жойлашуви, ишлаб чиқаришининг жадаллиги ва бошқа ўзига хос хусусиятларига қарамай, ўлчами бўйича таққослашга имкон беради. Балиқчилик корхона ўлчамларини таққослаш учун ялпи маҳсулотни таққослама нархларда, бошқа ҳолатларда эса жорий нархларда ҳам аниқлаш мумкин.

Балиқ наслчилик хўжаликлари юқорида санаб ўтилган ўлчамлари кўрсаткичларидан қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин. Товар маҳсулотлар қиймати маълум даражада корхонанинг бутунича ўлчами

таснифи учун зарур, лекин ишлаб чиқариш бўлинмалари ўлчамларини аниқлашда бу кўрсаткичлардан фойдаланилмайди.

Балиқчилик хўжалиги ҳажмининг энг муҳим кўрсаткичи ишлаб чиқариладиган балиқ маҳсулот ҳажмига бевосита таъсир ўтказадиган балиқчилик соҳасида сув ресурлари ҳисобланади. Бу кўрсаткич асосида корхонанинг меҳнат ресурсларига, асосий ва айланма маблағларга, капитал қўйилмаларига талаби аниқланади, у шунингдек, балиқларнинг бош сонининг миқдори асосларида ҳам ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажмига асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати маълум даражада таъсир кўрсатади. Лекин асосий ишлаб чиқариш фондларини ҳар йили қайта баҳолашга тўғри келади. Бу асосий фондлар қийматининг ортишига, баъзан эса, ҳатто уларни натурал кўрсаткичларда қисқаришига ҳам олиб келади.

Ишчилар сони балиқчилик корхонанинг ҳажмини етарлича аниқ ифодалайди. Балиқчилик соҳасида кичик корхоналарга 10 нафаргача ишчиси бор корхоналар киради, саноатда-100, улгуржи савдода-50, чакана савдода-30 нафаргача ишчи бўлса, кичик корхона ҳисобланади.

Балиқчилик корхонасининг ҳажми маълум даражада балиқ бош сонининг миқдори билан ифодаланади. Балиқларнинг сони ва маҳсулдорлиги балиқчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини белгилайди. Балиқларнинг бош сони ҳисоби билан хўжаликнинг ишчи сонига, балиқчилик иншоотлари, балиқ озуқаларига талаби ҳисоблаб чиқилади.

Табиий-икклим шароити мамлакатнинг иқтисодий туманлардагина эмас, шунингдек, аниқ туман чегарасида ҳам кўринади. Шунинг учун турли иқтисодий туманларга жойлашган битта ишлаб чиқариш йўналишидаги балиқ хўжалиги ўлчами бўйича кескин фарқланади.

Балиқчилик соҳаси корхоналарининг ўлчамлари оқилона бўлишини асослашда омилларнинг ҳамма комплекси ҳисобга олиниши керак.

## **2.4. Балиқчилик соҳасида ихтисослашув ва концентрациялашнинг иқтисодий самарадорлиги**

Балиқчилик соҳасини ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг иқтисодий самарадорлиги тизим қўрсаткичлари орқали аниқланади:

- балиқчиликнинг маҳсулдорлиги, ц/га ёки т/га;
- балиқларнинг маҳсулдорлиги бир ой давомида, кг, грамм, х.к.;
- бир гектар балиқчилик соҳасида тўғри келадиган ялпи ва товар маҳсулоти қиймати, сўм;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1 сўмига тўғри келадиган ялпи ва товар маҳсулоти қиймати, сўм;
- бир бирлик маҳсулот етиштириш учун сарфланган меҳнат сарфи (одам-соат, одам-кун);
- балиқ маҳсулотларнинг турлари бўйича таннархи, сўм;
- балиқ маҳсулотлар сотишдан олинадиган даромадлар, сўм;
- бир гектар балиқчилик соҳасига тўғри келадиган даромад миқдори, сўм;
- балиқ маҳсулотларнинг рентабеллик даражаси, фоизда ва х.к.

Ихтисослаштириш ва концентрациялаш балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши самарадорлигига жиддий таъсир қўрсатади. Кўпгина олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ишлаб чиқаришда ихтисослашув ва концентрациялашни оптимал даражагача чуқурлаштириш иқтисодий самарадорликнинг ошишига ёрдам беради.

Ихтисослаштирилган ва йирик балиқчилик корхоналарида ишлаб чиқаришининг юқорироқ иқтисодий самарадорлигига жадал ва ресурсларни тежовчи ва инновацион технологияларни қўллаш, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш ва тўлашнинг илғор шаклларини қўллаш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан (ер, сув, техника, ишчи кучи ва бошқалар) оқилона фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳозирги даврда кенг ривожланди. Кўп турдаги балиқчилик соҳаси маҳсулотларини етиштириш бўйича ихтисослашган йирик балиқчилик фермер хўжалигилари яратилди.

Юзага келган шароитда кўплаб ихтисослаштирилган балиқчилик фермер хўжаликлари ялпи маҳсулотларининг балиқ-100%, балиқчилик фермер хўжаликлари хиссасига тўғри келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида фақат балиқчилик фермер хўжаликлари самарали фаолият кўрсатади.

Мамлакатимиздаги ва хориждаги йирик ҳамда ихтисослашган балиқчилик фермер хўжалигиларининг иш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришини ихтисослаштирумай ва концентрациялаштирумай туриб, балиқчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ягона технология асосида ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисосланган йирик агросаноат корхоналарида интеграцияланмаганларга нисбатан иқтисодий самарадорлик юқори. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга етиштирилган ҳамма балиқ маҳсулотлари, шу жумладан, тез бузиладиган ва транспортировкаси камларидан ҳам оқилона фойдаланиш имконини берувчи қайта ишловчи цех ва сақлаш омборларининг мавжудлиги сезиларли таъсир қиласи.

Шундай қилиб, агросаноат интеграцияси асосида ишлаб чиқаришини келгусида ихтисослаштириш ва концентрациялаш балиқ маҳсулот ишлаб чиқаришини сезиларли ошириш, таннархни пасайтириш, унинг сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга олиб келади.

## **2.5. Балиқчилик соҳасини кооперациялаштириш ва агросаноат мажмуасини интеграциялаштириш**

Кооперация ўзида ҳамкорликни ифодалайди ва кўплаб ташкилий ишлар орқали амалга оширилади.

**Балиқчилик соҳаси кооперацияси** – бу балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзларининг иқтисодий ва бошқа талабларини қондириш мақсадларида ташкил этилган балиқчилик соҳаси кооперативлари ва уларнинг ҳамкорлари тизими.

**Балиқчилик соҳаси кооперативи** – бу хўжалик юритишнинг ташкилий-хукуқий шаклларидан биридир. У ўзида балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан кооператив аъзоларининг моддий ва бошқа талабларини қондириш мақсадида пай бадалларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш ва бошқача хўжалик фаолият юритиши ташкилотларини билдиради.

“Балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчиси” тушунчаси кооперативни балиқчилик соҳаси мақомига нисбатан асос солувчи етакчисидир. У ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажмининг 50% дан ортигини балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ташкил этиши керак.

Балиқчилик кооперативлари қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва шаклланади (2.5.1-расм).

Бу тамойиллар жаҳон амалиётида кооперациянинг 150 йиллик тарихи давомида ишлаб чиқилган.



### **2.5.1- расм. Балиқчилик кооперативларини ташкил этиши ва шаклланиш тамоиллари**

Кооператив аъзолари асосий ва уюшма шаклига бўлинади.

**Кооперативнинг асосий аъзоси-кооператив устав** (низом)ида белгиланган ўлчамда ва кооперативга овоз бериш хуқуқи билан пай бадали киритган жисмоний ва юридик шахслар.

**Кооперативнинг уюшма шаклидаги аъзоси-дивиденд олиш учун пай бадаллари киритадиган, лекин қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари овоз бериш хуқуқига эга бўлмаган жисмоний ва юридик шахс.**

Кооперативнинг асосий аъзолари ёши бўйича ёки саломатлиги туфайли пенсияга чиқиши, кооперативдан ташқарида сайланадиган лавозимга ўтганда ҳарбий хизматда бўлиши ва бошқа кооператив низомида кўзда тутилган ҳолатларга кўра, ўз аъзоликларини уюшма асосига қайта расмийлаштириши мумкин. Пай бадалларининг учта тури мавжуд: кооперативнинг асосий

аъзолари учун мажбурий ва қўшимча ҳамда кооперациянинг уюшма аъзолари учун пай бадаллари. Мажбурий пай бадали кооператив аъзолар томонидан мажбурий тўланади.

Уюшма аъзоларнинг пай бадали ўлчами уюшма аъзо билан тузилган шартноманинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мос равища аниқланади.

Кооператив фаолиятида иштирок этгани учун унинг аъзолари даромадларнинг турли хилини оладилар: кооператив тўловлар, дивидендлар ва иш хақи.

*Кооператив тўловлар*-кооперативнинг асосий аъзолари орасида уларнинг кооперативдаги шахсий меҳнат қатнашуви ва унинг фаолиятида иштирокига кўра тақсимланадиган даромаднинг бир қисми.

*Дивидендлар*-асосий аъзоларнинг қўшимча пайлари ва кооперативнинг уюшма аъзолари пайлари бўйича тўланадиган кооператив даромадининг бир қисми.

Фаолиятларини амалга ошириш учун кооператив ишчилар кооперативнинг аъзоси бўлмаган ва маълум мутахассислик, касб ёки лавозимга меҳнат шартномаси (контракт) бўйича шахсларни ёллаш ҳукуқига эга. Истеъмолчилар кооперативлари ўз аъзолари орасидан ҳам ишчилар ёллаши мумкин.

Балиқчилик кооперативлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик шаклида тузилиши мумкин.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариш кооперативи-фермерлар** томонидан балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ҳамкорликдаги фаолият учун тузилган тижорат ташкилотидир. Шунингдек, у кооператив аъзоларининг шахсий меҳнат иштирокига асосланган, қонун билан ман этилмаган фаолиятларни бажариш учун ҳам тузилади.

Ишлаб чиқариш кооперативининг бошқа ўзига хос хусусияти-кооперативнинг асосий аъзоларини унинг фаолиятида шахсан меҳнатиштироқидир.

**Ишлаб чиқариш кооперативи**-тижорат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади даромад топишидир.

Ишлаб чиқариш кооператорларига балиқчилик корхоналари киради.

**Горизонтал интеграция** – ўзида битта тармоқ ичидаги корхоналарнинг ўзаро алоқасини акс эттиради. Умумий ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш учун корхонани кооперативлаштириш асосида у ривожланишга эришади. Балиқчиликга қўлланиладигани - бу балиқчилик корхоналарининг ҳаракатларини кооперация шаклида, маҳсулотларини алмаштириш ёки ишлаб чиқаришни оптимал концентрациялаш ва ихтисослаштириш асосида юқорироқ меҳнат унумдорлигига эришиш учун ишлаб чиқаришни ҳамкорликда ташкил этишидир.

Горизонтал интеграция бир қанча балиқчилик ташкилотларидагина ривожланади. Масалан, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг бир қисмини бирлаштириш йўли билан ихтиёрийлик асосида тузилган хўжалигилараро корхоналар ва ташкилотлардир.

**Горизонтал интеграция икки ўналишида амалга оширилади:**

- биринчиси, алоҳида бўлган, умумий ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос вазифани бажарувчи ихтисослашган балиқчилик корхоналари ўртасида амалга оширилади;
- иккинчиси, бир нечтабалиқчилик хўжалигиларнинг имконият ва маблағларини йирик ихтисослашган балиқчилик корхона ташкил этиш мақсадида бирлаштириш.

**Вертикал интеграция** – тармоқлараро алоқаларнинг ривожланишини ўзаро технологик жиҳатдан балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларни саноатда қайта ишлаб чиқарилишида алоқадор бўлган балиқчилик соҳаси ва саноат ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг ривожланишини ифодалайди. Агросаноат интеграцияси маҳсулот

сифатининг яхшиланиши, жорий харажатлар иқтисоди, маҳсулот сифатининг ошиши ва уни истеъмолчига етказиб бериш муддатининг қисқариши натижада аҳоли талабларининг тўлиқроқ қондирилиши билан изоҳланади.

***Интеграциянинг самараси қуйидаги иқтисодий қўрсаткичлари орқали аниқланади:***

- балиқ маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- балиқчиликда жорий харажатларнинг ўзгармаслиги;
- иқтисодий ялпи маҳсулотнинг қўпайиши;
- даромад ва рентабеллик даражаларининг ошиши ва ҳ.к.

Агросаноат интеграциялашуви қуйидагиларга имкон беради:

- балиқчиликда ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини ва инновацион технологияларни жорий этишнинг жадаллаштирилиши, бир хилдаги ва юқори сифатли маҳсулотларни оптимал равишда ишлаб чиқариш учун зарур устуворликлар яратиш;
- олинадиган балиқ хом-ашёлари ва қайта ишлаш қуввати орасида оқилона мутаносибликни таъминлаш;
- балиқ маҳсулотларининг бир технологик фазадан бошқасига ўтишини тезлаштириш;
- ишлаб чиқариш цикли ҳамма циклларининг ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш;
- қайта ишлашда олинган хом-ашё ва чиқиндилардан тўлиқроқ фойдаланиш;
- АСМда мавжуд ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидан самаралироқ фойдаланиш;
- бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш ва улар учун қилинадиган харажатларни камайтириш;
- нархни шакллантириш соҳасидаги монополистик структураларга қарши туриш;

- балиқ товар ишлаб чиқарувчиларда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий имконият яратиш;
- қишлоқнинг ижтимоий муаммоларини жадал суръатлар билан ҳал қилиш ва бошқалар.

### **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Қишлоқ ҳўжалигини жойлаштириши, ихтисослаштириши ва кооперациялаштиришининг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Балиқчилик соҳасини жаҳон ва республика ҳудудида мақсадга мувофиқ жойлаштириши, ихтисослаштиришамда кооперациялаштиришининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти нимадан иборат?
3. Балиқчилик соҳасини жойлаштириши ва ихтисослаштиришининг тамоиллари, омиллари ва турларини баён этинг.
4. Корхонанинг жойлашиши ўрни дегандо нимани тушунасиз?
5. Балиқчилик соҳасида ихтисослашувнинг қандай шакллари мавжуд?
6. Балиқчилик соҳасида иқтисодий аҳамиятига кўра қандай тармоқлар мавжуд?
7. Маҳсулотларни диверсификациялаш деганда нимани тушунасиз?
8. Горизонтал ҳамда вертикал интеграциялаштиришининг асосий мақсади нимадан иборат?
9. Хўжалигилараро кооперациялаш дегандо нимани тушунасиз?
10. Балиқчилик соҳасини жойлаштириши, ихтисослаштириши даражаси ва самарадорлиги қандай аниқланади?
11. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришини ихтисослаштириши ва концентрациялашнинг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
12. Балиқчилик соҳасини жойлаштириши, ихтисослаштириши ва кооперациялаштириши, истикболндаги ривожлантириши йўлларини баён этинг?

### **III Боб. Республика балиқчилик агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби ва вазифалари**

**Ўқув мақсади:** Ўзбекистон Республикасининг балиқчилик агросаноат мажмуасини барпо этишининг зарурлигини, мумкинлигини, унинг хуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини, мамлакат озиқ-овқат ва истеъмол мажмуаси ҳамда давлат озиқ-овқат хавфсизлиги ва истиқболда бозор талабларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириши масалаларини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Балиқчилик агросаноат мажмуаси, агросаноат таркиби ва бўғинлари, ишлаб чиқариши воситалари, ишлаб чиқарувчи тармоқлар, хизмат кўрсатувчи соҳа, маҳсулотларни қайта ишилаш, маҳсулот истеъмолчилари, озиқ-овқат хавфсизлиги, истеъмол мажмуаси.

#### **3.1. Балиқчилик агросаноат мажмуасининг зарурлиги, мақсад ва вазифалари ҳамда таркиби**

Балиқчилик агросаноат мажмуасининг шаклланиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларида ривожланишнинг чуқурлашуви, балиқчилик соҳаси ва саноат алоқаларининг кучайиши билан боғлиқ. Ушбу атама бизнинг мамлакатимизда XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди.

**Балиқчилик агросаноат мажмуи (БАСМ)-**балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишилаш, тақсимот, айирбошлиш ва истеъмоли бўйича иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Балиқчилик АСМ таркибига балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишилаш сақлаш, сотиш АСМ учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари киради.

**Балиқчилик АСМнинг асосий мақсади-** мамлакат аҳолисини сифатли балиқ маҳсулотлари ва истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради.

Ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг турли даврларида АСМ иқтисодиётнинг кўп тармоқларида бевосита ва билвосита иштирок этади.

АСМнинг асосий тармоғи бўлган балиқчилик хўжалигининг ижтимоий меҳнат тақсимотининг дастлабки даврларида дехқончилик ва чорвачилик тармоғидан иборат бўлган. Кейинчалик балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича алоҳида мустақил тармоқлар ажralиб чиқа бошлади. Булар: балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи, пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, қорамолчилик, қўйчилик ва бошқалар.

Балиқчилик АСМ 4 асосий соҳадан иборат, (3.1.2-расм).

*I соҳа* – балиқчилик АСМни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган саноат тармоқларини ўз ичига олади: балиқчилик соҳаси машинасозлиги, озиқ-овқат саноат машинасозлиги, кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналар ва техникалар таъмири, курилиш.

*II соҳа* – балиқчилик бўлиб, баличчилик АСМ нинг марказий бўғини ҳисобланади.

*III соҳа* – балиқ маҳсулотини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, шунингдек, якуний маҳсулот реализацияси билан шуғулланувчи тармоқлар ва балиқ наслчилик заводиларини ўз ичига олади. Ушбу соҳага озиқ-овқат саноати, (балиқт ва балиқ концерваси саноати), омихта ем саноати, тайёрлов ва савдо ташкилотлари киради.

*IV соҳа* – Балиқчилик АСМда инфратузилма муҳим ўринга эга. Инфратузилма тармоқлари АСМ нинг барча соҳаларига хизмат кўрсатади. Инфратузилма-такрор ишлаб чиқаришни амалга оширувчи иқтисодиёт тармоқларининг мажмуудир.

**Якуний маҳсулот-** ялпи маҳсулот (товарлар ва хизматлар) қийматидан ишлаб чиқариш сарфи чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмидир. Якуний маҳсулот деганда истеъмолга чиқиб кетадиган маҳсулотни тушуниш мумкин. Корхона даражасида унинг товар маҳсулотдан фарқи йўқ.

**Балиқчилик АСМда якуний маҳсулот** деганда мажмуанинг барча соҳаларида яратилган ва якуний истеъмол ҳамда экспортга чиқиб кетадиган маҳсулот тушунилади.


Балиқчилик АСМни жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, бу тўртта соҳанинг тенглик ва мутаносиблиқда фаолият юритишидир.

Соҳалар ўртасидаги номутаносибликлар ҳакида ҳар бир соҳанинг якуний маҳсулот қийматидаги улушидан билиб олиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда якуний маҳсулотнинг асосий қиймати III-соҳада яратилади. Бу соҳада балиқ хом-ашёсини чиқимсиз балиқ наслчилик заводида қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни сақлаш, қадоқлаш таъминланади.

Ушбу соҳа балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб, катта микдорда якуний маҳсулот олишга ёрдам беради. Инфратузилма тармоқлари ўзи мустақил маҳсулот ишлаб чиқармасада, лекин ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларига маълум даражада таъсир қиласди.

Ўзбекистон балиқчилик балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи худудий агросаноат мажмуи (республика ва вилоят) ва микромажмуаларга (“Ўзбексаноатбалиқ” балиқчилик ассоциациялар, балиқчилик агрофермалари, балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи ) бўлинади.

Балиқчиликни ривожлантириш нафақат мамлакатимиз балки бутун дунё миқёсида долзарб масала бўлиб бормоқда.



### 3.1.1- расм. Балиқчилик АСМнинг соҳалари ва бўғинлари

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини ташвишга солаётган биринчи ўринда турган истеъмол бозорида аҳолининг табиий озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарининг эса табиий қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги бир нечта вазифаларни ҳал этишни кўзда тутмоқда. Жумладан балиқчилик бўйича:

- балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришни тубдан қайта ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- балиқчилик хўжаликлари маҳаллий иқлим шароитига мос балиқ турларини яратиш;
- хўжаликлар бошқарув самарадорлигини ошириш йўлларини излаб топиш;
- аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда кичик қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ва булар орқали балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш;
- қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарни янгитдан ташкил этиш.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш балиқ маҳсулотига бўлган талабини янада ортиши балиқчилик хўжалиги соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ соҳада катта ишлар амалга оширилди ва бу ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш даврида ҳам давом этмоқда. Фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий асослар яратилганининг ўзи ҳам балиқчилик хўжаликларида даромадни ошириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кун талаби бўйича фақат маҳсулот етиштириш билан юқори даромад олиб бўлмаслиги қайта ишлаш, сақлаш даромадни янада кўпайтириш имконини бериши хеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз йилдан йилга бу жараённи ҳам ривожлантирилаётганлиги хўжалик иқтисодиётини яхшилаш, даромадини ошириб бориш имконини бермоқда (3.1.1-жадвал) .

### 3.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2017-2019 йиллар давомида балиқ маҳсулотларини қайта ишланган ва музлатилган балиқлар ҳажми.**

Худудлар	2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилган (тонна)	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилган (тонна)	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилан (тонна)
Қоралқалпоғистон Республикаси	700	200	800	300	900	350
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	-	360	1200	600	1250	800
Бухоро	-	90	200	500	400	600
Жиззах	50	100	400	400	350	350
Қашқадарё	-	350	150	250	450	350
Навоий	-	20	1000	300	1500	500
Наманган	-	20	100	100	100	100
Самарқанд	-	-	125	100	175	120
Сурхондарё	-	-	75	80	125	120
Сирдарё	-	-	1300	700	1450	800
Тошкент	1110	1120	300	200	-	-
Фарғона	-	-	500	500	600	500
Хоразм	-	100	-	-	575	550
<b>Жами</b>	<b>1860</b>	<b>2360</b>	<b>6150</b>	<b>4030</b>	<b>7875</b>	<b>5140</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш йилдан йилга ошиб бораётгани, вилоятлар кесимида бу кўрсатгич яхшиланиб бориши юқори натижалар самараси ҳисобланади. 2019 йилда 7875 тонна балиқ маҳсулотлари қайта ишланган бўлса 2017 йилга нисбатан 6013 тонна ёки 423% маҳсулот сақлангани кўзатилди.

Музлатилган балиқ маҳсулотлари 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 2780 тонна 217% балиқ маҳсулотлари музлатилган. Бунда маҳсулотларни сақлаш хўжалик фаолияти учун ижобий натижага қайд этишини кўриш мумкин тайёр маҳсулотдан кўра қайта ишланган маҳсулотлар иқтисодий қўрсатгичарни сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш йўли билан бир вақтни ўзида озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш уни йўлга қўйиш ҳам асосий масала ҳисобланди (3.1.2-жадвал).

### 3.1.2-жадвал

**Республика бўйича вилоятлар кесимида балиқ омухта еми ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ва ишлаб чиқариш хажмлари бўйича  
2017 -2019 йиллар тахлилий маълумоти.**

<b>Худудлар</b>	2017 йилда мавжуд ем корхоналар		2018 йилда мавжуд ем корхоналар		2019 йил охиригача янгидан ташкил этиладиган ем корхоналар	
	<i>сони</i>	<i>куввати (минг тн.)</i>	<i>сони</i>	<i>куввати (минг тн.)</i>	<i>сони</i>	<i>куввати (минг тн.)</i>
Қоралқалпогистон Республикаси	4	22,5	1	2,5	5	29,0
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2	3,0	4	22,0	3	5,5
Бухоро	1	5,0	1	7,0	2	7,0
Жиззах	-	-	-	-	2	11,0
Қашқадарё	1	10,0	1	2,0	3	23,8
Навоий	1	1,5	1	7,0	2	8,5
Наманган	1	7,0	3	7,0	7	48,3
Самарқанд	4	45,0	-	-	4	45,0
Сурхондарё	2	15,0	2	5,5	6	19,8
Сирдарё	1	10,0	1	2,5	1	35,0
Тошкент	4	45,0	1	7,0	5	55,0
Фарғона	2	15,0	-	-	10	30,3
Хоразм	2	46,0	-	-	7	52,0
<b>Жами</b>	<b>25</b>	<b>225,0</b>	<b>15</b>	<b>62,5</b>	<b>57</b>	<b>370,2</b>

Бугунги кунда мамлакатимизда омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 97 тани ташкил этиб умумий 657, 7 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу кўрсатгич мавжуд балиқчилик хўжаликларини етарли даражада таъминлай олмаслиги четдан қиммат нарҳда озуқа сотиб олишга мажбур бўлаётганлиги соҳани янада ривожлантиришни таққазо этади.

Шу ўринда балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, соҳани тубдан модернизация қилиш учун балиқчилик кластерларини ташкил этиш ҳар бир вилоят ҳудудида йирик балиқчилик кластерлари бўлиши юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал бўлишига имкон беради.

### **3.2. Балиқчилик агросаноат мажмуаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари даражаси**

Республика балиқчилик агросаноат мажмуаси таркибидаги балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзаро боғланиши, яъни интеграциялашуви натижасида меҳнат тақсимоти амалга оширилмоқда. Бу ҳол балиқчилик агросаноат мажмуаси ихтиёридаги барча ресурслардан, шу жумладан чекланганларидан ҳам самарали фойдаланилишни таъминлашга, техника ва инновацион технологияларни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш ҳамда механизациялаштиришга, автоматлаштиришга, электрлаштиришга, компьютерлаштиришга ҳамда тармоқларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган. Уларнинг талаб даражасида амалга оширилиши натижасида харидоргир, рақобатбардош озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Улар истеъмолчиларга сифатли ва қулай усувлар билан етказиб берилиши натижасида аҳолининг балиқ маҳсулотлар билан таъминланиши даражаси ортиб, мажмуа таркибидаги тармоқларнинг фойдалари кўпаяди. Натижада балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи ва балиқчилик агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлиги юксалади (3.2.1-жадвал).

### 3.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол кўрсаткичлари<sup>11</sup>.**

№	Номланиши	Тиббий меъёрлар кг/йил	Йиллар					2018 й. 2014й.га нис. (%)
			2014	2015	2016	2017	2018	
<b>1</b>	Картошка	54,68	56,4	56,4	56,4	55,2	56,4	100,0
<b>2</b>	Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	134,18	277,2	276,0	277,2	277,2	278,4	100,4
<b>3</b>	Мева ва резаворлар	90,67	145,2	145,2	148,8	145,2	150,0	103,3
<b>4</b>	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	45,59	43,2	44,4	44,4	43,2	43,2	100,0
<b>5</b>	<b>Балиқ ва балиқ маҳсулотлари</b>	<b>13,37</b>	<b>3,6</b>	<b>4,8</b>	<b>6,0</b>	<b>4,8</b>	<b>4,8</b>	<b>133,3</b>
<b>6</b>	Сут ва сут маҳсулотлари	156,36	279,6	278,4	279,6	270,0	272,4	97,4
<b>7</b>	Ўсимлик ёғи	32,91	22,8	24,0	24,0	24,0	24,0	105,3
<b>8</b>	Тухум, дона	295,85	211,2	211,2	214,0	215,0	217,2	102,8
<b>9</b>	Шакар, қандолат маҳсулотларини қўшган ҳолда	19,39	30,0	32,4	32,4	31,2	32,4	108,0

**Хоразм вилояти**— “Эшон Ровот балиқ” ФХда XXРнинг Zhoushn Golden Wing Machineryco LTD компаниясидан консервани қадоқлаш ва балиқдан консерва тайёрлаш линияси, балиқдан сосиска тайёрлаш технологияси ҳамда Guangzhou Fotunaexportan dimporttra dingco LTD компаниясидан балиқ учун омухта ем ишлаб чиқариш линияси харид қилинган бўлиб ишга туширилган. Лойиха қиймати: **1 461 минг доллар**. Хорижий давлатлардан 7 та вилоятга 2 млн. 332 минг балиқ личинкалари ва 258 дона она балиқлар олиб келинган. **Фарғона вилояти**— Марғилон туманида Эрон ислом республикаси мутахассислари томонидан “Bars International Group” МЧЖда ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ)да **500 тонна** балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Франция давлатидан **1 млн дона** увидириқлари олиб келинган. Шу жумладан хорижий инвестиция

<sup>11</sup> Юнусов И.О. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари , иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (phd), Тошкент, ТИҚҲМИИ, 2019, 426.

қиймати **800** минг долларга тенг. **Хоразм вилояти**—“Эшон Ровот балиқ” ФХда Вьетнам давлатидан **62 минг** дона (Вьетнам соми, карпи, окуни) балиқ личинкалари ва 8 дона она балиқ олиб келинган ҳамда 3 нафар Вьетнамлик мутахассислари томонидан балиқ парваришиланмоқда. Шунингдек, Вьетнам давлатининг “Нгуен Ван Чи” корхонаси ва “XORAZM BALIQ SANOAT AGRO” агрофирмаси таъсисчилигида устав жамғармаси **3,0 млн. АҚШдоллари** бўлган (50/50 фоиз улушида) МЧЖ шаклидаги “Khorrot-Viet” қўшма корхонаси ташкил қилинган. Хорижий инвестиция қиймати **1,5 млн. АҚШдоллари**.

Балиқчилик агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлик даражасини қатор кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

**Жумладан, республика балиқчилик агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулоти**, бу мажмуа таркибидаги тармоқлар корхоналари бир йил мобайнида ишлаб чиқарган тайёрбалиқ маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлар миқдоридан ташкил топади. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ҳар бир тармоқ бўйича абсолют, яъни натурал кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади (тонна, дона, банка, литр, шиша идишда, тонна.км, эт.гектар). Бу кўрсаткичлар ёрдамида балиқчилик агросаноат мажмуасидаги тармоқлар ялпи маҳсулотининг миқдори алоҳида-алоҳида аниқланиб, аввалги йиллардаги рақамлар билан таққосланиб, тармоқларнинг қандай ҳолатдалиги аниқланади.

**Ялпи маҳсулот қиймати** балиқчилик мажмуа таркибидаги балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи корхоналари бир йилда ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларнинг, кўрсатган хизматларнинг бозор баҳоларидаги қийматидан иборат. Балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи корхоналарида ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотларининг маълум бир қисмидан корхона ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун фойдаланилади, маълум миқдордагиси эса шу йилнинг ўзида сотилмай қолади.

Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда балиқ маҳсулотларининг бир неча марта ҳисобга олинишини бартараф этиш мақсадида балиқчилик агросаноат мажмуасининг барча тармоқларида яратилган қўшилган қиймат суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, қўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом-ашё ва материаллар қиймати (амортизация суммасидан ташқари) чиқариб ташланганидан сўнг қолган қисмининг бозор баҳоларидаги қийматидир.

**Балиқчилик агросаноат мажмуасининг тармоқлари бўйича мамлакат экспортидаги, яъни валюта тушумидаги салоҳияти ёки улуши.** Уни билиш учун балиқчилик агросаноат мажмуаси тармоқларидаги корхоналарнинг экспорт қилган балиқ маҳсулотларига, хизматларига олинган валюта шаклидаги ҳақ тушумларининг бир йиллик йифиндисини аниқлаш зарур. Уни ягона валюта бирлигига кўрсатиш учун АҚШ долларида давлат курсига биноан аниқлаш лозим, келажакда ўз мавқесини ошириб бораётган пул бирлигига ҳам ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Балиқчилик агросаноат мажмуаси барча валюта тушумининг республика жами валюта тушумига нисбати билан балиқчилик мажмуанинг салмоғини аниқлаш мумкин.

**Аҳолининг балиқ маҳсулотлари ва ҳалқ истеъмоли товарлари билан таъминланганлик даражаси.** Бу кўрсаткичнинг мутлақ даражасини аниқлаш учун балиқчилик агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилган балиқ маҳсулотлари (турлари бўйича) миқдорини республика аҳолисининг умумий сонига тақсимлаш лозим. Шунда жон бошига тўғри келадиган балиқ маҳсулоти миқдори аниқланади.

Агарда унинг миқдори йил сайин ортиб, тиббиёт меъёрларига яқинлашса, бу аҳолининг яшаш шароити юксалаётганлигидан ва ҳалқнинг фаровон ҳаёт кечириши таъминланаётганидан далолатдир.

**Балиқчилик агросаноат мажмуаси, тармоқлари ва корхоналарда фойдаланилаётган, сарфланаётган ишлаб чиқариш фондларининг,**

**қилинаётган харажатларнинг самарадорлиги.** Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун балиқчилик агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулотини миллий маҳсулотини ҳамда соф фойда суммасини ишлаб чиқариш фондларига, харажатлар суммасига тақсимлаш зарур. Шунда 1 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари, харажатлари эвазига олинган ялпи маҳсулот, миллий маҳсулот ҳамда соф фойда суммаси аниқланади. Агарда бу кўрсаткичларнинг мутлақ (абсолют) миқдори ошиб борса, у ҳолда бу фондларнинг, харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради.

**Балиқчилик агросаноат мажмуаси тармоқларининг, корхоналарининг рентабеллик даражаси.** Уни аниқлаш учун тармоқларнинг, корхоналарнинг соф фойдасини жами харажатлар суммасига тақсимлаб, натижани 100 га кўпайтириш лозим. Чунки бу кўрсаткич фоизда аниқланади. Шу билан биргаликда балиқчилик агросаноат мажмуасининг ижтимоий самарадорлигини аниқлашда бир қанча қўшимча кўрсаткичлардан, жумладан, тармоқлар бўйича бир кишининг ўртача ойлиги, кадрларнинг малакаси, аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг энг муҳи вазифаларидан бири аҳолининг балиқ маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган талабини қондиришdir. Чунончи, аҳоли балиқ ва озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиши натижасида уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос яратилади. Бу муаммони балиқчилик агросаноат мажмуаси ҳал этади. Балиқчилик агросаноат мажмуасида барча тармоқлар ўзаро уйғунлашиши (интеграциялашуви) ҳамда ихтисослашиши натижасида аҳолининг икки хил эҳтиёжини қондирадиган балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши зарур.

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳозирги замон талаби даражасида ҳал этиш учун:

- балиқчилик агросаноат мажмуаси таркибидағи саноат тармоқларининг ва балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни арzonроқ, сифатли,

рақобатбардош, унумдор ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашлари;

- балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда талабни қондирадиган миқдорда сифатли ва рақобатбардош балиқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари;
- балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи тармоқларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга турли хилдаги хизматларни вақтида, сифатли ва арzon нархларда амалга ошириш, жумладан, сув билан, техникалар, кимёвий воситалар, ўғитлар, озуқа-ем, ёқилғи, ёнилғилар билан таъминлаш, техникаларни таъмирлаш ва хизматлар кўрсатиш;
- балиқчилик соҳасида етиширилган балиқ маҳсулотларини нобуд этмасдан, вақтида сифатли тайёрлаб, қайта ишлаб, тайёр ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш лозим;
- республика балиқчилик агросаноат мажмуаси таркибидаги балиқчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик хўжаликлари, балиқ наслчилик заводи тармоқлари ўртасидаги барча ўзаро муносабатларни (баҳолар, солиқлар, тўловлар) такомиллаштиришга ва уларни эркинлаштиришга қаратилган тадбирларни ҳамма бўғинларда ишлаб чиқиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга эришиш керак.

Бу тадбирлар туфайли аҳолининг балиқ ва озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланишига эришилади. Бу ҳол давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланганлигидан далолат беради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг балиқчилик агросаноат мажмуасини барпо этишининг зарурлиги ва мумкинлигини баён этинг?

2. Республика балиқчилик агросаноат мажмуасининг мақсади, вазифалари ҳамда таркиби ва бўғинлари нималардан иборат?
3. Балиқчилик агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларнинг мақсади ва вазифаларига нималар киради?
4. Балиқчилик республика агросаноат мажмуасининг ҳолати, ўзгариши ва муаммолари нималардан иборат?
5. Балиқчилик агросаноат мажмуасига кирувчи микромажмуаларга нималар киради?
6. Балиқчилик агросаноат корхоналарида қандай хўжалиги шартномалардан фойдаланилади?
7. Балиқчилик агросаноат мажмуасига оид чет эл тажрибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятларини баён этинг?.
8. Балиқчилик республика агросаноат мажмуасининг мамлакат озиқ-овқат ва истеъмол мажмуаси билан боғлиқлиги нималардан иборат?
9. Балиқчилик агросаноат мажмуаси ижтимоий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичларини баён этинг?.
10. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда балиқчилик соҳасининг ўрни нимани англатади?
11. Мамлакат балиқчилик агросаноат мажмуасини истиқболда бозор талабларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириши йўлларини баён этинг?.

#### **IV Боб. Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳасида давлат сиёсати ва амалга оширилаётган аграр-иктисодий ислоҳотлар**

**Ўқув мақсади:** Эркин бозор иқтисодиёти, унинг мазмун-моҳиятини, давлатнинг аграр сиёсат йўналишларини, балиқчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотлар тизимини ва унинг ҳуқуқий асосларини, таркибий ўзгаришларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш ҳамда тақомиллаштириш масалаларини ўрганишидан иборат.

**Таянч иборалар:** Эркин бозор иқтисодиёти, балиқчилик соҳаси, аграр сиёсат, аграр-иктисодий ислоҳотлар, ер, мулк, баҳо, солиқ, молия ва кредит ислоҳотлари, мулкдорлар синфи.

##### **4.1. Эркин бозор иқтисодиёти, унинг мазмун ва моҳияти**

Балиқчилик соҳаси республикамиз иқтисодиётининг тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизда 2018 йилда 581 минг гектар сув ҳавзаларидан балиқ етиштиришда фойдаланиб келинмоқда. Уларда жами 3600 та балиқчилик хўжаликлари мавжуд. 2019 йилда 4000 га яқин балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. 2018 йилда 94,4 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2019 йилнинг оҳирига келиб бу кўрсатгич 201,5 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Балиқчиликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, балиқчилик хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.

Балиқчилик хўжалигининг фаолиятига баҳо бериш бир қатор мезонларга асосан олиб борилиши лозим. Бозор шароитида балиқчилик хўжалигининг фаолиятни баҳолаш мезони бу уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва молиявий натижалари, ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси бўлиши лозим .

Балиқчилик хўжаликларининг республикадаги ўрни алоҳида кўзга ташланиб туриши билан бир қаторда аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб келмоқда. Хўжаликларнинг бошқарув фаолияти хўжалик раҳбарлари томонидан амалга оширилиб хўжаликлар давлат

томонидан ташкил этилган уюшма билан узвий алоқа қилган ҳолда иш фаолиятини олиб боради.

Шу ўринда мамлакатимизда Ўзбалиқсаноат уюшмасининг ташкил этилиши хўжаликлар фаолиятини тубдан ўзгартириш маҳсулот сифати ва ҳажмини янада ошириш имконини яратди.

Ўзбалиқсаноат уюшмасининг асосий вазифаларини кўриб чиқадин бўлсак, балиқ хўжаликларини ташкил этиш, бошқариш, сотиш, озуқа базасини шакллантириш ва ишлаб чиқариш, хориж тажрибасини тадбиқ этиш, имтиёз ва енгилликлар бериш ва бошқа турдаги масалаларни ўз вазифаси қилиб белгилаб шу йўналиш орқали фаолият юритиб келмоқда .

Балиқчилик соҳасида мулкий муносабатларни ривожлантириш масалалари атрофлича таҳлил этилган бўлса-да, лекин бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодиётни эркинлаштириш даврида мулкий муносабатларни тизимли ўрганиш, шаклланаётган янги мулк ва хўжалик юритиши шаклларининг моҳияти ва мазмуни, уларнинг хўжалиги механизмини самарали бошқариш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида мулкий муносабатларнинг иқтисодий мазмуни ва унинг жамият иқтисодий тизимида мулкларни ким ошди савдоларига қўйиш каби шакл ва усуллар кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш борасида МДҲамлакатлари иқтисодиётининг барчаси учун қуйидаги умумий қонуниятлар хосдир:

- ишлаб чиқариш воситаларига давлат монополияси ўрнига турли мулк ва хўжалиги юритиши шаклларини вужудга келтириш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш;
- ҳар бир мамлакат олдида турган бозор иқтисодиёти учун хос бўлганвазифалар ва ижтимоий сиёsatдан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодиётдатузилмавий ўзгаришлар қилиш;

- илфор техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш орқалитадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- мақроиқтисодий барқарорликка эришиш;
- бозор иқтисодиёти талабларига мос тарзда молия-кредит ва бюджеттизимини ислоҳ этиш;
- миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш ва унинг эркинконвертацияланишини таъминлаш.

Юқоридаги қонуниятлар ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган жиҳатлари мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Мазкур хусусиятлар айнан ислоҳот моделларида ўз ифодасини топади. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодиётни ислоҳқилишнинг уч модели хосдир. Қирғизистон Республикасида иқтисодиётни ислоҳ этишнинг радикал (шок-фалаж), Қозогистон Республикасида мўътадил-радикал модели қўлланилаётган бўлса, Ўзбекистонда эса иқтисодиётни ислоҳ этишнинг “ўзбек модели” дан фойдаланилган ҳолда, ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда жаҳоннинг илфор тажрибаси ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари амалиёти умумлаштирилиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва тарихий ривожланиш хусусиятлари соҳасида тубдан ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги ўз модели ишлаб чиқилди. У ҳақли равишда иқтисодиётни ислоҳ этишнинг “ўзбек модели” номини олди. Бу модел учун бозорга босқичма-босқич ўтиш хосдир.

Иқтисодиётни ислоҳ этишда “ўзбек модели”нинг бошқа муҳим хусусиятлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- хусусийлаштиришнинг тўловли тавсифга эга эканлиги;
- хусусийлаштиришдан тушган маблағлар эса тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш учун

сарфланади;

- хусусийлаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;
- хусусийлаштириш жараёнларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.

Ўзбекистонда нодавлат мулк шаклларини ривожлантириш қуидаги икки йўл орқали амалга оширилмоқда:

- 1.Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.
- 2.Хукукий ва жисмоний шахслар билан нодавлат корхоналари ташкилэтиш.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида биринчи йўлга асосий эътибор қаратилмоқда. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг муҳим жиҳати уни амалга оширишнинг босқичмабосқичлигидадир (4.1.1 жадвал).

#### 4.1.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикада етиштирилган балиқлар ҳажми(барча тоифадаги хўжаликлар бўйича)

№	Хўжалик ва корхоналар	Йиллар						2014 й.га нис., ўзгар (% ёки марта)
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	<b>Фермер хўжаликлари</b>	13682,4	18242,5	25190,8	33264,3	35665,8	48184,0	+3,5
2.	<b>Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</b>	8877,3	10975,1	9313,0	8895,7	9578,7	9863,0	+1,1
3.	<b>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</b>	23831,3	30633,9	30818,3	41740,4	45739,8	57387,0	+2,4
<b>Республика бўйича жами</b>		46391	59851,5	65322,1	83900,4	90984,3	115434	+2,5

Балиқ овлаш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилиш жараёнида, овланган балиқлар ҳажмининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келиши кузатилди, 57,3 минг тонна ёки умумий овланган ҳажмидан 49,8 %. 2019 йил

натижалари бўйича балиқ овлашнинг кам ҳажмлари дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида кузатилди, 9,8 минг тонна ёки умумий овланган ҳажмидан 8,5 %. 2018 йилга нисбатан, фермер хўжаликларида 34,8 %, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 25,3 % ва дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 1,9 % ўсиш кузатилди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида балиқчилик соҳасининг улуши аста-секин ошиб бормокда.

Тараққий этган мамлакатлар ва МДҲ нинг баъзи давлатлари учун ЯИМ да балиқчилик соҳаси улуши паст кўрсаткичга эгадир. Масалан, 2010 йилда жаҳон ЯИМ да балиқчилик соҳасининг улуши 4,0 % ни, АҚШ эса 1,0 % ни, Францияда 2 %, Японияда 1 % ни, Туркияда 12 % ни ва Россияда 6,5 ни ташкил этди. ЯИМ да балиқчилик соҳаси улушкининг юқорилиги мазкур соҳада ишлаб чиқариш кучларининг нисбатан паст ривожланганлигини акс эттиради. Бундан соҳада меҳнат унумдорлиги паст ва бандлик даражаси нисбатан юқори, деган хуносага келиш мумкин. Масалан, АҚШ ЯИМ ида балиқчилик соҳаси улушкига нисбатан Россия ЯИМ ида балиқчилик соҳасининг унумдорлиги АҚШ да Россияга нисбатан 8 марта юқоридир.

Аграр муносабатлар жамият иқтисодий муносабатлар тизимишинг ажralmas ва муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур муносабатлар балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш борасида хуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Балиқчилик соҳасида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерга бўлган мулкчилик муносабатлари аграр муносабатларнинг ядроси ҳисобланади.

**Аграр муносабатлар** –бу балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ашлаш, сотиш ва балиқчилик соҳаси воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман субъектлар ўртасидаги муносабатларидир.

Аграр муносабатлар –бу балиқчилик соҳаси субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кенг доирасидир. Айниқса, меҳнатда банд

аҳолининг сезиларли даражада бир қисми балиқчилик соҳасида банд бўлган мамлакатлар учун аграр муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

#### **4.2. Балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тизими**

Аграр сектордаги асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ва сув аҳолининг асосий ҳаёт кечириш фаолиятининг негизи ҳисобланади. Мамлакатимизда аграр-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида балиқчилиқда турлича мулк шакллари, иқтисодий субъектларнинг турли туманлиги билан тавсифланувчи турли хил хўжалик юритиш шакллари қарор топди. Булар мулкнинг ҳиссадорлик, ишлаб чиқариш кооперативлари шаклида намоён бўлувчи МЧЖ, ёлланма ва ўз меҳнатидан фойдаланувчи хусусий мулк шаклларидир. Айни пайтда балиқчилик соҳадаги ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, янгича хўжалиги юритиш шакллари пайдо бўлди. Бугунги кунда балиқчилик соҳасида мулкдорларнинг мутлақо янги синфи – МЧЖ, Хусусий корхоналар ва фермерлар майдонга чиқди ва уларнинг балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда (4.2.1 расм).


Масалан.Россия балиқчилик соҳасининг асосий йўналиши аграр ислоҳот бўлиб, ер ва сув муносабатлари ислоҳоти ҳисобланади. Ушбу ислоҳотнинг асосий вазифаси ерни қайта тақсимлаш турли мулкчилик шаклларига асосланган бўлиб, ердан ва сувдан самарали фойдаланишdir.<sup>12</sup>

Балиқчилик соҳасида ер ва сву ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан мамлакатда юзага келган ер ва сув муносабатлари орқали белгиланади. Улар ўз навбатида ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш масаласида қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар ва давлат ҳокимияти органларининг барча даражаларидағи ижтимоий муносабатларда намоён бўлади.

---

<sup>12</sup>Минаков И.А. и др. Экономика сельского хозяйства. М., “Колос”, 2009., - 42 стр

## Балиқчиликда иқтисодий ислоҳотларнинг йўналишилари



**4.2.1- расм. Балиқчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг йўналиши**

Республиканинг умумий тупроқ шароитлари, рельефи ва бошқа ўзига хослиги шароитида мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш барқарор ҳосил олиш, ерни сув ресурслари билан таъминлаш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш омиллари билан чамбарчас боғлиқдир. Республика бўйича сугориладиган ерлар майдони умумий экин майдонининг 98,2 % ни ташкил қиласди. Ушбу майдонни сугориш учун йилига ҳар бир гектарга ўртacha  $50\text{ m}^3$  га яқин сув сарфланади. Сув ресурслари тақчиллигининг кундан-кунга ошиб бориши Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторини ривожлантиришни чегараловчи асосий омил ҳисобланади. Бу биринчидан, кам сувдан йиллар даврининг бошланиши, иккинчидан, сув ресурсларини тақсимлашда юзага келган давлатлараро муаммолардан, учинчидан, уларни хўжасизларча ишлатишдан келиб чиқади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти қўйидагиларда намоён бўлади:

- қишлоқда мулкий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ҳақиқий ер, маҳсулот ва мулк эгаларини шакллантириш;
- чекланган ер-сув ва бошқа моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга имкон яратувчи хўжалик юритиш тизимини жорий этиш;
- дехқон ва фермер хўжалигилари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим – ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш;
- шартнома муносабатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини ва жавобгарлигини таъминлаш;
- саноат ва аҳолини балиқчилик соҳаси маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш.

#### **4.3. Балиқчилик соҳасида ер, сув, мулк, баҳо, солиқ, молия ва кредит ислоҳотлари ва уларнинг натижалари**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароити аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида балиқчилик соҳада катта ва аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Мулкчилик муносабатлари тубдан қайта қурилди, кўп укладли, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган балиқчилик корхоналар вужудга келди, уларнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатиши учун ҳукуқий асослар яратилмоқда.

*Балиқчилик соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади-* инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан мафаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

Ер ва сув ислоҳотларини босқичма-босқич олиб бориш, биринчи навбатда, сугориладиган ерларга тегишилдири. Шу сабабли, ердан фойдаланувчиларни керакли сув билан таъминлаш, ерларни ажратиш механизмини ишлаб чиқиш масаласи юзага келади. Аввал сув хўжалиги корхоналари бюджет томонидан молиялаштирилган бўлса, энди бозор муносабатлари шароитида сув узатиш ва гидромелиоратив тизимларга техник хизмат кўрсатиш учун пул тўлаш керак бўлади. Ер сув муносабатларини ислоҳ қилиш, ўз навбатида, сув хўжалиги тизимида ҳам ислоҳотлар ўtkазиш зарурлигини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 21 майдаги 1758-сонли “2012-2016 йилларда балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, қўйидагилар амалга оширилмоқда:

- аграп соҳада мулк ва хўжалик юритиш шаклларини янада ривожлантириш;
- ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- балиқчилик соҳасини таркибий ўзгартериш ва диверсификациялашни янада ривожлантириш;
- сув таъминоти тизимларини такомилаштириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

- балиқчилик тармоғида таркибий ўзгартериш ва такомиллаштириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш;
- балиқчилик кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш ва х.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида эркин бозор иқтисодиёти мақсади ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Балиқчилик соҳасида давлатнинг аграр-иқтисодий ислоҳотлар йўналишилари қандай амалга оширилмоқда?*
3. *Балиқчилик соҳасида ер-сув ислоҳоти қандай тартибда амалга оширилмоқда?*
4. *Балиқчилик соҳасида мулк, баҳо ислоҳоти қандай натижалар берди?*
5. *Балиқчилик соҳасида солик, молия ва кредит ислоҳотларини амалга оширишдаги асосий тамойиллар нимадан иборат?*
6. *Балиқчилик соҳасида амалга оширилган аграр-иқтисодий ислоҳотлар қандай натижалар берди?*
7. *Балиқчилик соҳасида аграр-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишилари нималардан иборат?*
8. *Балиқчилик соҳасида аграр-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишида чет эл тажрибаларидан қандай фойдаланиши мумкин?*
9. *Балиқчилик соҳасида аграр-иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириши ва чуқурлаштириши бўйича нималарга аҳамият берии лозим?*

## **V Боб. Балиқчилик соҳасида мулк ва тадбиркорлик шакллари, уларнинг бозор шароитида ривожланиши**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасида бозор иқтисодиёти шароитида турли хилдаги мулкчилик турларини барпо этишининг зарурлигини, балиқчилик соҳасида тадбиркорлик шакллари ва мулкий муносабатларнинг мазмунинг иқтисодий асослари бўйича билимларни ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Мулк, мулкий ислоҳотлар, МЧЖ мулки, хусусий, шахсий, давлат ва аралаши мулк, тадбиркорлик шакллари, хусусий ва шахсий корхоналар, қўйима корхоналар, дехқон ва фермер хўжалигилар, қўйима мулк, кооператив, кўп укладли иқтисодиёт.

### **5.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида балиқчилик соҳасида турли мулкчилик шаклларини барпо этишнинг зарурлиги**

Мулк, унинг моҳияти ва жамият иқтисодий тизимида эгаллаган мавқеи борасидаги масалалар ҳозирги даврнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу масалага иқтисодий адабиётларда етарлича эътибор қаратилган бўлсада, аммо мулкчилик муносабатларига оид бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади. Бу айниқса, МДҲ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инновацион иқтисодиёт шароитида ва шу асосида мулкчилик муносабатларини тубдан ислоҳ этиш шароитида долзарб аҳамият касб этади.

Мулк – бу барча неъматларга эгалик қилиш ва фойдаланиш борасида инсонлар ўртасидаги мавжуд муносабатлардир. Мулкчилик муносабатлари мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик мазмунини ойдинлаштириш учун одатда, қуйидаги тизимдан фойдаланилади, яъни **субъект** (ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ёки бошқа мулкнинг эгаси) мулк субъектлари (мулкнинг бошқа эгалари ёки мулкдор бўлмаганлар) хаётий неъматларга эгалик қилиш юзасидан инсонлар ўртасидаги вужудга

келувчи муносабатлар, бу айнан мулк муносабатларининг ўзгинасидир. Эгалик қилишинсонларнинг турли хил ҳаётий неъматларга нисбатан ўзиники каби муносабатда бўлишидир.

Бевосита ишлаб чиқариш – бу буюмлашган ўзлаштиришдир. Ҳаётий неъматларга эгалик қилиш борасида инсонлар ўртасидаги муносабатлар бевосита ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги буюмлашган эгалик қилишдан фарқ қилувчи, ижтимоий муносабатлардир. Кишилар буюмларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганикини ўзлаштириб бўлмайди. Бойликнинг ўзиники ёки ўзганики бўлиши кишиларни мулкдор ёки мулксиз қилиб, улар ўртасида маълум муносабатларни юзага келтиради. Мулк ҳаётий неъматларининг эгалари ва бегоналар ўртасида ўзлаштириш асосида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлардир. Мулк ўз субъекти ва объекти мавжудлиги билан тавсифланади. Турли-туман кўринишдаги ҳаётий неъматлар, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи кабилар **мулк объектларини** ифода этса, ҳаётий неъматлар, корхоналарнинг мулкдори ва мулкдори бўлмаган жисмоний ва хуқуқий шахслар, **мулк субъектлари** сифатида намоён бўлади.

Мулкий муносабатлар ашёвий муносабатлар тарзида ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилган ёки расмийлаштирилгандан кейин улар мулк ҳуқуки шаклини олади.

Хозирги кунда балиқчилик соҳасида турли мулкчиликка асосланган хўжалигилар фаолият қўрсатмоқда, яъни маъсулияти чекланган жамиятлар мулкига асосланган балиқчилик соҳаси корхоналари, хусусий ва шахсий мулкка асосланган фермер ва дехқон хўжалигилариdir

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида биринчи марта мулк ҳуқуки хусусида тушунча берилиб, 164-моддага асосан: “Мулк ҳуқуки шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир” дея таъриф берилади.

## **5.2. Балиқчилик соҳасида хусусий, шахсий ва аралаш мулк турлари**

Республикамиз балиқчилик соҳасида мулкининг пай улуши шаклидаги мулк кўриниши ҳисобланади. Пай улуши ўзида шундай мулк муносабатларини ифода этадики, унга кўра мулкининг ҳар бир аъзоси, пай улушининг эгаси иқтисодий фаолиятининг юқори самарадорликка эга бўлишидан манфаатдор бўлади.

Мулки пайлари акциялар, шахсий ҳисоб рақамлари, омонатлар кўринишида бўлиши мумкин. Улар қуидаги ҳолатларда ташкил топади: ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этишда; маъсулияти чекланган жамиятлар томонидан корхона мулкини сотиб олиш ва уларга мулкнинг бир қисмини кейинчалик ходимларга пай улуши тариқасида тақсимлаш шарти билан текинга бериш натижасида; ижара корхоналарининг пай улуши фонди ҳисобига; қўшма мулкни пайли мулкка айлантириш ҳисобига.

Республикамизда 1996 йилда 26 та жамоа хўжалигини ёпиқ турдаги балиқчилик соҳаси акциядорлик жамоаларига ва маъсулияти чекланган жамиятларга айлантириш ва улар фаолиятини бозор муносабатлари доирасида амалга ошириш ҳамда улар бўйича ўтказилган тажрибадан кейин 1998 йилда “Балиқчилик соҳаси кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида” ги қонун ва “Балиқчилик соҳасини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ, балиқчилик соҳаси кооперативлари (ширкат хўжалигилари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори қабул қилингандан сўнг, фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалигилари ширкат хўжалигилари сифатида қайтаташкил этила бошланди.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш ва балиқчилик соҳасида маъсулияти чекланган жамиятларни ривожлантириш нуқтаи назаридан республикамиз иқтисодий адабиётларда бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган мулкий пай улуши асосида балиқчилик соҳасида кластерларни ва кооперативлар тузиш бўйича услугубий тавсиялар катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасида балиқчилик соҳасида кластерларни ва кооперативлар тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш лозим. Ушбу қонунда унга шундай таъриф берилган: “Балиқчилик соҳаси кооперативи – бу балиқ маҳсулот етиштирувчи, пай усулига ва оила пудрати (ижараси) га, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалиги юритувчи субъектдир”. Ушбу таърифдан шундай хulosага келинади: биринчидан, хўжалиги шаклини, унинг ташқи кўринишини, иқтисодий мазмунини ифода қиласа, иккинчидан, мулкий пай, хусусийлик белгиси, хўжалиги аъзоси корхона мулкининг маълум қисмига эгалик қилиши, мулк эгаси эканлиги ва хўжалиги фаолияти якунига кўра, маълум даражада даромад олишини англатади. Учинчидан, оилавий пудрат (ижара) корхонанинг ички ташкилий-иқтисодий механизмини ифода этади. У маъмурият билан ширкат аъзолари ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи, ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнатни ташкил қилишнинг асосий шаклидир(5.2.1-жадвал).

Балиқ овлаш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилиш жараёнида, овланган балиқлар ҳажмининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келиши кузатилди, 57,3 минг тонна ёки умумий овланган ҳажмидан 49,8 %. 2019 йил натижалари бўйича балиқ овлашнинг кам ҳажмлари деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида кузатилди, 9,8 минг тонна ёки умумий овланган ҳажмидан 8,5 %. 2018 йилга нисбатан, фермер хўжаликларида 34,8 %, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 25,3 % ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 1,9 % ўсиш кузатилди.

## 5.2.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикада етиштирилган балиқлар ҳажми(барча тоифадаги хўжаликлар бўйича)

№	Хўжалик ва корхоналар	Йиллар						2014 й.га нис., ўзгар (% ёки марта)
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	<b>Фермер хўжаликлари</b>	13682,4	18242,5	25190,8	33264,3	35665,8	48184,2	+3,5
2.	<b>Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</b>	8877,9	10975,1	9313,0	8895,7	9578,7	9863,3	+1,1
3.	<b>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</b>	23831,3	30633,9	30818,3	41740,4	45739,8	57387,2	+2,4
<b>Республика бўйича жами</b>		46391,6	59851,5	65322,1	83900,4	90984,3	115434,7	+2,5

Балиқчилик соҳасида маъсулияти чекланган жамиятлари мулкчиликка асосланган, хўжалигиларнинг аҳамияти ва афзалликлари қуидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, яратилган мулк ва етиштирилган маҳсулотлар бевосита хўжалик аъзолари, мулқдорлари тасарруфида бўлиши ва уларни ишлаб чиқариш иқтисодий пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдорлиги сабабли хўжалик юритиш фаолиятларида бозор механизмлари дастаклари ва фан-техника ютуқларини тезроқ ўрганиш ҳамдажорий этишга мажбур этади.

**Иккинчидан**, ҳар бир аъзо умумий мулкда ўз пайига эга бўлади ва ундан мулкий пайлари асосида ихтиёрий равишда фойдаланиш хуқукини кўлга киритади. Пай қанчалик катта бўлса, унинг эгаси оладиган дивидент ҳам шунчалик катта бўлади. Шунинг учун ҳар бир мулкдор ўз пайнини кўпайтириш билан бир қаторда, дивиденд манбаи ҳисобланмиш фойдани

ўстириш мақсадида ҳам ўз самарали ва тадбиркорлик билан меҳнат қилишдан манфаатдор бўлади.

**Учинчидан**, бу шаклдаги хўжалигида аввалги мулкка нисбатан ягона тизим сақланиб қолади ва уни ташкил этган ички бўлинмалар аъзоларини ихтиёрий асосида фаолият кўрсатадиган мустақил ва эркин хўжалиги юритиш ҳақ-хукуқларини янгича маънода амалга ошириш имконияти мавжуд бўлади. Тадбиркорлик ва тижорат ишлари учун кенг йўл очилади. Саноатлашган янги иш жойлари ташкил этиш учун балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлайдиган, тайёр маҳсулотларни қадоқлайдиган, ўрайдиган ускуна-жихозларни ўрнатиш, маҳсулотларни сақлаш ва истеъмолчиларга етказиш каби муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун катта имкониятлар яратилади.

**Тўртинчидан**, пайли мулқдан олинадиган фойдаларни муттасил ўсиб бориши ўз навбатида хўжалиги худудида марказлашган маҳсус жамғармалар, капитал сармоялар ҳисобига қуриладиган ижтимоий соҳа субъектлари кенгайишига, унинг ривожланишига катта молиявий маблағлар ажратишга ва шу асосда қишлоқларни шаҳар тарзидаги даражага кўтаришга шароит туғдиради.

Юқоридагилардан қўйидагича хulosи чиқариш мумкин: аъзоларнинг пайбай мулкларига асосланган хўжалик юритиш субъектлари деганда жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз мулкларини ўз хукуқлари билан бирлаштириб, тўпланган мулк асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олинган даромадни мулкдорлар орасида адолатли тақсимлаш ҳамда фойда олишни назарда тутиш лозим.

### **5.3. Балиқчилик соҳасида деҳқон ва фермер хўжалигилари, уларнинг ривожланиши**

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат мулки моҳиятини ўзгартиришни тақозо этади, бу эса мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий ва жамоа мулки моҳиятини янгича услубий асосда қараб чиқишни талаб этади.

*Мулк субъекти мулк обьектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш имкониятларини ифода этувчи, мулк муносабатларнинг фаол томонидир, (5.3.1-расм).*

Балиқчилик соҳасида хусусий мулкнинг моҳияти шундан иборатки, моддий шароитларда ишлаб чиқариш натижалари айрим шахсларга қарашли бўлади. Бу турдаги мулқда меҳнат натижалари ўзлаштиришнинг хусусий мулкчилик қонунига мувофиқ, мулкдорнинг ўзиники ҳисобланади ва у мустақил хўжалиги юритиб, унга эгалик қиласди.

**Хусусий мулк** - фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги, қўшма корхоналар, оила тадбиркорлиги, ижара жамоа, хусусий корхоналар, корпоратив корхонлари, акциядорлик жамиятлари, хўжалиги ассоциациялари (бирлашмалари) мулкларини ўз ичига олади. Хусусий мулк давлат мулки таркибиға кирмаган барча мулклардир.

Хусусий мулкчилик жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий мулкчилик мулк эгаларида ундан унумлироқ фойдаланиш қобилиятини оширади. Мулкдор мулкидан қанча унумлироқ фойдаланса, ўзи шунча кўпроқ манфаатдор бўлади. У иқтисодиётни барқарорлаштиради, бозор иқтисодиётида ўзаро рақобатни авж олдиради ва қиймат қонунининг амал қилишига ижобий таъсир кўрсатади.


Хусусий мулкчилик ишлаб чиқаришни ижтимоий жиҳатдан ривожланишига олиб келади, давлатга қарамликни йўқотади, мулкка ўз хоҳишича муносабатда бўлишини таъминлайди. Хусусий мулкчилик жамият олдида шахснинг эркинлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, балиқчилик соҳасида *хусусий мулк* бошқа мулк шаклларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- мулк эгаси ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита боғланиш хуқуқига эга бўлиб, улардан қай шаклда фойдаланишни ўзи ҳал қиласди ва амалга оширади;
- ишлаб чиқариш фаолиятида тўла мустақиликка эга бўлади, ҳохлаган маҳсулотни қанча етиштиришини ўзи ҳал қиласди;

- доимо иқтисодий ва қонуний жавобгарликни ҳис этади.

Республикамиз балиқчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш қўп укладли аграр иқтисодиётни барпо этиш асосида бозор муносабатларини шакллантириш, қишлоқхўжалигиишлаб чиқарувчилари ўртасида рақобат мухитини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш йўналишида амалга оширилмоқда.



### 5.3.1 - расм Балиқчилик соҳасида нодавлат мулк турлари

Бу жараёнда балиқчилик фермер хўжалигиларини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга. Негаки, фермер хўжалигилари ўз ижтимоий-иктисодий моҳияти ва хўжалик юритиш тамойиллари жиҳатидан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ мувофиқ келади. Булар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- республикамизда балиқчилик фермер хўжалигиларининг мустақил товар ишлаб чиқарувчи бозор субъекти сифатида фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳукуқий-меъёрий асослар яратилган;
- балиқчилик фермер хўжалигиларининг хусусий мулк асосида фаолият юритиши уларга мустақил равишда барча иқтисодий ва молиявий хавф-

хатарларни ўз зиммаларига олган ҳолда бозорларни танлаш имкониятини беради;

- балиқчилик фермер хўжалигиларининг бозордаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириши, кимга ва қанча миқдорда маҳсулот сотишни мустақил ҳал этиши бозорда рақобат муҳитини ривожлантиришга ва шу орқали бутун иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатишига асос яратади;
- балиқчилик фермер хўжалигиларининг ишлаб чиқариш натижаларини мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг, мустақил ўзлаштириш ва тасарруф этиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кучли иқтисодий рағбатлар пайдо қиласи ва бозор механизмининг жорий этилишига олиб келади.

Юқоридагилардан шундай хulosа чиқариш мумкинки, балиқчилик фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли сифатида иқтисодий тараққиётга туртки берувчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон балиқчилик фермер хўжалигиларини ривожлантиришга аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Бунинг натижасида, хўжалик юритиш шакллари орасида балиқчилик фермер хўжалигиларининг мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, балиқчилик фермер хўжалигилари сонининг ўсиши уларнинг фаолияти самарадорлиги даражаси тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Балиқчилик фермер хўжалигилари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун уларнинг ихтисослашув даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда қўйидаги хўжалик (МЧЖ) билан танишиб чиқамиз.

Қарши туманида жойлашган “Намуна балиғи” МЧЖ сұйний сув ҳавзаси 324 га бўлиб, 2016 йилни ўзида 875 т балиқ етиштирилган бўлса, 2019 йилга келиб 1050,0 т балиқ етиштирилди. Бу эса вилоятда балиқ етиштириш бўйича илғор хўжалик деб айтиш мумкин.

### 5.3.2-жадвал

#### “Намуна балиғи” МЧЖ нинг йиллик маҳсулот етиштириш кўрсатгичлари<sup>13</sup>.

№	Кўрсатгичлар	Йиллар				
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йил 2016 йилга нисбати+-
1	Овланган балиқ (тонна)	875	950,0	1050,0	1050,0	175
2	Жами майдони (га)	363,3	363,3	363,3	363,3	0
3	Шундан товар балиқлар учун (га)	320,3	320,3	325,3	327,3	7
4	Балиқлантириш (минг дона)	1370,0	1450,0	1550,0	1600,0	230
5	Минерал ўғит билан таъминлаш (тонна)	380,5	385,7	400,7	406,7	26,2
6	Омухта ем етказиб бериш (тонна)	1620,0	1665,3	1865,3	1865,3	245,3
7	Балиқ овлаш режаси (тонна)	1100,2	1150,0	1250,0	1250,0	149,8
8	Жами қилинган ҳаражат (млн.сўмда)	2171,35	2263,4	2363,94	2474,4	303,1
9	Соф даромад	2421,2	4074,1	5080,4	5468,4	3047,2
10	Рентабиллик даражаси %	115,0	180,3	215,9	221,1	1,9 марта ошди

Жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак хўжаликнинг ер майдони 363,3 гектар бўлиб, шундан 2016 йилда 320,3 гектаридан фойдаланилган бўлса, 2019 йилга келиб 327,3 гектаридан фойдаланилган. 2016 йилда 875 тонна балиқ овланган бўлса 2019 йилга келиб 1050 тонна балиқ овланган 2016 йилга нисбатан 20 % қўпроқ маҳсулот етиштирилган. Балиқлантириш 2016 йилда 1370,0 минг дона бўлган бўлса, 2019 йилда 1600,0 минг донани ташкил этган яъни 20 % қўпроқ балиқ ташланган.

Умумий хисобда хўжаликда йилдан йилга ўсиш ижобий бўлиб иқтисодий ҳолати яхшиланиб бормоқда.

<sup>13</sup> У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Бунинг сабаблари **биринчидан**, ҳозирги кунда балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган балиқчилик фермер хўжалигиларининг озуқа базаси яхшиланганлиги, наслдор балиқлар сотиб олиш имконияти пайдо бўлганлиги, **иккинчидан**, кейинги йилларда балиқчиликни янада ривожлантиришга нисбатан эътиборнинг ортаётганлигидир.

Балиқчилик соҳасида ер ва сув ислоҳотларини амалга ошириш ер ресурсларини турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш асосида амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад ер ва сувга бўлган муносабатни ўзгартириш, дехқонларда ер ва сувга эгалик ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Турли минтақаларда ташкил қилинган балиқчилик фермер хўжалигиларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер сув ресурслари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди.

Дехқон хўжалигилари тўғрисида илмий адабиётларнинг кўплигига қарамасдан, ҳалигача унинг ижтимоий-иктисодий табиати тўғрисида умумий қабул қилинган таъриф йўқ, унинг моҳияти, аграр муносабатлар тизимидағи ўрни ва тузилмаси муттасил тарзда шаклланиб, аниқлаштирилиб борилмоқда. Сўнгти йилларда дехқон хўжалиги муаммоларига бағишиланган бир қатор илмий монографиялар ва илмий рисолалар чоп этилди ва бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатлар тизимида дехқон хўжалигиларининг объектив зарурлиги асослаб берилди.

Дехқон хўжалиги миллий иқтисодиётнинг оддий бўғини сифатида асосан моддий ва хизмат қўрсатиш соҳаларидан ташкил топган бўлиб, бугунги кунда дехқон хўжалиги ишлаб чиқариш фаолияти, норасмий хўжалиги позициясига асосан уй хўжалигида жамланган. Шу билан бирга, баъзи бир уй хўжалигилари бошқа турдаги, яъни уй хўжалиги доирасидан ташқаридаги йўналишларда фаолият юритиши мумкин. Булар уй

хўжалигилар томонидан мебел, уй хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш, балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт воситаларини ва жиҳозларни таъмирлаш, қурилиш фаолияти, тикувчилик, савдо ва ҳоказо фаолият йўналишларидир.

Шахсий ёрдамчи хўжалиги таркибига хўжалиги бинолари, мол, парранда, асалари, кўп йиллик мевали дараҳтлар, томорқа участкаси ва майда балиқчилик соҳаси инвентари киради. Шахсий ёрдамчи хўжалиги характерини ва унинг ривожланиш даражасини тўлалигича ижтимоий ишлаб чиқариш белгилаб беради.

Деҳқон хўжалиги миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришда ресурсларни тежамли фойдаланадиган хўжалиги шакли сифатида характерланади. Деҳқонхўжалигининг бу характеристи оиланинг пул харажатларини камайтиради ва бу билан оила бюджетини мустаҳкамлайди.

Деҳқон хўжалигига балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, давлатни ижтимоий ишлаб чиқариш секторида ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини ва шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради.

Балиқчилик деҳқон хўжалиги ва уй хўжалигига ишлаб чиқариш фаолияти органик жиҳатдан бир-бирига мос келади. Балиқчилик деҳқон хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотининг маълум қисми уй хўжалиги томонидан қайта истеъмол қилинади. Шу билан бирга балиқчилик деҳқон хўжалиги балиқ маҳсулотларининг маълум қисмини уй хўжалигидаги қайта ишлаши мумкин. Шунинг учун балиқчилик деҳқон хўжалиги билан уй хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳисобланади.


Балиқчилик деҳқон хўжалиги субъектлари учун меҳнат жараёни кетма-кет уй хўжалигига кейинчалик деҳқон хўжалиги фаолиятини шакллантирган ҳолда давом этишини ифода этади. Шунинг учун деҳқон ва уй хўжалигилари иқтисодий жиҳатдан бир бирига боғлиқдир. Балиқчилик маҳсулоти сотишдан тушган даромадлар нафақат балиқчилик деҳқон

хўжалигини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шу билан бирга оилани уй хўжалиги жиҳозлари билан таъминлашга сарф этилади.

Балиқчилик дехқон хўжалигини ташкил этадиган ва юқорида келтирилган предмет, объектларига, уй хўжалиги объектлари, уй, мебел, электр ускуналари, идиш товоқ ва ҳоказолар киради. Уй хўжалиги объектлари уйда яшаш учун яхши шарт-шароитлар яратади, унга уйни йиғишириш жиҳозлари, истеъмол маҳсулотлари, сифатли кийим-кечак ва бошқалар киради. Уй хўжалигига тегишли ер балиқчилик соҳаси учун қандай хизмат қилса, унинг оиласи яшаётган уй ҳам шундай хизмат қиласи, яъни бир вақтнинг ўзида уй дехқон хўжалиги предмети ва ишлаб чиқариш воситаси вазифасини бажаради.

Уй таъмирангандан, тозалангандан меҳнат предмети вазифасини ва унда яшаганда дехқон хўжалигини юритиш воситаси вазифасини бажаради. Уй хўжалиги инсонлар ҳаёт фаолиятининг зарурый элементи бўлиб ҳисобланади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, сўнгги йилларда республикамизда балиқчилик хўжаликлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда (5.3.2-расм).



**5.3.3-расм Ўзбекистон Республикасида 2010-2018 йилларда фаолият кўрсатаётган балиқчилик хўжаликлари сони**

Диаграмма маълумотларида Ўзбекистон Республикасида 2010-2018 йилларда фаолият кўрсатаётган балиқчилик хўжаликлари сони келтирилган. 2010 йилга нисбатан республикамизда 2018 йилнинг шу даврга қадар 2600 та янги балиқчилик хўжаликларни ташкил этилган.

Республикамизда мавжуд ресурс ва технологиялардан унумли фойдаланиб балиқ етиштиришдаги ишларни янада ривожлантирсак 120–125 минг тоннага оширишимиз мумкин. Бу эса ниҳоятда оз, чунки республикамизнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларига йиллик эҳтиёжи ўртacha 350–450 минг тоннани ташкил этади.<sup>14</sup>

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга республикамиз ҳудудидаги сув ҳавзалари бугунги ҳолатини кенг қамровли илмий изланишлар олиб бориш йўли билан ўрганиб, шулар асосида берилган тавсияларга мувофиқ ишларни ташкил этиш орқали эришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Деҳқон хўжалигилари тўғрисида” ги қонуни уларни ривожлантирища ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунга мувофиқ, деҳқон хўжалигилари томонидан ҳуқуқий шахс мақомини олиш жараёни давом этмоқда ва улар сони йилдан йилга ўсиб борсада, аммо бу жараён суст бормоқда. Бизнинг фикримизча бу жараённи тезлаштириш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарур;

- балиқчилик деҳқон хўжалигилари ўртасида ҳуқуқий шахс мақомини олган ҳолда фаолият юритишнинг афзалликларини аниқ белгилаб бериш;
- балиқчилик деҳқон хўжалигиларининг ҳуқуқий шахс мақомини олиши билан боғлиқ ва сўнгги босқичларда юз берадиган мажбурий йиғим ва тўловлар механизмини қайта кўриб чиқиш.

Бундан ташқари, балиқчилик деҳқон хўжалигиларни ривожлантирища бир қатор муаммолар мавжуд. Уларни зотли балиқлар ва улар учун омухда-

---

<sup>14</sup> Манба: Ўзбекбалиқсаноат уюшмаси маълумотлари. 2018 йил

ем озуқалари билан таъминлаш, уларни сотиб олишдаги нархлар муаммолари ва ҳ.к.

Республикамизда балиқчилик дехқон хўжалигиларини ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад - балиқчилик соҳасида барқарорликни таъминлаш ва уни ўсиш суръатларини тезлатиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришдир.

Балиқчилик дехқон хўжалигиларини мустаҳкамлаш ва уларни шакллантириш борасида муҳим чора-тадбирлар кўриш ҳисобига:

- *биринчидан*, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга эришилди;
- *иккинчидан*, аҳолининг реал даромадларини оширишга шунингдек, шартномалар асосида балиқчилик соҳаси маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келганларга меҳнат дафтарчаси бериш ҳамда улар қариганда нафақа олиш ҳукуқини бериш билан кўпгина қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолотларни мустаҳкамлашга эришилди;
- *учинчидан*, аҳолини ҳаётий муҳим балиқ маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга эришилди;
- *тўртинчидан*, якка тартибда уй-жой қурилиши кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлиндики, бу ҳол аҳолини уй-жой билан таъминлаш, республика аҳолисини коммунал майший ва уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги анчагина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди;
- *беинчидан*, фақат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларни бартараф этибина қолмай, балки ер ва сувлардан самарали фойдаланишда фаол қатнашиши, ўзи ва оиласи манфаатини кўзлаб фойдали меҳнат билан шуғулланиш барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшди.

Умуман олганда, балиқчилик дехқон хўжалигилари ҳақидаги қабул қилинган қонун ва қарорлар миллий иқтисодиётда қуйидаги бешта муҳим масалани ҳал қилиб беради.

1. Балиқчилик соҳасида мулкчилик масаласи.
2. Балиқчиликда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласи.
3. Қишлоқ жойларда балиқчилик бозор иқтисодиётини шакллантириш масаласи.
4. Ўзбекистонда мулкдорлар қатламининг пайдо бўлишига мустаҳкам хуқуқий асос яратади.
5. Балиқчилик соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишига иқтисодий-хуқуқий асос яратади.

Деҳқон хўжалиги балиқчилик соҳаси соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик шаклларидан бири сифатида бир қатор афзалликларга эга:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги бозордаги талаб ва таклиф нисбатига тез мослашиши ва кўп маблағ сарфламай ўз фаолияти йўналишларини қайта шакллантириш имконини беради;
- оила меҳнатига таяниш уйбекалари, қариялар ва болалар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланиш ҳамда асрлар давомида шаклланиб келган балиқчилик маданиятини авлоддан-авлодга етказиб беришга шароит яратади;
- хусусий мулк эгалиги ҳамда ерни мерос қилиб қолдириш хуқуқи билан умрбод эгаликка берилиши мулкдан оқилона фойдаланишга йўл очади.

**Балиқчилик деҳқон хўжалиги** – бу хусусий мулкка асосланган бўлиб, тегишли ер майдонида, оила аъзолари билан ҳамкорликда балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариб, оила аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ва юқори даромад олишга интилувчи, давлат ва бошқа бозор субъектлари томонидан ташки таъсирини сезувчи бозор иқтисодиёти субъектиdir.

Балиқчилик деҳқон хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига балиқ маҳсулоти етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат.

Шундай қилиб, балиқчилик соҳасида дәхқон хўжалиги бошқа мулк шаклларига нисбатан қўйидаги афзаликларга эга:

- мулк эгаси ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита боғланиш хуқуқига эга бўлиб, улардан қай шаклда фойдаланиши ўзи ҳал қиласди ва амалга оширади;
- ишлаб чиқариш фаолиятида тўла мустақилликка эга бўлади, ҳоҳлаган маҳсулотини қанча етиштиришини ўзи белгилайди;
- доимо иқтисодий ва қонуний жавобгарликда бўлади. Қонунга хилоф ҳар бир иш, ортиқча сарфланган ҳар бир сўм мулк эгасини ўз мулкидан ажралишига олиб келишини яхши англайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида инновацион иқтисодиёт шароитида турли хилдаги мулкчилик турларини барпо этиши зарурлиги нималардан иборат?*
2. *Балиқчилик соҳасида мулкий ислоҳотлар деганда нимани тушунасиз?*
3. *Балиқчилик соҳасида мулкчиликнинг қандай шакллари мавжуд?*
4. *Балиқчилик соҳасида қандай мулк субъектлари мавжуд?*
5. *Балиқчилик соҳасида мулк объектларига нималар киради?*
6. *Балиқчилик соҳаси кооперативлар „МЧЖ“ хусусий корхонаси ҳақида тушунча беринг?.*
7. *Балиқчилик дәхқон ва фермер хўжалигиларининг таърифларини беринг?.*
8. *Нима сабабдан балиқчилик фермер хўжалигиларини ривожлантиришига устувор йўналиши сифатида қаралмоқда?*
9. *Балиқчилик соҳасида хусусий, шахсий ва қўйима корхоналар ҳақида тушунтириб беринг?.*
10. *Балиқчилик соҳасида балиқ кластери ташкил этиши ва шаклланиши деганда нимани тушунасиз?*

## **VI Боб. Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган ер-сув ресурслари, уларнинг иқтисодий - ижтимоий аҳамияти, ер-сувдан фойдаланиши даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ўрганиши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** ер-сув ресурслари, сув истеъмолчилари ўюшмаси, ҳавза усул, ер-сув ислоҳоти.

### **6.1. Балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган ер ва сув ресурслари, уларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти**

Балиқчилик соҳаси иқтисодиётининг асосларидан бири бу-табиий ресурслардир. Табиий ресурсларнинг энг керакли унсурларига эга ер ва сув киради. Ер ва сув балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий омили, меҳнатга йўналтирилган обьект сифатидаги меҳнат предмети, шунингдек, турли хил маҳсулотларнинг жойлашув макони, инсонлар учун турар жой ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг яшашига мўлжалланган меҳнат қуролидир. Ҳар бир ҳалқ ва миллат ер ва сувни асосий бойлиги сифатида эътироф этиб, бир нечта шарт ва омиллар бирлаштирган ҳолда балиқчилик соҳасидаги афзалликларни ер ва сув орқали тавсифлайди.

**Ер ресурслари** – бу қуруқлик юзасининг жами йигиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий обьектлар киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик ва бошқа тирик организмлар, сув обьектлари. Ер ресурсларнинг сув обьектлари ўз ичига қўллар, қўлмак ва ҳовузлар, ариқларни қамраб олади. Океан денгизлар ва дарёлар эса сув ресурслари таркибига киради.

Ҳар бир давлатнинг ер-сув ресурслари табиат ва жамиятда яшаш манбаидир, шунингдек, ер ва сув бир-бирининг мавжудлигини тақозо қиласади.

Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80% и Тожикистон ва Кирғизистон ҳудудида, 20% и мамлакатимиз ичida шаклланади. Шундан бир қисми балиқчилик соҳасида ишлатилади. Сирдарё

ва Амударё ҳавзаларидаги мавжуд истеъмол қилинадиган сув ресурслари 114 км<sup>3</sup>, шундан Сирдарё 36,06 км<sup>3</sup> ва Амударё 78,34 км<sup>3</sup> ни ташкил этади.

**Балиқчилик ҳавзасида ер ва сув ҳавзаси фонди фарқланади.**

Ер фонди- бу корхонада бошқа хўжалик мақсадлари учун бириктирилган балиқларни ўстириш ва ривожлантиришга мўлжалланган ердир.

**Балиқ ҳавзаси** - бу балиқ ҳавзаси эгаллаган ер ва бошқа сув ҳавзаси бўлиб балиқларни ўстириш ва ривожлантиришга мўлжалланган усул ҳавзасидир. Балиқ ҳавзаси фондига ҳавза дамбаси сув тушадиган ва сув йигиладигон каналлар ва иншоатлар кирмайди.

*Ҳавза фонди - ривожланаётган, ҳавзада ўстиришига қолдирилган, қишилаган, кичик ва бошқа тоифадаги балиқларнинг натуранл сув гектари ҳисобига аниқланади.*

Ер сув ресурслари бошқа ресурслар каби ўз хусусиятларига эга.

**Биринчидан**, ер ва сув – табиат маҳсули, инъоми ҳисобланиб, у инсон меҳнати билан яратилмайди. Инсон фақатгина ер ва сувга ўз меҳнатини йўналтириб, ёки ер ва сувнинг аҳволини яхшилайди, ёки умуман ёмон аҳволга солиши мумкин. Лекин инсон ўз ҳоҳиши билан ер ва сув ресурсларини ҳосил қила олмайди.

**Иккинчидан**, ер ва сув чегараланган табиий ресурсдир. Инсон ҳоҳлаганча ер ва сувни кўпайтириб ёки камайтира олмайди. Шу сабабли бош мақсад – ер ва сувдан самарали ва тўғри фойдаланишдир. Бир мамлакат ер ва сув миқдори унинг чегаралари билан аниқланса, умуман худудлар сифатида эса ер ва сув миқдори юзаси билан белгиланади.

Ер ва сув ресурслари жисмоний нуқтаи назардан мураккаб мажмуа ҳисобланади. Бу мажмуа турли омиллар (кимёвий, физика, биологик) бирлашмаси билан характерланади. Ер сув ресурслари турли ер ва сув участкаларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан тупроқ турлари, рельефи, таркиби, миқдори ва бошқа таснифлари билан фарқланади.

**Учинчидан**, ер ва сув абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Шунингдек, ер ва сув ҳар доим ишлаб чиқаришдаги энг асосий омил

сифатидаги ўрнини йўқотмайди. Ундан маблағни кўпайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар орқали балиқчилик соҳасидаги ер ва сувлардан унумли ва самарали фойдаланиш, шунингдек саноат ва уй-жой курилиши мақсадида ишлатиш мумкин. Шу билан бирга техника тараққиёти юксак чўққиларга кўтарилганига қарамай, ер ва сувни бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан алмаштириб бўлмайди.

## **6.2. Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**

Иқтисодиётда муҳим иқтисодий кўрсаткичлар мавжудки, улар ер-сув ресурсларидан фойдаланишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Энг аввало, сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига тўхталамиз. Иқтисодиёт тармоқларида сувдан фойдаланиш асосан тўрт турга бўлинади, (6.2.1-расм).

Сувдан умумий ва маҳсус фойдаланишнинг 2 хили мавжуд:

1. Сувдан умумий фойдаланиш - сувнинг ҳолатига таъсир қиласидаги иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб фойдаланиш;
2. Сувдан маҳсус фойдаланиш - иншоотларни ёки қурилмаларни қўллаш йўли билан фойдаланиш.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда бевосита балиқчилик соҳаси корхонасида ишлатилган сув кўрсаткичлари аниқланади. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ёки ирригация тизими ҳавза бошқармаларида иншоот ва қурилмаларни қўллашдаги кўрсаткичлар асосида сув самарадорлиги аниқланади.

Балиқчилик соҳасида сувдан унумли фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими қўйидагилардан иборат:

- лимит бўйича сув ҳажми, м<sup>3</sup>;
- сувдан фойдаланиш даражаси, %;
- сув билан таъминланганлик даражаси,
- % сув билан таъминлаш харажатлари, сўм;

- сүфориш учун ажратилган пул маблағи, сўм;
- сувидан фойдаланиш унумдорлиги, сўм;
- соф фойда, сўм;
- рентабеллик даражаси, %.



### **6.2.1 – расм. Балиқчиликда сувдан фойдаланиш турлари**

Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, давлат органлари томонидан ер ва солиқ сиёсатининг рационал равишда олиб борилиши учун аввало, ер баҳосини билиш зарур. Бунинг учун энг аввало, давлат томонидан ер участкаларининг кадастр баҳоси ҳисобга олинади.

*Кадастр қиймати* деганда ҳисобдаги рентадан келаётган даромад ҳам тушунилади. Албатта қуйидаги кўрсаткичлар тизими ер ресурсларидан фойдаланишда ишлатилади:

- экин ҳосилдорлиги, ц/га;
- унумдорлик 1 гаердан олинадиган ялпи маҳсулотнинг натурал ва қиймат шаклидаги кўриниши;
- 1 га сарфланган харажатлар, сўм;
- 1 гаердан олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўм;
- 1 га ернинг кадастр қиймати, сўм;

- ерни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичи балл-бонитети, балл;
- соф фойда, сўм ва ҳоказо.

**Мисол учун. Самарқанд вилояти**—“Самарқандбалиқсаноат” МЧЖ ва Венгрия давлатининг “HunBasInvest” компанияси билан биргалиқда Венгрия наслли карп балигининг 10 млн. дона увилдириқларини олиб келиб, етиштириш бўйича шартнома имзоланган. Шартномага асосан Венгрияning HAN-BAS INVEST ltd. Компанияси ва “Самарқандбалиқсаноат” МЧЖ ўртасида “ФИШ Илмий тадқиқот маркази” қўшма корхонаси очилди. Қўшма корхона томонидан 6 млн. дона урчитилган балиқ увилдириқлари ва **250 минг.** дона Венгрия карпи балиғининг личинкалари олиб келиниб, парваришилаш ишлари олиб борилмоқда. **Сурхондарё вилояти**—“Globalagrofish” ХК томонидан Тўполон сув омбори ҳудудида Франция давлатидан **20 минг дона** форел балиқлари чавоқлари олиб келиниб етиштириш ишлари олиб борилмоқда. **Тошкент вилояти**—“Golden Fish Group” МЧЖ томонидан **300 тонна** совуқ сув балиқлари (форел, лосос, осетр вабошқалар)ни ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ)да етиштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу корхона Бостонлик туманида қафас (садок) усулида **250 тонна форель ва лосось** балиғини етиштирмоқда. Россия давлатидан **300 минг дона** увилдириқлари олиб келинган.

Балиқчилик соҳаси ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига эса ер кайтими, ер сигими, йўқотилган ҳосил; балиқчилик соҳаси ерларидан фойдаланиш коэффициенти, фонд билан таъминланганлик, товар қайтими каби кўрсаткичлар киритилади.

Асосий иқтисодий кўрсаткич - ерни иқтисодий баҳолаш қўйидаги формула ёрдамида топилади:

$$E_b = \frac{Y_a M}{M T}$$

бунда:

$E_b$ -ерни иқтисодий баҳолаш, сўм;

$Y_a M$  ялпи маҳсулот, сўм;

**МТ** - маҳсулот таннархи, сўм.

Балиқчилик соҳасининг самарадорлиги ва соф фойда қўйидагича ҳисобланади:

$$SF = YaM - MT$$

бунда: **SF** - соф фойда, сўм;

**YaM** - ялпи маҳсулот, сўм;

**MT** - маҳсулот таннархи, сўм.

Ернинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари асосан қиймат кўрсаткичларидир. Бунга ер сифими, ер қайтими, иқтисодий самара кўрсаткичларидир.

Ер сифими( $E_C$ ) - бу балиқчилик соҳаси ерлари баҳосининг ялпи маҳсулотга нисбатидир:

$$E_s = \frac{E_b}{YaM}$$

Ер қайтими эса бу ер сифимига тескари кўрсаткич бўлиб, ялпи маҳсулотнинг ер ресурслари баҳосига нисбатидир:

$$Eq = \frac{YaM}{E_b}$$

Балиқчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлиги ялпи ва товар маҳсулот ҳажми орқали ифодаланиб, экин майдонига нисбатан ҳисобланади:

$$S_1 = \frac{YaM(TM)}{S}$$

бунда: **S<sub>1</sub>** – самарадорлик, сўм; **S** - экин майдони, га;

**YaM** - ялпи маҳсулот, сўм;

**TM** - товар маҳсулот, сўм.

Балиқчилик соҳасида ерларнинг самарадорлигини ҳисоблашнинг иккинчи усули қўйидагича аниқланади:

$$S_2 = \frac{YaD}{S}$$

бунда:  $YaD$  - ялпи даромад, сўм;

$S$  - экин майдони, га, бунда

$$YaD = YaM - MX$$

(MX-моддий харажатлар, сўм.)

Балиқчилик соҳасида ерларнинг самарадорлигини ҳисоблашнинг учинчи усули қўйидагича:

$$S_3 = \frac{SF}{S}$$

$SF$  - соф фойда, сўм;

$S$  - экин майдони, га;

Бунда  $SF = YaM - T$  (T-таннарх) ёки  $SF = YaM - MH$  ( $MH$  - меҳнат ҳақи)

Балиқчилик соҳасида самарадорликни ҳисобалашнинг тўртинчи усули қўйидагича:

$$S_4 = \frac{F}{S}$$

$F$  – фойда, сўм;  $S$  - экин майдони, га;

Фойдани аниқлаш учун:

$$F = UT - UX$$

бунда:  $UT$ –жами тушум, сўм, $UX$ –умумий харажат, сўм.

Балиқчилик соҳасида товар қайтими қўйидагича ҳисобланади:

$$T_q = \frac{YaM (TM)}{S}$$

бунда:  $T_q$  - товар қайтими, сўм;

$YaM$  - ялпи маҳсулот, сўм;

$TM$  - товар маҳсулот, сўм;

$S$  - экин майдони, га.

Балиқчилик соҳасида фонд билан таъминланганлик кўрсаткичи қўйидагича хисобланади:

$$F_t = \frac{AF}{S}$$

бунда:

$F_t$  - фонд билан таъминланганлик, сўм;

$AF$  - асосий фондлар, сўм;

$S$  - экин майдони, га.

Балиқ маҳсулотлари етиштиришдаги натуранал кўрсаткичлар – бу маҳсулдорлик ва ялпи маҳсулотдир. Балиқчиликда ердан интенсив фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, бу ҳолат балиқчилик соҳаси ерларидан фойдаланиш коэффициенти орқали аниқланади:

1. Балиқчилик соҳасида ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти:

$$YeFK = \frac{QXYe}{S}; \text{ бунда}$$

$YeFK$  - ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти;

$QXYe$  - балиқчилик соҳаси ерлари, га;

$S$  - экин майдони, га.

2. Балиқчилик соҳаси ерларидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{qxe} = \frac{S}{QXYe}$$

$QXYe$  - балиқчилик соҳаси ерларидан фойдаланиш коэффициенти;

$S$  - экин майдони, га;

$QXYe$  - балиқчилик соҳаси ерлари, га.

Ер фондидан интенсив фойдаланиш учун балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини ер ресурслари билан жойлаштириш; мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш; бозор талаби бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш. Ер ва сув ресурсларининг

ҳолатини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқариши ташкил этиш салбий оқибатларга олиб келади.

Балиқчилик соҳасиларига сувни ўз вақтида етказиб бериши ташкил этиш учун бошқарув тизимини бозор муносабатларида шакллантириб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш лозим. Балиқчилик соҳаси корхоналарига сувни етказиб бериш ва ундан фойдаланишда ернинг мелиоратив ҳолатига, шунингдек мелиорация тизимиға эътибор бериш керак.

**Иrrигация** деганда, сув ресурслари билан таъминлаш ва сув иншоотлари фаолияти тушунилади. **Мелиорация** эса ернинг табиий унумдорлигини яхшилаш чора-тадбирларининг жамланмасидир.

Ер ресурсларидан фойдаланиш Европа иттифоқи давлатларидан бири Голландияда бор-йўғи 500 минг гектар балиқчилик соҳасига тааллуқли ерлар мавжуд. Бу мамлакатда 16 млн. кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қиласиди ва аҳоли сони жуда зич жойлашган. Голландиянинг 50% худуди 5-6 метр денгиз сатҳидан пастда жойлашган бўлиб, 58% балиқчилик соҳаси ерлари ҳисобланади, шундан ўтлок ерлар – 31%, ҳайдаладиган ерлар – 23,5% ва иссиқхона хўжалигилари ерлари 3,2% ни ташкил этади.

Ушбу мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг 0,3-0,4% и балиқчилик соҳаси маҳсулотларига тўғри келади, қайта ишлаш, яъни агробизнес соҳасига эса 10% ни ташкил этади. Голландия мамлакати узоқ йиллар давомида денгиздан ўзлаштириб олган ерлар 42-50 минг гектарни ташкил этади.

Балиқчилик соҳасига мўлжалланган ер кадарстрини тузишда қўйидаги жараёнлар амалга оширилади;

- ердан фойдаланишни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- ернинг сифати ва микдори бўйича ҳисобдан ўтказиш;
- ерни баҳолаш, бунда бонитетлаш ва иқтисодий баҳолаш ҳам ҳисобига киритилади.

Рўйхатдан ўтказиш ерларни хусусийлаштириш, уларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш туман ҳокимлари томонидан қарор қабул

қилингач, ер участкаларининг чегараларини аниқлаб, хужжатларни расмийлаштириб берилгандан кейин шу асосда амалга оширилади.

Ернинг сифати ва миқдори бўйича ҳисобдан ўтказиш ер мулкининг объектлари бўйича фойдаланувчилар ер участкаларига қараб, шунингдек, экин майдон турларига кўра амалга оширилади.

Ерни иқтисодий баҳолаш орқали эса ернинг ишлаб чиқаришга қанчалик яроқлилигини, айниқса балиқчилик соҳасига мўлжалланган ерларда кўриш мумкин. Бунда, албатта тупроқ унумдорлиги ҳам рол ўйнайди.

Тупроқ унумдорлигини аниқлашда ҳосилдорлик, маҳсулотни сотиш баҳоси, таннарх орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлигини аниқлашда балл бонитетига қараб эътибор қаратилади.

**Ер бонитировкаси**-бу тупроқнинг унумдорлигига кўра, ерларни бир-бирига таққослаш, солиштириш баҳосидир. У агротехник тадбирлар ва ерга ишлов бериш интенсивлиги даражасида ўтказилади. Бонитировка қилишдаги кўрсаткичлар тизимда балиқчилик соҳаси экинларининг ҳосилдорлиги билан биргалиқда тупроқ турлари ва таркиби, хусусиятлари (ўз ичига олган физик ҳолати, гумус, минерал ўғитлар, намлик ўтказувчанлиги кабиларни олади) ҳам эътиборга олинади. Натижада балл-бонитет ҳисобланиб, гурухлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Шунга кўра бонитет-тупроқнинг табиий унумдорлик кўрсаткичи бўлиб, у 100 баллик шаклда баҳоланади.

Балиқчилик соҳаси корхоналарини сув билан таъминлашда эса сув объектларидан сувни меъёрлар бўйича олишни ташкил этиш ва фойдаланишни тартибга солишдан иборат.

Сув учун ҳақ тўлаш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, назорат қилишни Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Шунингдек, ер мониторинги каби сув мониторинги деган тушунча ҳам мавжуд. Балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган сувни мониторинг қилиш орқали салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиб, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларини исроф қилмасдан, улардан унумли фойдаланишни солиқлари билан ҳам назорат қилиб туради. Умумий айтганда, ягона ер солиги билан тартибга солиб туради.

### **6.3. Балиқчилик соҳасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Ўзбекистон Республикасида сувга бўлган талабни қондириш муаммоларини ечиш барчанинг зиммасидаги вазифадир. Балиқчилик соҳасидаги корхоналарни сув билан таъминлашда сув объектларидан тежамли фойдаланиш, сувни меъёрлар бўйича олишни ташкил этиш ва фойдаланишни тартибга солиш зарурдир. Сув билан таъминлаш ва суғориш ишларини магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектлари бажаради.

Балиқчилик соҳаси корхоналарини қайта қуриш жараёни тамоилида сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва соҳани бозор муносабатлари тамоилларига асосан қайта қуришни тақозо этмоқда.

Республикада сув хўжалиги мажмуасини қайта қуриш жараёни уч йўналиш бўйича амалга оширилмоқда.

**Биринчи йўналиш** – қайта қурилаётган балиқчилик соҳаси корхонаси негизида ташкил этилган балиқчилик фермер хўжалигиларига сув хизмати тузилмасининг бозор муносабатлари шароитига мос шаклини барпо қилиш.

**Иккинчи йўналиш** – республика сув хўжалиги комплексини бошқаришни такомиллаштириш.

**Учинчи йўналиш** – сув хўжалиги объектларини замонавийлаштириш. Ҳозирги кунда балиқчилик соҳаси корхоналари негизида ташкил этилган балиқчилик фермер хўжалигиларига сув хизмати қўрсатувчи тузilmанинг бозор муносабатлари шароитига мос шакли барпо қилинди, сувнинг ҳисобкитобини олиб бориш ҳамда сувдан оқилона ва мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

**Сув истеъмолчилари уюшмаси(СИУ)** бир ёки ундан ортиқ канал атрофидаги сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нотижорат ташкилот бўлиб, муайян миқдорда сув олиш, ундан фойдаланиш ва оқовага чиқариш билан боғлиқхўжалиги фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи фермер ва дехқон хўжалигилари ҳамда бошқа юридик, жисмоний шахслар уюшмасидир.

Сув истеъмолчилари - балиқчилик фермер, дехқон хўжалигилари, томорқа эгалари ва бошқалар бўлиб, адолатли сув тақсимоти ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали уюшма ҳудудида балиқчилик тармоғини ривожлантирадилар ва бунинг учун ўзларининг молиявий ва техник имкониятларини бирлаштирадилар.

Сув истеъмолчилари – чекланган миқдордаги сувни олиш, ундан ва ички сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалиги ҳамда бошқа фаолиятларни амалга оширувчи балиқчилик фермер ва дехқон хўжалигилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслардир.

Балиқчилик соҳасидаги фойдаланиладиган сувни мониторинг килиш орқали салбий жараёнларнинг сабаб ва оқибатлари ўрганилиб, сувлардан фойдаланиш самарадорлигини оширадилар.

Сув истеъмолчилари қонунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини бажаришга жалб этиладилар. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари қўйидагилар:

- ✓ балиқчилик соҳасида сув ресурсларидан фойдаланишда сувнинг аниқ ҳисоб-китобини жойига қўйиш;
- ✓ сув ўлчаш қурилмаси, яъни гидропостлар қурилишини ташкил этиш;
- ✓ балиқчилик соҳаси корхоналарида канал ва зовурлар тозалигини доимий назорат қилиш;
- ✓ энг асосийси, сув сарфи исрофгарчилигига йўл қўймаслик;

- ✓ белгиланган сув лимитлари асосида сувдан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ва ҳоказолар.

Сув ва сувдан фойдаланиш уюшмалари Туркия мамлакатида Тибра ва Евфрат дарёлар соҳилида жойлашган фермер хўжалигилари ва дехқонларга хизмат кўрсатади. Сувдан фойдаланиш уюшмалари фермер ва дехқонлар билан шартномалар асосида фаолият олиб боради. СФУ йил бошида ҳар бир фермер ва дехқон учун сув бериш графигини тасдиқлайди. Сув пулли ва сарфланган сув миқдорига қараб тўланади. Ҳар бир экин тури учун сув миқдорининг меъёри мавжуд бўлиб, бу меъёр таъминлаб берилади. Фермер сув каналининг бошидами ёки охирида бўладими қатъи назар, электрон харита ва электрон график орқали амалга оширилади. Ортиқча сув сарфланишига йўл қўйилмайди ва сув миқдори тасдиқланган график ҳамда миқдор бўйича фермер ва дехқонларга етказиб берилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган ер-сув ресурсларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятни баён этинг.
2. Балиқчилик соҳасида ер-сув ресурслари, уларнинг миқдори, турлари ва таркиби нималардан иборат?
3. Балиқчилик соҳасида ер-сув муносабатларининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
4. Балиқчилик соҳасида ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишида давлатнинг роли қандай?
5. Балиқчилик соҳасида ер-сув ресурсларидан фойдаланиши даражаси ва самарадорлиги қандай аникланади?
6. Балиқчилик соҳаси ва сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) ҳақида тушунча беринг.
7. Балиқчилик соҳасида ер-сув ресурсларидан фойдаланишида иқтисодий самарадорликни оширишининг қандай йўллари бор?
8. Балиқчилик соҳасида илгор технологияларни, технологияларни жорий этиши қандай амалга оширилади?
9. Балиқчилик соҳасида ер-сув ресурсларидан фойдаланишини разбатлантириши баён этинг?.
10. Балиқчилик соҳасида ер-сув ислоҳати қандай амалга оширилмоқда?
11. Балиқчилик соҳасида ер-сув мониторинги нималардан иборат?

## **VII Боб. Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, инновацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасининг моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти ва инновацион технологияларнинг мазмун-моҳияти, улардан оқилона, тўлиқ ва самарали фойдаланишида илгор, инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашини ўрганишидан иборат.

**Таянч иборалар:** Моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, инновацион технология, балиқларнинг маҳсулдорлиги, меҳнат унумдорлиги, самарадорлик.

### **7.1. Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши**

Балиқчилик соҳасида хўжалик фаолиятининг зарур элементи сифатида моддий-техника ресурслари муҳим аҳамиятга эга. Моддий-техника ресурслари таркибига кўп турдаги унсурлар киритилади, яъни ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари бўлган бинолар, иншоотлар, машиналар, уруғликлар, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ёқилғи киради.

Моддий-техника ресурсларисиз балиқчилик соҳаси маҳсулотлари (товар ва хизматлари) ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурслари ва бошқа турдаги ресурслар ўртасида жуда катта боғланиш мавжудки, бу боғланиш бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қиласди. Масалан, ишлаб чиқаришда бир турдаги моддий-техника воситаларидан (бойитилган омуҳта ем, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ҳоказо) фойдаланиш моддий биологик ресурслар ( балиқ, сув, ўсимликлар ва ҳоказо) билан биргалиқда балиқ маҳсулотининг моддий асосини ташкил этади. Бошқа турдаги моддий-техника ресурслари (иш куроллари, машиналар, технологик ускуналар, ёқилғи-мойлаш материаллари, ветеринар препаратлар, хўжалик асбоб-ускуналари ва ҳоказо) эса тайёр маҳсулотни шакллантиришда фаол равишда иштирок этади. Моддий-техника

ресурсларининг яна бир қисми (энергетик машина, узатиш ускуналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва ҳоказо) ишлаб чиқариш жараёнининг умумий шарт-шароитларини таъминлайди. Яна бир қисми эса хўжалик юритишдаги шарт-шароитларни таъминлаб беради. Булар умумхўжалик хизматлари учун ускуналар ва бинолар, таъмирлаш устахоналари омборхоналар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, балиқчилик соҳаси иқтисодиётининг баъзи бир тармоқларида моддий-техника ресурсларининг бевосита ёрдами билан балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг табиий-биологик жараёнлари амалга оширилади. Албатта, балиқчиликда ишлаб чиқаришни малакали ишчи кучисиз, ер-сув, биологик ва минерал ресурсларсиз, умуман табиий ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Моддий-техника ресурсларига эга бўлиш учун эса молиявий ресурслар зарур бўлади.

Ер ва сувнинг чекланганлиги ва биологик ресурсларнинг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг сифати ва миқдорига, уларнинг ўзаро бирикиб ишлашларига бўлган талабларини янада кучайтиради. Мақсад – балиқ маҳсулотини сифатли қилиб, харажатларни камайтириш экан, аввало ресурслардан юқори савияда ва тежамли фойдаланиш керак.

Моддий-техника ресурсларининг муҳим аҳамиятга эга эканини юқоридаги фикр-мулоҳазалардан билиб олдик. Уларнинг хусусиятлари тўғрисида гапирсақ, энг аввало балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг ўзига хос бўлган хусусиятларига тўхталиш лозим.

**Биринчидан**, балиқчилик соҳасида ресурслар таркибида келиб чиқиши, ишлатилиши, вазифалари ва турларига кўра хилма-хилликка эга бўлган воситалар мавжудки, уларсиз ишлаб чиқариш содир бўлмайди.

**Иккинчидан**, моддий-техника ресурслари қайта яратилиши мумкин. Бу ҳодиса эса саноат ишлаб чиқариши ҳисобидан содир бўллади. Шу билан

бирга, хўжалик фаолияти жараёнида ушбу ресурсларнинг жисмонан ва маънавий эскиришини ҳисобга олиб, уларни янги усул ва технологиялар асосида янада сифатлироқ ва миқдор жиҳатдан кўпроқ қилиб яратиш талаб этилади.

**Учинчидан**, балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурслари жорий этиш чекланган ҳисобланади. Бу чекланиш иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қайта ишланишига замин яратади. Асосий чекланиш омилларига саноат қувватлари, ресурс ишлаб чиқарувчилар таклифи, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг тўлов қобилияти, товар айирбошлиш шарт-шароитлари кабиларни киритиш мумкин.

**Тўртинчидан**, балиқчилик учун худудий бирлик характерлидир, шунга кўра моддий-техника ресурсларнинг кўп сонли қишлоқ жойларда бирдек хизмат кўрсатиш концентрацияси таъминланади.

**Бешинчидан**, моддий-техника воситаларининг балиқчилик соҳаси мақсадларига мўлжалланган ҳиссаси бошқа алоҳида тармоқлариникига кўра кичикроқ бўлади. Булардан ташқари, балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришда моддий-техника воситаларидан фойдаланишнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- балиқчилик соҳасининг ўзи мавсумий характерга эгалигини инобатга олиб, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ҳам мавсумий характерга эгадир, бу эса улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради;
- моддий буюмлашган кўринишдаги моддий-техника ресурслари табиий шароитлар таъсирига учрайди ва уларни сақлаш маълум миқдорда сарф-харажатларни талаб этади;
- балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари таркиби жонли организмлар ва зотли балиқлари ҳам киради;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айrim моддий ресурслар шу хўжаликнинг ўзида яратилади (балиқчиликда фойдаланиладиган ем-хашак, балиқ уруғи, ўғитлар ва бошқалар).

*Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг туркумланиши асосан: келиб чиқиши, моддий-ашёвий тури, фаолият тури, мулк шакллари, хўжалиги субъектлари тақсимоти, амалда фойдаланиш имкониятлари ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Куйидаги чизмада моддий-техника ресурсларининг туркумланиши берилган (7.1.1-расм).*

Чизмадан келиб чиқишига кўра, моддий-техника ресурслари табиий ва сунъий моддий ресурсларига бўлинади. Сунъий моддий-техника ресурслари, асосан саноатда ва қисман балиқчилик соҳаси ишлаб чиқарувчилари ёрдамида ишлаб чиқилади.



### **7.1.1-расм. Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг туркумланиши**

Табиий моддий-техника ресурсларига биологик, минерал ресурслари, қуёш энергияси, ер, шамол, сув энергияси, ер-сув ресурслари кабилар киради. Моддий-ашёвий таркиб бўйича моддий-техника ресурсларининг турланиши ресурсларнинг жисмонан миқдорига кўра умумий техник ўлчовлар билан белгиланади. Бундай ресурсларга ишчи машиналар, ишлаб чиқариш иншоотлари, технологик ускуналар, тракторлар, автомобиллар киради.


Фаолият тури бўйича моддий-техника ресурслари, асосан алоҳида тармоқларга ихтисослашган, бажараётган вазифасига кўра ресурсларнинг тақсимланиши кўзда тутилган ресурсларни ўз ичига олади. Масалан, саноат

корхоналари учун алоҳида ресурслар талаб этилса, балиқчилик соҳаси учун бошқа ресурслар керак бўлади.

Мулк шаклларига кўра, моддий-техника ресурслари ҳам туркумланади. Масалан, балиқчилик фермер ўзи техника воситасини сотиб олади ёки уни ижарага олади ва ҳоказо. Хўжалик субъектлари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг ким томонидан фойдаланиши эътиборга олинади.

Амалий фойдаланиш имконияти бўйича моддий-техника ресурсларининг туркумланиши, асосан фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлади.

Юқоридагилар билан бирга моддий-техника ресурслари балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объект бўйича тақсимланади. Булар қўйида чизмада акс эттирилган (7.1.2-расм).



### 7.1.2-расм. Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурслари

Чизмадан кўринадики, ишлаб чиқариш қатламига мансуб бўлган моддий-техника ресурслари таркибига асосан, балиқчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ресурслар киради. Масалан, балиқчилик соҳасининг ўзи балиқчилик соҳасини қайта ишловчи ва маҳаллий саноат, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, балиқчилик соҳасида курилиши, савдо-сотик ва ҳоказо.

Мисол учун, балиқчилик фермер хўжалигилари моддий-техника ресурсларининг таркибий тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- балиқчилик фермер хўжалигилари тасарруфидаги ер ва сув участкалари;
- балиқчилик фермер хўжалигиларидағи кўп йиллик дараҳтлар ва узумзорлар;
- балиқчилик фермер хўжалигиларидағи бино-иншоотлар, техникалар, машиналар ва бошқа иш қуроллари;
- балиқчилик соҳасида фермер хўжалигиларидағи айланма маблағлар (уруглик, озуқа, ЁММ, ўғитлар );
- балиқчилик фермер хўжалигиларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қофозлар ва ҳоказо.

## **7.2. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва инновацион технологиялар**

Ҳар бир давлат иқтисодиётининг юксалишида фан-техника тараққиёти муҳим жамиятга эга. Айниқса, балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг шакллантирилиши ва янада ривожлантирилиши учун фан-техника тараққиёти катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, фан-техника тараққиёти йирик ишлаб чиқариш учун характерли бўлган фан ва техниканинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилишидир. Инсониятнинг кундан-кунга ортиб борувчи эҳтиёжларини қондириш учун фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш табиий жараён бўлиб бормоқда.

**Фан-техника тараққиёти** интеллектуал онг ривожланиш маҳсули бўлиб, балиқчилик соҳасида у билан боғлиқ бўлган жами фанлардаги ўзгаришлар, ривожланишлар, уларнинг янада тараққий этиши, техника-технологияларни яратиш ва у билан шуғулланувчи малакали кадрлар тайёрлаш натижасида янада юксакликларга эришиш демакдир. Унинг асосий мақсади эса самарали, янги балиқчилик соҳаси техникаларини, экологик, жисмонан ва маънан талабларга жавоб берувчи ускуналарни, технологияларни, балиқчиликда янги зотларни яратиш, мавжуд воситалар ва технологияларни такомиллаштириб, меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат. Шунингдек, балиқчилик соҳасида ишлаб чиқарилаётган балиқ

маҳсулотлар миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаш ва истеъмолчигача етказиб бериш жараёнини муаммосиз ташкил этиш ҳам фан-техника тараққиётининг мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад негизида эса республика иқтисодиётини юксалтириш ётади.

Фан-техника тараққиётининг моҳияти фан ва техниканинг юксак суръатлар билан ўсиши учун бир-бири билан узвий равишда боғланиб, тараққий этишидан иборат. Уни жадаллаштириш зарурияти бир нечта сабабларга асосланади.

**Биринчидан**, фан-техника тараққиёти туфайли бир бирлик балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш;

**Иккинчидан**, яроқсиз ҳолга келтирилган ва эски, лекин ишлатилаётган балиқчилик соҳаси техника, асбоб-ускуналар, технологияларини янги, замонавий ва сифатлисига алмаштириш ҳамда шу орқали моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш.

**Учинчидан**, балиқчилик соҳаси ва саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этишда ихтисослаштириш, корхоналарни бир жойда тўплашнинг ўз ўрни бор. Ана шуни таъминлаш учун ҳам фан-техника тараққиёти зарурдир.

**Тўртинчидан**, балиқчилик соҳасини, умуман ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ривожлантириш учун кадрларни тўғри танлаш ҳам муҳим. Фан- техника тараққиёти эса янги-янги касбларнинг вужудга келишини талаб қиласида ва ишловчиларнинг касб-маҳоратини оширишга ундайди.

**Бешинчидан**, фан-техника тараққиёти орқали иқтисодиётнинг, иқтисодиётнинг барча тармоқлари алоҳида-алоҳида ва бир-бири билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожлантирилади.

Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиётини ривожлантириш техника-технологияларда туб ўзгартириш киритиш негизида албатта меҳнат унумдорлигини оширишга эришилади. Фан-техника тараққиёти икки шаклда амалга оширилади: 1) эволюцион ёки босқичма-босқич шакл (бунда фан ва


техника меъёри билан, секинроқ ва қисман такомиллашиб боради); 2) революцион ёки инқилобий шакл (бунда қонун-қоидага асосан янги техника ва технологияни вужудга келтириш ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан ўзгартиришга эришилади).

Фан-техника тараққиётининг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши иқтисодиётни ҳар томонлама интенсивлаштириш ҳисобига балиқ маҳсулот сифатини қатъий яхшилашнинг ҳал қилувчи воситаси ҳисобига содир бўлади. Балиқчилик соҳасининг техникавий жиҳатдан янгилаш, янги-янги технологиялар яратиш, ундаги моддий-техника базасини тубдан ўзгартиради.

**Олиб борилган илмий изланишлар натижасида инновация** – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни иқтисод қиласида ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара беришини таъминлайди.

**Инновация** – инновацион фаолиятнинг якуний натижаси бўлиб, янги ёки такомиллаштирилган кўринишда юзага чиққан ва бозорга киритилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, энг сўнгги тадқиқотлар ёки ихтиrolарнинг натижаларига асосланган тарзда ижтимоий хизматларга янгича ёндашув сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир (7.2.1-расм).

## 7.2.1-расм Балиқчиликда инновацион жараёнларнинг асосий йўналишлари<sup>15</sup>



<sup>15</sup> У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Балиқчилик соҳасида эса фан-техника тараққиётининг йўналишлари иқтисодиёт тармоқлари йўналишларидан бирмунча фарқ қиласди. Булар куйидагилар: янги ерларни ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, технологияларини яратиш, сермаҳсул балиқ зотини яратиш, мавжуд инновацион технологияларни такомиллаштириш, балиқчилик соҳасига сервис хизматларини кўрсатиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, сифатли саклаш ва истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш қобилиятига эга бўлган технологиялар ва тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ҳамда фан-техника тараққиётини балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий этишга хизмат килувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва уларни рағбатлантириш кабилар.

Балиқчиликда фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги ҳал қилувчи йўналишларидан биридир.

*Интенсивлаш-умумлаштириш*, серунумлик деган маъноларни англатади. Фан-техника тараққиёти жорий қилиниб, янги технологияларни киритиш натижасида балиқ маҳсулоти таннархи ҳам камаяди, бу эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta S = (T_1 - T_t) * A_t$$

Бунда  $\Delta S$  - янги технологияларни жорий қилиб, таннархни камайтиришдан келиб чиқувчи самарадорлик.

$T_t$  - янги балиқ маҳсулоти таннархи ( $t$  йилдаги);

$T_1$  - эски балиқ маҳсулоти таннархи;

$A_t$  - янги балиқ маҳсулотининг  $t$ -йилдаги ҳажми.

Бундан эса фойда қай даражада ўзгариши формуласи ҳам келиб чиқади:

$$\Delta F'_o t = ((B_t - T_t) - (B_e - T_e)) * A_t$$

$\Delta F'_o t$  - йилда фойданинг ўсиши, сўм ҳисобида;

*B<sub>t</sub>* - технология киритгандан кейинги улгуржи баҳо;

*T<sub>t</sub>* - технология киритгандан кейинги бир бирлик балиқ маҳсулот таннархи;

*B<sub>e</sub>* - янги технология киритмасдан олдинги улгуржи баҳо;

*T<sub>e</sub>* - янги технология киритмасдан аввалги бир бирлик балиқ маҳсулот таннархи;

*A<sub>t</sub>* - янги балиқ маҳсулотининг t йилдаги ҳажми.

### **7.3. Балиқчилик соҳасида фан-техника ютуқларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш**

Фан-техника тараққиёти XIX-XX асрларда юксалиш даврига эришди. Бутун иқтисодиёт тез суръатлар билан ривожлантирилди. Балиқчилик соҳасида янги зотли балиқлар, наслдор балиқларни кўпайтириш ва балиқ наслчилик хўжаликларида янги балиқ боқиш технологияларидан фойдаланишлар яратилди. Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, техника ва технологияларда туб ўзгаришлар киритиш барча техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни сафарбар этиш негизида меҳнат унумдорлигини анча оширишга эришилди. Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришда техниканинг янги-янги авлодларини, принципиал жиҳатдан янги технологияларни жорий этишни таъминлаш етакчи роль ўйнайди. Балиқчилик соҳасида фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси кучаймоқда, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги, самарали шакллари вужудга келмоқда, техника янгиликларини илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни иқтисодиётнинг, балиқчилик соҳасида ўзлаштириш муддатлари қисқармокда.

**Мисол учун.** Жиззах вилояти— Арнасой туманидаги ХК “MTT SEA FOOD” МЧЖ 124 гектар сунъий сув ҳавзаларида Вьетнам давлатидан келган 4-та мутахассислар томонидан 500 минг дона карп, оқ амур, лаққа, лешва 250 дона она балиқлар тўдаси парваришланмоқда. Лойиха қиймати 1 млн. доллар. Навоий вилояти— “Аква-Тўдакўл” ҚҚ МЧЖ томонидан

ХХРдан балиқ маҳсулотини қайтаишлаш, балиқ филеси, балиқ емини ишлаб чиқариш, музлатгич, дудлаш ва инкубация цехи учун керак бўладиган асбоб-ускуналар харид қилинган. Харид қиймати **6,5 млрд. сўм**. Туда кул сув омборига **200 минг** дона карп балиғи личинкалари Вьетнам давлатидан олиб келиниб парваришиланмоқда.

Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиёти самарадорлигини аниқлаш учун янги технологияларни қўллаш натижасида олинган иқтисодий самарани уни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар миқдорига бўлиш керак:

$$FTT_s = \frac{YaTS}{IX}$$

бунда:

$FTT_s$  - Фан техника тараққиёти самарадорлиги;

$YaTS$  - янги технологиялар натижасида иқтисодий самара, сўм;

$IX$  - ишлаб чиқариш харажатлари, сўм.

Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиёти самарадорлиги орқали йиллик иқтисодий самарага эришилади. **Йиллик иқтисодий самара** деганда, балиқчилик соҳасида олинган иқтисодий тежам тушунилади. Янги технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига эса фойданинг ўсиши, таннархнинг камайиши каби кўрсаткичлар киради. Булар ҳам янги технологияларни қўллаш натижасида амалга оширилади.

Балиқчилик соҳасида янги технологияларни ихтиро қилиш ва фойдаланишдан келиб чиқадиган хўжалик ҳисоби самараси қуидагича аниқланади:

$$E_{tx} = \Delta F_t - E_n \Sigma K_t$$

бунда:

$E_{tx}$  - йиғма хўжалик ҳисоби самараси, тийлдаги, сўм;

$\Delta F_t$  - тийлда янги технологияларни бўйича қилинган тадбирлар натижасидафойданинг ўсиши, сўм;

$E_n$  - янги технологиялар самарадорлигининг норматив коэффициенти ( $E_n=0,15$ );

$\Sigma K_t$  - т-йилда тадбирлар учун сарфланган капитал маблағ, сўм.

Балиқчилик соҳасида янги технология ва ишланмаларни яратиш ва уларни кенг кўламда амалиётга жорий этиш, албатта бозор механизмини кўллаш натижасида, яъни хўжалик шартномалари асосида амалга оширилади ва олинган натижалар балиқ маҳсулоти сифатида қабул қилинади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурслари деганда нимани тушунасиз?*
2. *Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиёти, инновацион технологиялар, балиқ маҳсулдорлигини тушунтириб беринг?*
3. *Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг хусусиятлари ва уларнинг таркибига нималар киради?*
4. *Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг туркумланишини тушунтириб беринг?.*
5. *Балиқчилик соҳасида фан-техника тараққиётининг йўналишлари, янгиликлари, илгор, самарали технологиялар бозори ҳақида нималарни тушунасиз?*
6. *Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларидан оқилона, тўлиқ ва самарали фойдаланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини изоҳлаб беринг?.*
7. *Балиқчилик соҳасида моддий-техника ресурсларининг шакланишини изоҳланг?.*
8. *Балиқчилик соҳасида замонавий, самарали, экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган технологияларни яратиш учун нималарга эътибор бериш лозим?*

## **VIII Боб. Балиқчилик соҳасининг асосий ва айланма воситалари, фонdlари ва улардан самарали фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситалар хақида тушунча, уларнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти ва улардан фойдаланиши даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда самарадорлигини оширишига оид назарий билимларни ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** балиқчилик соҳасида асосий ва айланма фонdlар (воситалар), доимий ва ўзгарувчан капитал, асосий ва айланма воситалар бозори, асосий воситалар ижараси, айланма капитал, асосий воситанинг эскириши, амортизацияси.

### **8.1. Балиқчилик соҳасида асосий воситалар ҳақида тушунча, уларнинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти ва туркумлаштирилиши**

**Асосий фонд (восита)** – бу балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ишларини бажариш ва хизмат кўрсатишда бир ва ундан ортиқ йил давомида қисмларга бўлинган ҳолда (амортизация шаклида) фойдаланиладиган мол-мулкининг бир қисми бўлиб, ўз қийматини балиқ маҳсулоти, иш ва хизматнинг таннархига айлантиради. Қиймат (пул) шаклида асосий маблағлар фонд (жамғарма) номида бўлади.

Хозирги пайтда балиқчилик соҳасида асосий фонdlар 10 та гурухга бўлинади:

- ер ва сув участкалари ва табиатдан фойдаланиш обьектлари;
- бинолар;
- иншоотлар;
- машиналар ва ускуналар;
- транспорт воситалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалиги инвентарлари;
- ишчи ҳайвонлар;
- маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик дарахтлар;
- асосий маблағларнинг бошқа турлари.

Асосий воситаларнинг балиқчилик соҳасидаги вазифасига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчига бўлинадилар.

**Ишлаб чиқарувчи асосий фондлар** – бу балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишида бевосита иштирок этувчи маблағлардир.

**Ноишлаб чиқариш фондлари** балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишида иштирок этмайди. Улар ижтимоий характерга эга. Уларга балиқчилик соҳасида тегишли уй-жой коммунал хўжаликлари, аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектлари, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф кабилар киради.

Асосий ишлаб чиқариш маблағлари балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра икки қисмга, фаол ва нофаолга бўлинади. *Фаол қисмига* балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришида (машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари) бевосита иштирок этадиган маблағлар, *нофаол қисмига* -бинолар ва иншоотлар киради.

Балиқчилик соҳаси корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш воситалари фаол ва нофаолдан ташқари яна иккита гурӯхга: асосий фаолият турининг асосий ишлаб чиқариш воситалари (балиқчилик соҳасига мўлжалланган) ва бошқа тармоқларнинг асосий ишлаб чиқариш маблағлари (балиқчилик соҳасига зид бўлмаган).

Асосий фаолият турининг асосий ишлаб чиқариш воситаларига қўйидагилар киради:

- ер ва сув участкалари ва табиатдан фойдаланиш обьектлари (корхона мулкида бўлган ва балиқчилик соҳаси ишлаб чиқарилишида фойдаланиладиган);
- бинолар, иншоотлар ва узатиш қурилмалари (телефон ва сув тақсимлаш тармоқлари);
- машиналар ва ускуналар, шу жумладан, машиналар ва ускуналар, ишчи машиналар ва ускуналар;
- лаборатория ва ўлчов ускуналари, ҳисоблаш техникаси;

- транспорт воситалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалиги инвенторлари;
- ишчи ҳайвонлар (отлар, хўқизлар);
- маҳсулдор моллар (маҳсулдор чорва молларининг асосий подаси);
- кўп йиллик дaraohтлар (мевали ва бошқа дaraohт кўчатлари);
- асосий воситаларнинг бошқа турлари (ер сув хўжалини яхшилаш бўйича капитал харажатлар).

Асосий воситаларнинг ҳисоби **натурал** ва **қиймат** ўлчов бирлигida амалга оширилади. Воситаларни қиймат бирлигida баҳолашнинг асосий кўриниши бошланғич тикланишга доир ва қолдик қийматида бўлади. Шунингдек, баланс қиймати ва тутатиш қиймат тушунчалари ҳам мавжуд.

**Балиқчиликда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**-бу харид қилиш, етказиб бериш, машина ва ускуналарнинг монтажига, бинолар ва иншоотлар қурилишига ва уларни эксплуатацияга киритишга ҳамда бошқаларга қилинган ҳақиқий сарф-харажатларнинг ҳисоб-китобидир. Агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бутун хизмати давомида ўзгармаса, улар корхона балансида ана шу қиймат билан ҳисобга олинадилар. Йиллик амортизация чегирмалари ҳам бошланғич қиймат бўйича бажарилади.

Инфляция ва бошқа сабабларга кўра асосий воситаларнинг қиймати баъзида объектларнинг ҳақиқий баҳосини акс эттира олмай қолади. Маҳсулотнинг аниқ қиймати ва амортизациясини аниқлашда қийинчиликлар келиб чиқади. Асосий воситаларнинг янги баҳоси асосий воситаларнинг тикланишга доир қиймати деган ном олади. Асосий воситалар қайта баҳолангандан кейин корхона балансида ана шу тикланишга доир баҳоси билан ҳисобга олинади. Янгидан сотиб олинган асосий воситалар – ушбу босқичда бозорда шаклланган бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинади.

## 8.2. Балиқчиликда асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Балиқчилик корхона балансида асосий воситалар икки хил вариантда: янги бошланғич баҳосида ва тикланишга доир баҳосида ҳисобга олинади. Балиқчилик соҳаси корхонаси балансидаги асосий воситаларнинг ана шу аралаш шакли асосий воситаларнинг баланс қиймати номини олади. Асосий воситалар мулк таркибида шунингдек, амортизацияга ажратмани ҳам ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ана шундай шакли асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати номини олади. У асосий воситаларнинг балансли қиймати ва амортизация ажратмаси орасидаги фарқни кўрсатади.

Асосий воситаларнинг икки тарафлама ҳисоби (амортизация ажратмасиз ва уни қўшиб) асосий воситаларнинг норматив эскириш даражасини ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини белгилайди.

Балиқчиликда асосий воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоб-китоб қилиш учун уларнинг ўртача йиллик қийматларини аниқлаш керак. Уларни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$AV_q = \frac{[(AV]_{bq} + AV_{oq}) + \Sigma AV_1}{12} * 100$$

бунда:

$AV_q$  – асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати;  $AV_{bq}$  – асосий воситаларнинг йил бошидаги (1 январдан) қиймати;  $AV_{oq}$  – асосий воситаларнингийл охиридаги (31 декабр) қиймати;  $\Sigma AV_1$  – 1 январдан бошлаб асосий воситаларнинг ҳар ойнинг биринчи кунига қиймати.

Балиқчиликда асосий воситаларнинг юқорида айтилган турларидан ташқари асосий воситаларнинг тугатиш қиймати ҳам бор. У ўзига асосий воситалар ҳисобидан чиқарилгандан кейин қоладиган металлом, конструкцияга эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни қамраб олади.

Эксплуатация жараёнида асосий воситалар аста-секин эскиради, ўзининг бошланғич сифати ва баҳосини йўқотиб боради (бинолар, тракторлар комбайнлар). Эксплуатация ҳамда атмосфера омиллари таъсирида асосий воситаларнинг эскириши **физик эскириш** номини олади.

Иқтисодиётда физик эскиришдан ташқари **маънавий эскириш** ҳам ҳисобга олинади. У икки турда бўлиши мумкин. Биринчи тартибдаги маънавий эскириш сменада меҳнат воситаси билан корхона харажатларни қисқартириш ва рақобатбардошлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш маънан эскирган воситалар билан бажарила бошланади. Бундай ҳолларда балиқчилик корхоналарига эскирган меҳнат воситасини ҳисобдан чиқариш ёки сотиш ва уларнинг ўрнига маҳсулдорроғини сотиб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлади.

Иккинчи тартибдаги маънавий эскириш ишчилар учун қулай бўлган аввалги унумдорлик билан арzonроқ меҳнат воситаси ишлаб чиқарила бошланганда юз беради.

Эскирган асосий воситаларни тиклаш ва уларни янгиларига алмаштириш учун ҳар йили асосий воситаларнинг бир қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига ўтказилади (иш ва хизматга). Асосий воситаларнинг ана шу қисми **амортизация** деб аталади.

Амортизация ажратмаларининг ўзига хослиги шундаки, у асосий воситаларнинг хақиқий эскириши асосида эмас, норматив (фойдаланиш муддати) бўйича ҳисобланади, яъни амортизация асосий воситаларнинг хақиқий эскиришини акс эттирмайди. Амортизацияни маҳсулот (иш ва хизмат) таннархига қўшиш маҳсулот (иш хизмат) реализациясидан тушган даромадни пасайтиради. Бироқ, бу молиявий маблағларнинг чиқиб кетишига олиб келмайди. Чунки, амортизацияга

ажратмалар корхонада қолади. Бинобарин ушбу пул маблағлари асосий воситаларнинг ҳар бир тури эскирганда маълум йилдан кейин уларни тиклаш учун ишлатилади, шунинг учун амортизация ҳам даромадга ўхшаб кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ва инвестициялар учун муҳим манба ҳисобланади.

Балиқчиликда асосий воситаларнинг бу ҳаракати асосий капиталнинг тақрор ишлаб чиқариш моҳиятининг белгилайди ва асосий воситаларнинг кўпайиши янгиланиши ва ҳисобдан чиқарилиши коэффициентлари билан изоҳланади.

*Асосий воситаларнинг кўпайиши коэффициенти ( $K_{avk}$ ):*

$$K_{avk} = \frac{AV_{ya} - AV_b}{AV_b}$$

бунда:  $AV_b$  – йил бошига (1 январга) асосий воситаларнинг қиймати;  $AV_{ya}$  – йил якунида (31 декабр) асосий воситаларнинг қиймати.

*Асосий воситаларни янгилаш коффициенти ( $K_{ya}$ ):*

$$K_{ya} = \frac{AV_k}{AV_{ya}}$$

бунда:  $AV_k$  – кирим қилинган асосий воситаларнинг қиймати.

*Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти ( $K_h$ ):*

$$K_h = \frac{AV_h}{AV_b}$$

бунда:  $AV_h$  – ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати.

*Асосий воситалардан фойдаланишининг ўртача муддати (йил), ( $T$ ):*

$$T = \frac{AV_{eq}}{A}$$

бунда:  $AV_{eq}$  – асосий воситаларнинг эскириш қийматисиз қиймати; А – амортизациянинг йиллик суммаси.

*Асосий воситаларнинг эскириши даражаси (%), (O<sub>3</sub>):*

$$AV_{ed} = \frac{AV_b - AV_{eq}}{AV_b} * 100$$

бунда:  $AV_{ed}$  - асосий воситаларнинг эскириш қиймати.

Асосий воситаларнинг кўпайиш қиймати таҳлил қилинаётган даврда асосий капиталнинг ортишини изоҳлайди. Янгилаш коэффициенти ишлаб чиқаришга янги асосий воситалар киритилганини акс эттиради. Кўпайиш ва янгиланиш коэффициентлари бир-бирига тўғридан-тўғрипропорционал боғлиқликда бўлади. Кўпайиш коэффициенти қанча юқори бўлса, янгиланиш коэффициенти ҳам шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Ҳисобдан чиқариш коэффициенти хўжалигида асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши суръатини кўрсатади.

Асосий воситалардан фойдаланишнинг ўртача муддати хўжалигида амортизация фонди ҳисобига неча йилда асосий воситалар янгиланиши мумкинлигини, яъни норматив бўйича асосий воситаларнинг хизмат кўрсатиш муддатини кўрсатади.

Бу кўрсаткичларни шартли мисолда кўриб чиқамиз.

Балиқчилик хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситалари йил бошида  $AV_b$  92912 минг сўмни йил охирида  $AV_{ya}$  – 93090 минг сўмни ташкил этди, 1484 минг сўмни асосий восита ( $AV_k$ ) кирим қилинди. 1306 минг сўм.лик асосий восита ҳисобдан чиқарилди ( $AV_h$ ). Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириш баҳосисиз қиймати  $AV_{eq}$  – 45330 минг сўм. Йиллик амортизация ажратмаси (A) 2295 минг сўм. Юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичларни аниқлаймиз.

*Кўпайиш коэффициенти:*

$$K_{avk} = \frac{93090 - 92912}{92912} = \frac{178}{92912} = 0,002$$

Ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, йил давомида хўжалиги асосий воситаларини деярли кўпайтирган, улар атиги 0,2 % га ўсан.

$$K_{ya} = \frac{1484}{93090} = 0,016$$

Йил давомида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бор йўғи 1,6 % янгиланган ҳисобдан чиқариш коэффициенти:

$$K_b = \frac{1306}{92912} = 0,014$$

Йил давомида 1,4 % ишлаб чиқариш воситалари ҳисобдан чиқарилган.

Асосий воситалардан фойдаланишнинг ўртача муддати:

$$T = \frac{45330}{2295} = 19,7$$

Маълумотларнинг кўрсатишича, асосий воситалардан фойдаланиш муддати нормативдагидан сезиларли даражада юқори. Бу асосий воситаларнинг юқори даражада эскиргани ва уларнинг ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмагани билан изоҳланади.

Асосий воситаларнинг эскирганлик даражаси:

$$AV_{ed} = \frac{92912 - 45330}{92912} * 100 = 51\%$$

Кутилганидек, асосий воситаларнинг эскирганлик даражаси жуда юқори.

Балиқчилик соҳасикорхоналарининг асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси фонд ва асбоб-ускуналар билан таъминланганлик кўрсаткичлари билан белгиланади. Фонд билан таъминланганлик деганда, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қишлоқ хўажлигининг ер-сув майдонига ( 1га ёки 100 га) ўртача йиллик қийматининг нисбати тушунилади. Балиқчилик соҳасида асбоб-ускуналар фонди билан таъминланганлик ўртача йиллик бир ишчига қанча асосий ишлаб чиқариш воситаси тўғри келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун бир неча йил ҳисоблаб чиқиласди.

**Фонд билан таъминланганлик (минг сўм/киши), ( $F_t$ );**

$$F_t = \frac{AV_q}{QX_{ye}}$$

бунда:  $AV_q$  – асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати;  $QX_{ye}$  – балиқчилик соҳасининг ер майдони, га.

**Асбоб-ускуна фонди билан таъминланганлик (минг сўм/киши), ( $A_t$ );**

$$A_t = \frac{AV_q}{N}$$

бунда:  $N$  – ишчиларнинг йиллик ўртача сони, киши.

*Мисол.* Балиқчилик хўжалигида асосий турдаги фаолиятнинг (балиқчилик соҳасига доир) асосий ишлаб чиқариш воситаларнинг йиллик ўртача қиймати 89492 минг сўм.дан иборат бўлди. Балиқчилик соҳаси экин майдони 56 га ўртача йиллик ишчилар сони 12 киши, Фонд билан ҳамда асбоб-ускуналар фонди билан таъминланганликни ҳисоблаймиз.

$$F_t = \frac{89492}{56} = 1598,07 \text{ минг сўм/га}$$

$$A_t = \frac{89492}{12} = 74576,7 \text{ минг сўм/киши}$$

Балиқчилиқда асосий ишлаб чиқариш воситаларида фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик фонд қайтими, фонд сифими ва 1 сўм.га олинган даромад сўммаси бўйича аниқланади.

Фонд қайтими асосий ишлаб чиқариш воситаларининг 1 сўм.га қанча ялпи маҳсулот (товар) ишлаб чиқарилишини кўрсатади. Шу билан бирга агар ҳисоб-китоб балиқчилик соҳасининг ялпи маҳсулотлари бўйича олиб борилса, унда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати фаолиятнинг асосий тури бўйича (балиқчилик соҳаси бўйича) олинади. Агар ҳисоб-китоб товар маҳсулотлари бўйича бажарилса, унда ҳамма ўртача йиллик асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобга олинади.

**Фонд қайтими, ( $F_q$ );**

$$F_q = \frac{YaM}{AV_q}$$

бунда:  $YaM$  - ялпи маҳсулотнинг қиймати;

Фонд сигими-фонд қайтимининг тескари кўрсаткичи. У 1 сўм. Ялпи ёки товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча асосий восита талаб қилинишини кўрсатади.

**Фонд сигими, ( $F_s$ );**

$$F_s = \frac{AV_q}{YaM}$$

Ўртача йиллик асосий ишлаб чиқариш воситаларининг 1 сўм.га олинган даромадлари сўммаси, ( $O_m$ ):

$$AV_{ds} = \frac{D_s}{AV_q}$$

бунда:  $D_s$  – маҳсулот (иш хизмат) реализациясидан даромад.

*Мисол.* Жорий баҳолардаги ялпи маҳсулот баҳоси 16170 минг сўм.; товар маҳсулотлари, иш ва хизмат баҳоси 12673 минг сўм.; даромад 1943 минг сўм.ни ташкил этди. Ҳамма асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 93063 минг сўм.га teng. Шу жумладан асосий фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш воситалари – 89492 минг сўм. Юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичларни ҳисоблаймиз.

$$F_q = \frac{16170}{89492} = 0,18$$

$$F_q = \frac{12673}{93063} = 0,14 \text{ сўм}$$

$$F_s = \frac{89492}{16170} = 5,53 \text{ сўм}$$

$$AV_{ds} = \frac{1943}{93063} = 0,02 \text{ сўм}$$

Ялпи товар маҳсулотлари ва даромадларнинг кўрсатишича, балиқчилик соҳасида фонд қайтими жуда паст.

Балиқчилик соҳасикорхоналарида балиқчилик соҳаси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишда асосий воситалар ҳам иштирок этади.

### **8.3. Балиқчиликда айланма воситалар ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлаштирилиши**

**Балиқчилик соҳасида айланма воситалар** деганда ишлаб чиқариш даврида бир марта иштирок этадиган ва ўз қийматини тўлиғича тайёр балиқ маҳсулоти таннархига ўтказувчи моддий-пул маблағларининг йифиндиси тушунилади.

Айланма воситалар меҳнат предметларига киради. Асосий воситалардан фарқли равишда улар ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида нафақат тўлиқ сарфланади, шунингдек, ўзининг дастлабки моддий-натурал шаклини ўзгартиради ҳам. Айланма воситалар билан таъминланганлик ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришнинг янги даври ўз вақтида молиялаштирилишига ҳал қилувчи таъсир ўтказади.

Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнида айланма воситалар мунтазам ҳаракатда бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даври айланма ҳаракатни якунлайди.

**Балиқчилик соҳасида айланма воситаларнинг айланниши уч босқичдан иборат:** пулга, ишлаб чиқаришга ва товарга оид.

Пулга оид босқичда пул маблағлари зарур моддий айланма воситаларни сотиб олиш учун (уруғлик, ем, ёнилғи-мойлаш материаллари қайта ишлаш учун хом-ашёлар ва бошқалар) молиялаштирилади.

Ишлаб чиқаришга оид босқичда сотиб олинган моддий айланма воситалар ёрдамида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни юз беради.

Товарга оид босқичда тайёр балиқ маҳсулоти реализация қилинади. Реализациядан олинган тушум (пул шакли) янги ишлаб чиқариш даврининг бошланиши бўлади.

Схемадан фарқли равища реал ишлаб чиқаришда айланма воситалар бир вақтнинг ўзида айланишининг ҳамма босқичларида иштирок этиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайдилар.

Функционал вазифаларига қўра, айланма воситалар ишлаб чиқаришдаги айланма фондлар ва муомаладаги фондларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришдаги айланма фондлар ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси даврга харажатлардан ташкил топади. Айланма маблағлар тузилмасида улар 85-90 % ни эгаллайдилар.

***Режалаштириши дараҷаси бўйича айланма воситалар нормаланган ва нормаланмаганга бўлинади.*** Нормага солинган асосий воситаларга ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш келгуси давр харажатлари, тайёр маҳсулот тайёрлов ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар киради.

Айланма воситаларни нормага солиш балиқчилик соҳасида корхонанинг нормал ишлаши учун захира ва нормативларнинг режали нормасини ўрнатишни билдиради. Бу хом-ашё ва материалларнинг нормадан ортиқ бўлишидан сақлайди, уларни сақлаш харажатларини қисқартиради, асосланмаган пул маблағини жалб этишга йўл қўймайди, уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлашга имкон беради.

Балиқчилик соҳасида айланма воситаларнинг асосий турларини режалаштириш асосида минимал эҳтиёж принципи ётади. Уруғлик ва экиладиган материаллар, ёш чорва моллари ва бўрдоқига чорвачиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, боқилаётган чорва моллари, ўсимликчилик ва чорвачиликда тугалланмаган ишлаб чиқаришлар бўйича асосий воситалар нормативлари уларнинг тўлиқ эҳтиёжига мос келади. Ҳисоб-варақдаги қолдиқ пул маблағлари ва ҳисоб-китобдаги маблағ бўйича норматив ўрнатилмайди.

Балиқчилик соҳасида айланма воситаларнинг бошқа турлари бўйича ҳам нормативлар ана шундай принципларда ўрнатилади.

## 1. Айланма восита (маблағ) лар

2. Ишлаб чиқариш айланма восита (маблағ) лари
3. Ишлаб чиқариш захиралари
4. Тарапар ва тарали материаллар
5. Қурилиш материаллари
6. Инструментлар, хұжалиги инвентар жиҳозлар
7. Уруғлик ва әкіладиган материаллар
8. Ўғитлар ва заһарлы химикатлар
9. Бойитилган омухта ем
10. Ёқылғи ва мойлаш материаллари
11. Эхтиёт қисмлар
12. Келгуси давр харажатлари
13. Муомаладаги фондлар
14. Тайёр маҳсулот
15. Пул маблағлари
16. Юкланган товарлар
17. Ҳисоб-китобдаги восита (маблағ)лар.

*Балиқчилік соҳасида айланма маблағлар шаклниниши манбалари бүйічa* хусусий, қарз ва жалб этилғанга бўлинади. Хусусий айланма маблағлар миқдори корхона томонидан мустақил ўрнатилади ва айланма маблағлар нормативларига мос келади.

Айланма маблағлардаги етишмовчилик банклардан олинган қисқа муддатли ссудалар, яъни қарз маблағлар ҳисобига қопланади. Банклардан ташқари, ҳукумат ташкилотлари, молиявий компаниялар ва бошқа тижорат тузилмалари ҳам маблағ бериси мумкин. Улар қисқа муддатли ссудалар, имтиёзли товар кредитлари, аванс тўловлари, векселлар, солик тўловларининг кечиктирилиши шаклида берилади.

Айланма маблағларни тўлдириш хусусий ва қарз маблағлари билан бир қаторда жалб этилган маблағлар ҳисобига ҳам бажарилади. Уларга то тўғридан-тўғри вазифаси учун фойдалангунга қадар кредит қарzlари ва мақсадли молиялаштириш маблағлари тааллуқлидир.

## **8.4. Балиқчиликда айланма воситалар, улардан фойдаланиш даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш балиқчилик соҳаси корхоналари ишларининг молиявий натижаларига катта таъсир кўрсатади.

Улардан самарали фойдаланиш кўпгина омилларга, биринчи навбатда айланма маблағларнинг айланнишига боғлиқ.

Балиқчилик соҳасида **айланма маблағларнинг айланниши** деганда, айланма маблағларнинг тўлиқ айланниш даври-пул ишлаб чиқариш шаклидан, тайёр балиқ маҳсулотларини чиқариш ва уларни реализация қилгунга қадар бўлган давр (пул маблағлари келиб тушиши) тушунилади.

Айланма маблағларнинг айланниши қўйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: айланма маблағлар айланнишининг коэффициенти, бир айланнишнинг узунлиги (давомийлиги), айланма маблағларнинг бўшатилиши ёки уларга қўшимча талаб.

*Айланма маблағларнинг айланниши коэффициенти, ( $K_{ay}$ ):*

$$K_{ay} = \frac{AyS}{AyV_q}$$

Бунда  $AyS$  – айланма воситаларнинг айланниш сўммаси;  $AyV_q$  – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи).

Саноат корхоналарида шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқариши ва балиқчилик соҳаси ташкилотлари соҳаларида айланма суммаси товар маҳсулотлари қийматига мос келади. Балиқчилик маҳсулотлари бўйича айланма суммаси балиқ маҳсулоти (иш хизмат) реализациясидан олинган суммага мос келмайди.

Балиқчилик маҳсулотлари бўйича айланма сумма балиқ маҳсулоти (иш хизмат) нинг реализациясидан кейинги тушумидан асосий подага ўтказилган ёш чорва молининг қиймати чегирилиб олинади, яъни асосий подадан чиқарилган ва реализация қилинган чорва молидан иборат бўлади.

**Балиқчилик соҳасида айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати** ( $A_k$ ) нормаланадиган айланма маблағ бўйича ҳисобланади ва куйидаги формула билан аниқланади.

$$AyV_q = \frac{(0,5AyV_b - 0,5AyV_o) + \Sigma AyV_1}{12}$$

Бунда  $AyV_b$  – айланма воситаларнинг йил бошидаги (1 январга) қиймати;  $AyV_o$  – айланма воситаларнинг йил охирига (31 декабрга) қиймати;  $\Sigma AyV_1$  – қолган ойларнинг биринчи кунига (февралдан бошлаб) айланма воситалар қиймати суммаси.

Баъзи иқтисодий адабиётларда муаллифлар айланма маблағларнинг айланма коэффициенти ўрнига айланмадаги маблағлар устамаси коэффициентини – катталикни айланма маблағлар айланишининг тескари коэффициентини ҳисоблашни тавсия қиласидар.

**Балиқчилик соҳасида айланма маблағларнинг айланиши коэффициенти** қанча юқори бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самаралироқ фойдаланилади ва аксинча айланмадаги юклама коэффициенти қанчалик кам бўлса, айланма маблағдан шунчалик самарасиз фойдаланилади.

Айланма маблағдан фойдаланишнинг навбатдаги муҳим кўрсаткичи куйидаги формула билан аниқланадиган битта **айланма воситанинг айланиши давомийлиги** ( $AyV_d$  кун) дир.

$$AyV_d = \frac{K_s}{AyV_q}$$

бунда:  $K_s$  - кўрилаётган даврдаги кунлар сони (одатда 365 кун).

Агар қавс ичида ҳисоблашлар натижалари бўйича чап томон ўнг томондан кўп бўлса ва аксинча агар ўнг томон чап томондан кўп бўлса, (манфий белги билан) айланма маблағнинг иқтисод қилинган суммасини оламиз.

Кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари, шунингдек **айланма маблағлардан фойдаланиши рентабеллиги дараҷасини** ҳам аниқлайдилар (%):

$$R_d = \frac{M_d}{AyV_q} * 100$$

бунда:  $M_d$  – маҳсулот (иш хизмат) ни реализация қилингандан олинган даромад;  $AyV_q$  – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати. (8.4.1-жадвал)

#### 8.4.1-жадвал

#### **Балиқчилик хўжаликларида айланма маблағларнинг айланиши ва улардан фойдаланишнинг самарадорлиги**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	Хисобот йили
1.	Маҳсулот (иш хизмат) реализациясидан тушум	7866	12673
2.	Асосий подадан чиқарилган чорва молининг қиймати	558	564
3.	Асосий подага ўтказилган ёш чорва молининг қиймати	530	1163
4.	Айланма сўммаси	7838	13272
5.	Нормалаштириладиган айланма маблағнинг ўртача йиллик қиймати	8808	10640
6.	Сотувдан кўрилган даромад ёки зарар	-817	1943

$$A_{\text{ай}} \text{базис йилида} = 7838 : 8808 = 0,89;$$

$$A_{\text{ай}} \text{хисобот йилида} = 13272 : 10640 = 1,25;$$

$$A_k \text{ базис йилида} = 8808 : 7838 = 1,12;$$

$$A_{k\text{хисобот}} \text{ йилида} = 10640 : 13272 = 0,80;$$

$$A_d \text{ базис йилида} = 365 : 0,89 = 410 \text{ кун};$$

$$A_d \text{ хисобот йилида} = 365 : 1,25 = 292 \text{ кун};$$

$$A_{\text{хисобот}} \text{ йилида} = 13272 : 365 \cdot (10640/13272 - 8808/7838) = 36,4$$

$$(0,80 - 1,12) = 11,6 \text{ минг сўм}.$$

$$P_{\text{базис}} \text{ йилида} = (-817) : 8808 \cdot 100 = 9,3 \text{ \%};$$

$$P_{\text{дхисобот}} \text{ йилида} = 1943 : 10640 \cdot 10 = 18,3 \text{ \%}.$$

Таҳлил учун олинган кўрсаткичларни 8.4.2-жадвалга киритамиз.

#### 8.4.2-жадвал

#### Балиқчиликда айланма маблағларнинг айланниши ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	Хисобот йили
1.	Айланма маблағларнинг айланниш коэффициенти	0,89	1,25
2.	Айланмадаги маблағлар юкламаси коэффициенти	1,12	0,80
3.	Бир айланманинг давомийлиги, кун	410	292
4.	Айланма маблағларнинг иқтисоди (бўшатилиши) минг сўм.	-	- 11,6
5.	Айланма маблағлардан фойдаланишнинг рентабеллиги, %	- 93	18,3

Режалаштириш даражасига кўра, айланма маблағларни режалаштириш норма асосида ва нормасиз гурухларга бўлинади. Нормага солинадиганга ишлаб чиқаришнинг айланма фонdlари (ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари) ва моддий айланма маблағни билдирувчи тайёр маҳсулотлар киради. Пул маблағлари, ҳисоб-ракамлардаги маблағлар, ортилган товарлар - булар нормасиз айланма маблағлардир.

Айланма маблағларнинг етишмаслиги ишлаб чиқаришнинг қисқаришига ҳамда унинг дастури бажарилмаслигига олиб келиши мумкин. Норматив (меъёр) дан ортиқ заҳиралар пул маблағларини айланнишдан чалғитади. Буларнинг ҳаммаси ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келади.

Балиқчилик соҳасида айланма маблағлардан йилнинг турли даврларида бир текис фойдаланилмайди ва бу уларнинг структураларига жиддий таъсир ўтказади. Масалан, қишида айланма маблағларнинг салмоқли қисми уруғлик ва озуқа заҳираларида сақланади, ёзда эса уларнинг каттагина улуши нефть маҳсулотлари заҳираларида, техника учун эҳтиёт қисмларга ва тугалланмаган ишлаб чиқаришда тўпланади.

**Балиқчилик соҳасида айланма маблағларнинг шаклланиши манбалари** – хусусий, қарзга олинган ва жалб этилган маблағлардир. Хусусий

айланма маблағларни түлдириш учун даромад билан бир қаторда турғун пассивлардан ҳам фойдаланилади. Турғун пассивларга иш ҳақи бүйича ойдан-ойга нормал равища үтиладиган қарздорликлар ва ижтимоий суғурта бүйича ажратмалар, резерв фонди маблағлари қолдиқлари ва бошқалар киради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситалар, фонdlар ҳамда доимий ва ўзгарувчан капитал деганда нимани тушунасиз?*
2. *Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситаларнинг аҳамияти қандай?*
3. *Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситаларнинг туркумлаширилишини баён этинг.*
4. *Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситалар бозори ва асосий воситалар ижараси деганда нимани тушунасиз?*
5. *Балиқчилик соҳасида асосий шилаб чиқариш воситаларидан фойдаланиши даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни изоҳланг.*
6. *Балиқчилик корхонасининг молиявий маблағлари, айланма капитал ва четдан жалб этилган маблағлар ҳақида тушунча беринг.*
7. *Балиқчилик соҳасида айланма воситалардан фойдаланиши даражасининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни изоҳланг.*
8. *Балиқчилик соҳасида асосий воситаларнинг эскириши, амортизациясини ҳисоблаш усулларини айтиб беринг.*
9. *Балиқчилик соҳасида асосий ва айланма воситалардан фойдаланиши самарадорлигига таъсир этувчи омилларни изоҳланг.*

## **IX Боб. Балиқчиликда меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги**

**Ўқув мақсади:** Меҳнат ресурслари таркиби, меҳнат ресурсларининг ҳуқуқий асослари, меҳнат бозори сегментини ўрганиши, меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиши даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, меҳнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий билимларни ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Меҳнат ва меҳнат ресурси, меҳнат бозори, меҳнат баланси, меҳнат унумдорлиги.

### **9.1. Балиқчилик соҳасида меҳнат ва меҳнат ресурслари**

Меҳнат-бу инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлиб, унинг жараёнида моддий ва маънавий қийматликлар яратилади.

**Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурслари** мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлиб, у балиқчилик тармоғида ишлаш учун жисмоний имкониятлар, билим ва амалий тажриба йиғиндисига эга бўлади. Улар ўзларига аҳолининг 16 дан 60 ёшгача бўлган меҳнатга қобилиятли эркакларва 16 дан 55 ёшгача бўлган аёллар, шунингдек меҳнатга яроқлилик ёшидан катта ёки балиқчилик тармоғида ҳақиқатан банд бўлганларни (ишлайдиган пенсионерлар ва 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари) қамраб олади.

Меҳнат ресурсларидан жамиятнинг асосий ва маҳсулдор кучи сифатида оқилона фойдаланилганда, балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотларининг ўсишини ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

**Балиқчилик тармоғида иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи)-моддий қийматликлар яъни балиқ маҳсулоти ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатишда иштирок этишга имкониятли шахсларнинг йиғиндиси.**

**Балиқчилик тармоғида банд аҳоли-ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган шахсдир.** Бандларга ёлланиб ишлайдиганлар тадбиркорлар, эркин касб эгаси бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар киритилади. Балиқчилик соҳасида банд аҳоли сони кам кишиларни ташкил этади.

Бандлик иқтисодий категория сифатида иш жойи билан таъминлаш ва балиқчилик хўжалик фаолиятида иштирок этиш бўйича одамлар орасидаги муносабатлар тизимини ифодалайди. **Аҳолининг бандлиги**-одамларнинг ўзларининг шахсий эҳтиёжларини қондирилиши билан боғлиқ бўлган ва уларга меҳнат даромадлари келтирувчи, шунингдек, хақ тўлайдиган ишларни бажариши билан боғлиқ бўлмаган (бала тарбияси, уй хўжалик юритиш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишижтимоий фаолияти) фаолиятлардир. **Балиқчилик тармоғида иқтисодий фаолият билан бандлар** товар ишлаб чиқариш ва турли хил хизматлар кўрсатишида қатнашиб, шунга боғлиқ ҳолда ўз даромадлари борасида бошқа одамлар гуруҳи - шахслар ёки жамият билан муносабатга киришувчи шахслар. Уларга балиқчилик тармоғида қўйидаги шахслар киради:

- хақ олиш учун ёлланиб тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган иш вақтида ишловчилар;
- касаллик, касални парваришлаганлик, таътил, иш ташлаш ва шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишга бора олмайдиганлар;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар;
- оиласий корхоналарда иш бажарувчилар (хақ тўламасдан).

Балиқчилик соҳасида бандликнинг миқдорий кўрсаткичлари қўйидагилар:

- бандларнинг умумий сони;
- тўлиқ иш кунига қайта саналганда бандлар сони;
- маълум даврда (коидага кўра, йилда) ишланган одам/кунлар ёки одам/соатлар.

**Балиқчилик тармоғида ишчиларнинг рўйхатга олинган ўртача миқдори** йилига уларнинг рўйхатга олинган ўртача миқдорининг ҳамма ойлар бўйича жамлаб олинган миқдорини 12 га бўлиш йўли билан топилади.

**Балиқчилик тармоғида ишчиларнинг бир ойга рўйхатга олинган миқдори** рўйхатдан ишчилар таркиби, сонини ойнинг ҳар бир календарь кунига жамлаш ва олинган миқдорини ойнинг календарь кунлари сонига бўлиш билан ҳисобланади.

**Балиқчилик тармоғида ишчиларнинг йиллик ўртача миқдорини хўжалик ишчиларининг бир йилда ишлаган вақтини (киши/соат, киши/кун) иш вақтининг йиллик фондига бўлиш йўли билан аниқланади.**

## **9.2. Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Балиқчилик соҳасида ва қайта ишловчи тармоқларда меҳнат ресурсларидан фойдаланишинг ўзига хослиги ишлаб чиқариш даврларининг бир-бираига мос келмаслиги натижаси бўлган меҳнатнинг даврийлигидир.

Меҳнатнинг мавсумийлик асосий кўрсаткичларини келтирамиз.

Йилликка нисбатан меҳнат сарфининг ойлик тақсимланиши фоизларда меҳнатдан бир текис фойдаланишда ўртача меҳнат сарфи 8,33 % (100:12) ни ташкил этади.

**Балиқчилик тармоғида мавсумийлик фаолият даври қўлами** ойлик максимал меҳнат сарфининг ( $MM_{max}$ ) минималига ( $MM_{min}$ ) нисбатидир(одам/соат).

$$M_{fd} = \frac{MM_{max}}{MM_{min}}$$

**Балиқчилик тармоғида меҳнат ресурсларидан фойдаланишинг мавсумийлик коэффициенти** – балиқчилик хўжаликнинг ўртача ойлик меҳнат сарфи билан ( $M_s$ ) максимал ёки минимал иш ҳажмига ойлик меҳнат сарфи нисбати билан характерланади:

$$M_k = \frac{MM_{max}}{M_s} \quad \text{ёки} \quad M_k = \frac{MM_{min}}{M_s}$$

Балиқчилик соҳасида меҳнатнинг мавсумийлигини ҳозирча олдини олиш имкони йўқ. Бироқ айрим балиқчилик соҳаси корхоналарининг кўп йиллик иш тажрибалари уни мунимумга тушириш мумкинлигини аниқлади.

Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишинг бошқа ўзига хос хусусиятлари – ишнинг кўп қирралиги ва уларни бажариш муддати кисқа бўлган меҳнат функцияларини ишчиларнинг бирга олиб боришидир.

Балиқчилик соҳасида ишчи кучидан фойдаланиш даражасига ва агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигидир. Ишчи кучи билан етарлича таъминланмаганлик ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми бажарилмаслигига, дала ишларини ўтказишнинг оптимал агротехник муддатларига амал қилмаслик охир-оқибатда балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан керагидан ортиқ таъминланганлик эса ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Балиқчилик соҳаси ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари меҳнат ресурслари билан, меҳнат билан таъминланганлик ва таъминланмаганлик коэффициентини изоҳлайди. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини мавжуд талабларга ёки ер майдони бирлигига зарур ишчи сонини таққослаш билан аниқланади.

Балиқчилик соҳасининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ( $M_t$ ) 100 гаёки 1 га ер майдонига тўғри келадиган ишчилар сони билан изоҳланади.

$$M_t = \frac{M_r}{S} * 100$$

*Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик коэффициенти*- мавжуд меҳнат ресурсларининг ( $MR_m$ ) ишлаб чиқариш режасини бажариш учун уларнинг талаб қилинадиган сонига нисбати билан аниқланади ( $MR_t$ ):

$$M_{tk} = \frac{MR_m}{MR_t}$$

Балиқчилик соҳаси корхоналарининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси ҳақида балиқчилик соҳаси ер ва сув майдонининг бир ишчига ( $I_c$ ) тўғри келадиган ҳисобида ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_t = \frac{E_m}{I_s}$$

Бироқ, 100 га балиқчилик соҳаси ер ёки сув майдонига ишчилар сони ёки бир ишчига балиқчилик соҳасининг ер ёки сув майдонига ҳисоб-китоби меҳнат ресурслари билан таъминланганликни етарлича аниқ равишда характерлай олмайди. Чунки, бунда балиқчилик соҳаси корхонасининг интенсивлаштириш ва ихтисослиги даражаси бўйича фарқи ҳисобга олинмайди. Балиқчилик хўжалигининг меҳнат ресурслари билан таъминланганик коэффициенти яхшироқ аниқланади. Балиқчилик соҳаси корхоналарини ишчи кучи билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда меҳнат бозори муҳим аҳамият касб этади.

**Меҳнат бозори** – бу балиқчилик тармоқларида банд бўлган ишчи кучлари ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий шаклидир. Меҳнат бозори товар ишлаб чиқариш ва муомала қонуниятлари бўйича ишчи кучини қайта ташкил этиш учун зарур бўлган ҳаётий фаровонлиги учун меҳнатга индивидуал хусусиятларни алмашлаш бўйича муносабатлар тизимини ўзида акс эттиради. Бунда ўзига хос товар сифатида ишчи кучи чиқади.

Ҳар қандай товар бозори сингари меҳнат бозори ҳам талаб ва таклифларга асосланган. Бу ҳолатда талаб ишчи кучига бўлган эҳтиёж шаклида, таклиф эса бозорда мос равишда мавжуд бўладиган ишчи кучига нисбатан бўлади. Талаб ва таклиф ишчилар томонидан у ёки бу ишчи ўрнини эгаллаш ёки у ёки бу иш жойини эгаллаш мақсадида ишчилар орасидаги рақобатли кураш давомида ёки зарур ишчиларни жалб этиш учун иш берувчилар орасида амалга оширилади.

Меҳнат бозори учун қуийдаги хусусиятлар характерли. **Биринчидан**, агар ишчи кучи меҳнат жараёнида қиймат барпо этса, ресурсларнинг бошқа ҳамма турлари меҳнатнинг ўзи билан янги қийматга ўтади холос. **Иккинчидан**, иш кучи таклифи демографик омиллар билан - туғилиш даражаси меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши суръати унинг жинсга доир ёш тузилиши билан белгиланади. **Учинчидан**, ишчи кучи динамикасига миграция жараёни ҳам жиддий таъсир кўрсатади. **Тўртинчидан**, ишчи кучига бўлган талабга илмий-техник тараққиёт ҳам таъсир этади.

Аграр меҳнат бозорининг шаклланиш жараёнида бандлик муаммоси кескинлашади. Балиқчилик соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар асосида янги муаммолар ҳам келиб чиқади, яширин ишсизлик ортади, балиқчилик соҳасининг юқори малакали ишчи ва мутахассислари сони камаяди, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони қисқаради, ишчиларнинг ўртача ёши ортади. Аммо, қишлоқдан аҳолининг миграцияси камаяди. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг қишлоқдан шаҳарга оқиб боришининг камайиши қишлоқда вазиятнинг яхшилангани оқибати эмас, балки шаҳарда ишчи кучига талабнинг қисқаргани билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, аграр меҳнат бозори меҳнат ресурсларидан фойдаланишни сезиларли яхшилашга, уларга балиқчилик соҳасидаги талабнинг кескин қисқартиришга қодир. Шу билан бирга бозор муносабатлари энг оғири ишсизлик бўлган қатор ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Ғарбда ишсизлик кўламининг ўсиши учун нормал асос-бозорнинг келгусида кенгайиши озиқ-овқат товарларини қайта ишлаб чиқаришни, демак ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишини билдирса, бозорнинг тугагани бўлади.

Меҳнат бозорининг шаклланишига балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатининг мавсумийлиги ҳам катта таъсир кўрсатади.

### **9.3. Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, биринчи навбатда меҳнат унумдорлиги билан изоҳланади.

**Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги** – аниқ меҳнатнинг иш вақти бирлигига маълум миқдорда балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш хусусияти. Меҳнат унумдорлиги – иш вақти бирлигига ёки маълум даврда (соат, смена, ой, йил) ишлаб чиқилган балиқ маҳсулоти ҳажмидир.

Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги тизимли кўрсатгичлар билан изоҳланади. Асосий кўрсаткичлар – маҳсулот ишлаб чиқариш ваунинг меҳнат сифими (сермашаққатлилиги)дир. Меҳнат унумдорлиги балиқ маҳсулоти ҳажми натурал ва қиймат ифодасида ўлчаниши мумкин.

Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги ( $M_u$ ) қуйдаги формула билан ҳисобланади. Соатли меҳнат унумдорлиги вақтнинг ишчи бирлиги ҳисобидаги натурал ёки пул ифодасидаги ялпи балиқ маҳсулоти ҳажми, киши/соат, киши/кун, (Т):

$$M_u = \frac{Y a M}{T}$$

Меҳнат унумдорлиги – битта ўртача йиллик ишчига ( $T_u$ ) ҳисобидаги пул қўринишидаги ялпи балиқ маҳсулоти ҳажми, сўм:

$$M_u = \frac{Y a M}{T_u}$$

Меҳнат унумдорлигини аниқлашда, кўпинча ишлаб чиқаришга акс бўлган кўрсаткич – меҳнат сифими (сермеҳнатлилик) олинади. Меҳнат сифими – балиқ маҳсулоти бирлигига киши/соат, иш вақтининг сарфи киши/соат, ц ёки тонна киши/соат:

$$M_s = \frac{T_u}{Y a M}$$

Меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичлари маълум иш ҳажмини бажаришга қилинган меҳнат сарфини изоҳлайди.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришда нафақат жонли инсон меҳнати, шунингдек, аввалги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган машиналар, экиш материалларига, ёқилғига, уруғликка, бойитилган омуҳта ем ва бошқалар ҳам киради. Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш шунда кўринадики, жонли меҳнат улуши қисқаради. Моддий ишлаб чиқариш ўсади. Шу тариқа балиқ маҳсулоти бирлигидаги меҳнатнинг умумий ҳажми камаяди.

**Жонли меҳнат сарфи** тўғридан-тўғри ва билвоситага бўлинади.

**Меҳнатнинг тўғридан-тўғри сарфи** – бу ишчиларнинг маълум турдаги балиқ маҳсулоти ишлаб чиқиши билан бевосита боғлиқ меҳнати. Улар турлича мос келувчи тармоқ маҳсулотига тегишли бўлади. **Меҳнатнинг билвосита сарфлари** – тармоқларга хизмат кўрсатиш ва хўжалигини бошқариши билан бутунлай банд бўлган ишчиларнинг (агрономлар, зоотехниклар, мухандистехник ходимлар ва бошқалар) меҳнати. Билвосита харажатларни маҳсулот турлари бўйича тўғридан-тўғри иш хақи суммасига пропорционал тарзда тақсимланади.

**Меҳнат сарфи** иш вақти билан ифодаланиб, киши/соат ва киши/кун билан ҳисобга олинади.

Фақат жонли меҳнатнинг унумдорлик даражасини ҳисобга олиш қабул қилинган. Бевосита иш вақтидаги моддийлик меҳнат сарфи ҳисобга олинмайди, уларнинг ҳисоби маҳсулот таннархи ҳисобланаётганда пул ифодасида бажарилади. Иқтисодчи олимлар томонидан балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқаришга жами меҳнат сарфини ҳисобга олиш (ジョンли ва моддий) методи таклиф этилган. Методнинг моҳияти шундаки, ишлаб чиқариш воситаларига айлантирилган (машиналарга, ускуналарга, қурилишларга ва бошқалар) ва пул сифатида ифодаланувчи аввалги меҳнатни балиқчилик соҳасига хизмат қилувчи тармоқларда ишчиларга ўртача иш ҳақига таққослаш бўйича иш вақтига айлантирилади (киши/соат, киши/кун).

Балиқчилик соҳасидамаҳсулот ишлаб чиқаришга жами меҳнат сарфини ҳисоблаб чиқиши давомида моддийлашган меҳнатга тегишли – 60,9 % ва қолган қисми жонли меҳнат.

Жонли меҳнат улушига 39,1 % тўғри келади, шу жумладан, ундан тўғридан-тўғри меҳнат сарфи 24,3 % дан иборат.

Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараадорлигини баҳолаш учун бошқа кўрсаткичларни ҳам қўллаш мумкин: куннинг иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти, бир ишчи томонидан йил

давомида ишланган киши/соат сони, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси.

*Куннинг иши вақтидан фойдаланиши коэффициенти*( $F_k$ ) иш қунининг ўртача ҳақиқий давомийлиги  $I_h$  нинг хўжалигига ўрнатилган норматив иш микдорининг ( $I_m$ ) нисбати сифатида аниқланади.

$$F_k = \frac{I_h}{I_m}$$

Ҳар бир ишчининг балиқчилик соҳасида ишлаган киши/куни сони қўйидагига тенг:

$$M_{rd} = \frac{I_{ik}}{M_r}$$

бунда:

$I_{ik}$  – ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши/кун.

*Меҳнат ресурсларидан фойдаланиши даражаси* – йил давомида ишчининг ҳақиқий ишлаган киши/кунларни сонининг ( $M_d$ ) мавжуд иш вақтининг фондига нисбати:

$$M_{rf} = \frac{M_d}{I_n}$$

бунда:

$I_n$  -иш вақтининг мавжуд тутилган фонди (290-320 кун).

Балиқчилик соҳаси ташкилотларида балиқ маҳсулоти ишлаб чиқилганда меҳнат унумдорлиги (сўм)ни ишчиларнинг ўртача йиллик сонига жорий нархларда ялпи балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш нархига нисбати билан аниқланади:

$$M_u = \frac{YaM_{jb}}{T_o'}$$

бунда:

$YaM_{jb}$  – ялпи балиқ маҳсулотининг жорий баҳодаги қиймати, сўм.;  $T_o'$  – ишчиларнинг ўртача йиллик сони, киши.

Меҳнат унумдорлиги, акс кўрсаткичи алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги меҳнат сифими яъни меҳнат маҳсулот бирлиги, киши/соатига тўғридан-тўғри сарфи ҳисобланади:

$$M_s = \frac{M_s}{Y_a M}$$

Қайта ишлаш тармоқларида меҳнат унумдорлигини баҳолаш учун хусусий ва ёрдамчи кўрсаткичларни умумлаштирувчи тизим қўлланилади.

Умумлатиравчи кўрсаткичларга бир ишчининг ўртacha йиллик, ўртacha кунлик ва ўртacha соатлик маҳсулот ишлаб чиқариши, шунингдек қиймат ифодасида битта ишловчига ўртacha йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришлари киради.

#### **9.4. Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари**

Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- ◆ балиқчилик соҳасининг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш;
- ◆ балиқчилик соҳасининг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;
- ◆ балиқчилик соҳасида янги техникаларни, самарали, инновацион технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш;
- ◆ қишлоқда тадбиркорлик шаклларини ривожлантириш;
- ◆ қишлоқда ишлаш ва яшаш учун барча шароитларни яратиш;
- ◆ меҳнатни ташкил этишининг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- ◆ кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва ҳоказо.

Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш омилларига қўйидагилар киради:

- табиий-иқлим шароити;
- ер ва сув майдонларига балиқларни оқилона жойлаштириш;
- ишлаб чиқаришни жадаллаштириш;
- моддий-техник ресурслар сифатини ошириш;
- илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш;
- кадрлар малакасини ошириш;
- меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш.

Балиқчилик соҳасида меҳнатнинг интенсивлигини ошириш масаласи ўта муҳим бўлиб, у ушбу тармоқнинг ўзига хослиги билан асосланади:

**Биринчидан**, балиқчилик соҳаси учун мавсумийлик ва иқлим шароитига боғлиқлик характерли, фаслларда меҳнатнинг интенсивлиги бир хил эмас. Иш даври йил бўйи давом этади, иш вақтидан интенсив ва экстенсив фойдаланиш шартли ўзаро алмасиб турувчи.

**Иккинчидан**, балиқчилик соҳаси ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг хўжалик юритиш шакллари бўлган энг кўп укладли сектор. Бу меҳнатни интенсивлаштириш муаммоси ҳар ерда, ҳар хил ҳал қилинади, демакдир: айрим ҳолатларда рағбат сифатида ўзига-ўзи меҳнат қилинади.

**Учинчидан**, балиқчилик соҳасини техника билан таъминлаш бўйича Россия жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан сезиларли даражада орқада қолмоқда.

АҚШ балиқчилик соҳасида балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ўсиши асосан, моддий-техник базани ўстириш, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, балиқчилик соҳаси меҳнатини интенсивлаштириш ҳисобига юз беради. Ана шу асосда кейинги 20 йилда балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг алоҳида тармоқларида меҳнат сарфи 2-3 мартаға қисқарди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Меҳнат ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча беринг.*
2. *Балиқчилик соҳасида аҳоли бандлиги ва уларнинг кўрсаткичларини изоҳланг.*
3. *Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларининг ҳуқуқий асосларини айтиб беринг.*
4. *Қишлоқда ишсизлар, ишсизлик даражаси ҳақида тушунтириб беринг.*
5. *Балиқчилик соҳасида меҳнат бозори нима?*
6. *Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиши даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қандай аниқланади?*
7. *Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва меҳнат баланси нима?*
8. *Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги ҳақида тушунча беринг.*
9. *Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва унга таъсир этувчи асосий омилларни баён этинг.*
10. *Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишининг қандай йўллари бор?*

## **Х Боб. Балиқчилик соҳасида инвестициялар (капитал қўйилмалар), манбалари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги**

**Ўқув мақсади:** *Инвестиция ҳақида тушунча, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти, инвестицияларнинг ҳуқуқий асослари, инвестициялар (капитал қўйилмалар)дан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва инвестициялардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўлларини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инвестиция, капитал қўйилма, ички ва ташқи инвестиция, ирригация ва мелиорация, янги техника, инновацион технология.*

### **10.1. Инвестиция ҳақида тушунча, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти**

Балиқчилик соҳасининг самарали ва барқарор ривожланишининг зарур шарти уларни етарлича инвестициялашдир. Аграр сиёсатнинг муҳим вазифаси эса балиқчилик соҳасиларини инвестициялаш даражасини ошириш учун қулай шароит яратишдан иборат.

**Инвестиция** – даромад (фойда) олиш мақсадида пул маблағлари (капитал)ни балиқчилик соҳасига узоқ муддатга қўйишидир. Улар ўзларида асосий воситаларни яратиш, кенгайтириш, реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни, шунингдек, булар билан боғлиқ айланма фонdlар ўзгаришини акс эттиради. Бундан ташқари, инвестициялар – бу қимматли қоғозларга патентли интеллуктуал хуқуқларга эга бўлиш ва бошқалар. Инвестициялар даромад (фойда) шакллантирувчи ёки маълум ижтимоий самарага эришувчи тадбиркорлик фаолияти обьектларига қўйилади.

Инвестициялар иқтисодий категориялар учун қуйидаги характерли тузилишларга эга: у балиқчилик соҳасида ва тармоқларнинг иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлади; ресурсларни сарфлаш ва самара олишни кўзда тутади; инвестиция қўйилмаларидан келиши мумкин бўлган самара эҳтимоли, таваккалчилик характерига эга; ресурсларни сарфлаш ва самара

олиш орасида маълум (қоидага кўра, узоқ муддатли) вақтингчалик (ўлчов бирлиги) мавжуд бўлади.

Балиқчилик соҳасида инвестицион фаолияти ўзида юридик шахс, дехқон ва фермер, фуқаро ва давлатнинг инвестицияларни реализация қилиш бўйича амалий ҳаракатлари йигиндинисин ифодалайди. Инвестицион фаолият объектлари 10.1.1-расмда акс эттирилган.

Балиқчилик соҳасида инвестициялар иқтисодий мазмунига кўра, молиявий ва реал инвестицияларга фарқланади.

**Молиявий инвестициялар** – бу акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш, пулларни фоиз ҳисобига банклардаги депозит ҳисоб рақамларига қўйиш.



#### 10.1.1- расм. Балиқчилик соҳасида инвестицион фаолият объектлари

**Реал инвестициялар** – пул маблағларини капитал қурилишлар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш учун қўйишдир. Реал инвестициялар – бу балиқчилик соҳасига капитал қўйиш.

Балиқчилик соҳасининг капитал қўйилмалари инвестициянинг асосий тури бўлиб, ўзида ҳаракатдаги асосий воситаларни яратиш, кенгайтириш, реконструкциялаш ва модернизациялашга қилинган харажатлардир. Капитал қўйилмалар обьектларни эксплуатацияга берилгунга қадар бўлган даврдаги қурилишларни амалга оширишга қилинган харажатлар ҳисобланади.

Фойдаланиш йўналишларига қараб, капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинади. ***Ишлаб чиқариши капитал қўйилмаларимаҳсулот ишлаб чиқариши ривожлантиришга, ноишлаб чиқариши капитал қўйилмалари*** эса ижтимоий мухитни ривожлантиришга йўналтирилади.

Балиқчилик соҳасида капитал қўйилмалардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қўйидагилар:

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга мўлжалланган обьектлар қурилиши;
- техника (балиқчилик соҳаси машиналари, тракторлари) ускуналар ва транспорт воситаларини сотиб олиш.

Балиқчилик соҳасида инвестиция фаоллигига таъсир этувчи омилларгни икки гурӯхга ички ва ташқи омилларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, (10.1.2 – расм.).

Шунингдек, инвестиция фаоллигини таъминловчи омилларни товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлган ва уларга боғлиқ бўлмаган омиллар сифатида ўрганиш ҳам аҳамиятлидир.

Хусусан, россиялик олимлар фикрига кўра, биринчи омиллар гурӯхига ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялар, товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлмаган омилларга балиқчилик соҳаси маҳсулотларнинг мавсумийлик хусусияти, инфляция даражаси, кредитларга қўйилган фоизлар, балиқчилик соҳаси ва саноат маҳсулотларнинг нархлар киради<sup>16</sup>.

---

<sup>16</sup>Экономика сельского хозяйства: Учебник для студентов ВУЗ/Н.Я.Коваленко, Ю.И. Агирбов, Н.А.Серова и



### 10.1.2-расм. Балиқчилик соҳасида инвестиция фаоллигини ошириш омиллари

Балиқчилик соҳасида инвестиция жалб қилишни тўхтатиб турган омиллар қўйидагилар: *биринчидан*, инвесторлар ажратган маблағлари қайтиши бўйича етарли кафолатга эга эмаслар; *иккинчидан*, қоидага қўра, инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш учун керак бўладиган инвестиция ҳажми, лойиҳани таъминлаш учун ташаббускор томонидан тақдим этиладиган гаров ҳажмидан сезиларли ортади; *учинчидан*, гаров сифатида тақдим этиладиган мулкнинг ликвидлиги ўта паст; *тўртинчидан*, ривожланган суғурта бозори йўқ шароитда балиқчилик соҳаси ишлаб

чиқариши риски (таваккали) юқори; *бешинчидан*, амалда замонавий ва самарали молиявий менежментнинг йўқлиги инвестицион лойиҳалар реализацияси мониторингини қийинлаштиради.

## **10.2. Балиқчилик соҳасида сарфланаётган инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг манбалари, сарфланиш йўналишлари**

Давлат инвестицион сиёсатининг асосий тамойиллари замонавий босқичда мавжуд фоиз ставкаларининг пасайиши иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларнинг мос келувчи самарадорлиги даражасигача пасайиши керак: мавжуд солиқ тизимини соддалаштиришдек, амортизация сиёсатини такомиллаштириш; ташқи ва ички инвесторларнинг бевосита инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида инвестицион рискларни пасайтириш учун ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи назарларни шакллантириш; бюджет инвестицион ресурсларини танлов асосида жойлаштиришдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

**Мисол учун.** Навоий вилояти — “**Мр Фиш Компани**” МЧЖ Эрон ислом республикаси мутахассислари томонидан Тўда кўл сув омборида қафас (садок) мосламалари ўрнатилган ва йиллик қуввати 1000 тонна товар балиқ етиштириш, инкубация цехини барпо этиш, 200 га сунъий ва репродуктор ҳавзалар қуриш, йиллик қуввати **6 минг тн** бўлган ем ишлаб чиқариш цехини қуриб ишга тушуриш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа қиймати **6 млн. доллар**. Шу жумладан, хорижий инвестиция қиймати **1,5 млн. доллар**. Фаргона вилояти — Ёзёвон туманида ХХРнинг хорижий инвестиция хисобига **320 минг долларлик** гранулаланган интенсив ем ишлабчиқариш заводи “**HUALONG SILIALO**” МЧЖ ташкил этилган бўлиб ушбу жамият томонидан бугунги кунда қувватийилига **10 минг тонна** гранулланган ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва ХХРнинг **6 та ходими фаолият** юритмоқда.

Балиқчилик соҳасида инвестицияларнинг жозибадорлигини белгиловчи омиллар жуда катта аҳамиятга эга. Булар жумласига балиқчилик соҳаси

тармоқларининг ривожланиш суръатлари ва истиқболлари, балиқчилик соҳаси тармоқларининг ўртача рентабеллик даражаси, тармоққа хос бўлган инвестиция таваккалчилиги хатарлари ва қонунчилиқда белгиланган инвестиция имтиёзлари ва ва кафолатлари киради.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан капитал қўйилмалари манбалари ва усуллари ҳам ўзгаради. Ҳозирги замон босқичида инвестициялар қўйидагича молиялаштирилади:

- хусусий молиявий ресурслар ва инвесторларнинг хўжалиги ичидаги резервлари (даромад ва амортизация ажратмалари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг жамғармалари ва омонатлари, сугурта идоралари томонидан табиий оғатлар, авариялар ва бошқалардаги йўқотишларни қоплаш кўринишидаги тўлов маблағлари ва бошқа);
- инвесторларнинг қарз кўринишидаги молиявий маблағлари (банк ва бюджет кредитлари, облигация заёмлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (меҳнат жамоалари аъзолари, фуқаролар, юридик шахсларнинг акция сотишдан олган маблағлари, пай ва бошқа тўловлари;
- давлат, маҳаллий бюджетлари ва бюджетдан ташқари фондлардан ташкил топиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳасига капитал қўйишнинг асосий манбаси – хусусий маблағ, даромад ва амортизация ажратмалари ҳисобланади. Қоидага кўра, амортизация ажратмалари асосий воситаларнинг такрор ишлаб чиқаришини, даромад эса кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини таъминлайди.

Балиқчилик соҳасида инвестицияларни молиялаштиришда хусусий маблағлар улуши ўзини-ўзи молиялаштириш коэффициентини кўрсатиб, қўйидаги формула бўйича аниқланади.

$$I_m = \frac{K_{xm}}{I} * 10^0$$

бунда:


$K_{xm}$  - балиқ корхонасининг хусусий маблағи;  $I$  -инвестициянинг умумий суммаси.

Агар инвестициянинг хусусий манбалари улуши молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан 60 % ва ундан ортиқ бўлса, ўзини-ўзи молиялаштириш даражаси юқори хисобланади.

Балиқчилик соҳасида молиялаштириш усули бўйича инвестициянинг ҳамма манбаларини марказлаштирилмаганга бўлиш мумкин. *Балиқчилик соҳасида марказлаштирилган усулда капитал қўйилмаларни молиялаштириши манбалари*-давлат бюджетива маҳаллий бюджетдан ташқари инвестицион фонdlар; марказлаштирилганда – асосан балиқчилик корхоналари манбалари. Бугун марказлашган ва марказлашмаган молиялаштириш манбалари ўртасидаги нисбат ўзгарди: биринчисининг улуши кескин камайди, иккинчисини ортди. Бу бозор иқтисодиёти учун хосдир.

Давлат кредит, пул ва молия сиёсати воситасида корхоналарнинг инвестицион фаолиятига таъсир қилиши мумкин. Унинг фаоллашуви давлат марказлаштирилган инвестициялари, банк кредитлари ва бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобига ҳамда солик тўловларини пасайтириш воситасида корхонанинг жамланган фондларини бевосита тартибга солиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Балиқчилик соҳасида инновация** дейилганда жамиятнинг турли ячейкаларида амалга оширилаётган ишлабчиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ни, унинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган маҳсус инновацион фаолият тушунилади.



#### 10.2.1-расм. Балиқчилик соҳасининг инновацион ривожланиши

**Балиқчилик соҳасининг инвестицион-инновацион ривожланиши** – бу кенг қамровли фаол жараён бўлиб, молиявий ресурслардан фойдаланиш, қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш, инвесторларни излаш жараёни, янги билим ва ғоялар, янги технологияларни қўллаш, жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарувнинг янги шаклларини амалиётда қўллаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсонда мужассамлашган интеллектуал салоҳиятнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ фан, техника ва уларнинг ҳосиласи бўлган юқори технологиялар, улар ўртасидаги интеграцион жараёнлар, уларнинг инсонлар томонидан яратилиши;
- ✓ таълим тизими ва уларда кўрсатиладиган замонавий хизматлар;
- ✓ илм, унинг ҳосиласи бўлган инновация ва уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча жабхаларига татбиғи;
- ✓ юқори технологияга асосланган хизматларга бўлган эҳтиёж ва уларни амалга ошириш жараёнида инсоннинг иштироки.

### **10.3. Балиқчилик соҳасида инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Балиқчилик соҳасида инвестицияларнинг иқтисодий самарасини қўйилмалар миқдоридан олинган самарани таққослаш билан аниқланади. Таҳлилнинг мақсадига боғлиқ ҳолда инвестицияларининг умумий (мутлок) ва таққослама иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Балиқчилик соҳасида инвестицияларининг умумий иқтисодий самарадорлиги уларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда ҳисоблаб чиқилади. Уларнинг кўрсаткичлари- инвестицияларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги коэффициенти, уларнинг қопланиш муддати, курилиши ва ўзлаштиришлари.

***Инвестицияларнинг умумий иқтисодий самарадорлик коэффициенти(*I<sub>is</sub>*)*** - инвестицияларнинг ўсишини келтириб чиқарадиган К

нинг даромади ўсишига нисбати (соф фойдадан, соф даромад) билан ўлчанади  $\Delta F (SF, SD)$ :

$$I_{is} = \frac{\Delta F (SF, SD)}{K}$$

*Инвестицияларнинг қопланиш муддати ( $I_{qm}$ )* - умумий иқтисодий коэффициентнинг тескари коэффициенти, йил:

$$I_{qm} = \frac{K}{\Delta F (SF, SD)}$$

*Зарар қўрадиган балиқчилик соҳаси корхоналари учун инвестицияларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги* қўйидаги формула билан аниқланади:

$$I_{is} = \frac{(S_1 - S_2) * M}{K}$$

бунда:

$S_1$  -  $S_2$  – инвестиция қўйилгунга қадар ва қўйилгандан кейин балиқ маҳсулоти бирлиги таннархи, сўм; М – инвестициялардан фойдаланилгандан кейин балиқ маҳсулотининг чиқиши, тонна, дона, кг.

Бу ҳолатда қоплаш муддатини қўйдагича формула билан ҳисоблаб чиқилади, йил:

$$K_{km} = \frac{K}{[(S)_1 - S_2] * U}$$

Иқтисодий режага инвестиция қўйилиши шундай ҳолатда асосланганки, агар умумий иқтисодий самарадорлик коэффициент инвестициянинг норматив коэффициентига (0,12 га) тенг бўлса ёки унинг қийматидан ошиб кетса.

Бироқ инвестиция миқдори ва даромадларни тўғридан-тўғри солиштириш анчагина хато натижалар беради, чунки бу қийматлар вақтга қараб бир неча йилга қўйилган.

*Келгусида олинадиган даромадлар* уларнинг кутилаётган қийматидан ҳозирги пайтдагиси кам қийматда бўлади. Бундай фарқнинг сабаблари қўйидагилар:

- а) мавжуд капиталга ижобий фоиз олиши; ҳатто пул инвестиция қилинмасдан, банкдаги депозит ҳисобида ётган бўлса ҳам, уларнинг сўммаси вақт ўтиши билан фоиз ставкаси миқдорига кўра ортиб боради, ана шундан келиб чиқиб даромадни, ана шу фоизлар туфайли ортадиган инвестицияларга тенглаштириш керак;
- б) вақт ўтиши билан пулни қадрсизланишига олиб келувчи инқирозни ҳисобга олиши; келувчи инқироз даврида маълум миқдордаги пулга бугундагига нисбатан анча кам товар сотиб олинади;
- в) инвестиция кутилганидан кам даромад олиб келиши мумкинligини ёки ҳатто ўзини ҳам қоплай олмаслиги хавфи (risk) ни ҳисобга олиши.

Ноаниқлик боис, бугун 100 сўмдан олинадиган даромад келгусида кутилаётгани ўша 100 сўмнинг ўзидан ҳам кам қийматда бўлиши мумкин.

“Жонли” пулларни келгусидаги пуллар билан таққослаш **дисконтлаш** деб номланувчи маҳсус иқтисодий усулга имкон беради.

Банк ставкаси 10% бўлганда, қўйилган капиталнинг фақат ижобий фоизини ҳисобга олиб, биз бугун банкка қўйилган 100 сўм бир йилдан кейин 10 сўмга ортиб қайтиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бошқача қилиб айтганда, биз келгусида олишимиз керак бўлган 110 сўм ҳозир 100 сўмга тенг. Икки йилдан кийин  $100 \text{ сўм} (1+0,1)^2 = 121$  сўмоламиз ва бошқалар.

**Инвестицияларни қоплаш муддати.** Бу метод энг содда бўлиб, у кенг тарқалган. Қоплаш муддатини ҳисоблаш алгоритми инвестициялардан башоратланаётган, даромадлар бир текис тақсимланишига боғлиқ. Агар олинган даромад вақтларга қараб бир текис тақсимланган бўлса, унда қоплаш муддатини бир пайтдаги капитал қўйилмаларини йиллик даромад миқдорига бўлиш билан ҳисобланади. Қолдиқ сон қолса, уни яқин орадаги яхлит сонгача бутунланади. Агар даромад бир текис тақсимланмаган бўлса, қоплаш

муддати олинган даромадлар дастлабки капитал қўйилмаларидан ошган йилларни тўғридан-тўғри ҳисоблаб чиқиш билан ҳисобланади.

Бироқ бу кўрсаткич таҳлил жараёнида ҳисобга олиниши керак бўлган қатор камчиликларга эга. У даромадларни олиш давомийлигини ҳисобга олмайди. Мисол учун, бир хилдаги харажатлар - 10 минг сўмбўлган, лекин йиллик даромади башорати турлича бўлган: А лойиҳа бўйича уч йил давомида 4,2 млн сўм, Б лойиҳа бўйича ўн йил давомида 3,8 млн сўм даромад башоратланган, иккита инновацион лойиҳани қўриб чиқамиз. Иккала лойиҳа ҳам дастлабки уч йилда капитал қўйилмаларини қоплади, шу боис берилганлиги бўйича уларнинг хуқуқлари бир хил. Аммо Б лойиҳа анчагина самарали, чунки унинг даромади лойиҳа мавжуд бўлган ҳамма вақтларга кўра юқори бўлади. Балиқчилик соҳасида инвестицияларнинг характерларини қоплаш ҳисобида асосланган самарадорлик баҳоси мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин бўлган қатор ҳолатлар бор. Чунончи, бу вазият, лойиҳанинг даромадлиги эмас ликвидлиги муҳимроқ бўлганда, асосий инвестициялар иложи борича тезроқ қопланиши зарур. Метод шунингдек, инвестициялар юқори даражали таваккал билан кузатилганда ҳам яхши: қопланиш муддати қанча қисқа бўлса, лойиҳа шунча кам рискли бўлади. Бундай вазият юқори технологик ўзгаришларни катта эҳтимоли мавжуд бўлган тармоқлар ёкифаолият тури учун ҳам характерли.

#### **10.4. Инвестиция (капитал қўйилма)лар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари**

Балиқчилик соҳасида инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда уларни молиялаштириш учун маблағлар келиб чиқишини ҳам ҳисобга олиш зарур.Хусусий маблағлари ҳисобига молиялаштирилганда кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ушбу инвестицион лойиҳанинг сарфи ва даромади ҳам қўшилган пул оқими асосида ўтказилади.Қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилганда эса инвестицион лойиҳанинг пул

оқими тартибига қарзга хизмат қилиш билан боғлиқ сарфларни ҳам киритиш керак бўлади.

Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини иккита гурухга бўлиш мумкин бўлган кўплаб омиллар таъсир қиласди. Биринчи гурух-корхона билан боғлиқ ички омиллар, иккинчигурух-корхонага боғлиқ бўлмаган ташқи омиллардир.

Балиқчилик соҳасидаги инвестициялар иқтисодий самарадорлигининг пастлиги сезиларли даражада иккинчи гурух омиллари билан белгиланади. Булар: инқизозлар, нарх диспаритетлари, кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан фоиз ставкалари кабилардир.

Давлат ишлаб чиқаришда инвестициялар ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўрмоқда. Масалан, даромадга солик ҳисобланганда ҳамма корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг солиққа тортиладиган даромадлари суммаси (миқдори) ни камайтириш хуқуқини оладилар. Бу муаммоларни давлат даражасида ҳал этмай туриб, инвестициялар самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Имтиёз корхона томонидан амортизация ажратмалари суммасидан тўлиқ фойдаланилгандагина берилади. Лекин имтиёз солиқнинг ҳақиқийси учун ҳисобга олинмай, уни ҳисобга олинган миқдоридан 50% дан ортиқ бўйласлиги керак. Бундан ташқари, айрим обеъктлар бўйича (кўп йиллик дараҳтлар ўтқазиш, ёш кўчатларни парваришилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва бошқалар) капитал қўйилмаларни молиялаштириш бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

### *I. Балиқчилик соҳасида инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар:*

#### *1. Ички омиллар:*

- а) инвестициялаш обьекти тўғри танлангани;
- б) қурилиш ва обьектни ўзлаштириш муддатлари;
- в) қўйилмаларнинг комплекслиги;

- г) қўйилмаларни объектлар бўйича жамлаш;
- д) иқтисод қилиш тартибига амал қилиш;
- е) корхонанинг ихтисослашганлиги, ишлаб чиқариш фаолияти тури;
- ё) ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилиш;
- ж) маҳсулотлар маркетинги;
- з) маҳсулотлар таннархи;
- и) меҳнат унумдорлиги;

*2. Ташиғи омиллар:*

- а) кредитга фоиз ставкалари;
- б) инқироз жараёнлари;
- в) нархларнинг балиқчилик соҳаси ва саноат маҳсулотларига нисбати;
- г) даромадга солик;
- д) маҳсулотга талаб;
- е) ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги;
- ё) табиий иқлим шароити.

Инвестицияларнинг инвестицион фаолиятлари фаоллашуви ва иқтисодий самарадорлигининг ортиши балиқчилик соҳасига имтиёзли капитал қўйилмаларни қўллаш имконини беради.

Балиқчилик соҳасида инвестициялар самарадорлигини ошириш орқали кўйидаги муаммоларнинг ҳал этилишига олиб келади:

- қишлоқда ихчам балиқ корхоналарини ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратилиб, ёшларни иш билан таъминлаш даражаси ошади;
- маҳаллий бозорларни табиий, экологик тоза балиқ маҳсулотлари билан тўлдириш мумкин бўлади;
- экспортбоп балиқ маҳсулотларини хорижга сотиш орқали ишлаб чиқариш суръатлари янада ошади;
- кичик ишлаб чиқарувчилар сонининг кўпайиши давлат бюджетига солик тўловчилар сонини кўпайтиради, бу эса давлат бюджети даромадлари ошишига олиб келади;
- саноатни балиқ хом-ашё билан таъминлаш даражаси ошади;

- қайта ишловчи корхоналардаги балиқ маҳсулотлари импорт қилинувчи товарлар ўрнига истеъмолга чиқарилиб, республика валюта заҳиралари ошиб борига олиб келади ва ҳ.

### **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида инвестиция (капитал қўйилма) тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва аҳамиятини баён этинг.*
2. *Инвестициянинг капитал қўйилмадан қандай фарқи бор?*
3. *Балиқчилик соҳасида ички ва ташқи инвестициялар ва бу бўйича давлатнинг сиёсати нималардан иборат?*
4. *Балиқчилик соҳасида инвестиция фаоллигини ошириши омилларини баён этинг.*
5. *Балиқчилик соҳасида инвестициялар (капитал қўйилмалар)дан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги қандай кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади?*
6. *Балиқчилик соҳасида капитал қўйилмаларни лойиҳалашибирни деганда нимани тушунасиз?*
7. *Инвестицияларни балиқчилик соҳасига жалб этиши манбалари ва сарфланishi йўналишлари қандай?*
8. *Балиқчилик соҳасида инновация ва инновацион технологиялар деганда нимани тушунасиз?*
9. *Балиқчилик соҳасида самарали технологияларга сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?*
10. *Балиқчилик соҳасида инвестициялардан фойдаланиши самарадорлигини оширишининг қандай йўллари мавжуд?*

## **XI Боб. Балиқчилик соҳасида сервис, уни ривожлантириш йўллари**

**Ўқув мақсади:** Сервис хақида тушунча, унинг мазмуни ва моҳияти, ёкуматнинг балиқчилик соҳасида сервисни ривожлантириши борасидаги тадбирларини ёритиши, сервис бўйича чет эл тажрибаларини жорий этиши йўлларига оид билимларни ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Сервис, инфратузилма, ишлаб чиқариш сервиси, иқтисодий сервис, ижтимоий сервис, бозор сервиси.

### **11.1. Балиқчилик соҳасида сервис ҳақида тушунча, унинг мазмуни ва аҳамияти**

Балиқчилик соҳаси маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли тоифадаги корхона ва ташкилотлар иштирок этади. Ушбу корхона ва ташкилотларни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар инфратузилма муассасалари ҳисобланади. Уларнинг бир қисми балиқчилик соҳаси корхоналари учун техника, ўғит, ёнилғи, пул маблағи ва шу каби ресурслар етказиб берса, бошқалари эса балиқчилик соҳаси маҳсулотини қайта ишлаш учун сотиб олади ёки сотишга кўмаклашади ва ижтимоий хизмат кўрсатади.

**Сервис** - инглизча service сўзидан олинган бўлиб, хизмат кўрсатиш маъносини билдиради.

**Инфратузилма** - (лот. infra - остида, structura - тузилиши, ўзаро жойлашуви; ингл. infrastructure) - такрор ишлаб чиқариш (йўллар, алоқа транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқалар) шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда, инфратузилма ишлаб чиқаришнинг меъёрда ишлаши ва товарнинг меъёрда айланиши ҳамда одамларнинг меъёр даражасидаётай фаолиятини юритиш учун шароитни яратиб беришга қаратилган соҳалар ҳамда ушбу соҳаларга киравчи корхоналар ва ташкилотлар мажмуасидир.

Америкалик олимлар Макконел К.Р., Брю С.Л. таъкидлашича: инфратузилмани миллий иқтисодиёт даражасида “фуқаролар ва фирмалар

томонидан улардан фойдаланиш одатда давлат томонидан таъминланадиган капитал қурилмалардир ( йўллар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш қурилмалари, муниципал сув таъминоти тизимлари, аэропорт) ”, шунингдек, “инфратузилма фирма учун – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматлар ва қурилмалардир (сув таъминоти, электроэнергия, ишлаб чиқариш чиқимларини олиб кетиш, юкларни тасиш, илмий – тадқиқот ва лойиҳа – конструкторлик ишлари, молиявий ва банк хизмати )”<sup>17</sup>. Уларни ўз маблағлари билан ташкил этиш қимматга тушганлиги боис давлат ва бошқа фирмалар томонидан таъминланади деб таъкидлаганлар.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, инфратузилма соҳасига таъриф берилганда унинг бир нечта жиҳатларига эътибор бериш лозим:

- хизматлар кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади;
- инфратузилманинг ривожланиши ва тараққий этиши кўпгина ҳолларда у хизмат қилаётган соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва аксинча;
- инфратузилма тармоғининг турлари қайси соҳага хизмат қилишига боғлиқ;
- жамият ривожланиши, тараққий этиши билан инфратузилма тармоғининг хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб боради.

**1.Ишлаб чиқариш сервиси** бевосита балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига:

- моддий-техника таъминоти;
- маҳсулотни тасиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- техник хизмат кўрсатиш;
- сув ва электр таъминоти каби бўлинмалар киради.

---

<sup>17</sup> Макконел Кэмбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.

Бу турдаги хизматларни ишлаб чиқариш сервисига киритишдан асосий мақсад - бу хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш сервиси ўзига хос бир қатор белгиларга эга:

- бу турдаги хизматлар бевосита балиқ маҳсулотт ишлаб чиқармайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади;
- кўрсатилган хизматлар самарадорлиги фақат хизмат қилаётган тармок, корхона, хизмат кўрсатиш пунктлари таъсирида амалга ошади;
- сервис тармоқларининг ривожланиш даражаси асосий балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси билан белгиланади;
- сервис тармоқлари, бўғинларини ишга сафарбар қилиш, талабларнинг тезлиги бевосита балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган талаб даражаси билан белгиланади.

*2. Бозор сервиси* бевосита балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасада, балиқчилик хўжалигининг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади.

Масалан, маркетинг ва реклама, банк-молия, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалиги фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Худудларда бозор сервис муассасаларини ташкил этиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун республикада тўлиқ хуқуқий асослар яратилган. Улар негизини Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Сугурта тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Кредит иттифоқлари тўғрисида”ги ва шу каби бошқа қонунлари, хукумат қарорлари, меъёрий хужжатлар ташкил этади. Ушбу қонунларнинг ҳар бири жойларда, корхона ва ташкилотларга банк-молия, биржа, аудиторлик, сугурта, ахборот,

реклама, ахборот-маслаҳат ва шу каби хизматлар кўрсатувчи муассасаларининг тузиш ва фаолиятини юритишининг тўлиқ кафолатларини белгилаб беради.

**3. Ижтимоий сервис** таркиби балиқчилик соҳасида ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турагар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради. Ижтимоий сервис - инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисидир. Ижтимоий сервис ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини тақрор ҳосил қилиш учун, шунингдек қишлоқ аҳолисининг турли майший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қиласи.

**4. Институционал сервис** балиқчилик соҳаси иқтисодиёти ривожланишининг оптималь макроиктисодий нисбатларини қўллаб-куватловчи ва тартибга солувчи соҳаларининг фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит муассасалари ва бошқалар киради.

Инфратузилма тармоқларини ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш даражаси, ҳудудий белгилари, соҳа, тармоқлар, хўжаликлар белгисига ҳамда фойдаланиш жиҳатларига қараб ҳам таснифланган<sup>18</sup>.

---

<sup>18</sup> Плащинский П.А. Инфраструктура и эффективность общественного производства / П.А. Плащинский. - Мин.: Беларусь, 1985. - С.12-19;

## **11.2. Балиқчилик соҳасининг самарадорлигини оширишда сервисни ривожлантириш масалалари**

Балиқчилик соҳаси самарадорлигини ошириш учун уларга хизмат кўрсата оладиган замонавий сервис тизимини ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантиришни даврнинг ўзи талаб қилмокда. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири қишлоқда ва шу жумладан, балиқчилик соҳасида сервис асосларини шакллантириш ва унинг муассасалари фаолиятини такомиллаштиришdir.

Балиқчилик соҳаси сервисининг асосий вазифаларини қўйидагича ифодалаш мумкин:

- 1. Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари бўйича:** қабул, ювиш-тозалаш, куритиш, саралаш (бузуқ ва чирий бошлаган маҳсулотни чиқариб ташлаш), ажратиш, қадоқлаш, ўраш, пакетлаш, контейнерлаш, сақлаш, тўплаш, (зарур ҳолатларда) совутиш ва истеъмолчиларга бир маромда етказиб бериш. Саноат маҳсулоти бўйича: қабул қилиш, ўраш, қадоқлаш, сақлаш, талабга биноан истеъмол учун етказиб бериш.
- 2. Балиқ маҳсулотлари бўйича:** улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш учун товарларни тўплаш ва аксинча катта туркумдаги товарни чакана истеъмолчиларга талабга биноан етказиб бериш учун кичик туркумларга бўлиш.
- 3. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини етишигувчилар ва балиқчилик соҳаси** хом-ашёсини қайта ишловчилар аванс олишларини таъминловчи фючерс ва форвард битимлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.
- 4. Балиқчилик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш.**
- 5. Балиқчилик соҳасида тадбиркорлик таваккалчилигини сугурталаш.**
- 6. Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотини ташилишини таъминлаш (транспортировка).**
- 7. Балиқчилик соҳасида тадбиркорларни руйхатга олиш.**

## **9. Балиқчилик соҳасида битимларни руйхатга олиши.**

**9. Балиқчилик соҳасида тадбиркорлар манфаатларини хукуқий ҳимоялаши.**

**10. Балиқчилик соҳасида тадбиркорларга консалтинг, инженеринг, аудиторлик, лойиҳа-смета ва бошқа хизматларни кўрсатиши.**

Ўзбекистонда балиқчилик соҳаларига хизмат кўрсатувчи сервис шахобчаларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Балиқчилик соҳасига самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида бугунги кунда 1757 та ММТП, 1712 та СИУ, 1389 та ЁММ ва 935 та минерал ўғит сотиш шахобчалари, 1478 та минибанк, 424 та балиқчилик соҳаси маҳсулотларини тайёрлаш, 2411 та зотли моллар сотиш ва зооветеринария хизматлари, 300 та ахборот таъминоти ва консалтинг шахобчаси, 82 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шахобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Балиқчилик соҳасининг бошқа соҳалардан фарқли равища ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, шунга мувофиқ равища хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш сервиси тармоқларини ташкил этишда мавжуд қўйидаги шарт-шароитлар ҳисобга олиниши керак:

- ◆ балиқчилик соҳасида ер ва сув асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, уни бошқа жойга кўчириш имкони йўқ ва шунинг учун ишлаб чиқариш сервиси объектларини хўжалигиларга қулай жойларда ташкил этиш лозим бўлади;
- ◆ балиқчилик соҳасида мавсумий хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, яъни шунга мос равища хизмат кўрсатувчи сервис тармоқлари фаолиятида ҳам мавсумийлик хусусияти мавжуд;
- ◆ табиий-иклим шароитнинг таъсири натижасида, об-ҳаво иклимининг ўзгариб туриши (қурғоқчилик ёки ёғингарчилик ва бошқа, шу каби ҳолатлар) натижасида айрим ишлаб чиқариш сервисига бўлган талаб турли худуд ва даврларда турлича бўлади ва улар ўзгариб туради;

- ♦ балиқчилик соҳасида этиштириладиган балиқ маҳсулотларининг асосий истеъмолчиларни йил давомида узлуксиз таъминлаш мақсадида уларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона ва совутгичлар қувватларини ташкил этишда бу омил эътиборга олиниши керак ва ҳоказо.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариш сервиси тармоқлари ривожининг ҳозирги ҳолати таҳлили уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қуидагиларни эътиборга олиш лозимлигини тақозо этмоқда:

- айни пайтда ишлаб чиқариш сервисининг кўплаб обьектлари монополистик шароитда хизмат кўрсатаётганлигини эътиборга олган ҳолда, улар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиб ва тартибга солиб туриш лозимлиги;
- ишлаб чиқариш сервиси обьектларининг улар хизматидан фойдаланувчи соҳаларга қулай жойлашганлиги ва кўрсатиладиган хизматларнинг нархи арzon ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши;
- ишлаб чиқариш сервиси обьектларининг хизмат кўрсатишафоялиятини кенгайтириш учун молиявий маблағлар билан таъминлаш даражасини тўғри ташкил этиш зарурлиги;
- қишлоқ жойларида муқобил хизмат турларини ташкил этиш варивожлантириш учун барча шароитларни вужудга келтириш зарурлиги.

Шундай қилиб, балиқчилик соҳаси ва унга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш сервиси тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали улар хизматини бозор талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим. Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ишлаб чиқариш сервиси тизимидағи, жумладан, балиқчилик соҳаси техникалари, мелиоратив қурилмаларнинг аксарияти ишга яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, агро-кимё, электр энергиясидан фойдаланиш ва техника хизматлари нархининг кескин ошиб кетганлиги, шунингдек, маҳсулотларни сақлаш қувватларининг этишмаслиги ва мавжудларининг талаб даражасида эмаслиги ушбу соҳадаги

камчиликларни тубдан бартараф этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришни талаб этади.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг муҳим омил уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилашдир. Бунинг учун давлат балиқчилик соҳасини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириб бориши лозим бўлади.

Балиқчилик соҳасининг моддий-техника таъминотини қўллаб-қувватлаш механизмида рақобат муҳитини, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий жиҳатдан қишлоқ сервисини ривожлантиришга доир қонун, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради. Балиқчилик соҳасини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда давлат томонидан хўжалигиларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, моддий-техника таъминоти корхоналарини субсидиялаштириш, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш амалга оширилмоқда.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сервис ҳақида тушиунча ва унинг мазмун-моҳиятини баён этинг.
2. Балиқчилик соҳасида сервиснинг зарурлиги ва аҳамияти нималардан иборат?
3. Балиқчилик соҳасида сервис турлари, субъектлари нима?
4. Балиқчилик соҳасида сервиснинг вазифалари нималардан иборат?
5. Балиқчилик соҳасида инфратузилма турлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Балиқчилик соҳасидаги сервиснинг ҳозирги ҳолати ва муаммоларини баён этинг.
7. Балиқчилик соҳасида сервиснинг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
8. Балиқчилик соҳасида кўрсатилаётган сервис хизмати турларини изоҳлаб беринг.
9. Балиқчилик соҳасида сервис бўйича чет эл тажрибалари қандай ва улар ҳақида баён этинг.
10. Балиқчилик соҳасида сервисни ривожлантириши учун нималарга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?
11. Балиқчилик соҳасида техник сервис тушиунчасига изоҳ беринг.

## **XII Боб. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасида турли хилдаги харажатлар қилишининг объектив зарурлигини асослаш, харажатларнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари, харажатлар(турлари бўйича) даражаси, тармоқда етиширилаётган балиқ маҳсулотларининг ўртacha харажатлари (таннархи), ўртacha харажатга таъсир этувчи омиллар ва балиқчилик соҳасидаги харажатларни тежаси йўлларини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Ялпи, ўртacha, жорий, узоқ, қисқа, қўшимча, ишлаб чиқариши, давр ва молиявий харажатлар, таннарх, бой берилган имкониятлар, харажат-ларни тежаси.

### **12.1. Балиқчилик соҳасида турли хилдаги харажатларнинг объектив зарурлиги**

Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва моддийлашган меҳнатлар сарфланади. У балиқ маҳсулотларини олиш учун сарфланадиган, барча моддийлашган ва жонли харажатлар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатларини ташкил этади. Улар иш вақти билан ўлчанади. Ижтимоий харажатлар балиқ маҳсулоти таннархига мос келади. Балиқ маҳсулотлари нималар ҳисобига ишлаб чиқарилишини кўрсатади.

Балиқ маҳсулот таннархи ( $C+V+M$ ) қуйидагиларни қамраб олади:  $C$  – аввалги меҳнат билан яратилган ва янгидан ишлаб чиқаришга ўтказиладиган ишлаб чиқариш талаб қиласидиган маблағ қиймати (сарфланган);  $V+M$  – жонли, зарур ва қўшимча қилинган меҳнатнинг бажарилиш натижаси сифатида янгидан яратилган қиймат ( $V$  – зарур меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати;  $M$  – қўшимча меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати).

Жамиятники билан бир қаторда аниқ балиқчилик корхона сарфларини акс эттирувчи турли хилдаги харажатлар ҳам мавжуд. Балиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализацияси учун қилинган жонли меҳнат ва моддий маблағлар харажатларининг йифиндиси – **корхона харажатлари**. Улар балиқ маҳсулоти таннархининг асосини ташкил этади.

Балиқчилик соҳасида ҳам харажатлар доимий ва ўзгарувчанга бўлинади.

**Доимий харажатлар** – миқдори ишлаб чиқариладиган балиқ маҳсулоти ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Улар корхона ўз активи ва ишчилари сонини ўзгартирмагунга қадар ҳар йили бир хил даражада мавжуд бўлади. Уларга асосий воситалар амортизацияси, корхонадан олинадиган айрим турдаги солиқлар, асосий воситалар суғуртаси, амортизация ажратмалари, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини таъмирлашга кетган маблағлар, уруглик ва экиладиган материаллар, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари, кредитларга фоизлар, реклама харажатлари, қўшимча харажатлар ва шу кабилар киради.

**Ўзгарувчан харажатлар** балиқ ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Уларга иш ҳақлари, озуқага, ўғитга, омухта ем, энергия, ёрдамчи материаллар, ноқулай об-ҳаво шароитидан суғурталар (дўл, қўргоқчилик), маҳсулотни реализация қилиш харажатлари киради. Харажатларни доимий ва ўзгарувчанга тақсимлаш корхона фаолияти таҳлилида, шунингдек, меъёрий харажатларнинг ҳисоб-китобини осонлаштириш ва берилган параметрларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## **12.2. Балиқчилик соҳасида харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши**

Харажат элементлари деганда, иқтисодий мазмун-моҳиятига кўра бир хилдаги харажатлар тушунилади.

Балиқ маҳсулоти таннархини пайдо қилувчи ҳамма харажатлар куйидаги элементларига кўра гурухланадилар

**“Моддий харажатлар”** элементида хусусий ишлаб чиқариш ва сотиб олинадиганларга уруглик ва омухта ем, нефт маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, ишлаб чиқариш характеристидаги ишлар ва хизматлар харажатлари, балиқ маҳсулотларини сақлаш ва транспортга юклашда табиий меъёр чегарасидаги йўқотишлар ва бошқа харажатлар акс этади.

**“Мехнатга ҳақ тўлаши”** элементи бўйича мос келувчи харажатларга ишлаб чиқариш натижаларига мукофотлар, қонунчиликда кўзда тутилган

норма доирасида рағбатлантирувчи ва товон шаклидаги тўловлар, ишчиларга натурал тўлов шаклида бериладиган маҳсулот қиймати, ишга келинмаган вақтларга тўлов (таътилларга, штат қисқарганда, мажбурий прогулларга ва бошқалар), меҳнатга ҳақ тўлаш фондида белгиланган тартибга мувофиқ тўланадиган харажатлар киради.

**“Ижтимоий эҳтиёжларга чегирма”** элементи бўйича давлат ижтимоий сугурта органлари, пенсия жамғармаси, давлат бандлик жамғармаси ва тиббий сугурталарга давлат қонунчилигига ўрнатилган меъёр бўйича ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўловлардан чегирма қилинади.

**“Асосий фонdlар амортизацияси”** элементи бўйича қонунчиликка мос равишда асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун ажратилган амортизация ажратмалари суммаси акс эттирилади.

**“Бошқа харажатлар”** элементи таркибиغا давлат қонунчилигига ўрнатилган тартибга мувофиқ маҳсулот таннархига соликлар, сугурта фондларига ва бошқаларга ажратмалар, яъни олинган кредитлар ва бошқа қарз маблағларнинг фоизларига тўловлар, хизмат сафари харажатлари, алоқа хизмати ва бошқаларга тўловлар киради.

Харажатларни элементлар бўйича гурухлаш улардан фойдаланишининг аниқ йўналишини аниқлаш (ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи асосий фаолият) ва балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини етарлича тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди.

Балиқ маҳсулотини (ишни, хизматни) ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни ҳисоблаш учун улар моддалар бўйича гурухланади. Бу харажатлар мазмунини таҳлил қила олиш ва уларни ҳисоб обьектлари бўйича тўғри тақсимлаш имконини беради.

Балиқчилик соҳасида **харажат моддалари** дейилганда, бир ёки бир неча элементларни қамраб олган харажатлар тушунилади. Моддалар бўйича харажатларни гурухлаш алоҳида элементлар ёки уларнинг мажмуалари бўйича амалга оширилади.

Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулоти таннархига кирувчи харажатлар қўйидаги моддалар бўйича гуруҳланади.

“Ижтимоий чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш” моддасида ҳақиқий бажарилган ишларга тўланган асосий ва қўшимча иш ҳақи, ишчиларга натурал қиймати, рағбатлантирувчи характердаги тўловлар, иш тартиби ва шароити билан боғлиқ ҳолдаги товон тўловлари, амалдаги қонунчиликка асосан навбатдаги ва қўшимча таътилларга тўловлар (фойдаланилмаган таътиллар учун компенсациялар), меҳнатга ҳақ тўлаш фондида белгиланган тартибга мос ҳолдаги бошқа турдаги тўловлар киради.

“балиқ чавоқлари” моддаси уруғлик ўзи ишлаб чиқсан ва сотиб олинган мос келувчи балиқ чавоқларини сотиб олиш, уруғликка харажатлар (зараркунандаларни заҳарлаш, юк ортиш)ни ўз ичига олади.

“балиқ чавоқлари ва балиқларни ҳимоялаш” моддасига кимёвий ҳамда биологик моддаларини-бегона ўтлар, балиқчилик соҳаси зараркунандалари ва касалликларига қарши ишлатиладиган воситаларни сотиб олиш харажатлари: фойдаланиладиган биопрепаратлар, медикаментлар ва дезинфекцияловчи воситалар баҳоси ва уларда балиқчиликда фойдаланиш билан боғлиқ чиқимлар киради.

“Ем-омухта озуқаси” моддасида ўzlари етиштирган ва сотиб олинган озуқаларга қилинган харажатлар, озуқа цехларида озуқа тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар акс этади.

“Қайта ишилаш учун хом ашёлар” моддасига тайёрланадиган балиқ маҳсулотининг асосини ташкил этувчи ёки уни тайёрлаш учун зарур таркибий қисм бўлган хом-ашё сотиб олишга қилинган харажатлар ва бошқаларнинг баҳоси киради.

“Ишлар ва хизматлар” моддаси бўйича ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва ташқаридаги ташкилотларининг ишлаб чиқариш характеридаги хизматларини қоплаш учун ўз ташкилотининг ёрдамчи ишлаб чиқаришидаги ишларга ва хизматларга сарфланган харажатлар акс этади.

*“Асосий воситаларни сақлаш”* моддасига бевосита балиқчиликда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар: асосий воситаларга хизмат қўрсатадиган ходимлар меҳнатига хақ тўлаш (балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида банд бўлган тракторчи машинистлардан ташқари) ёқилғи ва мойлаш материалларига қилинган сарфлар, асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари (эскириш), таъмирлашнинг ҳамма турига ва асосий воситаларга техник хизмат қўрсатиш учун қилинган харажалар ва бошқалар киради.

*“Ишлаб чиқаришини ташкил этиши ва бошқариши”* модаси бўйича умушишлаб чиқариш (бригадаларда, фермаларда, цехларда ва корхонанинг бошқа бўлинмаларида) ва умумхўжалиги (корхонабўйича умуман ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ) харажатлари акс этади.

Умушишлаб чиқариш ва умумхўжалиги харажатларини ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва маҳсулот қийматини ҳисоблаб чиқиши объектлари (иш хизмат) орасида харажатларнинг умумий суммаси пропорционал тақсимланади (ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш харажатларидан ташқари), бунда уруғлик, озуқа шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришида хом-ашё материаллар ва ярим фабрикатлар нархи истисно қилинади.

*“Кредитлар бўйича тўловлар”* моддаси бўйича банклардан олинган фоизлар тўлови (асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ ссудалар номоддий ва бошқа оборотлар, ташқариактивлар истисно), етказиб берилган товар моддий бойликларга кечикирилган тўловлар фоизлари, олинган қарз маблағлари бўйича харажатлар акс этади. Улар маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқаришга бевосита харажат тарзида пропорционал тақсимланади.

*“Бошқа харажатлар”* моддасида балиқ маҳсулоти ишаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, лекин юқоридаги моддалардан бирортасида ҳам тегишли бўлмаган харажатлар: ер ва сув учун тўлов, маҳсус кийимлар ва оёқ кийимларининг эскириши ва бошқаларга тегишли (12.2.1-жадвал).

## 12.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги  
“Ҳатамобод” балиқчилик фермер хўжалигида 1 га сув ҳавзасида балиқ  
етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (оқ  
дўнгпешона балиғи бўйича)<sup>19</sup>.**

<b>№</b>	<b>Харажатларнинг номланиши</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Анаънавий усулда</b>	<b>Технологик харита асосида</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
1	Иш ҳақи харажатлари	минг сўм	6580	8100	1520
2	Чавоқ харажати (сотиб олиш)	кг	250	250	0
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>3500</i>	<i>3500</i>	<i>0</i>
3	Озуқа харажати	минг сўм	4010	4770	760
	Шундан:				
	минерал ўғит	кг	700	800	100
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>770</i>	<i>880</i>	<i>110</i>
	маҳаллий ўғит	кг	3000	3000	0
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>240</i>	<i>240</i>	<i>0</i>
	оҳак	кг	1200	1500	300
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>360</i>	<i>450</i>	<i>90</i>
	ем ва витаминалар	кг	3300	4000	700
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2640</i>	<i>3200</i>	<i>560</i>
4	Электр энергия сарфи	минг сўм	60	60	0
	Ш.ж. насос	минг сўм	40	40	0
5	Амортизация	минг сўм	146	146	0
6	Транспорт харажатлари	минг сўм	96	96	0
7	Ветеринария хизмати	минг сўм	150	150	0
8	Умушилаб чиқариш харажати	минг сўм	324	405	81
9	Кўзда тутилмаган харажатлар	минг сўм	146	175	28,71
10	Жами харажатлар	минг сўм	11252	14152	2900
11	Давр харажатлари	минг сўм	113	142	58

<sup>19</sup> . Юнусов И.О. Балиқчилик тармогини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари , иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (phd), Тошкент, ТИҚҲМИИ, 2019, 426.

*Балиқчилик тармоқларини ва балиқ маҳсулоти турлари бўйича таннархлар таҳлил қилинганда алоҳида элементлар ва моддалар бўйича ҳақиқий харажатларнинг режадагидан ортиқ бўлиш сабаблари аниқланади. Таҳлил натижаларидан ишлаб чиқаришнинг келгусида иқтисодий самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш чораларини ишлаб чиқаришни режалаштиришда фойдаланилади. Балиқчилик соҳасини интенсификациялаш шароитида таннархни режалаштиришда ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ортиши технологияни, ҳайвонларнинг юқори маҳсулдор зотларини, балиқчилик соҳаси экинларининг гибрид ва навлари натижасида харажатлар қисқариши эҳтимолини ҳисобга олиш лозим.*

### **12.3. Балиқчилик соҳасида маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар) ва унинг турлари**

Таннарх – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун пул шаклида ифодаланувчи иқтисодий категориясидир.

Таннарх – бу аниқ корхона шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг асосланган қисми. У ҳар бир корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш нимага тўғри келишини кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқаришга маълум микдорда ишлаб чиқариш маблағи ва ишчиларнинг жонли меҳнати сарфланади. Ишлаб чиқаришга сарфланган маблағ корхонанинг уруғлик, ёқилғи, ўғитлар, электр қуввати, асосий воситалар кўринишида сарфланган ва унинг воситаларида моддийлаштирилган меҳнатни кўрсатади. Жонли меҳнат ҳақиқий тўлов бўйича ҳисобга олинади.

Таннарх ўзида балиқчилик соҳаси корхонаси фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бирини ифодалайди, чунки унда уларнинг ишларини сифатли томони, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражаси кўрсатилади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг оширилиши иш якунида таннархини пасайтирган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан белгиланади. Чунки, таннархнинг даражаси балиқчилик соҳаси маҳсулотларини жойлаштириш ва

ихтисослаштириш мезони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, таннархни ҳисоблаб чиқиш ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини белгилайди.

Ялпи маҳсулот таннархи ўзида балиқчилик корхонасининг ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамма маблағини ифодалайди. Балиқчилик соҳаси корхоналарининг ишлаб чиқаришга қилган сарф-харажатлари балиқчилик соҳаси экин ерларига ишлов бериш жараёнида фойдаланилган машиналар, механизмлар, бошқа асосий фонdlар, моддий, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари сарфидан юзага келади.

**Балиқ маҳсулоти бирлиги таннархи** – ишлаб чиқариш харажатларини натуран кўринищдаги ялпи балиқ маҳсулоти ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$T = \frac{I_x}{YaM}$$

Балиқ маҳсулоти бирлиги ишлаб чиқариш харажатларини қиймат (сўм) кўринишида ялпи балиқ маҳсулоти ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади .

Маҳсулот таннархидан ташқари иш бирлигининг таннархи ҳам (тракторлар бўйича – 1 шартли этalonга, автомобиллар бўйича – 1 т км, иш ҳайвонлари бўйича 1 от кучи ва бошқалар.

Қўшилган харажатлар ҳажмига боғлиқ ҳолда таннарх ишлаб чиқаришга доир ва тўлиқ (тижорат) таннархларга бўлинади. **Ишлаб чиқарии таннархларига** ишлаб чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар киради.

Маълумотлар манбаларига боғлиқ ҳолда ҳисоб-китоблари асосида хўжалик фаолияти бўйича йил охирида калькуляция қилинади. У алоҳида ишлаб чиқариш жараёнларнинг иш натижаларини баҳолашга имкон беради. Балиқ маҳсулотининг ҳақиқий таннархини аниқлаш билан уни пасайтиришнинг аниқ йўлларини белгилаш, жорий йил кўрсаткичларини аввалги йилдагиси ёки режали таннарх билан таққослаш мумкин.

Режали таннарх ўтган йилги ҳақиқий таннархни ҳисобга олган ҳолда норматив кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Ишлаб чиқаришга

қилинган харажатлар харажатлар ҳисоби моддий ресурсларнинг асосланган техник меъёридан келиб чиқиб амалга оширилади.

Балиқ маҳсулоти таннархи турли ишлаб чиқариш мақсадлари бўлган харажатларнинг бир қанча туридан яратилади. Харажат турлари уларнинг умумий суммасига фоизли нисбати таннарх структурасини билдиради. Улар корхонанинг ихтисосига, унинг техник жиҳозланганлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил этишига боғлик. Таннарх структурасининг таҳлили фойдаланилаётган ресурсларни очиш ва харажатларни камайтириш йўлларини белгилаб беради.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва иқтисодий аҳамиятига кўра турличадир. Уларни тўғри туркумлаштириш таннархни режалаштириш, ҳисоби ва таҳлилида катта рол ўйнайди. Аҳамияти ва пайдо бўлиш ўрнига қараб харажатларни *ишлаб чиқаришга* ва *ноишлаб чиқаришга* оид харажатларга бўлиш мумкин.

**Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш харажатлари-** балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлик.

**Балиқчилик соҳасида ноишлаб чиқариш харажатлари-** балиқ маҳсулоти реализацияси бўйича харажатлар, реализация қилинган балиқ маҳсулотларининг табиий камайиш чегарасидаги камомади, юқори ташкилотларга қилинган сарфлар ва шу кабиларни қамраб олади.

Балиқчилик соҳасида корхонасининг белгиланган мақсад бўйича балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришга қилган харажатларини асосий ва маъмурийга бўлиш мумкин.

**Балиқчилик соҳасида асосий харажатлар** маълум турдаги балиқ маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан бевосита боғлик (уруглик, озуқа, иш ҳақи ва бошқалар).

**Балиқчилик соҳасида маъмурий харажатлар** ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш билан боғлик ва яхлитлигича тармоқ ёки хўжалиги бўйича ҳисобланади. Уларга ишлаб чиқариш харажатларини

қандай бўлса, маъмурий-бошқарув ходимларининг (иш ҳақи, почта, девонхона, телеграф, хизмат сафари харажатлари, ишга транспорт хизмати кўрсатиш, дала шийпонларига қилинган сарфлар ва бошқалар), барча ноишлаб чиқариш ва унумдорлиги бўлмаган ишларга харажатлар ҳам шундай бўлади (хўжалик ҳисобидаги материалларнинг бузилиши ва этишмаслиги, суд ва арбитраж тўлов харажатлари). Улар умумишилаб чиқарии харожатлари ва умумхўжалиги харожатларига бўлинади.

**Балиқчилик соҳасида умумишилаб чиқариш харожатлари**- умумбригада, умумферма, умумзех ва умумтармоқ харажатларидан таркиб топади. Улар ўсимликчилик, чорвачилик каби хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш мутахассислари - зоотехник, ветврачлар иш ҳақи, агрокимёвий лабораториялар, ветеринария шифохоналари, тиббий дори-дармонлар олиш, ишларга транспорт хизмати кўрсатиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва бошқаларни маблағ билан таъминлашдан иборат.

**Балиқчилик соҳасида умумхўжалиги харожатлари-хўжалик** бўйича бутунича ишни бошқариш ва ташкил этиш билан боғлиқ: маъмурий-бошқарув ходимлари - бошликлар, бош мутахассислар, иқтисодчилар, ҳисобчилар ва бошқаларнинг иш ҳақи, хизмат сафарлари ва идора-девонхона харажатлари, умухўжалик аҳамиятига молик асосий воситалар амортизацияси ва бошқалар. Уларга ноишлаб чиқариш ҳам киради.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш харожатлари тақсимоти усули бўйича ҳарожатлар *бевосита* ва *билвоситага* ажратилади.

**Бевосита харожатлар-** ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, чегирилган асосий ва қўшимча иш ҳақлари, уруғлик, озуқа, балиқчилик соҳаси машиналарига ускуналар, қурилиш ва иншоотлар, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган аниқ турдаги маҳсулотлар, жорий таъмирлаш, автотранспортлар ва бошқалар.

**Билвосита харожатлар** - балиқчилик соҳаси бригада, ферма, бўлинма, барча хўжалик билан (умумишилаб чиқариш, умумхўжалиги) боғлиқ.

Ҳисобот даврига нисбати бўйича харажатлар *ҳисобот даври, келгуси давр ва олдиндан турган сарф-харажатларга бўлинадилар.*

Амалиётда балиқ маҳсулоти таннархига кирувчи барча кўп тарзли харажатларнинг таҳлили, ҳисоби ва режалаштирилиши учун бир-бирини ўзаро тўлдирувчи иккита тури қўлланилади: элементлар бўйича ва харажат турлари бўйича.

**Балиқчилик соҳасида таннархни калькуляция қилиш** бу балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, иш хизматга қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасини ҳисоблаш тизими.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш балиқчилик соҳаси иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг бир-бири билан боғлиқ иккита асосий йўналиши мавжуд: ер майдони бирлигидан маҳсулот олишни максимал даражада қўпайтириш ва унинг бирлигига меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш. Резервлар ҳар бир корхонада мавжуд. Таннарх тузилмасини жиддий таҳлил қилиш билан уларни аниқлаш мумкин.

Балиқчилик соҳасида таннархнинг структураси қатор омиллар таъсирида доимий ўзгариб туради:

- ◆ Балиқчилик тармоқнинг ўзига хослиги-кўп меҳнат талаб қиласидиган (таннарх харажатларининг катта улуши меҳнатга хақ тўлашга тўғри келади), кўп маблағ талаб қилувчи (моддий харажатлар улуши жуда катта) фонд ҳажми катта (амортизациянинг улуши жуда кўп) ва кўп қувват сарфланадиган (ёқилғи қувват ресурслари кўп) ишлаб чиқаришларда мавжуд бўлади;
- ◆ жонли меҳнатнинг улуши қисқаришига ва моддийлашув улуши ортишига олиб келувчи илмий-техника тараққиёти;
- ◆ балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув кооперациялашув даражаси;
- ◆ балиқчилик корхонасининг географик жойлашуви;
- ◆ балиқчилик соҳасида банк кредити учун фоиз ставкалари ва инқироз.

Балиқчилик соҳасида таннарх структурасининг таҳлили уни пасайтириш учун қайси йўналишда чоралар кўриш лозимлигини аниқлаш имконини беради.

#### **12.4. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ўртача харажатларини (таннархини) ҳисоблаш усуллари**

Балиқчилик соҳасида таннархни ҳисоблаб чиқиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. *Биринчидан*, балиқчиликда ишлаб чиқишининг йиллик цикли, шунингдек, ишлаб чиқариш ва иш даври орасидаги фарқлар таннархни фақат хўжалик йили тугагандан кейингина ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, балиқчилик маҳсулотларининг бир қисми ўз хўжалигида озуқа сифатида ишлатилади. *Иккинчидан*, кўпгина балиқчилик соҳасида бир неча турдаги балиқ маҳсулоти олинади ва харажатларни улар орасида тақсимлаш зарурати келиб чиқади. *Учинчидан*, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини фақат йил охирида (1 январ ҳолати бўйича) аниқлаш мумкин. *Тўртинчидан*, алоҳида турдаги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш яқунланиши жойи умуман фарқланади.

Балиқчилик соҳасида таннархни ҳисоблаб чиқища харажатларининг умумий миқдори мос келувчи маҳсулотлар бўйича тақсимланади. Шу билан қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- харажатларни балиқ маҳсулотларининг мос келувчи турига тўғридан-тўғри тақсимлаш (пахта хом-ашёси, гўшт, асал ва ҳоказо);
- харажатларни алоҳида балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ўртасида маҳсулот олинганлар учун умумий бўлган белгилардан бири бўйича пропорционал равища тақсимлаш ;
- маҳсус йўл билан олинган маҳсулотнинг алоҳида турига қилинган харажатни баҳолаш ва уларни маълум нисбий кўрсаткичларда ифодалаш ҳамда шу йўл билан харажатларни маҳсулотнинг қийматига қараб пропорционал тақсимлаш;

- режали тартибда белгиланадиган, иқтисодий асосланган коэффициентларни қўллаш ёрдамида харажатларни тақсимлаш, бунда маҳсулотлардан бирининг турига 1 бошқа турларига асосий турдаги коэффициент орқали харажатлар қабул қилинади;
- пул шаклида ифодаланувчи харажатларнинг умумий миқдоридан ёндош маҳсулотларга қилинган харажатларни чегириб ташлаш, ёндош маҳсулотларнинг пулда баҳолаш норматив (ҳисоб-китобли) ёки ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб, амалга оширилади (пахта, дон, картошка, чорвачилик маҳсулотлари ва ҳоказо);
- харажатларни маҳсулот қийматининг реализация баҳосига пропорционал равишда тақсимлаш .

Балиқчилик ҳавзасида балиқ маҳсулотининг таннархини ҳисоблаш баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласди. Биричи хусусияти -иш вақти билан ишлаб чиқариш даври бўлиб балиқ маҳсулоти таннархини ҳисоблаш фақат ишлаб чиқариш йили охирида амалга оширилади. Иккинчи-тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси фақатгина йил охирида амалга оширилади. Учинчи йил давомида балиқ маҳсулотларини режалалаштрилган таннархни хусусияти йил давомида ҳисобланади, ҳақиқий эса йил охирида.

Сув ҳавзасидаги балиқ маҳсулотларининг таннархи ҳамма балиқ маҳсулотлари қилинган ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш давридаги хизматлар ҳам кўшилиб балиқ маҳсулоти ҳажмига тақсимланади.

**1 минг** дона кичик балиқчага, 1 ц сеголеткага, 1 ц бир йиллика, 1 ц икки йиллика ва 1 ц балиқ товар маҳсулоти таннархи ҳисобланади:

➤ **1 минг дона кичик балиқчанинг** таннархи барча ҳаражатлар йил давомида жамланиб кичик балиқчалар миқдорига бўлинади;

**1 ц сеголетканинг** таннархи кичик балиқларнинг нархи ва йил давомидаги жаражатлар жамланиб умумий сеголеткаларнинг ҳажмига бўлинади;

- **1 ц бир йиллик балиқларнинг таннархи умумий сеголеткаларнинг нархи ва уларни сақлаш харажатлари жамланиб бир йиллик сеголеткаларнинг умумий оғирлигига тақсимланади;**
- **1 ц икки йиллик балиқларнинг таннархи икки йиллик балиқларнинг нархи ва уларни сақлаш харажатлари жамланиб икки йиллик сеголеткаларнинг умумий оғирлигига тақсимланади;**
- **1 ц сотишга мўлжалланган балиқларнинг таннархи икки йиллик балиқларнинг умумий нархи ва уларга кетган харажатларни ушланган (сотишга) мўлжалланган балиқларнинг оғирлигига тақсимланади.**

**Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича саноат ишлаб чиқаришларида таннархни ҳисоблаб чиқиши-аралаш озуқалар, озуқа аралашмалари, қўшимчалар (озуқага), ёрма, консервалар ва бошқалар.**

Балиқ маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаб чиқиши кўйидаги изчилликда бажарилади:

- ◆ асосий воситаларни сақлаш бўйича харажатлар режалаштириш ва харажатларни ҳисобга олиш объекларига тақсимланади;
- ◆ асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ва қўшимча саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари (иши хизмати) таннархи ҳисоблаб чиқилади;
- ◆ ер ва сувга бўйича харажатлар тақсимланиб;
- ◆ бригада (фермерлик) тармоққа оид (цехга оид) ва умумхўжалиги сарфлар тақсимланади;
- ◆ режалаштириш ва ҳисоб объектлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори аниқланади;
- ◆ балиқчилик маҳсулотлари таннархи ҳисоблаб чиқилади;
- ◆ озуқа цехларини сақлаш бўйича қилинадиган сарфлар тақсимланади;
- ◆ балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ қўшимча (саноат) ишлаб чиқариш маҳсулотларининг таннархи ҳисоблаб чиқилади;

- ♦ реализацияга ишлаб чиқариш харажатлари таннархини қўшиш йўли билан балиқчилик ва саноат ишлаб чиқариши товар маҳсулотларининг тўлиқ таннархи ҳисоблаб чиқилади.

Ва ниҳоят, ҳисобланган харажатларни, маҳсулотларнинг бирлаштирилган турига тақсимланади ва унинг балиқчиликдаги бирлигининг таннархи аниқланади.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши жараёнида бир вақтнинг ўзида бир неча тур маҳсулот олинади: *асосий, ёндош ва қўшимча*. **Асосий маҳсулот** олиш учун ишлаб чиқариш ташкил этилгани (масалан, балиқ ишлаб чиқаришда-балиқ ва бошқалар). **Ёндош маҳсулот** – битта балиқчилик соҳаси бир турдаги балиқдан олинадиган икки ёки ундан ортиқ турдаги маҳсулот. Масалан, зотли насл ва бошқалар. **Қўшимча маҳсулот** – бир вақтнинг ўзида асосий маҳсулотдан олинадиган, лекин иккинчи даражали аҳамиятга эга бўладиган маҳсулотdir.

Балиқчилик соҳаси корхоналарида ҳамма турдаги балиқ маҳсулотлари таннархи ҳисоблаб чиқилади: асосий, ёндош ва қўшимча. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш ўсимликчилик ва чорвачилик экинлари тармоқлари бўйича ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришга кетган харажатларни тақсимлашдан бошланади.

**Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари асосий турлари таннархини калькуляциялаш** ишлаб чиқариш жараёни тугагач, ҳамма харажатлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми аниқлангач, бажарилади: харажатларнинг ҳамма турини қўшиш билан бевосита ва билвосита балиқчиликда ишлаб чиқарилган ҳар бир тур маҳсулотга қилинган умумий харажатлар миқдори аниқланади. Кейин асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотлар сони аниқланади, шундан кейин харажатларнинг умумий миқдори ана шу турдаги маҳсулотларга тақсимланади. Қўшимча маҳсулотлар таннархи унинг хўжалиги эҳтиёжи учун ишлатиладиган қисми бўйича ҳисобланади, холос (12.4.1-жадвал).

## 12.4.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси худудларидағи мавжуд балиқчилик  
хўжаликларида 1 га ҳавза майдонига сарфланган харажатлар таҳлили<sup>20</sup>,  
2018 йил.**

млн.сўм

№	<b>Харажатлар</b>	<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>Наманган вилояти</b>	<b>Қорақал-погистон Республикаси</b>
		<b>“Азизбобо” фермер хўжалиги</b>	<b>“Муҳаммад Амин Тожихон” фермер хўжалиги</b>	<b>“Антиқа” балиқчилик фермер хўжалиги</b>
1	Балиқ озуқаси (ем)	3,86	3,26	3,81
2	Ўғитга сарфлар	1,48	1,53	1,56
3	Насос ва э/э сарфлари	0,65	0,70	0,58
4	Чавоқ сотиб олиш учун харажатлар	2,05	1,78	1,94
5	Давр харажатлари	0,32	0,24	0,25
6	Иш хақи	1,93	1,37	1,78
7	Бошқа харажатлар	1,81	1,42	1,88
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>12,1</b>	<b>10,3</b>	<b>11,8</b>
	Балиқ маҳсулдорлиги (хосилдорлиги), т/га	1,9	1,6	1,8
	Ялпи маҳсулот қиймати, млн.сўм (1 кг балиқ нархи ўртача 8 минг сўм деб олинса)	15,2	12,8	14,4
	<b>Рентабеллик, %</b>	<b>25,6</b>	<b>24,3</b>	<b>22,0</b>

## 12.5. Балиқчилик соҳасидаги маҳсулотларининг таннархини камайтириш йўллари

Балиқчилик соҳасида маҳсулот таннархини пасайтиришнинг муҳим омили – ер ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши, балиқларнинг маҳсулдорлигидир. Замонавий техникадан фойдаланиш ва

<sup>20</sup> Юнусов И.О. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари , иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (phd), Тошкент, ТИҚҲМИИ, 2019, 426.

балиқчиликнинг тараққий этган тизимини жорий этиш, балиқларнинг сермаҳсул зотларини кенг қўллаш, 1 га ерга моддий пул маблағлари харажатларни оширади, аммо бир вақтнинг ўзида уларнинг балиқ маҳсулоти бирлигидаги ҳисобини қисқартиради. Шунинг учун балиқ маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, балиқчиликдаги маҳсулотлар таннархи шунча паст бўлади.

Балиқчилик маҳсулдорлиги пасайганда маҳсулот бирлигига озуқа сарфи ортади. Балиқчилик маҳсулдорлик ортганда, маҳсулот бирлигига озуқа сарфи камаяди.

Ҳайвонлар маҳсулдорлигининг ошишига протеинга, аминокислоталарга, микроэлементлар ва витаминларга баланслаштирилган тўлақонли озуқалар тўғри ва яхши парваришлиш ва боқиши, наслчилик ишларини мукаммаллаштириш кабилар бевосита таъсир қиласи.

Балиқчилик маҳсулотлари таннархини камайтиришда тўлақонли озуқалар алоҳида ўрин тутади. Озуқаларда у ёки бу элементнинг этишмаслиги маҳсулот бирлигига қўшимча сарф қилинишига олиб келади.

**Балиқчилик соҳасида таннархни пасайтиришининг асосий йўлларидан бири** – меҳнат унумдорлигини оширишdir. Бунинг ҳисобига балиқчилик соҳасидан олинадиган ҳар қандай маҳсулотнинг кўпайиб, ўсишига эришилади. Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги ва таннарх орасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлигининг оширилиши таннархнинг пасайиши учун салмоқли аҳамиятга эга. Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатидан олдинга ўтиб кетмоғи муҳим. Балиқчилик соҳаси меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш ва янги технологияларини жорий этиш зарур. Бошқа томондан, балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришни ошириш ва сифатини яхшилаш учун ишчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини яратиш талаб этилади.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулот таннархини пасайтиришининг яна бир йўли**-моддий харажатларни иқтисод қилиш: уруғлик (юқори сифатли

урұғларни олиш), озуқа (уларнинг нархини арzonлаштириш, оқилона фойдаланиш, сақлаш ва транспортга юклаб туширишдаги йўқотишларни бартараф этиш ҳисобига), транспорт сарфларини ёқилғи-мойлаш харажатларини эҳтиёт қисмлар ва бошқаларга сарфларни қисқартириш.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулотлар таннархининг пасайишига ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишини яхшилаш** ҳам катта таъсир кўрсатади, чунки харажатларнинг сезиларли улуши амортизация чегирмаларига тўғри келади. Хўжалик ишлаб чиқариш воситалари билан қанчалик яхши таъминланган бўлса, улардан шунчалик яхши фойдаланилади, маҳсулот эса қўпроқ ишлаб чиқарилади.

Балиқчилик соҳасида таннарх структурасида умумишилаб чиқариш ва умумхўжалиги харажатлари ҳам сезиларли улушни ташкил қиласи. Маъмурий-бошқарув аппаратидаги ортиқча штатларни бартараф этиш, корхонанинг ташкилий-хўжалик структурасини мукаммаллаштириш йўллари билан уларни пасайтириш зарур.

Бозор иқтисодиётида таннархнинг роли ва аҳамияти кескин ортади. Иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан унинг пасайиши қуидагиларга имкон беради:

- корхона ихтиёрида қоладиган оддийгина маҳсулот эмас, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга имкон берувчи фойда (даромад) ларни кўпайтириш;
- ишчиларни моддий рағбатлантиришни яхшилаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш;
- корхонанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш;
- ўз маҳсулотларининг нархини пасайтириш ва диверсификациялаш, шу билан унинг рақобатбардошлигини ошириш ва реализация ҳажмини кўпайтириш;
- акционерлик жамиятларида дивидендлар бўйича тўловларни кўпайтириш ва уларнинг ставкасини ошириш.

Кейинги йилларда балиқчилик соҳаси маҳсулотлари таннархининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари турлича, яъни ишлаб чиқариш воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, хизмат қўрсатувчи ишлаб чиқаришлар, хизматлар баҳосининг ортиб бориши, ишлаб чиқариш ресурсларидан етарлича самарали фойдаланилмаётганидир.

### **Назорат ва мұхокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида доимий ва ўзгарувчан ҳаражатларга нималар киради?*
2. *Балиқчилик соҳасида қандай ҳаражатлар жорий ва ўртacha ҳаражатлар деб аталади?*
3. *Балиқчилик соҳасида узоқ ва қисқа муддатли ҳаражатларга нималар киради?*
4. *Балиқчилик соҳасида қўшимча, ишлаб чиқариш, давр, молиявий ҳамда кўзда тутилмаган ҳаражатлар таснифини айтиб беринг.*
5. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ўртача ҳаражатлари, яъни таннархи ва унинг аниқлаш усусларини баён этинг.*
6. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ҳаражатлар моддаларига нималар киради?*
7. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ўртача ҳаражатига (таннархига) таъсир этувчи омилларга нималар киради?*
8. *Балиқчилик соҳасида ҳаражат турларининг балиқ маҳсулот таннархидаги салмогини аниқлаш деганда, нимани тушунасиз?*
9. *Балиқчилик соҳасида тадбиркорликда бой берилган имкониятларни айтинг.*
10. *Балиқчилик соҳасида ҳаражатларни тежашининг қандай йўллари бор?*

## **XIII Боб. Балиқчилик соҳасида ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг тақсимланиши ва кўпайтириш йўллари**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳасининг ялпи ва товар маҳсулоти ва тармоқда унга бўлган талабни аниқлаш, ялпи маҳсулотни баҳолаштурларини асослаш, ялпи маҳсулотни кўпайтириши йўллари(экстенсив ва интенсив), балиқчилик соҳасида маҳсулотлар бозорини ривожлантириши йўлларини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Ялпи ва товар маҳсулот, маҳсулот турлари, баҳолаш, қиймат, балиқчилик ялпи маҳсулоти, экстенсив ва интенсив йўл, товарлилик, маҳсулот бозори, маркибий ўзгариш, диверсификация.

### **13.1. Балиқчилик соҳасининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти**

**Балиқчилик соҳасида ялпи маҳсулот** – бу балиқчилик тармоғида маълум давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барча ҳажмини билдиради. У балиқчиликнинг ялпи маҳсулотидан иборат бўлади. **Балиқчиликдаги ялпи маҳсулот** – бу балиқларни боқиш билан боғлиқ бўлган тайёр маҳсулотлар (балиқ) зотли насл шунингдек, қўшимча маҳсулотлардир.

Балиқчилик соҳасида ялпи маҳсулот *натурал* ва *қиймат баҳоларда* ифодаланади ва ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичларда у маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича аниқланади. Балиқ ялпи маҳсулоти қиймати таққослама ва амалдаги ҳақиқий жорий баҳолар (унинг товар қисми-реализация баҳосида, товар бўлмагани-таннархи бўйича) шунингдек, таннархлар бўйича ҳам ҳисоблаб чиқлади.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини, униг йиллар бўйича ўзгаришини, шунингдек ердан ва сувдан, моддий ва меҳнат ресурсларидан (ернинг унумдорлиги, фондларидан фойда, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун ялпи маҳсулотларни таққослама баҳоларда баҳоланади. Ҳозир балиқчилик соҳаси маҳсулотлари учун уларнинг пул қийматининг ўзгаришини ҳисобга олган

ҳолда амалдаги (жорий) нархлардан ялпи маҳсулотларни баҳолашда ялпи ва соғ даромадни ҳисоблаб чиқишида фойдаланилади. Балиқчилик соҳаси ялпи маҳсулотларининг нархи амалдаги баҳоларда инқироз туфайли нарх ошиши ҳисобига кескин кўтарилди. Натурал ифодадаги таққослама нархларда қисқарди (13.1.1-жадвал).

### **13.1.1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикада 2014-2019 йиллар давомида овланган балиқлар ҳажми<sup>21</sup>**

**(тонна)**

T/p	Худудларноми	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2014 йилга нисб. (%)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2658	3 410	4 515	6 157	9856,7	12210	+4,6 марта
2.	Андижон вилояти	2176	2 535	2 088	4 081	10224	12618	+5,8 марта
3.	Бухоро вилояти	1570,7	1 951	2 813	3 400	3737,9	4510,1	+2,9 марта
4.	Жиззах вилояти	9035,5	10 850	11 198	13 838	7151,5	7902,4	0,9
5.	Қашқадарё вилояти	2608	3 151	3 952	4 770	4796,1	4801,3	+1,8 марта
6.	Навоий вилояти	3771,1	5 610	7 670	12 566	10882,4	13014	+3,5 марта
7.	Наманган вилояти	2146	2 733	3 384	5 218	5360	6906,7	+3,2 марта
8.	Самарқанд вилояти	1384	1 839	2 540	3 435	4006,1	7008,4	+5,1 марта
9.	Сурхондарё вилояти	1521,8	1 911	2 580	3 876	3815,9	3641,2	+2,4 марта
10.	Сирдарё вилояти	1545	1 822	2 279	2 222	5375,9	7214,1	+4,7 марта
11.	Тошкент вилояти	8000,4	11 557	8 171	8 155	9867,2	11045	+1,4 марта
12.	Фарғона вилояти	3485,1	4 025	5 214	6 782	6430,3	8421,1	+2,4 марта
13.	Хоразм вилояти	6490	8 457	8 919	9 401	9480,3	16142,4	+2,5 марта
	ЖАМИ	46391,6	59 852	65 322	83 900	90984,3	115434,7	+2,5 марта

<sup>21</sup>. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти 2019 йил

**Диверсификация** – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорини кенгайтириш мақсадида балиқчилик соҳаси корхоналари фаолиятини кенгайтириш, балиқ маҳсулоти ва хизматларнинг ассортиментини кўпайтиришдир.

**Таркибий ўзгаришлар** – балиқчилик соҳасида янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган корхоналарни қисқартириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади.

**Балиқчилик соҳасининг ялпи маҳсулоти** – бу маълум даврда балиқчилик корхоналари томонидан балиқ маҳсулоти корхона ичида фойдаланиладими ёки келгуси ишлаб чиқарилиши учунми ёки бошқа томонга реализация қилинишдан қатъий назар ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотидир. Балиқ маҳсулотлар ҳажмининг қиймати ялпи маҳсулотни аниқлашда оралиқ маҳсулотларни ҳисобга олишда – уруғликлар, озуқа ва бошқа йўлга қўйилади.

**Ҳавза балиқ маҳсулдорлиги** -бу балиқ массасини ўсишини, ҳавзадаги бир вегитатив даврида 1 га ҳавзага сарфланган балиқларнинг табиий ва сунъий озуксиадир.

**Ҳавза фондини иқтисодий баҳолаш** -1 га табиий ва хўжалик шароитида ҳавза майдони ҳисобига олинган ялпи даромад,

**Ялпи маҳсулот** – балиқчилик соҳасини бирлаштирилган ижтимоий маҳсулотларидаги улушкининг ишлаб чиқаришнинг тармоқ структуралари ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги хўжалигининг алоҳида тармоқлари бўйича аниқлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш миқёсини характерловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичdir.

**Балиқчилик соҳасининг товар маҳсулотлари** – бу ялпи маҳсулотнинг реализацияга мўлжалланган бир қисмидир. Балиқчилик соҳаси корхонасининг ташқарисига чиқарилган ҳамда истеъмолчи ёки савдолашувчи ташкилот томонидан хақи тўланган товар маҳсулотининг қисми реализация қилинган маҳсулот дейилади. Бироқ, амалиётда ва балиқчилик соҳаси адабиётларида бу тушунча синоним сифатида

ишлатилади ва товар маҳсулоти деганда реализация қилинган пул тушуми сифатида кўринадиган маҳсулотлар тушунилади. Балиқчилик соҳаси корхоналарининг ҳисбот-статистик материалларидан товар маҳсулотлари ўтказилмайди. Товар ва реализация қилинадиган маҳсулотлар амалдаги нархларда ҳисоблаб чиқилади.

Балиқчилик соҳаси корхонаси ва уларнинг товар маҳсулотларини фарқлаш лозим. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг товарлилигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар- товарлилик даражаси, товар маҳсулотларининг умумий ҳажми, товар маҳсулотининг ҳажми ҳисбланади.

Балиқчилик соҳасининг товар (реализация қилинган) маҳсулотининг (ТМ) ялпи маҳсулотга нисбатини англатувчи муҳим кўрсаткич-**товарлилик даражаси** дейилади,%:

$$T_d = \frac{TM}{Y_aM} * 100$$

Балиқчилик соҳасининг маҳсулотларининг товарлилик даражасини аниқлашда ялпи ва реализация ҳажмини натурал ифода этиш учун корхоналар бўйича бир бутун-қиймат кўрсаткичларида ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Бу ҳолда ялпи ва реализация қилинган маҳсулот ягона нархда масалан, таққослама баҳоларда ҳисоблаб чиқилиши муҳим.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг товарлилик даражаси хўжалик тоифалари бўйича кескин фарқланади. Товарлиликнинг энг юқори даражаси фермер, энг пасти- дехқон хўжалигилариидир. Бу балиқчилик соҳасини юритиш мақсадларига боғлиқ. Балиқчилик соҳаси корхоналарининг мақсади сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли хўжалик эса-оиласининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг товарлилик даражасини оширишнинг замонавий шароитдаги асосий йўналишлари қўйидагилар:

- ◆ балиқчилик соҳаси балиқ маҳсулдорлиги ҳисобига (масалан, балиқчилик соҳасида кўлланиладиган зотли балиқларнинг маҳсулдорлиги, фақат 30-50 %) ялпи маҳсулотнинг ортиши ;
- ◆ маҳсулотларни хўжалик ичидаги ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфлашни қисқартириш ;
- ◆ уруғлик ва озуқалар сифатини яхшилаш, уларни сарфлашда тежамкорлик;
- ◆ ишлаб чиқаришни саклаш ва юклаб-тушириш жараёнида йўқотишларни камайтириш;
- ◆ маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- ◆ балиқчилик соҳаси корхоналарида маркетинг хизматини ташкил этиш.

### **13.2. Балиқчилик соҳасининг ялпи маҳсулоти таркиби, ўзгариши, сифати ва рақобатбардошлиги**

Республика аҳолисининг аксарият балиқчилик соҳаси маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳам тўлиқ қондирилмаяпти. Уларнинг айримларини четдан олиб келиб сотиш орқали ҳам бу муаммо тўлиқ ечишганича йўқ. Бу асосан балиқ маҳсулотларига тегишилдир. Шунинг учун барча турдаги корхоналарда балиқчилик соҳаси маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш энг долзарб муаммодир. У сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга. Бу муҳим муаммони ҳал этишнинг асосан икки йўли мавжуд:

**♦ Экстенсив йўл.** Яъни, экин майдонларини, балиқ сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи балиқ маҳсулоти ҳажмини кўпайтириш. Бу усулни адабиётларда Америка усули, деб ҳам аташади. Лекин унинг ривожлантирилиши айрим ишлаб чиқариш ресурслари, жумладан, ер ва сув ресурслари табиатан чекланганлиги сабабли тўлиқ таъминланмайди.

Бу усулда балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун моддий маблағ ҳамда меҳнат сарфлари асосан янги ер ва сувларни ўзлаштириб, балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши муомаласига киритишига ҳамда балиқ бош сонини кўпайтиришга қаратилади. Натижада балиқчилик маҳсулотларининг миқдори қўпайтирилади. Шу билан бирга, бу жараёнда

янги ва илғор технологияларни, зооветеринария ишларини ҳам амалга ошириш талаб қилинади. Демак, бу усул ёрдамида ялпи балиқ маҳсулоти ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланиши таъминланади.

♦**Интенсив йўл.** Яъни, фойдаланилаётган ер ва сувларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, балиқчиликда зоотехнология, ветеринария ишларини ривожлантириш асосида балиқларнинг маҳсулдорлигини ошириш. Бу усулни адабиётларда Пруссия йўли, деб ҳам аталади. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосан, моддий маблағ ва меҳнат сарфларини, фан ютуқларини, янги техникаларни ҳамда илғор технологияларни, балиқларнинг насл ва зотларини, қўшимча инвестицияларни амалга ошириш ҳисобига таъминланади.

Рақобатбардош балиқчилик соҳаси маҳсулоти бозордаги ўхшашига нисбатан юқори даражада, истеъмолчилар талаб қиласиган хусусиятларга эга бўлади ва бунинг натижасида юқори талабга эришади. Рақобатбардошликини рақобатчилар маҳсулотига солиштириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Чунки балиқчилик соҳаси товар маҳсулотларининг рақобатбардошлиги нисбий тушунча у аниқ бозорга ва сотиш вақтига (айниқса, балиқчилик соҳаси маҳсулотлари учун) қаттиқ боғланган.

**Балиқчилик соҳасининг рақобатбардошлиги асосан, икки усул билан аниқланади:** балиқ маҳсулотнинг баҳоси ва сифати билан, бинобарин, иккинчи омил аста-секин етакчи бўлиб олади. Балиқ маҳсулоти сифати истеъмолчилар қиймати билан ажralmas ҳолда боғлиқ. Истеъмолчиларни балиқ маҳсулотининг табиати эмас, унинг товар бўла олиши қизиқтиради. Олди-сотди амалга оширилаётган пайтда харидор ушбу товарнинг бозор шартларига мослигини тасдиқлайди. Бундай балиқ маҳсулотининг рақобатбардошлиги юқори бўлади.

**Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сифати**-унинг ўз вазифасига кўра мос равища маълум талабни қондиришга асосланадиган хусусиятларининг

ийғиндисидир. Харидор унинг қандай ўзига хос талабини қондиришига қарамасдан, ўзининг истеъмол талабига жавоб берадиган маҳсулотни сифатли деб билади. Бир балиқ маҳсулотининг сифати, ундан битта мақсад йўлида фойдаланиш учун юқори ёки паст деб билиниши мумкин.

Балиқчилик соҳаси балиқ маҳсулотининг рақобатбардошлиги харидор учун қизиқиш уйғота оладиган ўзига хос хусусиятлари билангина белгиланади. Бошқа ҳамма параметрлари рақобатбардошликни баҳолашда ҳисобга олинмайди. Рақобатли бозорнинг ривожланишини балиқ маҳсулоти сифатини яхшилаш даражаси ва ўсиши кўрсатиб беради. Шу сабабли, товар ишлаб чиқарувчилар олдида сифатни режалаштириш ва уни бошқариш унинг маълум даражасига этиш харажатларининг энг тежамли вариантини танлашни ҳисобга олиш масаласи туради.

**Стандартлаштириш-бу** истеъмолчининг ўзига қулай нархда кўнглидагидек балиқ маҳсулотини сотиб олиш хуқукини таъминловчи талабларни меъёр, тартиб-қоида ва характеристикаларни ишлаб чиқиш ва ўрнатишга йўналтирилган фаолият. У стандартларни ишлаб чиқиш, нашр этиш ва қабул қилишда ифодаланади.

**Балиқчилик соҳасида стандарт-кўпчилик** манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган, стандартлаштиришнинг маълум объектига тегишли умумий қоидалари, характеристикалари, талаб ва услублари белгиланган норматив техник хужжат, стандартлаштириш обьекти аниқ маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар, нормалар, методлар ва бошқа бўлиши мумкин.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларига стандартлар ушбу балиқ маҳсулоти товар сифати кўрсаткичлари бўйича жавоб бериши керак бўлган шарт ва талабларни белгилайди. Уларда шунингдек, маҳсулотни ўлчаш, назорат қилиш ва синов усуслари ҳам регламентланади. Стандартлар мажбурий стандартлар қатъий бажарилишига мўлжалланган. Тавсия қилинадиган истиқболли стандартларнинг фарқи шундаки, уларда нафақат ишлаб чиқаришда фойдаланиб бўлинган сифатнинг талаб ва кўрсаткичлари,

шунингдек, келажакда ўзлаштирилиши зарур бўлганлари ҳам белгилаб қўйилган.

Балиқчилик соҳасининг маҳсулот сифати характеристикаси учун халқаро (ИСО) давлат ва давлатлараро стандартлардан (ГОСТ), Ўзбекистоннинг давлат стандартларидан (ГОСТР), тармоқларга оид стандартлардан (ТСТ), корхона стандартларидан (КТП) фойдаланилади ва улар корхоналар ўзларининг ички эҳтиёжлари ва уларнинг бирлашмалари учун тузилган илмий-техник ва инженерлик жамиятлари (ИТИ), техник шарт-шароитлар (ТШ) стандартларидан фойдаланилади.

*Балиқчилик соҳасида фойдаланиладиган стандартларни* шартли равища қуидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- сифатига, тайёрловчи ва реализация қилувчи ташкилотлар талаблар қўядиган балиқчилик соҳаси маҳсулотлари;
- балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришига келиб тушувчи маҳсулотларга;
- техник стандартлар-механизациялашган ишлов беришнинг намунавий технологияларига балиқчилик соҳаси маҳсулотларини йиғиб олиш, товар сифати, жойлаштириш (ўраш), юклаб-тушириш ва сақлаш.

Ҳозирги шароитда балиқчилик соҳасининг маҳсулоти сифати корхона хўжалик фаолияти рентабеллигини оширувчи муҳим омил, шунинг учун унга доимий аҳамият бериш зарур. Сифатни таъминлаш ва сақлаш бўйича ҳамма жараёнлар сифатни бошқариш тизимига бириктирилган.

Балиқчилик соҳаси корхонаси маҳсулотларининг сифатлари кўпгина омиллар, биринчи навбатда ишлаб чиқариш ресурслари сифати, иштироки ва таъсирида шаклланади.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш ресурслари сифати орасида чамбарчас боғлиқлик бор.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг товар сифати яна кўплаб омилларга ҳам боғлиқ .

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг рақобатбардошлиги уларни ўраш, реклама қилиш каби бошқа омиллар билан ҳам белгиланади.

Рақобатбардошлиқ мунтазам ва доимо ўрганилиши зарур. Бу унинг ўз вақтида аниқлашни ва ўз вақтида зарур қарор қабул қилишга балиқ маҳсулотини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, унинг сифатини яхшилаш, бошқа бозорга ўтказиш имконини беради. Бошқа ҳолатларда рақобатбардошлиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яъни таркибий ўзгаришлар ҳақида қарор қабул қилишнинг асосий вақти бўлиши мумкин.

### **13.3. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини тақсимлаш, сотиш ва товарлилиқ даражасини ошириш йўллари**

**Балиқчилик соҳасида маркетинг-корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва илмий-техник фаолиятининг бозор ва унинг конъюнктураларини, истеъмолчиларнинг аниқ талабларини комплекс ўрганиш мажмуасидир. Маркетинг моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: балиқ маҳсулоти максимал фойда билан сотилса, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш.**

Балиқчилик соҳасининг маркетингга йўналтирилган корхонанинг мантиқий харакат чизмаси қўйидагича: аввал ишлаб чиқарилмоқчи бўлган маҳсулотга истеъмолчилар талаби ўрганилади, рақобатчиларнинг ўхшаш товарлари параметрлари баҳоланади ва шундан кейингина маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳақида ўйланади.

Ишлаб чиқарилган балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ҳамма харидорларга бирдек ёқиши мумкин эмас, чунки уларнинг эҳтиёжлари, имкониятлари, одат ва анъаналари, ҳатто диди ҳам турлича. Ана шуларни ҳисобга олиб бозорни сегментлаш зарур.

**Балиқчиликда бозорни сегментлаш-** бу балиқ маҳсулотига бир хилда талаб қўювчи истеъмолчилар грухини ажратиш. Агар рақобат даражаси юқори, лекин балиқчилик соҳаси маҳсулотларини сотиш қийин бўлиб қолган ҳолларда сегментлаш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бундай ҳолат, қайта ишлаш саноатининг кўпгина тармоқларида (балиқ, балиқ консерваси ва бошқа) юзага келган.

У ёки бу принцип билан сегментлашда балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бозорни ўхшаш гуруҳларга бўлади, кейин мақсадли деб аталувчи сегментни ёки бир нечта шундай сегментни танлаб олади, уларнинг ҳар бири учун товар ассортиментини белгилайди, шундан кейингина ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишни бошлайди.

Сегментлаштиришнинг қуидаги тўрт тамойили кенг тарқалган: географик (худудий), психографик (истеъмолчиларнинг ҳаёт тарзи, шахс типи), феъл атворга оид (истеъмолчи ушбу товардан қидирадиган фойда, истеъмолнинг жадаллиги) ва демографик (жинси, ёши, оиласининг таркиби, даромадининг даражаси).

Истеъмолчилар сегментларига ажратилган қуидаги қарорларни қабул қилиш зарур:

- қанча сегментни қамраб олиш керак бўлади;
- сегментларни қўллаш учун энг фойдалисини қандай аниқлаш керак?

Балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бозорни қамраб олишнинг учта вариантидан бирини танлаши мумкин:

1. Агар ажратиб олинган сегмент таҳлили уларнинг орасида фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатса, тадбиркор уларга эътибор қиласлиги ва бозорнинг ҳаммасига товарини таклиф қилиши мумкин. Бундай ҳолларда мақсади бир хил талаб ва эҳтиёжли харидорларни қўплаб жалб этиш бўлган маркетинг дастури тузилади. Бозорни қамраб олишнинг бундай стратегияси **дифференциаллашмаган маркетинг** деб аталади. Бундай маркетинг тежамли бўлиб, катта сарф талаб қиласли. Бироқ, бир неча корхона бир вақтнинг ўзида бундай стратегияни қўллай бошласа, шафқатсиз рақобат бошланади ва бошқа вариантларни қидиришга тўғри келади.

2. Балиқчилик соҳасида корхона бозорининг бир нечта сегментига ишлашга қарор қилди, уларнинг ҳар бири учун ўзга хусусиятлариниҳисобга олган ҳолда алоҳида маркетинг дастури тайёрлайдилар (товар, баҳолар, реклама ва бошқа). Бундай ҳолатларда маҳсулотлар сотиб олинишининг

ўсишига умид қилиш мумкин, чунки у бозорнинг ҳар бир сегменти талабига мослашади.

Бу **дифференциаллашган маркетинг**. Бундай стратегиядан кенгдоирада товар ишлаб чиқариб, уларни бозорга чиқара олишга қурби етадиган, етарли маблағга эга йирик компанияларнинг фойдаланиши тавсия этилади.

3. Товар ишлаб чиқарувчи кучларнибутта сегментга концентрациялаш хақида қарор қабул қиласди. Бозорни қамраб олишнинг бундай стратегияси **концентрациялашган маркетинг** деб аталади. У ризкнинг юқори даражадалиги билан боғлиқ, чунки танланган сегмент ишончни оқлай олмаслиги мумкин: унга рақобатчи пайдо бўлиб, маҳсулотга талаб тушиб кетиш эҳтимоли бор.

Бозорни қамраб олиш сегментини танлашда қўйидагиларни эътиборгаолиши лозим:

- балиқчилик соҳасида ресурслар чекланган ҳолатида концентрациялаштирилган маркетинг стратегияси ЭНГ афзали ҳисобланади;
- балиқчилик соҳасида сифат жиҳатдан ўхшаш товарларга, дифференциалланмаган маркетинг, турли параметрлари бўйича бир-биридан фарқланадиганларга (балиқ маҳсулотлари ва балиқ консервалари ) дифференциаллашган ёки концентрациялашган маркетинг кўпроқ мос келади;
- балиқчилик соҳасида бозорга янги товар билан чиқишида дифференциалланган ёки концентрацияланган маркетингдан фойдаланиб, янгиликнинг битта вариантини таклиф қилиш мақсадга мувофиқ.

Маркетинг фаолияти айниқса, бозор ва реклама тадқиқоти анчагина харажатлар билан боғлиқ. Лекин рақобат шароитида бу харажатларнинг зарурлиги маълум ва бутун жаҳонда тан олинади. Хориж балиқчилик соҳаси ва қайта ишлаш корхоналари ишининг амалий тажрибаси кўрсатишича,

маркетинг усулларини қўллашдан қўшимча фойда маркетинг хизматдан 10-20 марта юқори.

Балиқчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлиги маҳсулотларни сотиш, уларни реализация қилаш йўлларига салмоқли даражада боғлиқ. Кўпчилик товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга товар реализацияси билан боғлиқ ишлар ҳажмини камайтиришга ёрдам берувчи воситачилар орқали таклиф этадилар.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулотларни реализация қилиш воситалари**-сотишда воситачи ёки қатнашчи бўлувчи, аниқ товарни ўзига қабул қилувчи ёки бошқа бирорга ишлаб чиқаришдан истеъмолчига эгалик хуқуқини беришга ёрдамлашувчи юридик ва жисмоний шахслар йигиндисидир.

Айни пайтда балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг тайёрлов ва сотув каналлари қўйидагилардир(13.3.1-расм).

Реализация қилинадиган маҳсулотнинг ҳар бир турига ўзининг сотиши (ўтказиш) йўллари ва савдонинг ташкилий шакли мос келади. Воситачиларнинг сонига боғлиқ ҳолда нол, бир, икки ва ҳоказо даражадаги реализация воситаларини ажратадилар. *Нол даражадаги восита-товарини бевосита истеъмолчиларга сотадиган товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.* Бевосита савдонинг энг кенг тарқалган усули-товар ишлаб чиқарувчига тегишли дўконлар орқали савдо қилишдир.

*Бир даражали восита чакана савдода бўладиган биргина воситачини ўз ичига қамраб олади. Икки даражали восита-бу иккита воситачи (улгуржи ва чакана савдо) уч даражали восита-учта воситачи (улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдо) дан иборат.*

**Балиқчилик соҳасида улгуржи савдо-** балиқ маҳсулотини сотиб олиб сақлайдиган, кейин уларни бошқа савдо ташкилотларига чакана савдода қайта сотадиган юридик ва жисмоний шахслар йигиндиси. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг улгуржи харидорлари сифатида тайёрлов ташкилотлари, товар биржалари, қайта ишловчи корхоналар кабилар чиқади.

Улгуржи савдо товар ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларни жойида истеъмолчилар билан минимум контактда бўлган ҳолда сотиш имконини беради.

**Балиқчилик соҳасида чакана савдо**-бу балиқ маҳсулотини шахсий оиласвий ва уйда фойдаланиш учун охирги истеъмолчиларга сотиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти. Улгуржи савдонинг биржалар, аукционлар, ярмаркалар орқали ўтказилиши кенг тарқалган. Савдоларни биржа орқали ўтказишнинг натижаси-сотувчи ва харидор ўртасида битим тузилишидир.

- 1 • ишлаб чиқарувчилар - давлат - истеъмолчилар
- 2 • ишлаб чиқарувчилар - дехқон бозори - истеъмолчилар
- 3 • ишлаб чиқарувчилар - хусусий (кичик) олиб сотарлар - дехқон бозори - истеъмолчилар
- 4 • ишлаб чиқарувчилар - "Ўзбекозиковқат", "Ўзмевасабзавот", "Ўзагроэкспорт" - чакана савдо - истеъмолчилар
- 5 • ишлаб чиқарувчилар - воситачилар - товар хом ашё биржалари - улгуржи тайёрлов ташкилотлари - чакана савдо - истеъмолчилар
- 6 • ишлаб чиқарувчилар - қайта ишлаш корхоналари - улгуржи савдо - чакана савдо - истеъмолчилар
- 7 • ишлаб чиқарувчилар - қайта ишлаш корхоналари- чакана савдо - истеъмолчилар

### **13.3.1 – расм. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш каналлари**

**Балиқчилик соҳасида биржа битими-биржа савдолари давомида унинг қатнашчилари томонидан биржага муомалага киритилган балиқ маҳсулотига нисбатан биржа шартномаси (контракти) шаклида хуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро олди-бердиси хақидаги келишув.**

Биржа битимларини аниқ балиқ маҳсулоти билан ва аниқ товарларсиз гурухларга бўлиш қабул қилинган.

Балиқ маҳсулотлари билан битимларнинг оддий тури-зудлик билан етказиб бериш бўйича битим (қисқа муддатда етказиб бериш). У савдо пайтида биржа худудида бўлган ёки шу куни келиши кутилаётган товарга тузилади.

Аниқ товарсиз битимлар фьючерслри ва опционлига бўлинади.

**Балиқчилик соҳасида фьючерс битимлар** биржа балиқ маҳсулотини етказиб беришга нисбатан стандарт контрактларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ўзаро бир-бирига беришни билдиради. Бундай битимнинг фарқланувчи томони-объект сифатида товар эмас, биржа контракти чиқади. Фьючерс битимлари балиқчилик соҳаси товарлари учун характерли бўлиб, улар ҳосил йиғилмасдан анча олдин тузилади.

**Балиқчилик соҳасида опцион битимлар** фьючерс битимларнинг мантикий давомидир. Уларнинг фарқланувчи томони битим обьекти келгусида келишилган муддатларда топширилган нархлар бўйича бир нечта фьючерс ёки нақд контрактларни сотиб олиш ёки сотиш мажбурияти (хуқуки) дан иборат.

Бозор инфратузилмасида биржа савдоси маълум ўрин эгаллайди, у орқали қоидага кўра, ҳамма товар ҳажмининг 5-10% реализацияси амалга оширилади. Бу эса бозордаги нархни баҳолашга етарли. Улгуржи озиқ-овқат бозорлари 20-25 % товарларнинг ўтишини таъминлайди. Уларнинг асосий массалари (65-75 %) эса товар ишлаб чиқарувчилар томониданхусусий ўзларининг тижорат тузилмалари ва хом-ашё истеъмолчиларига реализация қилиниши керак, бу эса воситачилар сонининг камайиши ва якуний маҳсулот нархининг пасайишига имкон беради.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналари билан бевосита алоқалари ўта самарали ҳисобланади. Бу балиқчилик соҳаси маҳсулотларини, уни ишлаб чиқариш, юклаб-тушириш, қайта ишлаш ва сақлашда йўқотишларни камайтиришнинг хақиқий амалдаги чораларидан биридир.

Ўз олдида турган масаладан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар унинг маҳсулотлари истеъмолчига реализация қилиниши амалга ошиши бўйича энг оптимал воситани танлаб оладилар.

Маҳсулотларни муваффақиятли реализация қилиш, балиқчилик соҳаси хом-ашёси ва озиқ-овқатлари бозорларининг ривожланиш ва хўжаликларнинг ихтисослашув даражасига ҳам боғлиқ.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасининг ялти ва товар маҳсулоти деганда нимани тушунасиз?*
2. *Балиқчилик соҳасида ялти ва товар маҳсулотга бўлган талаб қандай аниқланади?*
3. *Балиқчилик соҳасида ялти балиқ маҳсулоти турларини айтиб беринг.*
4. *Балиқчилик соҳасида ялти балиқ маҳсулоти қандай баҳоланади?*
5. *Балиқчилик соҳасида ялти маҳсулотни кўпайтиришининг қандай йўллари мавжуд?*
6. *Балиқчилик соҳасида экстенсив ва интенсив йўллар ҳақида тушунча беринг.*
7. *Балиқчилик соҳасида ялти маҳсулот қандай тақсимланади ва сотиш йўллари қандай?*
8. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг товарлилик даражаси қандай аниқланади?*
9. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотлар бозори ва рақобатбардошлик қандай ташкил қилинади?*
10. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари маркетинги деганда нимани тушунасиз?*

## **XIV Боб. Балиқчилик соҳасида баҳо, уларнинг тақомиллаштирилиши**

**Ўқув мақсади:** Иккисидан ўзинчаликни тақомиллаштиришга муносабатларининг иккисодий асослари, маҳсулотларининг хизматларининг баҳоларини белгилаштириб, саноат маҳсулотлари билан балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ўртасидаги номутаносиблар ҳақидаги билимларни ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Товар-пул муносабатлари, баҳо (нарх), хизматлар, балиқ маҳсулоти баҳоси, саноат маҳсулотлар баҳоси, номутаносиблиг .

### **14.1. Бозор иктисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари**

Баҳо(нарх)бозор иктисодиётининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Иктисодий адабиётларда “баҳо” тушунчасининг бир қанча белгилари мавжуд.

**Баҳо** – товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Қиймат товар ишлаб чиқаришга қилинган меҳнат сарфлари билан белгиланади, яъни меҳнат табиатига эга. Бирок, бундай белгилаш табиий чеклашларга эга, чунки баҳо фақат меҳнат маҳсулотларига қўлланади. Шунга асосан, инсон меҳнатининг маҳсули бўлмаган предметларга, ер маҳсулотига бундай нархларни қўллаб бўлмайди. Ана шундай ёндашувга мувофиқ, улар меҳнат ўтмиш қийматига, демак баҳога эга бўлмайди.

Баҳо – бу қимматликларнинг пул шаклидаги кўриниши ва у алмашув жараёнида ҳосил бўлади. Бундай шаклланишда баҳоларнинг иккита шакли ажратилади: **биринчидан**, товар нархининг у истеъмол обьекти сифатида эга бўлган қимматлилик, фойдалилик билан бевосита алоқаси таъкидланади; **иккинчидан**, товарнинг баҳоси уни пулга ёки бошқа товарга алмаштирилгандагина иктисодий моҳияти сифатида юзага чиқади. Бозорларсиз, олди-соттисиз баҳо ҳақида гапирилмайди, баҳо (нарх)ни фақат бозор белгилашга қодир. **Товарнинг баҳоси** – бу харидор маълум истеъмол сифатига эга бўлган товарга тўлашга тайёр бўлган пул миқдоридир. Баҳони белгилашга бундай ёндашув анчагина универсал ва мақбулдир.

Нархлар иктисодиёт тармоқларининг озиқ-овқат бозорларини тўлдириш орасида устувор ва самарали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига

алмашув эквивалентлигини таъминлашини талаб қиласди. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўрнини тўлдириш ҳам, даромад ҳам (маҳсулот) нархга боғлиқ. Баҳоларнинг юзага келган даражаси балиқчилик соҳасининг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқариш рентабеллигининг паст даражасини асослайди.

Бозор шароитида балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг юқори самарадорлиги фақат баҳо ва баҳоларни шакллантиришнинг иқтисодий асосланган тизими мавжуд бўлгандагина мумкин, чунки баҳолар нафақат бозор мувозанатига, балки балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг иқтисодий имкониятлари мувозанатига ҳам боғлиқ.

Балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчи учун реализация (сотиш) баҳолари даромад олишга ва такрор ишлаб чиқаришга имкон бериши муҳим. Бироқ, ҳозир балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ва озиқ-овқатларнинг кўплаб турига хамма вакт ҳам рентабелликнинг зарур даражасини таъминлайвермайдиган, кўпинча, айниқса балиқчилиқда сарфланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий харажатларни тўлдириш имконини бермайдиган нархлар амалда бўлади. Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш воситаларига таққосланганда, ўта номутаносиб баҳолар юзага келади. 1990-2018 йиллар учун саноат маҳсулотлари баҳоси 45,4 марта ўсди, балиқчилик соҳаси маҳсулотлариники эса 20,3 марта ортди, холос. Шу тариқа нархлар диспаритети пайдо бўлди ва чукурлашди.

Таҳлиллардан маълумкм 2019 йил бошидан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 18,6 %га қимматлашиб, ИНИнинг ўртача ойлик ўсиши 1,4 %ни ташкил этган. Шундай қилиб, 2019 йилнинг декабрь ойида ушбу гуруҳ товарлари нархлари 2019 йилнинг январь -декабрь ойидаги ойлик ўртача ўсиш суръатидан 1,9 даражага юқори бўлди. Мева-сабзавот, сут маҳсулотлари, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг мавсумий ўзгариши сабабли, озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик қисқа муддатли истеъмол нархлари динамикаси йил давомида анъанавий равиша бошқа гуруҳларга қараганда кўпроқ тебранишларга учрайди.

Умумий ҳисобда, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида гўшт, парранда гўшти ва балиқ нархлари ўртacha 23,4 %га кўтарилиганлиги 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 даражага кўп демакдир. 2019 йилнинг сўнгги ойи давомида ушбу маҳсулотлар нархлари 0,9 %га қимматлашган (14.1.1 - расм).

Маълумотлардан кўриниб тирибдики 2019 йил бошидан мол гўшти (суяксиз гўштдан ташқари) 26,6 %, қўй гўшти 25,3 %, суяксиз мол гўшти 22,5 %, тирик ва совутилган балиқ 17,9%, га кўтарилган

Таққослаш учун: тирик ва совутилган балиқларни ҳисобга олмагандা гўшт маҳсулотларининг асосий турлари нархлари жиддий ўзгаришларга дуч келмаган. Ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 2019 йилдаги мос кўрсаткичга нисбатан 19,3 даражага юқори бўлган.


Диспаритет шу даражага етдики, балиқчилик соҳаси ва саноат маҳсулотларининг аввалги шаклланган нархлар нисбатини ҳатто узоқ муддатда ҳам давлатнинг аралашувисиз тиклашнинг иложи бўлмай қолди. Шунинг учун балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг баҳосини тартибга солишда давлатнинг роли ортиши керак.

*Баҳо функциялари* унинг иқтисодиётда ўйнайдиган ролини ҳарактерлайди. Унинг дастлабки вазифаси – ўлчовчи. Баҳоларнинг шарофати билан товарнинг қийматини ўлчаш, белгилашга имкон туғилади.

Баҳо (нарх) ўлчовчи сифатида ҳисоблаш вазифасини олиб боради. Товарнинг сон ва сифат кўрсаткичларини пул бирлигida ўлчанадиган моддий ашёвий ифодадаги кўрсаткичларга ўгирилганда нарх ҳисоблаш воситасига айланади. Нархлар ёрдамида ҳамма қийматли кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади: ялпи ва товар маҳсулотлар, ялпи ва соф даромад, таннарх, фойда ва бошқалар.

## 14.1.1-расм

### Ўзбекистон Республикаси бўйича гўшт, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларининг ИНИ ўсиши динамикаси, %



Нарх тартибга солувчи вазифасини бажариши мумкин. Бозор иқтисодиётида нарх – талаб ва таклифни мувофиқлаштириш имконини берувчи асосий восита. Нархларнинг ортиши ёки пасайиши талаб ва таклифнинг тенглашишига олиб келади ва шу билан бирга товар ишлаб чиқарилишининг кўпайиши ёки қисқаришига сабаб бўлади.

Нархларнинг тақсимловчи вазифаси шундаки, давлат нарх шаклланиши орқали миллий даромадларни иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар, жамғариш ва истеъмол фондлари, ахолининг ижтимоий гурӯҳлари орасида қайта тақсимлашни амалга оширади. Бу функция нархни қийматдан ортиши, шунингдек, таннархга, кейинчалик йўл фондига, пенсия жамғармаси, ижтимоий сугурта, ахоли бандлиги фондлари ва бошқаларга жамғариш манбасига айланувчи кўпгина солиқларни қўшиш билан амалга оширилади.

Рағбатлантирувчи вазифаси шунда кўринадики, нарх маълум шароитларда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва унинг сифати ортишини (нарх ўсиши) рағбатлантира олади.

Шу тариқа, нарх – бозор иқтисодиётининг нафақат асосий элементи, балки воситаси, иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг қудратли дастаги ҳамдир. Нарх (баҳо) – объектив категория, унинг катталиги қиймат, талаб ва таклиф қонуниятларининг ҳаракати (таъсири)га асосланган. Уларда товарларга ижтимоий харажатлар, уларга талаб ва таклифлари акс этади.

Нархларнинг шаклланиш механизми ўзида янги нархларнинг шаклланиши ва нархни шакллантирувчи омиллар таъсирида амалдагисининг ўзгаришини акс эттиради. Нархларнинг шаклланишига икки хил ёндашув: *харажатли* (*ишлаб чиқариладиган*) ва *бозор нархи* фарқланади. Биринчи ҳолатда товар нархини белгилаш асосига уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари қўшиб юборилади; иккинчисида белгиловчи бозор конъюнктураси, товарга талаб ва таклиф бўлади.

Нархни шакллантиришнинг харажатли методининг моҳияти шундаки, бунда товарнинг баҳоси маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва реализация қилишга пул шаклида қилинган харажатларни билдирувчи ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига боғлиқ бўлади. Бироқ, бундай ёндашувга мувофиқ товар баҳоси маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва реализация харажатларига teng суммада қабул қилинади, деб хулосалаб бўлмайди. Нархни шакллантиришнинг харажатли механизми ишлаб чиқарувчи ва сотувчи харажатларни қоплабгина қолмай, маълум фойда ҳам олиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Харажатли ёндашувга асосан аниқланадиган мос ҳолдаги нарх формуласи ( $N$ ) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$N = X + D$$

бунда: X – товар бирлиги ишлаб чиқариш ва реализация қилишга кетган ўртача харажат, сўм; D – ишлаб чиқарувчи (сотовчи) товар бирлигига олган даромад, сўм.

Нарх шаклланишининг бозор методи моҳияти шундаки, нарх икки томоннинг манфаатлари эркин бозорда тўқнашган сотовчи ва харидорнинг талаб ва таклифларини тенглаштириш асосида белгиланади. Бундай баҳо “бозор баҳоси (нархи)” номини олган.

Ушбу жараённи дон (ғалла) экинлари мисолида кўриб чиқамиз. Экишга қадар ишлаб чиқарувчилар расмий манбалардан олинган маркетинг ахборотлари ёрдамида, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари ва биржа маълумотлари асосида ғаллага бўладиган талаб даражасини башорат қиласди. Бу улар стол атрофида ўтириб, эгри талаб ва таклифларни ҳисоблаб чиқади, дегани эмас.

Бозор баҳосининг даражаси ва динамикасига талаб ва таклифнинг баҳо эластиклиги сингари омиллар катта таъсир ўтказади.

Куйидаги ҳолатларда талаб, қоидага кўра эластик эмас, агар:

- бозорда рақобатчи товарлар йўқ бўлганда;
- товар биринчи зарурат ёки ортиқча предмети бўлса;
- товар қиймати харидор бюджетидаги сезилмас улушни ташкил этса.

## **14.2. Балиқчилик соҳасида баҳолар тизими, уларнинг даражаси ва динамикаси**

Ҳозирги замон иқтисодиётида нарх шаклланишининг бозорга оид ва харажат механизmlари ўзига хос ҳамда харажат механизми бошқариладиган иқтисодиётда нарх шаклланишига энг мос келадиган бўлса ҳам бозор механизмининг бир қисми ҳисобланади.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг нархи барқарор эмас ва қатор омиллар таъсирига боғлиқ (14.2.1-расм).

Нархларнинг минимал даражасини корхона харажатлари, максимал даражасини истеъмолчилар талаби белгилайди, ўртачasi рақобат таъсири остида шаклланади.

**Нарх (баҳо) тизими** – турли хил нархларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлигидир. Битта нархнинг ортиши ёки пасайиши, қоидага қўра, бошқа нарх даражаларида ўзгаришларни келтириб чиқаради(14.2.2-расм).



**14.2.1- расм. Балиқчилик махсулотларининг баҳоларига таъсир этувчи омиллар**

1	• Улгуржи баҳо
2	• Эркин баҳо
3	• Биржа баҳо
4	• Кафолатлан ган баҳо
5	• Чакана баҳо
6	• Шартнома (контрактация) баҳо
7	• Аукцион баҳо
8	• Жаҳон нарҳи
9	• Харид баҳо
10	• Тарифлар баҳо
11	• Монопол баҳо
12	• Таққослама баҳо
13	• Комиссион баҳо

#### **14.2.2- расм. Балиқчиликда баҳолар тизими**

Балиқ маҳсулотлари нархининг шаклланишида саноат товарларига нархлар ҳамда транспорт тарифлари алоҳида рол ўйнайди. Бу нархларнинг ортиши балиқчилик соҳасида нарх ўсишига олиб келади .

Қатор белгиларига кўра, нархлар турларга бўлинади. Савдо соҳаси ёки хизмат қўрсатиш обороти характерига боғлиқ ҳолда улгаржи, чакана, харид ва тариф нархларга бўлинади.

**Балиқчилик соҳасида улгаржи баҳо** – бу улгаржи савдо деб аталадиган шароитларда йирик партиялар билан сотиладиган балиқ маҳсулотлар нархидир. Одатда улгаржи нархларда балиқчилик соҳаси ишлаб

чиқарувчи корхоналари балиқ маҳсулотларини бир-бирларига ёки савдо ташкилотларига сотадилар.

**Балиқчилик соҳасида чакана баҳолар** деб, балиқ маҳсулотларини чакана савдо тармоқлари орқали сотиладиган баҳоларга айтилади. Чакана нархлар бўйича одатда, балиқ маҳсулотлари камроқ ҳажмда аҳолига ва ундан ҳам камроғи корхоналарга реализация қилинади. Чакана баҳолар муомала харажатлари ҳисобига қопланадиган миқдори билан улгуржи нархдан юқори ва чакана савдони ташкил этишдан фойда олинади.

**Балиқчилик соҳасида шартнома асосидаги (контрактли) баҳолар** томонларнинг келишуви билан белгиланади. Шу билан бирга, сотувчи ва харидор шартнома-контракт тузиб, уларнинг даражасини аниқлайди. Қатор ҳолатларда шартномада нархларнинг мутлақ миқдори эмас, уларнинг юқори ёки пастки даражаси ёхуд бошқа нархлар билан алоқаси кўрсатилади. Шунингдек, инқироз шароитида янги қонунлар қабул қилинишидан нархларнинг ўзгариши ҳам қўзда тутилади.

**Балиқчилик соҳасида эркин (бозор) баҳо** давлат органларининг бевосита нархга аралашувларидан озод бўлиб, бозор конъюнктураси, талаб ва таклифлар таъсирида шаклланади. Қайд этилган давлат нархларининг эркин бозор нархларига ўтишига **нархларнинг либераллашуви** дейилади.

Вақт таъсири бўйича нархлар қуидагиларга бўлинади:

- шартноманинг ҳамма амалда бўлиш муддатида ўзгармайдиган доимий (мустаҳкам) нахлар;
- битта шартнома доирасида ўзгарувчи ва бозордаги вазиятлар ўзгаришини акс эттирувчи жорий нархлар;
- маълум давр мобайнида (чегарасида) амалда бўлувчи мавсумий нархлар.

Иқтисодий таҳлилда ва статистикада таққослама нархлардан кенг фойдаланилади.

**Балиқчилик соҳасида таққослама баҳолар** – қайсиdir бир ҳолдаги базага ёки йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини қийматда ифодалаб таққосланадиган ягона мамлакат нархларидир.

Кўпинча нарх тури бозорда шаклланадиган турдан белгиланади. Шу белги билан *биржса, аукцион, комиссион нархларга ажратилади*.

Турли мамлакатларда бир хилдаги товарларга турлича нархларнинг мавжудлиги жаҳон нархи, яъни жаҳон бозори нархидан фойдаланиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

**Жаҳон баҳолари** ўзида ё бутун жаҳон бозорларида амалда бўлган ҳақиқий нархларни ёки халқаро савдо олиб борувчи ташкилотларнинг маълум даврда тан олган нархларини акс эттиради.

Тартибга солинадиган нархларни давлат назорат қилади. Тартибга солишининг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Бевосита тартибга солиш қайд этилган, чегараланган нархларни, қўшимчалар, нарх ўзгаришининг чегаравий коэффициентлари, рентабелликнинг чегара даражаларини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Билвосита тартибга солиш солиқлар ва фоиз ставкаларининг ўзгариши орқали нархларга таъсир этишни кўзда тутади.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларига **кафолатланган баҳолар**, агар ўртача бозор нархи кафолатлангандан паст бўлса, шунингдек, балиқчилик соҳаси маҳсулотларини бевосита давлатга сотганда ёки товар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча тўлов амалга оширилганда қўлланилади. Улар мақсадли нархлар асосида ҳисоблаб чиқилади ва давлат органлари томонидан белгиланади. Кафолатланган нархлар балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчиларини такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун етарли бўладиган даромад олишни давлат томонидан қўлланадиган бошқа шаклларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаши керак. Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари рўйхати унинг реализация ҳажми (квотаси) кафолатланган нарх даражаси ва уларни қўллаш тартиби хукумат томонидан белгиланади (14.2.1-жадвал).

**14.2.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси деҳқон бозорларида балиқ маҳсулотларининг ўртacha нарҳи, сўмда**

Йил	Балиқ маҳсулоти номи	кг	Ўлчов билрлиги	Ўзбекистон. Республикасида		
				Каракалпостон Рес	Андижон	Бухоро
<b>2014</b>	<b>Балиқ</b>		9950,46			
<b>2015</b>	<b>Балиқ</b>	кг	11682,84			
<b>2016</b>	<b>Балиқ</b>	кг	11817,12			
<b>2017</b>	<b>Балиқ</b>	кг	12352,33			
<b>2018</b>	<b>Балиқ</b>	кг	15373,33			
				<b>Вилоятлар</b>		
				Жиззах		
				Қашқадарё		
				Навоий		
				Наманган		
				Самарқанд		
				Сурхандарё		
				Сирдарё		
				Тошкент		
				Фарғона		
				Хоразм		
				Тошкент.ш.		

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги алоқаларнинг икки тури бор. *Биринчиси* – бозор ёрдамида балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш ва муомала қонунларига мос равишда амалга ошириладиган алмаштириш сифатида; *иккинчиси* – ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг талаб ва баланс тузилишини (хисобга олган ҳолда) ўрганиб тақсимлаш. Биринчи ҳолатда бозор ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги муносабатлар тизими сифатида майдонга чиқади; иккинчисида – алоқа тақсимловчи органлар қиёфасидаги воситачилар орқали ифодаланади. Шу билан бирга етакчи рол маҳсулот ишлаб чиқарувчига тегишли бўлади.

Бозорнинг қуйидаги белгилари мавжуд. **Бозор** – бу товар, маҳсулот, иш ёки хизматларнинг реализация қилиниши боис юзага келадиган алмашув соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Шундай қилиб, у бозор иқтисодиёти шароитида ҳам, режали иқтисодиёт шароитида ҳам бирдек мавжуд бўлади. Фарқи шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида алмашиш бевосита ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида амалга оширилади, режали иқтисодиётда эса бу жараён давлат томонидан бажарилади.

#### **14.3. Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳаси маҳсулотлари баҳоларини такомиллаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш**

Мамлакатимизда балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида бозор муносабатларига ўтиш зарурати қуйидаги омилларга асосланади:

- мамлакат иқтисодиёти маъмурий чораларга эмас, товар-пул муносабатларига асосланадиган бозор муносабатларига ўтиши билан;
- аввал амалда бўлган, ишлаб чиқарувчиларга ҳам, харидорларга ҳам иқтисодий эркинлик чегараланишида кўринадиган агросаноат мажмуасини бошқариш тизимининг самарасизлиги билан.

**Балиқчилик соҳасида бозор структураси** – бу бозор рақобати мавжуд бўлган шарт-шароит. У ўзига фирма (корхона, ташкилот)ларнинг сони ва ҳажмини, маҳсулот тури, нархлар устидан назорат даражасини, тармоқса кириш ва чиқиш шартларини, ахборотлар имкониятларини қўшиб олади.

**Балиқчилик соҳасида бозор механизми** – бу бозор мувозанатининг талаб ва таклиф орасида шаклланиши. Бозор механизмининг асосий элементлари: талаб, таклиф, рақобат, нарх.

**Балиқчилик соҳасида талаб** – аниқ бозорда харидор учун тўғри келадиган нархда сотиб олиниши мумкин бўлган маълум номенклатурадаги балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сони.

**Балиқчилик соҳасида таклиф** – сотувчи учун мақбул нархда, аниқ бозорда сотилиши мумкин бўлган маълум номенклатурадаги балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сони.

**Балиқчилик соҳасида рақобат** – балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчининг қўпроқ даромад олиш мақсадида ўз маҳсулотларини фойдалироқ шароитда ишлаб чиқариш ва сотиш учун рақобатлашуви. Маҳсулотини реализация қиласиган алоҳида корхона бозорга қанчалик кам таъсир ўтказса, бозор шунчалик рақобатли ҳисобланади.

**Балиқчилик соҳасида нарх (баҳо)** – товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, меҳнатнинг уни ишлаб чиқаришга қилган харажати жамият заруриятига кўра аниқланади.

Бозор шароитида аҳоли сотиб олиши мумкин бўлган нарх ўзгариши ва балиқ маҳсулоти микдори орасида маълум ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқлик иқтисодий адабиётларда талабнинг нархга нисбатан эластиклиги номини олган. У харидорларнинг балиқ маҳсулоти ва хизматлар нархи ўзгаришига реакциялари жадаллигини англаатади:

- товарнинг узоқ сақланиш хусусияти ва сақлаш қиймати. Бу узоқ муддат сақланмайдиган товарлар (балиқ ва балиқ маҳсулотлари ва бошқалар);

- балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослиги. Агар корхона нархни ошириб, маълум товар ишлаб чиқарилишини диверсификацияласа ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтсаю, бу маҳсулотнинг нархини пасайтирса - товарнинг таклифи эластик бўлади;
- вақтинчалик омиллар. Корхона (балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчи) аниқ товарнинг нархи ўзгарганлигига бир зумда жавоб бера олмайди. Бунинг учун ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олиши, маълум хом-ашёлар келтириши, банкдан кредит олиши кабилар учун маълум вақт талаб қилинади.

Харидор танловига таъсир қўрсатадиган асосий омиллар (балиқ маҳсулотининг нархидан ташқари) қуйидагилар ҳисобланади:

- истеъмолда ушбу товарнинг ўрнини босувчи товарлар нархи;
- истеъмолда ушбу товарни тўлдирувчи товарлар нархи;
- ушбу товарни сотиб олувчи истеъмолчининг даромадлари;
- истеъмолчиларнинг диди ва афзал кўриши ва ҳоказолар.

Мисол тариқасида Жанубий Корея балиқчилик соҳасини олайлик. Ушбу мамлакат балиқчилик соҳаси маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган Ханора тақсимот маркази экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ худудларида тайёрлов омборлари ташкил этиш, фермерларни озиқовқат талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўргатиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган балиқчилик соҳаси маҳсулотларини фермерлардан аввалдан тузилган шартнома асосида сотиб олиб, уларни сифати, кўриниши, ҳажми бўйича ажратиб, турли оғирликларда қадоқлаб, марказнинг ўзида чакана савдога чиқариб сотиш ҳамда йирик ёки бошқа супермаркетларга уларнинг талабларига кўра, улгуржи ҳолатда етказиб бериш, ёш авлодга миллий маҳсулотларга нисбатан қизиқишини оширишда тренинг дарсларини уюштириш, қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурлари тажрибаларини қўллаш кабилар билан шуғулланади.

#### **14.4. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш омиллари**

Истеъмол пайтида товарни алмаштириш бошқа товарларга нарх ошиши туфайли юз беради.

Истеъмолда мавжуд товарга қўшимча бўладиган товарлар – бу асосий товардан уларсиз тўғридан-тўғри фойдаланиш қийин бўлган товарлардир. Масалан, тез бузиладиган маҳсулотлар (сут, гўшт ва бошқалар) сотиб олиш учун совутгич зарур бўлади, истеъмолга тайёр маҳсулотни тайёрлаш учун эса ёғ, гўшт ва ҳоказо кабилар зарур.

**Балиқчилик соҳасида рақобат** деганда, бозорда кўп сонли мустакил харидорлар ва сотувчилар мавжудлиги ва улар учун бозорга кириб, харид қилиш учун teng имкониятлар берилиши тушунилади.

Рақобатнинг икки тури фарқланади.

**Балиқчилик соҳаси ичидаги рақобат** ҳар бир балиқчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси турлича бўлган кўплаб корхоналар характерланади. Шу билан бирга, бозор қиймати жамиятга зарур меҳнат билан аниқланади ва ушбу товар маҳсулотининг салмоқли қисми ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг индивидуал қийматларига яқинлашади.

АСМ шароитида тармоқ ичидаги рақобат иккита омил билан чегараланади:

- ◆ балиқчилик соҳасида турли минтақаларда балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришга таъсир этадиган ва балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчига teng бўлмаган шартлар;
- ◆ давлат балиқчилик соҳасини тартибга солиш, яъни балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-кувватлаш бўйича тадбирлар тизими билан кам рентабелли ёки ҳатто зарар билан ишлайдиган корхоналарни қўллаш ва табиий иқлим ва ижтимоий-иктисодий шароитлари яхши бўлиб, иш юритаётган корхоналардан юқори даромад олиш.

Бундан ташқари, бошқа тенг шароитларда ҳам минимал харажат қилишга эриша оладиган ишлаб чиқарувчи юқори даражада даромад ва фойда олади.

Балиқчилик соҳасида бозор қиймати ва маҳсулот ҳамда хизматнинг бозор баҳоси орасида маълум ўзаро алоқа мавжуд. Агар маҳсулотга талаб таклифдан ортиб кетса, унда бозор нархи бозор қиймати даражасидан ортиб кетади. Агар бозордаги маҳсулотга таклиф уларга бўлган талабдан ортса, унда бозор нархи бозор қийматидан пастга тушади.

Бу ўзаро алоқани қўйидаги тарзда тасаввур қилиш мумкин:

агар  $B_t > T_b$ , унда  $H_m > B_k$  ;

агар  $B_t < T_b$  , унда  $H_m < B_k$  .

бунда  $B_t$  ва  $T_b$  – бозордаги балиқ маҳсулоттга талаб ва таклиф бирлиқда;

$H_m$  ва  $B_k$  – балиқ маҳсулотининг бозор нархи ва бозор қиймати.

Балиқчилик соҳасида рақобат тармоқ ичидагина эмас, турли тармоқлардаги корхоналар орасида ҳам ривожланади. Тармоқлараро рақобат шунга асосланганки, потенциал инвестор ўз капиталини молиявий йўқотишлари хавфи кам, лекин максимал даражада даромад келтира оладиган балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга қўйишга мойил, яъни айтиш мумкинки, балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши маблағ қўйишнинг жозибадорлиги камроқ йўналиш ҳисобланади. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг даромадлилиги олдиндан айтишнинг умуман имкони бўлмаганкўплаб табиий-иклим шароитларига боғлик.

Монополистик рақобатда иқтисодий рақобат нафақат нархга, балки маҳсулот сифати, реклама каби омилларга ҳам эътибор берилади.

Балиқчилик соҳасида мукаммал ва номукаммал рақобат бозорлари ҳам мавжуд.

**Балиқчилик соҳасида мукаммал рақобатда** бозор мақсадига унчалик таъсир кўрсата олмайдиган кўп миқдордаги майда балиқ ишлаб чиқарувчиларнинг мавжудлиги кўзда тутилади. Бу ҳозирги шароитда деярли учрамайдиган бозор рақобатининг идеал ҳолатидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик соҳаси корхоналари битта бозорни ўзлаштириб олсалар, уларнинг орасида рақобат пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда корхоналар ўзлари келишгандек нарх белгилаш имконини берадиган даражагача йириклиштирилади. Бу монополиянинг турлича кўриниши бўлиб, **номукаммал рақобатни** пайдо қиласди.

Амалиётда товарга нарх талаб даражасига қарабгина эмас, йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро келишувлари бўйича ҳам ўрнатилади. Агар ишлаб чиқарувчи битта бўлса, бу – **монополия**, агар икки ва ундар ортиқ бўлса **олигополия** бўлади.

Сотилган балиқ маҳсулоти (иш, хизмат) турлари, АСМ да бозорларнинг кўйидаги турлари мавжуд:

- АСМ учун моддий-техника ресурслари бозори;
- балиқчилик соҳаси бозорлари (дехқон бозорлари);
- хизмат соҳаси бозори;
- савдо соҳаси бозори (маркетинг хизмати).

Моддий-техника ресурслари бозори балиқчилик соҳаси ва ёрдамчи корхоналарни зарур техника, ускуналар, якуний маҳсулотлар (сут, ғалла ва бошқалар) учун моддий ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлайди. Бундай бозорларда тўртта асосий сегментни ажратиш мумкин:

- балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун ускуналар, машиналар, механизмлар бозори;
- моддий ишлаб чиқариш захиралари бозори (ёқилғи, энергия, саноат хомашёси);
- балиқчилик учун озуқалар бозори.

Балиқчилик соҳаси бозорларида корхона олинган маҳсулотларни мустақил реализация қиласди. Бозор хизматини рад этишда савдо соҳаси ушбу

минтақада мос келувчи ташкилотлар йўқлигига асосланиши мумкин, лекин кўпинча бунинг сабаби, корхонанинг балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича бундай хизматларга ҳақ тўлаш, шунингдек, реализация нархидаги йўқотишлардан иборат моддий йўқотишлардан қочиш билан боғлиқ истаги бўлади.

Бу соҳадаги рақобат билан чеклашлар даражаси бўйича бозорларнинг тўртта тури ажратилади: соф рақобат бозори, монополистик рақобат бозори, олигополия бозори, соф монополия бозори.

**Балиқчилик соҳасида соф рақобат** бозори қандайдир ўхшаш балиқ маҳсулотига кўплаб сотувчилар ва харидорлар мажмуудан иборат бўлади. Шу билан бирга, бирорта алоҳида харидор ёки сотувчи товарнинг жорий баҳоси даражасига катта таъсир ўтказа олмайди.

**Балиқчилик соҳасида монополистик рақобат** бозори ягона эмас, кенг диапозонли нархлар билан савдо қилаётган кўплаб сотувчилар ва харидорлардан иборат бўлади. Бу сотувчиларнинг сифат, хоссаси, ташқи шаклига кўра бир-биридан фарқланадиган товарларнинг ҳар хил турини харидорларга таклиф эта билиш қобилияти билан шарҳланади.

**Балиқчилик соҳасида олигополистик бозор** сотувчиларнинг унча кўп бўлмаган сонидан иборат бўлади, чунки янги талабгорлар бу бозорга кира олмайдилар. Агар бирор корхона ўз нархини 10-15% га пасайтиrsa, харидорлар ушбу таъминотчига ўтиб кетадилар, бошқа ишлаб чиқарувчилар эса ё нархларни пасайтиришга эътибор қаратишлари ёки катта ҳажмда товар (хизмат) таклиф қилишлари керак бўлади.

Хизмат соҳаси бозорида балиқчилик соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини юритиш учун зарур хизматлар билан таъминланадилар.

Балиқчилик соҳаси ва қайта ишлаш корхоналарининг асосий қисми учун маҳаллий бозорлар катта аҳамиятга эга. Бозор ҳажми (сигими)ни аниқлашда бозорни мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришда ушбу маҳаллий жойларга жойлашган ўхшаш корхоналар сонидан ва маҳсулот

чиқаришга таъсир этувчи табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Хориж балиқ маҳсулотларига келганда, бундай вазият таъминлаш ҳажмлари назорат қилинмаслиги ва тартибга солинмаслиги билан изоҳланади.

**Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари бозорлари** бир-бири билан боғлиқ худуд ва минтақа ичидаги таркибий қисмларнинг мураккаб тизимларини ўзларида акс эттиради.

Мамлакатнинг кўпчилик минтақалари учун балиқчилик соҳаси маҳсулотлари бозорларининг нормал фаолият юритишларининг асоси уларнинг бош таъминотчилари таркибига балиқчилик соҳаси, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатини, транспорт ва бошқа ташкилотларни қамраб олган, озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва АСМ тармоқларига хизмат кўрсатишни амалга оширувчи агросаноат мажмуасидир.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари бозорининг моҳияти, реализация қилинадиган товар маҳсулотларнинг сифат ва микдор кўрсаткичларини, унинг келиб тушиш манбаларини, истеъмолчилар таркибини, озиқ-овқат турлари бўйича талаб ва таклифлар структурасини, унинг сифатини, ассортиментини, баҳосини қамраб олади.

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш истеъмолдан келиб чиқади, истеъмолчига хизмат қиласи ва унинг талабларини қондиришга йўналтирилади. Айнан талаб маҳсулот ишлаб чиқарилишининг ассортименти ва сифатини белгилайди, бозор эса нарх орқали унинг жамият учун фойдалилигини тан олади.

Рақобат шароитида ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига боғлиқлиги ва максимал фойда олиш истаги уни ишлаб чиқариш чиқимларини пасайтиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, ўз ресурсларини тежашга мажбур қиласи. Бу ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жорий этишни тезлаштиради (энергияни тежайдиган технологиялар, ҳосилдор навлар, техниканинг янги турлари).

Бозор қонунлари реал ишлашлари учун қуидаги маълум шартлар зарур:

- ♦ балиқчилик соҳаси товарлари ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик юритиш шакли ва хусусий мулк эгалиги шакли қайта ишланадиган маҳсулотлари кўп қирралилиги, ташқи ва ички рақобат даражасининг юқорилиги;
- ♦ бозордаги хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш структураларини, реализация воситаларини танлашда, нарх ўрнатишида, даромадларни тақсимлашдаги мустақиллиги;
- ♦ давлатнинг бозор субъектлари хўжалик фаолиятларининг юқори даражадаги тартибга солувчилик ролини сақлашларига аралашмаслиги;
- ♦ бозор инфратузилмасининг яхши ривожланган тизими борлиги ва х.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари ҳақида тушунтириб беринг.*
2. *Балиқчилик соҳасида қиймат, баҳо (нарх) деганда нимани тушунасиз?*
3. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ва хизматлари қандай баҳоланади?*
4. *Балиқчилик соҳасида баҳонинг қандай вазифалари мавжуд?*
5. *Балиқчилик соҳасида баҳонинг қандай функцияларини биласиз?*
6. *Балиқчилик соҳасида баҳо (нарх) ларнинг шаклланиши нималардан иборат?*
7. *Балиқчилик соҳасидаги баҳоларнинг турларини айтиб беринг.*
8. *Саноат ва балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ўртасидаги номутаносиблик деганда нимани тушунасиз?*
9. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг рақобатбардошлигига нималар таъсир кўрсатади?*
10. *Балиқчилик соҳасида балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг бозори нималардан иборат?*

## **XV Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик ва уни ошириш йўллари**

**Ўқув мақсади:** Балиқчиликда тақрор ишлаб чиқарии, унинг турлари, балиқчилик соҳасида яратилган ялти ички маҳсулот, корхонанинг ялти ва пул даромади, уларни тақсимлаши тартиби, тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги хақида тушиунча, унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва фойдаларини купайтириши масалаларини ўрганишидан иборат.

**Таянч иборалар:** Балиқчиликда тақрор ишлаб чиқарии, ялти ички маҳсулот, ялти ва пул даромади, ялти, соғ, иқтисодий фойда, иқтисодий самарадорлик, рентабеллик даражаси.

### **15.1. Балиқчилик соҳаси корхоналарида тақрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти**

Инсоният жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг муҳим шартлари-моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнидир.

**Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқариш жараёни** – бу доимий алоқадорлиги қўриб чиқиладиган ва мунтазам янгидан бошланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёнидир.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулотлари йиғиндисини тақрор ишлаб чиқариш** – ўзига ишлаб чиқаришнинг мунтазам жараёнини, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қисмини қамраб олади.

**Балиқчилик соҳасида ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш ҳозирги замон ишчиси-ижодий, илмий-техника тараққиётини ўзлаштиришга қодир хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишидан иқтисодий манфаатдор бўла оладиган ишчиларни тайёрлашда ифодаланади.**

**Ишлаб чиқариш муносабатларини тақрор ишлаб чиқариш** – кўп укладлилик, демократия, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий механизмларни янгилаш асосида мулк эгалиги муносабатларини тақрор ишлаб чиқаришни билдиради.

Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқаришнинг учта тури мавжуд (15.1.1-расм).



### 15.1.1- расм. Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқариш турлари

Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури миқдоригина эмас, балки сифат томонларига ҳам эга. Торайған тақрор ишлаб чиқаришда сон қўрсаткичлари камайиши билан бир қаторда сифат параметрларининг таназзулга юз тутиши ва иқтисодда инқироз пайдо бўлиш таҳлили билан ҳам изоҳланади. Бундай тақрор ишлаб чиқариш ноиқтисодий томондан келиб чиқсан (урушлар, сиёсий силсилаар) омилларга ҳам, иқтисодий фаолиятининг нотўғри танланган мақсадлари ё табиий ёки бошқарувдаги хато натижасида келиб чиқсан номутаносиблик омилларига ҳам бирдек боғлиқ бўлади. Торайған тақрор ишлаб чиқариш алоҳида тармоқларда, ҳудудларда ва яхлитлигича иқтисодиёт тармоқларида мавжуд бўлиши мумкин.

Оддий тақрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни аввалги сон ва сифат қўрсаткичларида қолдирилган ҳолда қайта тузишни билдиради. Оддий тақрор ишлаб чиқариш барқарорликнинг иқтисодий асоси-ишлаб чиқаришнинг келгуси ривожланиши шартлари сифатида чиқади.

Кенгайтиирлган тақрор ишлаб чиқариш, аввалги даврдагига таққосланганда катта миқдорда маҳсулот яратиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришлари билан изоҳланади. Кенгайтиирлган тақрор

ишилаб чиқариш шароитларида биринчи навбатда, ишилаб чиқариш воситалари, илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида мукаммаллаштирилади.

Балиқчилик соҳасида такрор ишилаб чиқариш қуидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

1. Иқтисодий такрор ишилаб чиқариш табиийлик билан боғлиқ. Балиқчилик соҳасида такрор ишилаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнлари бўйсунадиган табиий иқлим шароитида такрор ишилаб чиқариш билан чатишиб кетган. Табиий - иқлим шароити балиқчилик корхона хўжалик фаолияти натижаларини белгилайди ва балиқчилик соҳаси ишилаб чиқариш самарадорлигини оширади.
2. Ер ва сув ресурслари балиқчилик соҳасидаги асосий ишилаб чиқариш воситаси сифатида ўз моддий шаклида такрор ишилаб чиқарилмайди. Тупроқ унумдордигини ошириш-тармоқдаги кенгайтирилган такрор ишилаб чиқаришнинг сўзсиз шартидир.
3. Балиқчилик соҳасида ишилаб чиқаришнинг мавсумийлик характери унда ишчи даври ва ишилаб чиқариш даврининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ.
4. Балиқчилик соҳасида такрор ишилаб чиқариш жараёнига, балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг асосий турларини ишилаб чиқариш муддатларига мос келувчи йиллик циклнинг давомийлиги ўзига хос бўлади.
5. Балиқчилик соҳасида ишилаб чиқариш воситаси сифатида ҳам, истеъмол предмети сифатида ҳам фойдаланиладиган маҳсулотлар яратилади, шунинг учун қатор маҳсулотлар навбатдаги ишилаб чиқариш жараёнида иштирок этади (озуқа, уруғлик, ҳом ашё).

Балиқчилик соҳасида кенгайтирилган такрор ишилаб чиқариш учун маълум шароитлар зарур. Улардан энг муҳими- тўғри иқтисодий механизми яратиш, балиқчилик соҳаси ва иқтисодиёт тармоқларининг бошқа тармоқлар орасида товар алмашишида нарх паритетини ўрнатиш, инқироз суръатини пасайтиришдир. Кенгайтирилган такрор ишилаб чиқариш учун ишилаб

чиқаришда қўлланилган (истеъмол қилинган) маблағларнинг натуралва қиймат шаклида доимий қоплаб бориш ва қўшимча ресурслар сотиб олиш учун жамғармалар таъминланиши талаб қилинади.

Балиқчилик соҳасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шарти-изчиллик билан ишлаб чиқаришни тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол жараёнлари ўтадиган воситаларнинг тўхтовсиз доирасимон айланиши. Бунинг учун кооперация ва агросаноат интеграцияси асосида қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг таъминотчи, савдо,молия ташкилотларининг ўзаро уйғунликдаги ишлари зарур.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тармоқда илмий-техника тараққиёти ютуқлари, модернизациялашни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни талаб этади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чқаришнинг манбалари асосий ва айланма маблағларни тўлдириш учун фойдаланиладиган ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар бўлиши мумкин. Ўз маблағлари манбаларига - даромад, балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг бир қисми (озуқа, уруғлик, ), қарзга банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлари, товар кредити, жалб этилганига эса - пай бадаллари, дотациялар компенсациялар киради.

Илмий таҳлиллар натижасида, аграр соҳада инновацияларнинг ва фан-техника тараққиёти ютуқларини ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Балиқчилик соҳасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари ўта кўп сонли, аммо асосийси ялпи маҳсулотнинг ўсиши (ЯМУ) ҳисобланади:

$$\Delta YaM = \frac{YaM_b - YaM_o}{YaM_o}$$

бунда:  $YaM_b$ ,  $YaM_o$  – мос ҳолда йилнинг боши ва охирида ялпи балиқ маҳсулотлари таққослама қиймати, сўм.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ( $K_t$ ) учун фойданинг ўсган қисмини ( $\Delta F$ ) соф даромадга ( $SD$ ) ёки соф фойдага ( $SF$ ) нисбати сифатида фойдаланиш мумкин, %:

$$K_t = \frac{\Delta F}{SD(SF)} * 100$$

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг билвосита кўрсаткичлари сифатида ишлаб чиқариш фондларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қуввати, экин майдонларининг кенгайиши, чорва моллари бош сонининг ортиши, ишчилар малакасининг ошиши кабилардан фойдаланиш мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий шарти - оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплашдир. Бунинг учун харажатларни қоплаш фонди шакллантирилади. Ялпи даромад, шахсий истеъмол фонди (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан меҳнатга хақ тўлаш) ва соф даромадга бўлинади.

#### I. Ялпи маҳсулот (c+v+m)

1. Қоплаш фонди (моддий харажатлар, c);
2. Шахсий истеъмол фонди (меҳнатга хақ тўлаш, v);
3. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар
4. Ялпи даромад (соф маҳсулот, v+m);
5. Соф даромад (m);
6. Жамғарилган фонд
7. Ижтимоий истеъмол жамғармалари (бепул таълим олиш, даволаниш, дам олиш ва бошқалар).

Соф даромаддан бюджетга солик тўлаш, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар (нафақа, ижтимоий сугурта, бандлик ва бошқалар), ижтимоий истеъмол жамғармаси ва жамғарилган фондларни шакллантириш учун фойдаланилади.

Шу тариқа балиқчилик соҳаси ялпи маҳсулотларини тақсимлашдан тақрор ишлаб чиқаришнинг қоплаш, истеъмол ва жамғарилган фондлари шаклланади.

Қоплаш фонди ўзида ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган предмет ва меҳнат воситалари ялпи маҳсулоти қийматининг бир қисмини ифодалайди. У амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш билан моддий харажатлар суммасига teng.

Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқариш, *қиймат* ва *натурал* шаклда амалга оширилади. Бу тақрор ишлаб чиқариш фондларига ҳам тааллуқлидир. Балиқчилик соҳасида бу фондларни натурал ҳолда шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда натурал-моддий таркиб бўйича фондларнинг сезиларли қисми хусусий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан шакллантирилади.

Соф даромаддан бюджетга солик тўлаш, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар (нафақа, ижтимоий сугурта, бандлик ва бошқалар), ижтимоий истеъмол жамғармаси ва жамғарилган фондларни шакллантириш учун фойдаланилади.

Шу тариқа балиқчилик соҳаси ялпи маҳсулотларини тақсимлашдан тақрор ишлаб чиқаришнинг қоплаш, истеъмол ва жамғарилган фондлари шаклланади.

Қоплаш фонди ўзида ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган предмет ва меҳнат воситалари ялпи маҳсулоти қийматининг бир қисмини ифодалайди. У амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш билан моддий харажатлар суммасига teng.

Иқтисодий ўсиш истеъмолининг мавжуд даражасини пасайтирумасдан, инвестиция ҳажмини ва ишлаб чиқаришни қисқартирумасдан янги ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишга имкон беради.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини фарқлаш қабул қилинган.

**Экстенсив турда** иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш фондларининг миқдорини орттириш билан эришилади. Ер, меҳнат, ишлаб чиқариш фондлари, аввалги техник жиҳозланиш сақланиб қолади. Натижада меҳнат унумдорлиги ортмайди.

**Интенсив тури** балиқчилик соҳаси маҳсулотларини диверсификациялаш, таркибий ўзгаришлар, техникани, илғор технологияни, ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги навлари ва зотларини, фан ютуқларини кўллаш, ишчилар малакасини ошириш ҳисобига кўпайтириш билан характерланади. Бу ҳолатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг ошиши ишлаб чиқариш ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш эвазига эришилади.

Балиқчилик соҳасида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш ҳамда илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш билан иқтисодий ўсишнинг интенсив тури устунлик касб этади. Бироқ амалда бу турлар соғ ҳолда мавжуд бўлмайди, шунингучун иқтисодий ўсишнинг иккала тури хақида ҳам изоҳ бериб ўтиш маъқул.

Агар маҳсулотнинг ўсиш улуши ўсишнинг интенсив омиллари ҳисобига олиниб 50 % дан ошса, иқтисод учун интенсив тур афзал бўлади. Ва аксинча интенсив омиллар ҳисобига маҳсулот ўсишининг улуши маҳсулотни умумий ўсишининг 50 % дан камни ташкил этса, ўсишнинг экстенсив тури афзал кўрилади.

Иқтисодий ўсиш қатор омиллар билан белгиланади. **Иқтисодий ўсиш омиллари** деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ўсиш самарадорлиги ва сифатини орттириш имкониятларини белгилайдиган ҳолат ва жараёнлар тушунилади.

Балиқчилик соҳасида иқтисодий ўсиш омиллари қўйидагилар (15.1.1-расм).



### 15.1.3- расм. Балиқчиликда иқтисодий ўсиш омиллари

Иқтисодий ўсиш таҳлилиниң асосий воситаларидан бири ишлаб чиқариш вазифасидир. Балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг учта омили зарур: меҳнат, ерсув, капитал. Бинобарин, балиқчилик соҳаси ялпи маҳсулотининг ҳажми меҳнат ресурслари (M), ер (S), капитал (K) ўлчамларидағыдаланади:

$$X=f(M, S, K)$$

Иқтисодий ўсишнинг вазифаси учун ишлаб чиқариш омилларининг айримларини қўллаш самарадорлиги ўлчанадиган қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар: меҳнат унумдорлиги, ердан олинадиган фойда, ер ва сув ҳажми, қайтими ва фонд сиғими кабилардан иборат.

## **15.2. Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти**

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматини ишлаб чиқаришда ресурсларни максимал равишда тежашдаги манфаатдорлиги билан самарадорлик муаммоси вужудга келади. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти ва таваккалчилиги асосида амалга ошириладиган бир шароитда ишлаб чиқариш самарадорлиги биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни, моҳиятини акс эттирувчи иқтисодий категорияни кўрсатади. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ва иқтисодий қонунлар тизими билан белгиланадиган асосий мақсадларига эришилганлик даражасини ифодалайди.

Қатор иқтисодчи олимлар балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши самарадорлигини қуидаги турларга ажратадилар: технологик ишлаб чиқариш, иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик-иқтисодий(15.2.1-расм).



### **15.2.1- расм.Балиқчиликда самарадорлик кўрсаткичлари турлари**

**Технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги** ишлаб чиқариш жараёнида ерга оид, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар ёрдамида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини аниқлайди. Асосий кўрсаткичлар –

ер фондидан фойдаланиш даражаси, моддий ва меҳнат харажатлари ва бошқалар.

**Иқтисодий ишлаб чиқариш** – иқтисодий самарадорлик - технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий механизмларининг биргаликдаги таъсири натижалари. У қиймат кўрсаткичлари – таннарх, ялпи даромад ва соф фойдава бошқалар билан ўлчанади.

**Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик** – тайёрланган иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий манфаатлар реализациясини ифодалайди ва корхонанинг бутунича иш самарадорлигини аниқлайди. Унинг тавсифномаси учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: ер майдони бирлигига маҳсулот қиймати, даромад нормаси, рентабеллик даражаси, бир ишчи ҳисобига истеъмол фонди.

**Экологик-иқтисодий самарадорлик** – балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёнининг балиқчилик соҳасига атроф-муҳитнинг экологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда биргаликдаги иқтисодий натижавийлигини кўрсатади. У моддий ва меҳнат харажатлари билан бир қаторда балиқчилик соҳаси фаолияти жараёнида атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги ва бузилишининг келиб чиқишини олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланиши туфайли балиқчилик соҳаси маҳсулотларидаги йўқотишлар натижавийлигини ифодалайди.

Бошқа гурӯҳ омиллар фақат икки турдаги: ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка бўлинади.

**Ижтимоий самарадорлик** биринчи навбатда, ишчи кучларнинг такрор ишлаб чиқариши учун яхши шароит яратилади ва халқ фаровонлиги орттирилади. Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришида ижтимоий самарадорлик нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки ижтимоий натижаларни ҳисобга олиш билан ҳам баҳоланади (меҳнат шароитини яхшилаш, қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат, аниқ иш ҳақини ошириш ва ҳоказо).

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши самарадорлиги ижтимоий баҳолаш, экспертизик баҳоси ва ҳисоблаш усули билан аниқланиши мумкин.

Инсонлар фаровонлиги ўсишини кузатиб бориш учун биргаликдаги реал даромад кўрсаткичлари жиддий аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даромадлардаги кескинлик муаммосини оширади, шунинг учун нафақат даромадлар индексини, балки истеъмол саватидан келиб чиқиб, ҳаёт қиймати индексини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Даромадлар ва ҳаёт қиймати индекслари динамикасини таққослаш таҳлил қилинаётган даврда ишчи ва унинг оиласи фаровонлиги ўзгариши ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Ижтимоий самарадорликни баҳолашда ишсизлик даражасини ишсизлар сонининг барча меҳнатга қобилиятилар нисбатига солишириб ҳисобга олмоқ зарур.

**Иқтисодий самарадорлик** олинган самарани фойланилган ресурслар ёки харажатга таққослаш йўли билан аниқланади. Жонли ва моддийлашган меҳнатнинг умумий харажатлари билан қандай бўлса, ишлаб чиқариш ресурслари билан ҳам шу тарзда таққослама асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш шуни билдирадики, ишлаб чиқариш натижаси унинг харажатлари, шунингдек, ушбу жараёнга жалб этилган барча ресурслар ҳажми билан ҳам олдиндан белгиланади.

“Самара” ва “иқтисодий самарадорлик” тушунчаларини фарқлаш зарур. **Самара** – бу ўтказилган чора-тадбирлар натижаси. Масалан, бойитилган омуҳта емларни қўллаш самараси балиқ маҳсулдорлиги кўпайишида фойдалилигини билдиради. Будан олинган самарани уни олишга сарфланган харажат билан солишириш орқали билиш мумкин. Чунки самара эмас, иқтисодий самарадорлик бойитилган омуҳта емлардан фойдаланишнинг фойдалилигини белгилайди.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг иқтисодиёт тармоқларига доир самарадорлиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш нуқтаи назаридан, саноатда – хом-ашёга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари

масалаларини ҳал қилишда тармоқнинг молиявий қўйилмаларига қараб баҳоланади. Балиқчиликга доир самарадорлик балиқчилик соҳаси ресурсларидан ва ресурс салоҳиятидан фойдаланишнинг натижавийлигини акс эттиради. Самарадорликнинг бошқа турлари ҳам тармоққа оидга ўхшаш, лекин ишлаб чиқаришнинг турлича шаклларини, хўжалиги ичидаги бўлимлар, алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва балиқчилик соҳасида ўтказилган чора-тадбирлардан олинган самараларни ресурслар ёки харажатлар билан таққослаб, натижалараниқланади.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин.

Энг муҳими, ҳозирги пайтда барча кўрсаткичлар амалий маълумотлар асосида аниқланадиган, балиқчилик хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилганда ўрганадиган ва самарадорликни оширишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиладиган бўлиши лозим. Шу туфайли юқорида келтирилган барча кўрсаткичларнинг аниқланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда кенг фойдаланиш учун тегишли тадбирларни белгилаб бериш лозимдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, мазкур кўрсаткичларни балиқчилик хўжаликлариға мос ҳолда аниқлаш йўлларини ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар тизими ва уларнинг аниқланиш йўлларини қуидаги жадвалда келтирилган (15.2.1-жадвал).

Балиқчилик хўжаликлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимиға мазкур жадвал маълумотлари бўйича хulosा қилинадиган бўлса, олтита кўрсаткич киради. Кўрсаткичлар тизимининг афзаллиги шундаки, таҳлил қилинаётган категория ёки жараёнларнинг ҳамма жиҳатларини ҳар томонлама ўзида қамраб олади ва унинг мазмунини тўлиқ ифода этади.

Мазкур ҳолатда ҳам балиқчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлиги хўжалик фаолиятидан келиб чиқиладиган бўлса, хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган. Чунки мазкур соҳа фаолиятига нима жалб қилинган бўлса, ҳаммасининг самарадорлиги мавжуд.

## 15.2.1-жадвал

### Балиқчилик хўжаликларини бошқаришда самарадорликни ифодаловчи натижавийлик билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари<sup>22</sup>

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Хисоблаш йўллари
1.	Балиқчилик хўжаликлари харажатлари самарадорлиги (Бх)	$Bx = Q/Xa$ ; <i>Q – балиқчилик хўжаликларида маҳсулот сотишдан соғ тушум (минг сўм);</i> <i>Xa – балиқчилик хўжаликларининг умумий харажатлари (минг сўм).</i>
2.	Балиқчилик хўжаликларининг умумий инвестициялари самарадорлиги (Бин)	$Bin = Q/In$ ; <i>In –инвестицияларнинг умумий ҳажм (минг сўм)и.</i>
3.	Балиқчилик хўжаликларининг асосий воситалари самарадорлиги (Бав)	$Bav = Q/Av$ ; <i>Av – асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қиймати (минг сўм).</i>
4.	Балиқчилик хўжаликларида айланма маблағлар самарадорлиги (Бам)	$Bam = Q/Aim$ ; <i>Aim – айланма маблағларнинг ўртacha йиллик қиймати (минг сўм).</i>
5.	Балиқчилик хўжаликларида меҳнат унумдорлиги (самарадорлиги) (Бму)	$Bmu = Q/Mu$ ; <i>Mu – балиқчилик хўжаликларида банд ходимларнинг ўртacha йиллик сони.</i>
6.	Балиқчилик хўжаликлари ўз маблағлари самарадорлиги	$Cym = \frac{Q}{Ym}$ ; <i>Ym – ўз маблағларининг ўртacha йиллик қиймати (минг сўм).</i>

**Балиқчилик соҳаси самарадорлиги** – тақрор ишлаб чиқариш – балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришгина эмас, тақсимлаш, алмashiш, истеъмол

<sup>22</sup> У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

каби даврлар фаолиятининг натижавийлигига ҳам боғлиқ. Иқтисодий самарадорлик даражасига табиий-ҳаво шароити ҳам таъсир қилади, шунинг учун уни аниқлашдаги мажбурий пайтлардан бири камида 3-5 йиллик ўсишни акс эттирувчи ҳақиқий кўрсаткичлар таҳлилидир. Бу балиқчилик соҳаси ривожланиш тенденция ва қонуниятларини объектив равишда аниқлаш ва ишлаб чиқариш натижаларига табиий-ҳаво шароитининг таъсирини имкон даражасида камайтиришга имкон беради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки хил усулда ҳисоблаб чиқиши мумкин: самарадорликни самара кўрсатиладиган суратда каср сифатида, маҳражда – ресурслар ёки харажатлар сифатида ифодалаш, самарадан харажатларни унинг ютуқларига ажратиш.

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун самарани турлича омиллар билан қандай ўлчаса, иқтисодий табиати билан ажралиб турадиган ва ҳаммага ҳам таққослаб бўлавермайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Харажатлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари:

**Рентабеллик** – бубалиқчилик соҳасининг фойда олиши, даромадлигини акс эттирувчи иқтисодий категория ҳисобланади.

Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш рентабеллиги ялпи ва соф фойдани, даромад, маҳсулот сотиш даражасини, асосий фондларни, харажатларнинг қопланиши, даромад нормасини таъминлайди.

**Ялпи фойда** (*YaF*) – бу ялпи балиқ маҳсулоти қиймати (*YaM*) ва моддий харажатлар (*MX*) орасидаги фарқ, сўм:

$$YaF = YaM - MX$$

**Соф даромад** (*SD*) – бу ялпи балиқ маҳсулотт қиймати ва уни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар (*JX*) ўртасидаги фарқ, сўм:

$$SD = YaM - JX \quad \text{ёки } SD = YaF - M_x$$

бунда: *M<sub>x</sub>* – меҳнат тўловларига харажатлар.

Даромад иқтисодий категория сифатида корхонанинг тадбиркорлик фаолияти молиявий натижаларини изоҳлайди. Ялпи даромад маҳсулот сотишдан ва хизматдан даромад ва соф даромадлар билан аниқланади.

Маҳсулотлар ва хизматларни реализация қилишдан даромадларни пул тушумларини тўлиқ (тижорат) таннархини олиб ташлаш билан ҳисоблаб чиқилади ва сўмда ифодаланади:

Балиқчилик соҳасининг соф фойдаси – ялпи фойда минус таннархга кирмайдиган солиқлар.

Бироқ, даромадларнинг мутлақ вазни ҳам самарадорлик даражасига гувоҳлик бера олмайди. Уни рентабеллик даражаси – ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ифодалайди.

**Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш ва балиқ маҳсулоти реализациаси рентабеллигининг даражаси** – бу олинган соф фойданинг ( $SF$ ) балиқ маҳсулоти таннархига ( $T_m$ ) нисбати:

$$R_d = \frac{SF}{T_m} * 100$$

Бу кўрсаткич истеъмол қилинган ҳар бир ресурс бирлигига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Масалан, 30% рентабеллик даражасида қилинган ҳар бир сўм харажатга 30 тийин ёки 100 сўм харажатга 30 сўм соф фойдаберади. Хўжалик юритиш самарадорлиги ҳақида ҳам юқорида кўриб ўтилган асосий фонdlар рентабеллиги даражаси ва даромад меъёрларида айтилади.

Агар балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш фойда эмас, зарап (3) келтирса (рентабелли эмас), салбий белги билан рентабеллик даражаси ўрнига (зарар даражаси) харажатларни қоплаш даражаси ( $Z_q$ ) қўлланилиши мумкин ва у ўзида пул тушумларининг ( $PT$ ) балиқ маҳсулоти таннархига нисбатини кўрсатади:

$$Z_q = \frac{PT}{T_m} * 100$$

Кўрсаткич харажат бирлигига пул тушумини характерлайди. Ишлаб чиқариш харажатларини қопланиш даражаси 100% дан ортгандагина рентабелли бўлади.

*Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари* – балиқчилик соҳасининг маҳсулдорлиги, 1 ц балиқ маҳсулотига меҳнат сарфи (меҳнат сигими), 1 ц балиқ маҳсулоти таннархи, балиқ маҳсулотини сотишдан даромад, 1 га сув ҳавзасидан даромад, рентабеллик даражаси, товар бўлмаган озуқалар – озуқа экинларининг ҳосилдорлиги, 1 га дан чиқадиган озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин, натурал ҳолдаги 1 ц озуқа, бир озуқа бирлиги ва 1 ц ҳазм бўладиган протеинга меҳнат сарфи.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун якуний балиқ маҳсулотлари бирлигига хомашё сарфи, балиқчилик соҳаси хом-ашёси бирлигига якуний балиқ маҳсулотларининг чиқиши, маҳсулот бирлигига харажатлар, маҳсулот бирлиги таннархи, маҳсулот сотишдан даромад, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги омбор сигими, сақлашда маҳсулотнинг йўқотилиши, балиқ маҳсулоти бирлигини сақлашга қилинган моддий-пул маблағлари харажатлари коэффициентлари, сақлашдан келган даромад ва рентабеллик даражаси кабилар билан аниқланади.

### **15.3. Балиқчилик соҳасида иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлик, шу боис балиқчилик соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг

самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-мухитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари – турли зоотехникага оид тадбирлар ўтказиш асосида балиқчилик соҳаси маҳсулдорлигининг ўсишидир. Шу билан бирга, таклиф этилаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳам мумкин.

*Балиқ ҳавза майдонларининг тузилишини иқтисодий баҳолаш* учун қуйидаги қўрсаткичлардан фойдаланилади: 1 га сув ҳавза майдони ва бир киши/соат, 1 га сув ҳавза майдонига меҳнат ва моддий-пул маблағлари ҳамда балиқ маҳсулоти бирлиги харажатлари ҳисобига 1 га сув ҳавза майдонидан ва 100 сўм харажатдан соф фойда.

Балиқчилик корхонасида балиқни табиий ва сунъий озуқа билан озиқлантиради. Балиқни ўстиришда бир хилдаги стандарт оғирлик асосида табиий озуқага ўтқазади. Балиқчиликда сунъий озуқани қуйидагича ҳисобга олинади:

- 1.Ҳавзада ўтқазилган балиқ ва унинг ўсиши;
- 2.Балиқларнинг ўсиши ҳисобига сарфланган озуқа.

Балиқчилик соҳасида сезон вақтларида балиқ учун талаб қилинадиган озиқлантириш икки усулда олиб борилади.

**Биринчи усул** –озуқа сарфини бир мавсумда 1 ц балиқларнинг ўсиши учун озуқа коэффицентида.

**Иккинчи усул-** ҳавза майдони ва мавсумдаги озуқа сони ҳисобига.

### 15.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида Наманган вилояти Мингбулоқ тумани  
“Хатамобод” балиқчилик фермер хўжалигида 1 га сув ҳавзасида балиқ  
етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (оқ  
дўнгпешона балиғи бўйича)<sup>23</sup>.**

№	Ҳаражатларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Анаънавий ҳолда	Технологик харита асосида	Фарқи (+,-)
1.	Иш ҳақи ҳаражатлари	минг сўм	6480	8100	1620
2.	Чавоқ ҳаражати (сотиб олиш)	кг	250	250	0
	Қиймати	минг сўм	3500	3500	0
3.	Озуқа ҳаражати	минг сўм	3600	4770	1170
	Шундан:				
-	минерал ўғит	кг	600	800	200
-	Қиймати	минг сўм	660	880	220
-	маҳаллий ўғит	кг	3000	3000	0
-	Қиймати	минг сўм	240	240	0
-	оҳак	кг	1000	1500	500
-	Қиймати	минг сўм	300	450	150
-	ем ва витаминлар	кг	3000	4000	1000
-	Қиймати	минг сўм	2400	3200	800
4.	Электр энергия сарфи	минг сўм	60	60	0
	Ш.ж. насос ҳаражати	минг сўм	40	40	0
5.	Амортизация	минг сўм	146	146	0
6.	Транспорт ҳаражатлари	минг сўм	96	96	0
7.	Ветеринария хизмати	минг сўм	150	150	0
8.	Умумишлиб чиқариш ҳаражати	минг сўм	324	405	81
9.	Кўзда тутилмаган ҳаражатлар	минг сўм	146	175	28,71
10.	Жами ҳаражатлар	минг сўм	11252	14152	2900
11.	Давр ҳаражатлари	минг сўм	113	142	58
12.	Маркетинг ва модернизация	минг сўм	225	283	58
13.	Умумий ҳаражатлар	минг сўм	11590	14576	3016
14.	Балиқ маҳсулдорлиги	т/га	1,9	2,5	0,6
15.	Ялпи маҳсулот қиймати (1 кг 8000 сўмдан олинса)	минг сўм	15200	20000	4800
16.	Фойда	минг сўм	3610	5424	1813
17.	Рентабеллик	%	31,1	37,2	6,1

<sup>23</sup> Юнусов И.О. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари , иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (phd), Тошкент, ТИҚҲМИИ, 2019, 426.

Балиқчиликда сув ҳавза майдонини ҳар хил ўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини назорат (ўғитсиз) ва тажриба варианларини солиштириб, қуидаги қўрсаткичлар бўйича ҳисоблаб чиқилади:

- 1 га сув ҳавза майдони маҳсулдорлиги, ц;
- 1 га ва 1 ц ўғитларни озуқа моддалари ҳисобида ҳосилнинг натурал ва пулдаги ифодаси, ц ва сўм;
- 1 га сув ҳавза майдонига қўшимча харажатлар, сўм;
- 1 га сув ҳавза майдонини сотиш нархи билан қўшимча маҳсулот қиймати, сўм;
- 1 га сув ҳавза майдонига қўшимча харажатларнинг қопланиши, %;
- 1 га сув ҳавза майдонидан даромад (соф фойда), сўм;
- 1 га сув ҳавза майдонидан рентабеллик даражаси, % ва x .

Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариши экологик-иқтисодий самарадорлигининг мезони бўлиб, даромад ва соф фойда, одамлар соғлиги ва табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига жавоб берувчи атроф-муҳит сифатининг норматив талабларига риоя қилиш ҳисобланади. Ушбу мезонга эришиш даражаси жорий харажат ва капитал қўйилмаларининг экологик-иқтисодий таъсир этиш қўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

**Экологик-иқтисодий таъсир этиши** – бу ишлаб чиқариш таъсири остида юз берувчи экологик параметрлар ўзгаришининг пулда баҳоланиши. У ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий миқдор сифатида экологик-иқтисодий самара, салбий сифатида экологик-иқтисодий зарар чиқади.

**Экологик-иқтисодий самара** – табиатни қўриқлаш тадбирларини амалга ошириш натижасида фойданинг қийматли ўсишидир. Уни ҳисоблашнинг асоси бўлиб, тупроқ, сув, ҳаводаги ифлосланиш даражасининг пасайиши, тупроқ ҳосилдорлигининг ошиши, экологик тоза маҳсулотлар чиқишининг ортиши бўлиши мумкин.

**Экологик-иқтисодий зарар** – атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви натижасида балиқчилик соҳасининг қиймат шаклидаги ҳақиқий ёки эҳтимолий зарари ёки бу заарларни қоплаш учун қўшимча харажатлардир.

## **15.4. Балиқчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги асосан иқтисодий омилларнинг икки гурӯҳи билан белгиланади:

- Балиқчилик хўжалигининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган, *ташқи* – нархни шакллантириш, солиқقا тортиш, кредитлаш, инқироз жараёнлари, дотациялар ва товон (компенсация) тўловлари, аграр қонунчилик ва бошқалар;
- ички –балиқчилик корхонага таъсир эта оладиган балиқчилик соҳаси маҳсулдорлиги, балиқ маҳсулоти таннархи, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш, ихтисослашув ва бошқалар.

Бугун балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги сезиларли равишда иқтисодий механизм шакллантирадиган омилларнинг биринчи гурӯҳи билан белгиланади. Уларнинг иқтисодий механизмида омилларнинг иккинчи гурӯҳи асосий рол ўйнайди.

Бозор муносабатлари тизимида аҳамияти (қиймати) бўйича иккита teng тузувчини ажратиш мумкин: талаб ва таклифнинг оптимал нисбатини белгиловчи балиқчилик соҳаси ва балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ҳамда турли даражадаги харидорларнинг бозордаги эркин муомаласи кафолати ва мақсади, бозор субъектларининг самарали фаолият ва ишлаб чиқаришни экологиялаштиришга йўналтириш бўлган бозор муносабатларини иқтисодий тартибга солиш механизмларидан иборат.

Балиқчилик соҳасининг иқтисодий самардорлиги сезиларли даражада интенсив ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Юзага келган шароитларда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг муҳим йўналиши - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жадал, ресурсларни тежовчи технологиясини қўллаш, чорвачиликда, наслчилик ишларини, уруғчиликни яхшилаш, балиқ зотларидан фойдаланиш, сув ҳавзаларида балиқчилик соҳаси экинларини

химоялашнинг оптималь дозаларини киритиш, озуқа базаларини мустаҳкамлаш ва ҳоказолар.

Балиқчилик соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдали.

Балиқчиликнинг келгуси ривожланиши ва унинг иқтисодий самарадорлиги ортишининг ҳал қилувчи йўналишларидан бири – мустаҳкам ва барқарор озуқа базасини яратишидир. Ҳар бир балиқчилик соҳаси корхонасида озуқа базасини мутсаҳкамлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш керак бўлади. Бу балиқлар маҳсулдорлигининг ортиши ва балиқ маҳсулоти таннархининг пасайишига ёрдам беради.

Балиқчилик соҳасида балиқ ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги муҳим шарт – *балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сифатини яхшилаши*. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг сифати қанча юқори бўлса, унинг реализация баҳоси ҳам шунчалик юқори, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳам баланд бўлади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқарииш ва унинг турларини баён этинг.*
2. *Балиқчилик соҳасида тақрор ишлаб чиқариишнинг ўзига хос хусусиятларини баён этинг.*
3. *Балиқчилик соҳасида ялти ички маҳсулот нима?*
4. *Балиқчилик соҳаси корхоналарининг ялти ва пул даромади қандай ҳисобланади?*
5. *Балиқчилик соҳасида корхона фойдаси ҳақида тушиунча ва уни ҳисоблаш тартиби қандай?*
6. *Балиқчилик соҳаси ялти, соф, иқтисодий фойда қандай аниқланади?*
7. *Балиқчилик соҳаси иқтисодий самарадорлик деганда нимани тушиунасиз?*
8. *Балиқчилик соҳаси иқтисодий самарадорлик даражаси қандай кўрсаткичларда аниқланади?*
9. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларининг рентабеллик даражаси нима ва у қандай аниқланади?*
10. *Балиқчилик соҳаси ялти ички балиқ маҳсулотини, корхоналарининг ялти ва пул даромадларини ҳамда фойдаларини кўпайтиришининг қандай йўллари мавжуд?*

## **XVI Боб. Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатлар ва уни тақомиллаштириш йўллари**

**Ўқув мақсади:** Балиқчилик соҳаси корхоналарида шартномалар, унинг турлари, балиқчилик соҳасда шартноманинг аҳамияти, шартномаларнинг зарурияти, томонлар мажбуриятлари хақида тушиунча, унинг даражасини бугунгу кундаги долзарбилиги, корхоналарнинг шартнома асосда ишилган масалаларини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:**

*Шартнома,, шартнома аҳамияти,, ялпи ва пул сотиши, мажбурият, фойда, иқтисодий самараадорлик*

### **16.1. Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатлар ва унинг турлари**

Балиқчиликнинг самарали фаолиятини маълум даражада иқтисодий муносабатлар тизими белгилаб беради. *Иқтисодий муносабатлар* – бу ишлаб чиқариш жараёнида корхоналарнинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқарувчи муносабатлар шаклидир.

Балиқчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиши билан шуғулланадиган корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий шакли бўлиб хўжалик шартномаси ҳисобланади (16.1.1-расм).

**Хўжалик шартномаси** – ишлаб чиқариш жараёнида иккала томоннинг мажбуриятларини белгилаб берувчи хужжат ҳисобланади. Ушбу хужжат орқали корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар ҳажми баҳоси ва таърифларини тартибга солади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми, сифати бузилганда, товарларни сотиши муддати ўтиб кетганда тегишли чоралар кўрилади.



#### **16.1.1- расм. Балиқчилик АСМда маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш корхоналар ўртасидаги шартнома турлари**

Шартномада томонларнинг хуқуқ, мажбуриятлари, аниқ натижалар бўйича жавобгарлиги акс этади. Шартноманинг бўлимлари қўйидагича:

1. Шартнома шарти.
2. Томонларнинг мажбуриятлари.
3. Ҳисоб-китоб тартиби.
4. Шартнома шартлари бажарилмагандан томонларнинг жавобгарлиги.
5. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари.

Балиқчиликда турли хил шартномалардан фойдаланилади, жумладан, контрактация, олди-сотди, етказиб бериш, ижара, кредит, мулк сугуртаси шартномаси ва бошқалар.

**Контрактация шартномаси.** Бунда балиқ маҳсулотини ишлаб чиқарувчи етиштирилган маҳсулотни тайёрловчига етказиб беради, тайёрловчи маҳсулотни қайта ишлаш ёки сотиш учун ушбу товарни олиши ва белгиланган тартибда тўловни амалга ошириши зарур.

Демак, томонлар – балиқ маҳсулотини ишлаб чиқарувчиси ва тайёрловчисидир. Ишлаб чиқарувчи балиқ маҳсулотини ишлаб чиқарувчи юридик шахс, тадбиркор, жумладан, деҳқон ёки фермер хўжалиги раҳбари бўлиши мумкин. Тайёрловчи – балиқ маҳсулотини сотиш ёки қайта ишлаш учун сотиб оладиган тадбиркор (тижорат ташкилоти ёки якка тартибдаги).

**Олди-сотди шартномаси.** Шартномада бир томон (сотовчи) иккинчи томонга (сотиб оловчи) товарни сотиши керак. Сотиб оловчи эса ушбу товарни маълум нархга сотиб олиши керак. Сотовчи товар ишлаб чиқарувчи ҳам бўлиши мумкин ёки улгуржи ва чакана ташкилотлар бўлиши ҳам мумкин. Исталган нарса товар бўла олади, фақат оборотдан чиқарилган ёки чегараланганлардан ташқари (масалан, балиқчилик соҳаси ерлари). Олди-сотди шартномаси айни вақтда сотувчидаги мавжуд бўлган товарга ёки келгусида ишлаб чиқариладиган товарга тузилиши мумкин. Сотовчи товарни шартномага мувофиқ номи, миқдори, сифати, ўрами, қадоқланишига қараб кўрсатилган муддатда ва белгиланган жойга етказиб бериши шарт.

**Етказиб бериш шартномаси.** Ушбу шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган сотувчи – таъминотчи (ёки етказиб берувчи) келишилган муддатда ёки товар ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган муддатда тижорат мақсадларида фойдаланиш учун товарларни етказиб беради.

**Ижарап шартномаси** балиқчилик корхоналари хўжалик фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шартнома бўйича ижарага берувчи ижарачига мол-мулкни тўлов эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ёки фойдаланишга бериши лозим.

Ижарага томонидан олинган маҳсулот ва даромадлар шартномада келишилганидек, унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг табиий хусусиятини йўқотмайдиган нарсалар берилади. Булар: сув ҳавзалари, балиқ корхоналари, биноиншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар.

Бозор шароитида балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка фақатгина иқтисодий жиҳатдан асосланган нарх сиёсати орқали эришиш мумкин. Чунки нарх нафақат бозор мувозанати орқали, балки ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг иқтисодий имкониятлари уйғунлигидан ташкил топади.

Балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчи учун шу нарса муҳимки, сотиш баҳолари фойда олиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини бериши лозим.

## **16.2. Балиқ маҳсулотларини сотишда шартноманинг аҳамияти**

Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлаш сотиш корхоналарининг асосий қисми учун маҳаллий бозорлар катта аҳамиятга эга. Бозор ҳажми (сифими)ни аниқлашда бозорни мамлакатда ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотлари билан тўлдиришда ушбу маҳаллий жойларга жойлашган ўхшаш балиқ корхоналари сонидан ва балиқ маҳсулоти чиқаришга таъсир этувчи табиий-иклим шароитидан келиб чиқиб, муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Хориж балиқ маҳсулотларига келганда, бундай вазият таъминлаш ҳажмлари назорат қилинмаслиги ва тартибга солинмаслиги билан изоҳланади.

**Балиқчилик соҳасида балиқ масулотлари бозорлари** бир-бири билан боғлиқ ҳудуд ва минтақа ичидағи таркибий қисмларининг мураккаб тизимларини ўзларида акс эттиради.

Мамлакатнинг кўпчилик минтақалари учун балиқ маҳсулотлари бозорларининг нормал фаолият юритишиларининг асоси уларнинг бош таъминотчилари таркибиға озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатини, транспорт ва бошқа ташкилотларни қамраб олган, озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва балиқчилик тармоқларига хизмат кўрсатишни амалга оширувчи агросаноат мажмуасидир.

Балиқчилик соҳаси балиқ маҳсулотлари бозорининг моҳияти, реализация қилинадиган товар маҳсулотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, унинг келиб тушиш манбаларини, истеъмолчилар таркибини, озиқ-овқат турлари бўйича талаб ва таклифлар структурасини, унинг сифатини, ассортиментини, баҳосини қамраб олади.

Бозор иқтисодиётида балиқчилик соҳасида балиқ ишлаб чиқариш истеъмолдан келиб чиқади, истеъмолчига хизмат қиласи ва унинг

талабларини қондиришга йўналтирилади. Айнан талаб балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилишининг ассортименти ва сифатини белгилайди, бозор эса нарх орқали унинг жамият учун фойдалилигини тан олади.

Рақобат шароитида балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг истеъмолчига боғлиқлиги ва максимал фойда олиш истаги уни ишлаб чиқариш чиқимларини пасайтиришга, балиқ маҳсулоти сифатини яхшилашга, ўз ресурсларини тежашга мажбур қиласди. Бу ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жорий этишни тезлаштиради (энергияни тежайдиган технологиялар, маҳсулдор зотли балиқлар, технологияларнинг янги турлари).

**Мисол.** Сирдарё вилояти— “Pro Fish Line” МЧЖ балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш мақсадида Латвия давлатининг “Рег-Ранд” корхонаси билан **486 000 евро** микдорида шартнома имзоланган. Ҳозирги кунда асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент вилояти— “Golden Fish Group” МЧЖ томонидан Германия давлатидан **180 минг евролик** қайта ишлаш асбоб ускунаси олиб келиниб балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда, инкубация цехи мавжуд. Шу билан бирга ва Россиядан 2 та мутахассис фаолият юритмоқда.

Куйи чирчиқ тумани “**Файзбалиқчиқурилиш**” МЧЖ томонидан XXRнинг “PANGDA” CoLtd компаниясидан сунъий сув ҳавзалари учун стационар аэраторлар харид қилинган. Шартнома қиймати **20 минг доллар**. Шунингдек, мазкур корхона томонидан ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ)ни қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Россия давлатидан балиқ маҳсулотини қайта ишлаш, балиқ филеси, балиқ емини ишлаб чиқариш, музлатгич, дудлашда керак бўладиган асбоб-ускуналар харид қилиш кўздатутилган.

Балиқчилик соҳасида бозор қонунлари реал ишлашлари учун қўйидаги маълум шартлар зарур:

- ◆ балиқчилик соҳаси балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик юритиш шакли ва хусусий мулк эгалиги шакли қайта

ишиланадиган маҳсулотлари кўп қирралилиги, балиқ ва балиқ маҳсулотлари комплекс остидаги ҳамма бўғинларида монополизмни бартараф этиш, ташқи ва ички рақобат даражасининг юқорилиги;

- ◆ бозордаги хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш структураларини, реализация воситаларини танлашда, нарх ўрнатишида, даромадларни тақсимлашдаги мустақиллиги;
- ◆ балиқчилик соҳасида давлатнинг бозор субъектлари хўжалиги фаолиятларининг юқори даражадаги тартибга соловчилик ролини сақлашларига аралашмаслиги;
- ◆ балиқчилик соҳаси бозор инфратузилмасининг яхши ривожланган тизими борлиги.

Балиқчилик соҳасининг бозорини шакллантириш – комплекс ёндашувни, пухта ўйланганликни, қабул қилинадиган қарорлар изчиллигини талаб қилувчи жараён. У давлат томонидан мажбурий тартибга солиниш ва балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилишига мамлакат балиқчилиги ва аграр секторида етакчи рол тегишлилиги англанганда вужудга келади.

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари – нафақат аграр саноат ишлаб чиқарилишида, балки мамлакат иқтисодиётида ҳам умуман, тармоқлараро пропорцияни белгиловчи муҳим маҳсулот ҳисобланади. Балиқчилик соҳаси балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари учун у оддий ёки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имконини берувчи даромадларнинг асосий манбасидир. Бир вақтнинг ўзида балиқнинг нархи тўйинтирилган озуқалар нархларини ва аҳолининг асосий озиқланиш маҳсулотлари баҳосини белгилайди. Хуроса қилиб айтганда, балиқ ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, балиқни қайта ишлаш саноати ва иқтисодиёт тармоқлари бутунича ва жамиятдаги ижтимоий-иктисодий барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Балиқчилик соҳаси да балиқа бозорини ривожлантиришнинг давлат даражасидаги вазифалари мамлакатни балиқ маҳсулотини ва уни қайта ишлаш билан таъминлай олишидан иборат. Чунки нархга оид кредит, солиқ

ва ташқи иқтисодий сиёсат давлат даражасидаги ҳал қилинадиган масалалардир.

Балиқ озиқ-овқат бозорларининг бир қисми балиқ ва балиқ маҳсулотилари бозоридан иборат. Бу бозорларининг алоҳида ўринларининг шартлари шуки, улар энг қимматли озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализациясини қамраб олади.

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари нисбатан қимматли маҳсулотлар ҳисобланади, шунинг учун уларни истеъмол қилиш, биринчи навбатда, жисмоний нормаларга эмас, аҳолининг тўлов қобилиятига боғлиқ.

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари реализация қилиш структураси кейинги йилларда принципиал ўзгаришлар юз бермоқда. Тайёрлов ташкилотлари билан ўзаро алоқалар учун характерли бўлган тўлай олмаслик муаммоси балиқ ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларини арzonроқ нархда, аммо нақд пулга сотиш ёки бошқа товарга айирбошлишнинг муқобил воситаларини излашга мажбур қилмоқда. Балиқчилик корхоналари ўз маҳсулотларини реализация қилишдан тайёрловчиларга уларнинг бозордаги воситалари бўйича сотиш учун ўтказмоқдалар.

Хозирги пайтда балиқ ва балиқ маҳсулотларига талаб сезиларли даражада хусусий ишлаб чиқариш ҳисобидан (95%) ва камроқ даражада – импорт таъминот ёрдамида (5%) қондирилмоқда.

Кейинги йилларда балиқларни парваришлаш ва боқишига сарфланган юқори харжатлар тармоқ маҳсулотларининг реализация баҳолари билан қопланди, бу эса балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, зотли балиқ турларини етиштиришининг фойда кўришига олиб келди.

### **16.3. Балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш**

Бугунги кунда балиқчилик соҳасида шартномавий муносабатларни тартибга солиш борасида етарли даражадаги ҳукуқий ва меёрий асослар яратилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг

“Фуқоролик кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини оширишнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори каби кўплаб қонун ва қонун ости хужжатларини киритиш мумкин.

Балиқчилик соҳасида шартнома муносабатларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябрь 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорининг 1-иловасида келтирилган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиши ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориши тартиби тўғрисида» Низом асосида олиб борилади. Мазкур Низомда шартномаларга оид умумий қоидалар, шартнома тузиш тартиблари, шартномани рўйхатдан ўтказиш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, баҳо белгилаш ва ҳисоб-китоблар, шартнома шартларини бажариш, шартнома шартларини бажариш мониторингини олиб бориши каби ҳолатлар баён этилган.

Балиқчилик соҳасида шартнома томонлар ўртасида ихтиёрий равища ўз манфаатлари, мақсадларини рўёбга чиқаришни қўзлаб тузиладиган ҳуқуқий хужжат бўлиб, моҳияти жиҳатидан томонларнинг тенг ҳуқуқлилигини, эркинлигини, шартнома шартлари олдидаги масъулият ва мажбуриятларини ўзида акс эттиради. Аммо таҳлилларимизнинг кўрсатишича, сувдан фойдаланиш юзасидан балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари ва СИУ лар ўртасида шартномалар тузиш

жараёнида томонларнинг эркинлиги масаласида бир қатор нисбийликлар мавжуд. Масалан, бошқа соҳаларда ва бошқа шароитларда маҳсулот сотиш ёки хизматлардан фойдаланиш борасида шартномалар тузища томонлар ўртасида танлаш имконияти мавжуд бўлиб, бу уларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлайди. Лекин фермер ёки дехқон хўжалигида бундай имконият йўқ, чунки уларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган СИУ лар сони кўп бўлиши мумкин эмас.

Балиқчилик соҳасида шартномаларни ташкил этиш тамойилларига эътибор қаратадиган бўлсак, “географик тамойил” аниқ фермер ёки дехқон хўжалиги учун фақатгина битта СИУ хизмат кўрсатиши мумкинлигига олиб келади. Балиқчилик балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарига сув етказиб берадиган ирригация тармоғи ягона бўлиб, айни пайтда битта ирригация тармоғи иккита СИУ га тегишли бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ҳолат балиқчилик балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари учун сув етказиб бериш борасидаги шартномаларнинг тузилиши, амал қилиши ва иқтисодий моҳиятини бир қадар ўзгартиради. Демак, бу вазиятларда бозор шароитида шаклланадиган шартнома муносабатларига хос бўлган умумий тамойилларга таяниш қийинлашади.

Мазкур муаммонинг яққол қузатиладиган ва СИУ лар фаолиятига салбий таъсир этишининг сабабларидан бири оқибатида бугунги кунда балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари аксарият ҳолларда СИУ лар томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўламасдан ёки тўловларни кечикириб келаётганлигидир. Натижада СИУ лар фаолиятини самарали йўлга қўйиш имкониятларининг пасайиши қузатилади.

Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари ва СИУ лар билан билан тузилаётган хизмат кўрсатиш шартномасининг сифати, талабларга жавоб бериши, унинг ижросини назорат қилиш, шартномаларни бажармаслик натижасидаги оқибатлар тўғрисида доим далада юрадиган хўжалик раҳбарига ахборотлар киритувчи ҳуқуқий хизмат тизими ишламайди. Натижада шартнома муносабатларининг бажарилиши ҳолати ўз

йўлига ташлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжаликда хуқушунос бўлишини таъмин этиш лозим.

Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари ва СИУ лари ўртасида шартнома муносабатларини такомиллаштиришда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- шартнома муносабатларини такомиллаштиришда, шартнома шартларининг бажарилиши устидан давлат назорати (хўжалик судлари ишларини фаоллаштириш назарда тутилмоқда) билан бирга жамоат ташкилотлари назоратини ҳам йўлга қўйиши;
- балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари билан СИУ лар ўртасида тузиладиган шартномалар, энг аввало, балиқчиликнинг хусусиятларини ҳисобга олиши;
- аграр муносабатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида агарда балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари монополист ташкилотлар билан хизматлардан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузиб зарар кўрадиган бўлса, давлат ташкилотларининг ҳам ёрдами керак бўлади;
- сув истеъмолчиларининг хуқуқшуносга эга бўлишини таъминлаш лозим. Масаланинг иккинчи томони, хуқуқшуносга эга бўлган балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари билан ишлаётганлигини билган хизмат кўрсатувчи ташкилот шартнома шартларини “хурмат қилишга” мажбур бўлади;
- қўпинча амалда балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари хўжалик юритиш субъектлари билан тузилган шартномалар шартлари бузилганлигини билишса ҳам судларга мурожаат қилишмайди. Чунки шартнома шартлари бузилиши ҳолатлари тегишли равишда расмийлаштириб борилмайди. Масалан, сув ўз вақтидан кечикиб етказиб берилганлиги боисдан балиқ маҳсулдорлигининг камайишини ёки балиқ маҳсулоти сифати пасайишини ҳар бир тадбиркор яхши билади.

Умуман олганда, бозор шароитида шартнома муносабатларига риоя этиш хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий барқарорлиги,

балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари ишловчи ходимларнинг етарли даражада даромад олишлари, хўжаликларнинг ривожланиб боришининг иқтисодий ва хуқуқий гаровидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари хўжалик юритиши субъектлари томонидан тузиладиган шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг?.
2. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида контрактация шартномаларини тузши ва амалга ошириш тартиби қандай?
3. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қандай қонун хужжатларини биласиз?
4. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида шартнома шартлари бузилганда кимга мурожсаат қилиши лозим?
5. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида шартномавий мажбурияtlар ва уларни бажарилишини таъминлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
6. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида шартнома ижросини таъминлаш ва улар юзасидан мансабдор шахсларнинг қандай жавобгарлиги бор?
7. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналарида шартнома мажбурияtlарини бажарии тизимини такомиллаштириши?
8. Балиқчилик фермер, дехқон ва МЧЖ хусусий корхоналари ва хизмат кўрсатиши корхоналари ўртасида тузиладиган шартномавий муносабатларни такомиллаштириши масаласига ўз тақлифларингизни айтинг?.

## **XVII Боб. Балиқчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш**

**Ўқув мақсади:** балиқ маҳсулотларини қайта ишилаш, балиқчилик соҳаларини технологик модернизация қилишини ва унинг аҳамияти, балиқ маҳсулотини қайта ишилаш саноатини ривожлантириши ҳамда сотиши тизими ўрганишдан иборат.

*Қайта ишилаш, сақлаш, сотиши тизими, ялпи, соф, иқтисодий фойда, иқтисодий муносабат*

**Таянч иборалар:**

### **17.1 Балиқчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш**

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини ташвишга солаётган нарса биринчи ўринда истеъмол бозорида аҳолининг табиий озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарининг эса табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги бир нечта вазифаларни ҳал этишни кўзда тутмоқда. Жумладан балиқчилик бўйича:

- балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришни тубдан қайта ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- балиқчилик хўжаликлари маҳаллий иқлим шароитига мос балиқ турларини яратиш;
- хўжаликлар бошқарув самарадорлигини ошириш йўлларини излаб топиш;
- аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда кичик қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ва булар орқали балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш;
- қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарни янгитдан ташкил этиш.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш балиқ маҳсулотига бўлган талабини янада ортиши балиқчилик хўжалиги соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ соҳада катта ишлар амалга оширилди ва бу ҳозирги

иқтисодиётни модернизациялаш даврида ҳам давом этмоқда. Фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун яратилган ҳукуқий асослар яратилганининг ўзи ҳам балиқчилик хўжаликларида даромадни ошириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги қунда балиқчилик хўжаликлари бўйича қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ўз ижроси таъминланиши натижасида хўжаликлар фаолияти тубдан яхшиланиши кузатилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришга қаратилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам яқин йиллар қишлоқ хўжалигни тубдан ислоҳ этиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан йилга ошириб бориш асосий мақсад қилиб белгиланган. Биргина Қашқадарё вилоятида балиқчиликни ривожлантириш маҳсулот ҳажмини йилдан йилга ошириб бориш бўйича истиқболли режалар ишлаб чиқилган бўлиб, 2021 йилга келиб балиқ етиштириш ҳажмини 10 минг тоннадан ошириш, янги турдаги балиқ чавоқларини етиштириш, балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ҳажмини 1200 тоннага етказиш белгилаб олинган.

Шунингдек, етиштирилаётган балиқ маҳсулотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш лозим:

- балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш
- хўжаликларда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда балиқчилик хўжаликларини тузиш ва юқори даромадли маҳсулотларни сотиш;
- балиқчилик хўжаликларини юритиш, мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари давлат сиёсати даражасида кўтариш лозим.

Балиқчилик соҳасида фақат балиқ маҳсулоти етиштириш билан юқори даромад олиб бўлмаслиги қайта ишлаш, сақлаш даромадни янада кўпайтириш имконини бериши хеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз йилдан йилга бу жараённи ҳам ривожлантирилаётганлиги балиқчилик соҳасидаги

хўжаликлар иқтисодиётини яхшилаш, даромадини ошириб бориш имконини бермоқда. (17.1.1-жадвал).

### **17.1.1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасида 2017-2019 йиллар давомида балиқ маҳсулотларини қайта ишланган ва музлатилган балиқлар ҳажми<sup>24</sup>**

<b>Худудлар</b>	<b>2017 й.</b>		<b>2018 й.</b>		<b>2019 й.</b>	
	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилган (тонна)	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилган (тонна)	Қайта ишлаш (тонна)	Музлатилган (тонна)
Қоралқалпоғистон Республикаси	700	200	800	300	900	350
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	-	360	1200	600	1250	800
Бухоро	-	90	200	500	400	600
Жиззах	50	100	400	400	350	350
Қашкадарё	-	350	150	250	450	350
Навоий	-	20	1000	300	1500	500
Наманган	-	20	100	100	100	100
Самарқанд	-	-	125	100	175	120
Сурхондарё	-	-	75	80	125	120
Сирдарё	-	-	1300	700	1450	800
Тошкент	1110	1120	300	200	-	-
Фарғона	-	-	500	500	600	500
Хоразм	-	100	-	-	575	550
<b>Жами</b>	<b>1860</b>	<b>2360</b>	<b>6150</b>	<b>4030</b>	<b>7875</b>	<b>5140</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш йилдан йилга ошиб бораётгани, вилоятлар кесимида бу кўрсатгич яхшиланиб бориши юқори натижалар самараси ҳисобланади. 2019 йилда 7875 тонна балиқ маҳсулотлари қайта ишланган бўлса 2017 йилга нисбатан 6013 тонна (423%) маҳсулот сақлангани кўзатилди.

Музлатилган балиқ маҳсулотлари 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 2780 тонна (217%) балиқ маҳсулотлари музлатилган. Бунда маҳсулотларни сақлаш

<sup>24</sup> .Ўзбалиқсаноат уюшмаси маълумотлари асосида У.Х.Беглаев томонидан тўзилган.

хўжалик фаолияти учун ижобий натижа қайд этишини кўриш мумкин тайёр маҳсулотдан кўра қайта ишланган маҳсулотлар иқтисодий қўрсатгичарни сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда балиқ маҳсулотларини салаш ва қайта ишлаш йўли билан бир вақтни ўзида озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш уни йўлга қўйиш ҳам асосий масала ҳисобланди. (17.1.2-жадвал)

### **17.1.2-жадвал**

**Ўзбекистон Республика бўйича вилоятлар кесимида балиқ омухта еми ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ва ишлаб чиқариш хажмлари бўйича 2017 -2019 йиллар тахлилий маълумоти<sup>25</sup>**

Худудлар	2017 йилда мавжуд ем корхоналар		2018 йилда мавжуд ем корхоналар		2019 йил охиригача янгидан ташкил этиладиган ем корхоналар	
	сони	куввати (минг тн.)	сони	куввати (минг тн.)	сони	куввати (минг тн.)
Қоралқалпоғистон Республикаси	4	22,5	1	2,5	5	29,0
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2	3,0	4	22,0	3	5,5
Бухоро	1	5,0	1	7,0	2	7,0
Жиззах	-	-	-	-	2	11,0
Қашқадарё	1	10,0	1	2,0	3	23,8
Навоий	1	1,5	1	7,0	2	8,5
Наманган	1	7,0	3	7,0	7	48,3
Самарқанд	4	45,0	-	-	4	45,0
Сурхондарё	2	15,0	2	5,5	6	19,8
Сирдарё	1	10,0	1	2,5	1	35,0
Тошкент	4	45,0	1	7,0	5	55,0
Фарғона	2	15,0	-	-	10	30,3
Хоразм	2	46,0	-	-	7	52,0
<b>Жами</b>	<b>25</b>	<b>225,0</b>	<b>15</b>	<b>62,5</b>	<b>57</b>	<b>370,2</b>

<sup>25</sup>. Ўзбаликсаноат уюшмаси маълумотлари асосида У.Х.Беглаев томонидан тўзилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 97 тани ташкил этиб умумий 657, 7 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу қўрсатгич мавжуд балиқчилик хўжаликларини етарли даражада таъминлай олмаслиги четдан қиммат нарҳда озуқа сотиб олишга мажбур бўлаётганлиги соҳани янада ривожлантиришни таққазо этади.

## **17.2 Балиқчилик маҳсулотларини сотиш тизимини бошқаришда давлатнинг тутган ўрни**

Мамлакатимизда балиқчилик соҳасидаги балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, соҳани тубдан модеринизация қилиш учун балиқчилик кластерларини ташкил этиш ҳар бир вилоят ҳудудида йирик балиқчилик кластерлари бўлиши юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал бўлишига имкон беради.

Балиқчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида, 2019-2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этиш бўйича мамлакатимизда керакли чоралар ишлаб чиқилди. Бу эса тўла циклли инкубацион цехлар фаолиятини, балиқ ва увилдириқларни етиштириш, балиқ учун оқсилга бой озуқа ишлаб чиқариш, балиқни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини сақлашнинг тўлиқ жараёнини ўзаро боғлаш имконини беради.

Балиқчилиқда кластерларни ташкил этиш хўжалик фақат балиқ етиштириш билан эмас балки саноатлашган тармоқни йўлга қўйиб юритиши мумкин бўлади. Балиқчилик калстерларини ташкил этиш соҳа билан бир вақтда саноат, наслчилик, ветеринария, қайта ишлаш ривожланиши кўзда тутилади. (17.2.1-расм)

## 17.2.1-pacM

## 18 БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ КЛАСТЕРИ<sup>26</sup>



<sup>26</sup>. У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқотлари натижалари асосида иилаб чиқилган.

Балиқчилик кластерларини мамлакатимиз бўйича тадбиқ этиш балиқ маҳсулотларини аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Кластер жорий этишда муҳит, имкониятлар, шартшароитлар ўрганиб чиқилиш лозим.

Иқтисодётни модернизациялаш шароитида бозорииинг ўзига хос жихатлари, хусусан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг кўп сонлилиги, балиқчиликнинг табиий ресурсларга узвий боғликлиги, маҳсулотнииг тез бузилувчанлиги, уни сақлаш ва ташиш қийинлиги каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Ушбу хусусиятлар балиқчилик кластерларини ташкил этишда ўз таъсирини кўрсатади (17.2.1-жадвал).

### **17.2.1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикаси балиқчилик хўжаликларининг қуий кластер тузулиши<sup>27</sup>.**

<b>Ишлаб чиқариш инфратузулмаси субъектлари</b>	<b>Балиқ маҳсулотлари етиштириш субъектлари</b>	<b>Бозор инфратузилмаси субъектлари</b>	<b>Истеъмолчилар</b>
Техника воситалари таъминоти ташкилотлари	Агрофермалар	Банклар	Аҳоли
Сувдан фойдаланиш	Фермер хўжаликлар	Ахборот таъминоти ва консалтинг шаҳобчаси	“Озиқ-овқатхолдинг”
Уруғлик	Деҳқон хўжаликлари	Ички бозорга маҳсулот етказиб берувчи агрофирмалар	“Балиқ консерва” ташкилотлари
Транспорт ҳизмати кўрсатиш шаҳобчаси	МЧЖ лар	Улгуржи ва чакана савдо тизими(Дала-дўқон, ярмарка)	Умумий овқатланиш шаҳобчалари
Қайта ишлаш ва қадоқлаш		Экспортчи	Хориж истеъмолчилари
Талаб ва таклиф мутаносиблиги			

<sup>27</sup>. Манбаа: У.Х.Беглаевнинг илмий тадқикотлари натижалари асосида иилаб чиқилган.

Балиқчилик хўжаликларининг қуи кластерининг барча қатнашчилари бир-бирлари билан ташкилий-иқтисодий механизмлар ёрдамида муносабатда бўлиб, фаолиятини хам қамраб оладиган умумий характерини ҳисобга олган холда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини шакллантиради.

Шу билан бир қаторда балиқчилик кластерларини ташкил этиш бошқарув структурасини ишлаб чиқиш уни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифа бўлиб турубди. Мамлакатимизда кластерларни ташкил этиш бўйича қўпгина амалий ишларни йўлга қўйилганлиги Қашқадарё вилоятида балиқчилик кластерларининг деярли йўқлиги бошқарув фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда балиқчилик кластерларининг бошқарув структурасини шакллантириш муҳим вазифа саналади.(17.2.2-расм)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРЛарНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗУЛМАСИ<sup>28</sup>.**



<sup>28</sup>. Манбаа: У.Х.Беглаевнинг илмий тадқиқотлари натижалари асосида иилаб чиқилган.

**Мисол.** Наманган вилояти—“Наманганбалиқсаноат” МЧЖ томонидан 175 га майдонда Хитой халқ республикаси билан ҳамкорликда кластер усулида инновацион технопарк ташкил этилиши кўзда тутилган. Бунда, балиқ етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, балиқлар учун бойитилган омухта ем ишлаб чиқариш ва экспортга маҳсулот сотиш мўлжалланган.

### **17.3. Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлашда сақлашда иқтисодий муносабатларни шакллантириш**

Янги замонавий технологиялар асосида юқори даражада маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш; балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш тартибини қўллаган ҳолда, узоқ муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштириш қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Бу чора-тадбирлар эса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, хўжаликлар даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини берадиган асосий омил сифатида эътироф этилади.

Қашқадарё вилоятида балиқчилик хўжаликларининг таркибий тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлган моддий техника базаси билан таъминлаш вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда энг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар вилоятнинг турли ҳудудларига тўғри келади. Ушбу корхоналарнинг афзаллик томони шундаки, барчаси аҳоли яшайдиган манзилгоҳларга яқин ва шуни ҳисобга олиб, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ муаммолар деярли кузатилмаган. Сабаби, шаҳардаги 90 % савдо мажмуалари, супермаркетлар, минимаркетлар, бозор расталари терминаллар билан таъминланган ва аҳоли

учун сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу савдо марказлари ўз вақтида балиқчилик хўжаликлари етишириган маҳсулотлари билан биргалиқда уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Шу сабабли, биз таҳлиллар орқали балиқчилик хўжаликларининг ҳам манфаатларини қондириш учун қайта ишлаш корҳоналарини кўпайтишимиз маҳсулотларни ички бозорга эмас балки чет малакатларига экспорт қилиш имкони яратишимиз ҳамда хўжалик раҳбарларининг соҳа бўйича иқтисодий саводхонлигини ошириш керак.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- балиқчилик хўжаликларини ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинг ахборотлари билан таъминлайдиган, уларни хўжалик юритишнинг замонавий қоида ва усулларига ўргатадиган маҳсус хизматлар ташкил этиш;
- илгор агротехнология ва қишлоқ хўжалиги иқтисоди масалалари бўйича балиқчилик хўжаликлари бошлиқларининг малакасини ошириш ва касбга ўқитиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тизимлар ишини янада жонлантириш;
- балиқчилик хўжаликлари манфаатини қондириш мақсадида уларда етиширилган маҳсулотларни сотиш учун қулайликлар яратиш ва балиқчилиқда замонавий савдо ускуналари ва омборхоналар, терминаллар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш;
- балиқчилиқда иқтисодий кўрсатгичларни оширишга эришиш;
- балиқчилик хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам интенсив, ҳам экстенсив ривожлантириш йўлларини излаб топиш;
- шунингдек, қайта ишлаб чиқаришни балиқчилик хўжалиги негизида ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ва даромадини оширишга қаратилган ички ва чет эл инвестицияларини киритиш;
- балиқчилик хўжаликлари таркибида инфратузилмани ривожлантириш;
- балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш учун микрокредитлар беришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

**17.3.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида саноатда балиқ маҳсулотларининг айrim турларини ишлаб чиқариш тўғрисида**

**маълумот**

№	Худудлар бўйича ишлаб чиқарилаётган балиқ маҳсулотлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил	
		тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм
1	Балиқ гўшти (фарш) янги ёки музлатилган	2473,54	18169536,00	3057,2	29659490,00	5163,1	60210203,0	5115,2	54696747,2	5677,8	68522331,7
	Бухоро	15,9	278313	21,4	387332	31,0	602550	28	642000	12	324000
	Жиззах	473,8	1048996	250,2	1298761	53,1	539118	54,1	678071	-	-
	Қашқадарё	1,1	21100	-	-	-	-	-	-	-	-
	Навоий	21,0	395400	126,5	1984896	159,0	2516530	122,6	2464474	79,2	1623495
	Самарқанд	1036,4	7798613	1085,0	9409112	1097,0	10464289	874	8337091	1268	12823312
	Сирдарё	117,0	1304406	100,0	1195460	2255,0	29253057	2256,9	17086225,6	2170,2	18839311,7
	Тошкент ш	1,0	7500	1,0	16780	-	-	-	-	311,59	2780142
	Тошкент	65,0	457793	80,8	646685	-	-	-	-	0,1	4897
	Фаргона	247,5	2499346	595,2	4132313	792,2	5403726	791,1	5692599,6	898,7	7859089
2	Хоразм	118,0	1270321	120,0	1291852	125,0	1345679	115	1245070	-	-
	Қорақалпоғистон Р	364,2	2935348	677,1	9296299	650,8	10085254	873,5	18551216	938	24268085
	Бошқа худудлар	12,7	152400	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Янги ёки совутилган балиқ жигари ва гўшти	36,4	488723,00	143,0	2387934,0	354,4	6703986,0	0,8	15880,00	1,03	11352,0
	Қашқадарё	34,0	476000	139,0	2334761	350,0	6654128	-	-	-	-
	Фаргона	2,0	5497	3,2	35497	3,9	40071	-	-	1,03	11352,0
	Қорақалпоғистон Р	0,4	7226	0,8	17676	0,5	9787	0,8	15880	-	-
3	Музлатилган балиқ	1597,9	15250421,0	1551,2	17076403,0	2283,9	20216031,0	1258,3	18035357,0	509,3	8223155,0
	Жиззах	-	-	6,4	45266	-	-	-	-	-	-
	Навоий	575	2388282	562,5	2957497	1283,7	5458878	161,5	1869700	129,0	2193000

№	Худудлар бўйича ишлаб чиқарилаётган балиқ маҳсулотлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил	
		тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм	тонна	минг сўм
	Тошкент ш	47,7	611798	58,916	939761	84,4	1423518	254,4	3504097	162,5	3144288
	Тошкент	808	11297342	853,8	12834713	903,74	13104255	828,9	12392285	215,0	2817758
	Хоразм	25	278426	-	-	-	-	-	-	1,0	22000
	Қорақалпогистон Р	142,15	674573	69,57	299166	12,08	229380	13,48	269275	1,8	46109
4	<b>Музлатилган балиқ филеси</b>	-	-	-	-	<b>167,0</b>	<b>2683598,0</b>	<b>398,6</b>	<b>8278510,0</b>	<b>213</b>	<b>4473342,0</b>
	Жиззах	-	-	-	-	167	2683598	398,6	8278510	213	4473342
5	<b>Бошқа турдаги балиқ гўшти</b>	<b>60,0</b>	<b>356121,0</b>	<b>32,3</b>	<b>329006,0</b>	<b>18,1</b>	<b>347839,0</b>	<b>200,0</b>	<b>749642,0</b>	<b>7,0</b>	<b>156700,0</b>
	Бухоро	1	5200	-	-	-	-	-	-	-	-
	Навоий	27,4	162957	20,63	112413	-	-	-	-	-	-
	Наманган	-	-	-	-	-	-	200	749642		
	Фарғона									3	26700
	Тошкент ш	-	-	4	146742	5	248989	-	-	4	130000
	Қорақалпогистон Р	31,6	187964	7,7	69851	13,1	98850	-	-		
6	<b>Балиқ гўшти (курутилган, тузланган ёки тузланмаган)</b>	<b>2,8</b>	<b>91922,0</b>	<b>3,1</b>	<b>100700,0</b>	<b>8,0</b>	<b>297650,0</b>	<b>4,9</b>	<b>263800,0</b>	<b>6,0</b>	<b>312796,0</b>
	Тошкент ш	2,8	91922,0	3,1	100700,0	8,0	297650,0	4,9	263800,0	6,0	312796,0
7	<b>Ярим курутилган ва курутилган балиқ (тузланган ёки тузланмаган)</b>	<b>21,1</b>	<b>19700,0</b>	<b>0,1</b>	<b>1850,0</b>	<b>0,1</b>	<b>2200,0</b>	-	-		
	Самарқанд	0,1	2200,0	0,1	1850,0	0,1	2200,0	-	-		
	Қорақалпогистон Р	21,0	17500,0	-	-	-	-	-	-		
8	<b>Тузланган ва маринад қилинган балиқ</b>	<b>41,1</b>	<b>374469,0</b>	<b>15,8</b>	<b>291613,0</b>	<b>6,7</b>	<b>166457,0</b>	<b>4,3</b>	<b>249114,0</b>	<b>16,2</b>	<b>859783,0</b>

№	Худудлар бўйича ишлаб чиқариладиган балиқ маҳсулотлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил	
		тонна	минг сўм								
	Тошкент в									2,5	102736,0
	Тошкент ш	41,1	374469	9,8	261963	6,7	166457	4,3	249114	13,7	757047,0
	Қорақалпогистон Р	-	-	6,0	29650	-	-	-	-		
9	Балиқ филетоси ва қурутилган балиқ	465,7	4495453,0	292,7	4383101,0	161,3	2981220,0	498,3	8594238,0	350,6	7252153,2
	Жиззах	39	478055	45	565484	36	457420	36,3	561600		
	Қашқадарё	-	-	-	-	-	-	352	5280000	205	3089759
	Сирдарё	5	75000	3	41455	4	56254	4,1	61431	4,3	77313,2
	Тошкент ш	400	3605990	167,675	2410290	40,73	761075	4,856	297456	17,9	733484
	Хоразм	1	6395	-	-	-	-	-	-		
	Қорақалпогистон Р	20,65	330013	77,027	1365872	80,6	1706471	101	2393751	123,4	3351597
10	Консерваланган балиқ	84,0	1234945,0	83,0	1279287,0	187,1	3070683,0	148,8	2831461,0	70,4	1700401,0
	Жиззах	28	174372	30	195648	32,5	236658	32,8	715475	45,4	1022879
	Хоразм									2,0	125000
	Тошкент ш	56	1060573	53	1083639	94	1621925	97,82	1742209	0,1	1551
	Қорақалпогистон Р	-	-	-	-	60,6	1212100	18,2	373777	22,9	550971
11	Турли балиқлардан тайёрланган консерваланган маҳсулотлар	14,7	44834,0	0,02	3000,0	11,3	534432,0	12,7	557600,0	2,0	51865,0
	Самарқанд	14,6	38825	-	-	-	-	-	-		
	Тошкент ш	0,059	6009	0,02	3000	11,3	534432	7,3	422839		
	Тошкент	-	-	-	-	-	-	5,4	134761	2,0	51865
12	Икра ва икра ўрнини босувчи маҳсулотлар	0,8	35634,0	0,6	29628,0	0,9	47160,0	0,3	20179,0	0,5	41013,0
	Тошкент ш	0,8	35634	0,6	29628	0,9	47160	0,3	20179	0,5	41013

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак балиқ маҳсулотлари саноатда қайта ишлаш йўли орқали турли ҳил балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш аҳолини талабини қондириши ҳамда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини қўришимиз мумкин.

Балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳудудлар кесимида балиқ гўшти (фарш) янги ёки музлатилган, музлатилган балиқ, музлатилган балиқ филеси, тузланган ва маринад қилинган балиқ, консерваланган балиқ, балиқ икраси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб ҳудудлар ўз саноатини ривожлантириб бормоқда.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлашининг аҳамияти нимада?*
2. *Балиқчилик соҳасини технологик модернизация қилишини изоҳла беринг.*
3. *Балиқчилик соҳаси маҳсулотларини қайта ишлаши соҳаларини технологик модернизация қилиши аҳамияти нимадан иборат?*
4. *Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотини қайта ишлаш саноатин ишлаб чиқаришини мутоносиблик ривожлантириши муаммолари ечими нимада?.*
5. *Келгусида балиқчилик соҳасида маҳсулотни қайта ишлашини иқтисодий самарадорлигини ошириши йўлларини кўрсатиб ўтинг.*
- 6. Балиқчилик соҳасида балиқ кластери деганда нимани тушунасиз?**

## Глоссарийлар

**Аграр муносабатлар** – бу балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ашлаш, сотиш ва балиқчилик соҳаси воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман субъектлар ўртасидаги муносабатларидир.

**Асосий фонд (восита)** – бу балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ишларини бажариш ва хизмат кўрсатишида бир ва ундан ортиқ йил давомида қисмларга бўлинган ҳолда (амортизация шаклида) фойдаланиладиган мол-мулкининг бир қисми бўлиб, ўз қийматини балиқ маҳсулоти, иш ва хизматнинг таннархига айлантиради.

**Аҳолининг бандлиги** – одамларнинг ўзларининг шахсий эҳтиёжларини қондирилиши билан боғлиқ бўлган ва уларга меҳнат даромадлари келтирувчи, шунингдек, хақ тўлайдиган ишларни бажариши билан боғлиқ бўлмаган (бала тарбияси, уй хўжалик юритиш, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиши,ижтимоий фаолияти) фаолиятлардир.

**Балиқчилик тармоғида банд аҳоли** – ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган шахсадир.

**Балиқчилик тармоғида иқтисодий фаол аҳоли (ишли кучи)-моддий қийматликлар яъни балиқ маҳсулоти ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатишида иштирок этишга имкониятли шахсларнинг йиғиндисидир.**

**Балиқчилик тармоғида иқтисодий фаолият билан бандлар** – товар ишлаб чиқариш ва турли хил хизматлар кўрсатишида қатнашиб, шунга боғлиқ ҳолда ўз даромадлари борасида бошқа одамлар гурухи - шахслар ёки жамият билан муносабатга киришувчи шахслардир.

**Балиқчилик агросаноат мажмуи (БАСМ)** – балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимот, айирбошлиш ва истеъмоли бўйича иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуудир.

**Балиқчилик АСМнинг асосий мақсади** – мамлакат аҳолисини сифатли балиқ маҳсулотлари ва истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир.

**Балиқчилик дехқон хўжалиги** – бу хусусий мулкка асосланган бўлиб, тегишли ер майдонида, оила аъзолари билан ҳамкорликда балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариб, оила аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ва юқори даромад олишга интилувчи, давлат ва бошқа бозор субъектлари томонидан ташки таъсирини сезувчи бозор иқтисодиёти субъектидир.

**Балиқчилик соҳаси ичидаги рақобат** – ҳар бир балиқчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси турлича бўлган қўплаб корхоналар характерланади.

**Балиқчилик соҳаси** – қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлардан бири бўлиб, мамлакат аҳолиси учун озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати учун хом-ашё етказиб беради.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариш кооперативи** – фермерлар томонидан балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ҳамкорликдаги фаолият учун тузилган тижорат ташкилотидир.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини концентрациялаш** – ўзида ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш кучларининг йирик балиқчилик корхоналарга тўпланишини билдиради.

**Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштиришнинг асосий мезони** – меҳнат сарфини максимал даражада тежашидир.

**Балиқчилик соҳаси кооперативи** – бу хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир. У ўзида балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан кооператив аъзоларининг моддий ва бошқа талабларини қондириш мақсадида пай бадалларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш ва бошқача хўжалик фаолият юритиш ташкилотларини билдиради.

**Балиқчилик соҳаси кооперацияси** – бу балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзларининг иқтисодий ва бошқа талабларини қондириш мақсадларида ташкил этилган балиқчилик соҳаси кооперативлари ва уларнинг ҳамкорлари тизими.

**Балиқчилик соҳаси масулотлари бозорлари** бир-бири билан боғлиқ худуд ва минтақа ичидаги таркибий қисмларнинг мураккаб тизимларини ўзларида акс эттиради.

**Балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сифати** – унинг ўз вазифасига кўра мос равища маълум талабни қондиришга асосланадиган хусусиятларининг йиғиндисидир.

**Балиқчилик соҳаси самарадорлиги** – такрор ишлаб чиқариш балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришгина эмас, тақсимлаш, алмашиш, истеъмол каби даврлар фаолиятининг натижавийлигига ҳам боғлиқ.

**Балиқчилик соҳасида бозор механизми** – бу бозор мувозанатининг талаб ва таклиф орасида шаклланишидир.

**Балиқчилик соҳасида бозор структураси** – бу бозор рақобати мавжуд бўлган шарт-шароитидир.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулотлари йиғиндисини такрор ишлаб чиқариш** – ўзига ишлаб чиқаришнинг мунтазам жараёнини, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қисмини қамраб олишидир.

**Балиқчилик соҳасида меҳнат ресурслари** – мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлиб, у балиқчилик тармоғида ишлаш учун жисмоний имкониятлар, билим ва амалий тажриба йиғиндисига эга бўлади.

**Балиқчилик соҳасида нарх (баҳо)** – товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, меҳнатнинг уни ишлаб чиқаришга қилган харажати жамият заруриятига кўра аниқланади.

**Балиқчилик соҳасида рақобат** – балиқчилик соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчининг кўпроқ даромад олиш мақсадида

ўз маҳсулотларини фойдалироқ шароитда ишлаб чиқариш ва сотиш учун рақобатлашувиdir.

**Балиқчилик соҳасида таклиф** – сотувчи учун мақбул нархда, аниқ бозорда сотилиши мумкин бўлган маълум номенклатурадаги балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сони.

**Балиқчилик соҳасида таққослама баҳолар** – қайсиdir бир ҳолдаги базага ёки йилга нисбатан ишлаб чиқариш хажмини қийматда ифодалаб таққосланадиган ягона мамлакат нархлариidir.

**Балиқчилик соҳасида талаб** – аниқ бозорда харидор учун тўғри келадиган нархда сотиб олиниши мумкин бўлган маълум номенклатурадаги балиқчилик соҳаси маҳсулотлари сони.

**Балиқчилик соҳасида улгуржи баҳо** – бу улгуржи савдо деб аталағидиган шароитларда йирик партиялар билан сотиладиган балиқ маҳсулотлар нархиidir.

**Балиқчилик соҳасида чакана баҳолар** – балиқ маҳсулотларини чакана савдо тармоқлари орқали сотиладиган баҳоларга айтилади.

**Балиқчилик соҳасида эркин (бозор) баҳо** – давлат органларининг бевосита нархга аралашувларидан озод бўлиб, бозор конъюнктураси, талаб ва таклифлар таъсирида шаклланади.

**Балиқчилик соҳасида айланма воситалар** – деганда ишлаб чиқариш даврида бир марта иштирок этадиган ва ўз қийматини тўлиғича тайёр балиқ маҳсулоти таннархига ўтказувчи моддий-пул маблағларининг йифиндиси тушунилади.

**Балиқчилик соҳасида айланма маблағларнинг шаклланиш манбалари** – хусусий, қарзга олинган ва жалб этилган маблағлардир.

**Балиқчилик соҳасида асосий харажатлар** – маълум турдаги балиқ маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан бевосита боғлиқ (уруглиқ, озуқа, иш ҳақи ва бошқалар).

**Балиқчилик соҳасида биржа битими** – биржা савдолари давомида унинг қатнашчилари томонидан биржага муомалага киритилган балиқ маҳсулотига нисбатан биржа шартномаси (контракти) шаклида хукуқ ва мажбуриятларни ўзаро олди-бердиси хақидаги келишув.

**Балиқчилик соҳасида инновация** – дейилганда жамиятнинг турли ячейкаларида амалга оширилаётган ишлабчиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ни, унинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган маҳсус инновацион фаолият тушунилади.

**Балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш харажатлари** – балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлиқ.

**Балиқчилик соҳасида ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш** – ҳозирги замон ишчиси-ижодий, илмий-техника тараққиётини ўзлаштиришга қодир хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишлаб чиқариш

самарадорлиги ошишидан иқтисодий манфаатдор бўла оладиган ишчиларни тайёрлашда ифодаланади.

**Балиқчилик соҳасида маркетинг** – корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва илмий-техник фаолиятининг бозор ва унинг конъюнктураларини, истеъмолчиларнинг аниқ талабларини комплекс ўрганиш мажмуасидир.

**Балиқчилик соҳасида маҳсулотларни реализация қилиш воситалари** – сотища воситачи ёки қатнашчи бўлувчи, аниқ товарни ўзига қабул қилувчи ёки бошқа бирорга ишлаб чиқаришдан истеъмолчига эгалик хукуқини беришга ёрдамлашувчи юридик ва жисмоний шахслар йигиндисидир.

**Балиқчилик соҳасида маъмурий харажатлар** – ишлаб чиқаришга хизмат қўрсатиш ва уни бошқариш билан боғлиқ ва яхлитлигича тармоқ ёки хўжалиги бўйича ҳисобланади.

**Балиқчилик соҳасида меҳнат унумдорлиги** – аниқ меҳнатнинг иш вақти бирлигига маълум миқдорда балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш хусусияти.

**Балиқчилик соҳасида монополистик рақобат** – бозори ягона эмас, кенг диапозонли нархлар билан савдо қилаётган кўплаб сотувчилар ва харидорлардан иборат бўлади. Бу сотувчиларнинг сифат, хоссаси, ташқи шаклига кўра бир-биридан фарқланадиган товарларнинг ҳар хил турини харидорларга таклиф эта билиш қобилияти билан шарҳланади.

**Балиқчилик соҳасида ноишлаб чиқариш харажатлари** – балиқ маҳсулоти реализацияси бўйича харажатлар, реализация қилинган балиқ маҳсулотларининг табиий камайиш чегарасидаги камомади, юқори ташкилотларга қилинган сарфлар ва шу кабиларни қамраб олади.

**Балиқчилик соҳасида олигополистик бозор** – сотувчиларнинг унча кўп бўлмаган сонидан иборат бўлади, чунки янги талабгорлар бу бозорга кира олмайдилар.

**Балиқчилик соҳасида опцион битимлар** – фьючерс битимларнинг мантикий давомидир.

**Балиқчилик соҳасида рақобат** – деганда, бозорда кўп сонли мустақил харидорлар ва сотувчилар мавжудлиги ва улар учун бозорга кириб, харид қилиш учун teng имкониятлар берилиши тушунилади.

**Балиқчилик соҳасида соф рақобат** – бозори қандайдир ўхшаш балиқ маҳсулотига кўплаб сотувчилар ва харидорлар мажмуидан иборат бўлади.

**Балиқчилик соҳасида стандарт** – кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган, стандартлаштиришнинг маълум обьектига тегишли умумий қоидалари, характеристикалари, талаб ва услублари белгиланган норматив техник хужжат, стандартлаштириш обьекти аниқ маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар, нормалар, методлар ва бошқа бўлиши мумкин.

**Балиқчилик соҳасида такрор ишлаб чиқариш жараёни** – бу доимий алоқадорлиги кўриб чиқиладиган ва мунтазам янгидан бошланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёнидир.

**Балиқчилик соҳасида таннархни калькуляция қилиш** – бу балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, иш хизматга қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасини ҳисоблаш тизими.

**Балиқчилик соҳасида улгуржи савдо** – балиқ маҳсулотини сотиб олиб сақлайдиган, кейин уларни бошқа савдо ташкилотларига чакана савдода қайта сотадиган юридик ва жисмоний шахслар йифиндиси.

**Балиқчилик соҳасида умумишлиб чиқариш харажатлари** – умумбригада, умумферма, умумзех ва умумтармоқ харажатларидан таркиб топади.

**Балиқчилик соҳасида фьючерс битимлар** – биржা балиқ маҳсулотини етказиб беришга нисбатан стандарт контрактларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ўзаро бир-бирига беришни билдиради.

**Балиқчилик соҳасида чакана савдо** – бу балиқ маҳсулотини шахсий оиласвий ва уйда фойдаланиш учун охирги истеъмолчиларга сотиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти.

**Балиқчилик соҳасида ялпи маҳсулот** – бу балиқчилик тармоғида маълум давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барча ҳажмини билдиради.

**Балиқчилик соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади** – инсон омилиниң роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан мафаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

**Балиқчилик соҳасини жойлаштириш** – бу алоҳида тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мамлакатнинг республика, вилоят ва туманлар бўйича тақсимлаш бўлиб, жараён узок давом этувчи ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кўра ўзгарувчандир. Балиқчилик соҳасини энг тўлиқ жойлаштирилишини ушбу худудда маълум турдаги балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва балиқ маҳсулотининг ялпи ва товар маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги алоҳида худудларнинг ҳиссаси каби кўрсаткичлар билан изоҳланади.

**Балиқчилик соҳасининг инвестицион-инновацион ривожланиши** – бу кенг қамровли фаол жараён бўлиб, молиявий ресурслардан фойдаланиш, қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш, инвесторларни излаш жараёни, янги билим ва ғоялар, янги технологияларни қўллаш, жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарувнинг янги шаклларини амалиётда қўллаш билан чамбарчас боғлиқдир.

**Балиқчилик соҳасининг товар маҳсулотлари** – бу ялпи маҳсулотнинг реализацияга мўлжалланган бир қисмидир.

**Балиқчилик соҳасининг ялпи маҳсулоти** – бу маълум даврда балиқчилик корхоналари томонидан балиқ маҳсулоти корхона ичида фойдаланиладими ёки келгуси ишлаб чиқарилиши учунми ёки бошқа томонга реализация қилинишдан қатъий назар ишлаб чиқарилган балиқ маҳсулотидир.

**Балиқчиликда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати** – бу харид қилиш, етказиб бериш, машина ва ускуналарнинг монтажига, бинолар ва иншоотлар қурилишига ва уларни эксплуатацияга киритишга ҳамда бошқаларга қилинган ҳақиқий сарф-харажатларнинг ҳисоб-китобидир.

**Балиқчиликда бозорни сегментлаш** – бу балиқ маҳсулотига бир хилда талаб қўювчи истеъмолчилар гуруҳини ажратиш.

**Балиқчиликдаги ялпи маҳсулот** – бу балиқларни боқиш билан боғлик бўлган тайёр маҳсулотлар (балиқ) зотли насл шунингдек, қўшимча маҳсулотлардир.

**Баҳо** – товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Қиймат товар ишлаб чиқаришга қилинган меҳнат сарфлари билан белгиланади, яъни меҳнат табиатига эга. Бироқ, бундай белгилаш табиий чеклашларга эга, чунки баҳо фақат меҳнат маҳсулотларига қўлланади.

**Бевосита харажатлар** – ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, чегирилган асосий ва қўшимча иш ҳақлари, уруғлик, озуқа, балиқчилик соҳаси машиналарига ускуналар, қурилиш ва иншоотлар, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган аниқ турдаги маҳсулотлар, жорий таъмирлаш, автотранспортлар ва бошқалар.

**Билвосита харажатлар** – балиқчилик соҳаси бригада, ферма, бўлинма, барча хўжалик билан (умумишлиб чиқариш, умумхўжалиги) боғлиқ.

**Бозор** – бу товар, маҳсулот, иш ёки хизматларнинг реализация қилиниши боис юзага келадиган алмашув соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йигиндисидир.

**Бозор сервиси** – бевосита балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасада, балиқчилик хўжалигининг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади.

**Вертикал интеграция** – тармоқлараро алоқаларнинг ривожланишини ўзаро технологик жиҳатдан балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларни саноатда қайта ишлаб чиқарилишида алоқадор бўлган балиқчилик соҳаси ва саноат ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг ривожланишини ифодалайди.

**Гипотеза** – бирор бир воқеа-ҳодисанинг илмий назария бўла олиши учун уни тажрибада синаб кўриш ва назарий жиҳатдан асослаб бериш учун бериладиган илмий таклифdir.

**Горизонтал интеграция** – ўзида битта тармоқ ичидаги корхоналарнинг ўзаро алоқасини акс эттиради.

**Диверсификация** – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорини кенгайтириш мақсадида балиқчилик соҳаси корхоналари фаолиятини кенгайтириш, балиқ маҳсулоти ва хизматларнинг ассортиментини кўпайтиришdir.

**Дивидендлар** – асосий аъзоларнинг қўшимча пайлари ва кооперативнинг уюшма аъзолари пайлари бўйича тўланадиган кооператив даромадининг бир қисми.

**Доимий харажатлар** – миқдори ишлаб чиқариладиган балиқ маҳсулоти ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлардир.

**Ёндош маҳсулот** – битта балиқчилик соҳаси бир турдаги балиқдан олинадиган икки ёки ундан ортиқ турдаги маҳсулот. Масалан, зотли насл ва бошқалар.

**Ер бонитировкаси** – бу тупроқнинг унумдорлигига кўра, ерларни бир-бирига таққослаш, солиштириш баҳосидир.

**Ер ресурслари** – бу қуруқлик юзасининг жами йифиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий обьектлар киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик ва бошқа тирик организмлар, сув обьектлари.

**Жаҳон баҳолари** – ўзида ё бутун жаҳон бозорларида амалда бўлган ҳақиқий нархларни ёки халқаро савдо олиб борувчи ташкилотларнинг маълум даврда тан олган нархларини акс эттиради.

**Зоналар бўйича ихтисослашув** – бу меҳнатнинг географик бўлиниши. У балиқчилик соҳасининг ҳудудий жойлашувини акс эттиради. Балиқчилик соҳаси ишлаб чиқариш натижаларининг табиий-иқлим ва сув шароитларига боғлиқлиги меҳнатнинг географик бўлиниши заруратини келтириб чиқаради.

**Ижтимоий сервис** – таркиби балиқчилик соҳасида ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, тураг жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника ҳавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради.

**Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик** – тайёрланган иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий манфаатлар реализациясини ифодалайди ва корхонанинг бутунича иш самарадорлигини аниқлайди.

**Йиллик иқтисодий самара** – деганда, балиқчилик соҳасида олинган иқтисодий тежам тушунилади. Янги технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига эса фойданинг ўсиши, таннархнинг камайиши каби кўрсаткичлар киради.

**Иқтисодий муносабатлар** – бу ишлаб чиқариш жараёнида корхоналарнинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқарувчи муносабатлар шаклидир.

**Иқтисодий ишлаб чиқариш** – иқтисодий самарадорлик - технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий механизмларининг биргалиқдаги таъсири натижалари.

**Иқтисодий ўшиш омиллари** – деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ўшиш самарадорлиги ва сифатини орттириш имкониятларини белгилайдиган ҳолат ва жараёнлар тушунилади.

**Иқтисодий-математик усули** – ўз ичига математик статистика, ишлаб чиқариш функциялари ва иқтисодий-математик моделлаштирилишини олади ва ҳ.к.

**Илмий абстракция усули** – ушбу усулда ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратилиб, таҳлил вақтида чалғитиши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисалар фикрдан четлаштирилади (масалан, талаб қонуни ўрганилаётган вақтда фақатгина талаб ва баҳо ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлил қилиниб, бошқа ҳолатлар давлатнинг нарх сиёсати, рақобат, бозорнинг тўйинганлик даражаси ва бошқалар эътиборга олинмайди).

**Инвестиция** – даромад (фойда) олиш мақсадида пул маблағлари (капитал)ни балиқчилик соҳасига узоқ муддатга қўйишидир.

**Индукция ва дедукция усули** – бир-бирига қарама-карши бўлган, аммо ўзаро боғлиқлиқдаги фикрлаш усулидир. Фикрнинг хусусий фактлардан умумий фактларга қараб ҳаракати индуция, аксинча умумий фактлардан хусусий фактларга томон ҳаракати дедукция деб аталади. Индуция ва дедукция усуллари гипотеза ҳақидаги фикрларни илгари суради.

**Инновация** – инновацион фаолиятнинг якуний натижаси бўлиб, янги ёки такомиллаштирилган кўринишда юзага чиққан ва бозорга киритилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, энг сўнгти тадқиқотлар ёки ихтиrolарнинг натижаларига асосланган тарзда ижтимоий хизматларга янгича ёндашув сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

**Институционал сервис** – балиқчилик соҳаси иқтисодиёти ривожланишининг оптималь макроиктисодий нисбатларини қўллаб-кувватловчи ва тартибга солувчи соҳаларнинг фаолият турларини ўз ичига олади.

**Интенсив йўл** – яъни, фойдаланилаётган ер ва сувларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, балиқчиликда зоотехнология, ветеринария ишларини ривожлантириш асосида балиқларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

**Интенсивлаш** – умумлаштириш, серунумлик деган маъноларни англатади.

**Инфратузилма** – (лот. *infra* - остида, *structura* – тузилиши, ўзаро жойлашуви; ингл. *infrastructure*) - тақрор ишлаб чиқариш (йўллар, алоқа транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқалар) шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир.

**Ирригация** – деганда, сув ресурслари билан таъминлаш ва сув иншоотлари фаолияти тушунилади.

**Ишлаб чиқариш кооперативи** – тижорат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади даромад топишидир.

**Ишлаб чиқариш муносабатларини тақрор ишлаб чиқариш** – кўп укладлилик, демократия, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий механизмларни янгилаш асосида мулк эгалиги муносабатларини тақрор ишлаб чиқаришни билдиради.

**Ишлаб чиқариш сервиси** – бевосита балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.

**Ишлаб чиқарувчи асосий фондлар** – бу балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишида бевосита иштирок этувчи маблағлардир.

**Кадастр қиймати** – деганда ҳисобдаги рентадан келаётган даромад ҳам тушунилади.

**Кооператив тўловлар** – кооперативнинг асосий аъзолари орасида уларнинг кооперативдаги шахсий меҳнат қатнашуви ва унинг фаолиятида иштирокига кўра тақсимланадиган даромаднинг бир қисми.

**Кооперативнинг асосий аъзоси** – кооператив устав (низом)ида белгиланган ўлчамда ва кооперативга овоз бериш хуқуқи билан пай бадали киритган жисмоний ва юридик шахслар.

**Кооперативнинг шаклидаги аъзоси** – дивиденд олиш учун пай бадаллари киритадиган, лекин қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари овоз бериш хуқуқига эга бўлмаган жисмоний ва юридик шахс.

**Корхонанинг жойлашиш ўрни** – балиқчилик соҳасини жойлаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Балиқ маҳсулотларини сақланиш ва транспортировка қилиниш хусусиятлари билан фарқланиши сабабли бу омилни етказиб бериш, транспорт йўллари, сақлаш жойлари, қайта ишлаш корхоналарининг жойлашуви каби омиллар билан бир вақтда кўриб чиқиш керак.

**Қўшимча маҳсулот** – бир вақтнинг ўзида асосий маҳсулотдан олинадиган, лекин иккинчи даражали аҳамиятга эга бўладиган маҳсулотдир.

**Мелиорация** – ернинг табиий унумдорлигини яхшилаш чоратадбирларинингжамланмасидир.

**Меҳнат** – бу инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлиб, унинг жараёнида моддий ва маънавий қийматликлар яратилади.

**Меҳнат бозори** – бу балиқчилик тармоқларида банд бўлган ишчи кучлари ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий шаклидир.

**Меҳнат унумдорлиги** – иш вақти бирлигига ёки маълум даврда (соат,смена,ой,йил) ишлаб чиқилган балиқ маҳсулоти ҳажмидир.

**Меҳнатнинг билвосита сарфлари** – тармоқларга хизмат кўрсатиши ва хўжалигини бошқариш билан бутунлай банд бўлган ишчиларнинг (агрономлар,зоотехниклар, муҳандис-техник ходимлар ва бошқалар) меҳнати.

**Меҳнатнинг тўғридан-тўғри сарфи** – бу ишчиларнинг маълум турдаги балиқ маҳсулоти ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ меҳнати. Улар турлича мос келувчи тармоқ маҳсулотига тегишли бўлади.

**Молиявий инвестициялар** – бу акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қофозлар сотиб олиш, пулларни фоиз ҳисобига банклардаги депозит ҳисоб рақамларига қўйиш.

**Мулк** – бу барча неъматларга эгалик қилиш ва фойдаланиш борасида инсонлар ўртасидаги мавжуд муносабатлардир. “Балиқчилик соҳаси

кооперативи – бу балиқ маҳсулот етиштирувчи, пай усулига ва оила пурдати (ижараси) га, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалиги юритувчи субъектдир”.

**Нарх (баҳо) тизими** – турли хил нархларнинг ўзаро алоқаси ва бирбирига боғлиқлигидир. Битта нархнинг ортиши ёки пасайиши, қоидага қўра, бошқа нарх даражаларида ўзгаришларни келтириб чиқаради

**Ноишлаб чиқариш фондлари** – балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, ишбажариш ва хизмат кўрсатишида иштирок этмайди.

**Олиб борилган илмий изланишлар натижасида инновация** – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол ҳусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси

**Реал инвестициялар** – пул маблағларини капитал қурилишлар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш учун қўйишдир. Реал инвестициялар – бу балиқчилик соҳасига капитал қўйиш.

**Рентабеллик** – бу балиқчилик соҳасининг фойда олиши, даромадлилигини акс эттирувчи иқтисодий категория ҳисобланади.

**Самара** – бу ўтказилган чора-тадбирлар натижаси. Масалан, бойитилган омухта емларни қўллаш самараси балиқ маҳсулдорлиги кўпайишида фойдалилигини билдиради.

**Сервис** – инглизча service сўзидан олинган бўлиб, хизмат кўрсатиши маъносини билдиради.

**Стандартлаштириш** – бу истеъмолчининг ўзига қулай нархда кўнглидагидек балиқ маҳсулотини сотиб олиш хуқуқини таъминловчи талабларни меъёр, тартиб-қоида ва характеристикаларни ишлаб чиқиш ва ўрнатишига йўналтирилган фаолият.

**Сув истеъмолчилари** – чекланган миқдордаги сувни олиш, ундан ва ички сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалиги ҳамда бошқа фаолиятларни амалга оширувчи балиқчилик фермер ва дехқон хўжалигилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслардир.

**Сув истеъмолчилари ўюшмаси(СИУ)** – бир ёки ундан ортиқ канал атрофидаги сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нотижорат ташкилот бўлиб, муайян миқдорда сув олиш, ундан фойдаланиш ва оқовага чиқариш билан боғлиқхўжалиги фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи фермер ва дехқон хўжалигилари ҳамда бошқа юридик, жисмоний шахслар ўюшмасидир.

**Таққослама таҳлил усули** – энг яхши натижаларга эришиш мақсадида ҳусусий ва умумий кўрсаткичларни таққослаш. Тадбиркор ўзи қилган харажатлар билан рақибларининг харажатларини солиштириши, муқобил

вариантларни топиб таққослаб бориши керак. «Харажатлар-натижа» сингари машхур бўлган ёндашув ҳам таққослама таҳлил усулига асосланади.

**Таркибий ўзгаришлар** – балиқчилик соҳасида янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган корхоналарни қисқартириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади.

**Тармоқ ичида ихтисослашув** – турли корхоналарга жамланган бир босқичдаги якуний маҳсулот кейинги босқичдаги ишлаб чиқариш учун дастлабки бўладиган технологик циклларни алоҳида босқичларга бўлиб ташлашга асосланадиган ихтисослашувдир.

**Товарнинг баҳоси** – бу харидор маълум истеъмол сифатига эга бўлган товарга тўлашга тайёр бўлган пул миқдоридир.

**Ўзгарувчан харажатлар** – балиқ ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Уларга иш ҳақлари, озуқага, ўғитга, омухта ем, энергия, ёрдамчи материаллар, ноқулай об-ҳаво шароитидан суғурталар (дўл, қўрғоқчилик), маҳсулотни реализация қилиш харажатлари киради. Таннарх – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун пул шаклида ифодаланувчи иқтисодий категориясидир.

**Фаннинг услубияти бу** – илмий билимнинг тамойиллари, тизими, йўллари ва қонун-қоидаларидир. Тадқиқотларнинг назарий ва услубий асосини мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишлари ҳамда иқтисодий фан ютуқлари ташкил килади.

**Фан-техника тараққиёти** – интеллектуал онг ривожланиш маҳсули бўлиб, балиқчилик соҳасида у билан боғлиқ бўлган жами фанлардаги ўзгаришлар, ривожланишлар, уларнинг янада тараққий этиши, техника-технологияларни яратиш ва у билан шуғулланувчи малакали кадрлар тайёрлаш натижасида янада юксакликларга эришиш демакдир.

**Хўжалик ичидағи ихтисослашув** – бу меҳнатнинг хўжалик ичидағи бўлимлар (бўлинмалар, цехлар, фермалар) орасида бўлиниши.

**Хўжалик шартномаси** – ишлаб чиқариш жараёнида иккала томоннинг мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади.

**Хўжаликлараро ихтисослашув** – бу балиқчилик соҳаси товар ишлаб чиқарувчилар орасида меҳнатининг ижтимоий тақсимланишини акс эттиради.

**Хусусий мулк** – фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, қўшма корхоналар, оила тадбиркорлиги, ижара жамоа, хусусий корхоналар, корпоратив корхонлари, акциядорлик жамиятлари, хўжалиги ассоциациялари (бирлашмалари) мулкларини ўз ичига олади.

**Хисоб-конструktiv усули** – келажакда муаммони ҳал этишнинг илмий асосланган йўлларини аниқлаб беради. Ушбу усул балиқчилик тармоғини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишида қўлланилади.

**Экологик-иқтисодий зарар** – атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви натижасида балиқчилик соҳасининг қиймат шаклидаги ҳақиқий ёки эҳтимолий зарари ёки бу заарларни қоплаш учун қўшимча харажатлардир.

**Экологик-иқтисодий самара** – табиатни қўриқлаш тадбирларини амалга ошириш натижасида фойданинг қийматли ўсишидир.

**Экологик-иқтисодий самарадорлик** – балиқчилик соҳаси маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёнининг балиқчилик соҳасига атроф-муҳитнинг экологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда биргаликдаги иқтисодий натижавийлигини кўрсатади.

**Экологик-иқтисодий таъсир этиш** – бу ишлаб чиқариш таъсири остида юз берувчи экологик параметрлар ўзгаришининг пулда баҳоланиши.

**Эксперимент (тажриба) усули** – бу усул табиий фанларда асосийлардан ҳисобланиб, иқтисодий воқеа-ходисаларни ўрганишда кенг қўлланилади. Ўрганилаётган воқеа-ходисага омиллар таъсирини, унинг ривожланиш қонуниятларини билишда қўлланилади. Балиқчилик соҳасида меҳнатга хақ тўлаш, хўжалик ҳисоби, ижара пуррати ва бошқаларда экспериментлар ўтказилади.

**Экстенсив йўл** – экин майдонларини, балиқ сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи балиқ маҳсулоти ҳажмини кўпайтириш.

**Якуний маҳсулот** – ялпи маҳсулот (товарлар ва хизматлар) қийматидан ишлаб чиқариш сарфи чиқаруб ташлангандан кейин қолган қисмидир.

**Ялпи маҳсулот қиймати** – балиқчилик мажмуа таркибидаги барча корхоналар бир йилда ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларнинг, кўрсатган хизматларнинг бозор баҳоларидаги қийматидан иборат.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **I. Расмий ҳужжатлар**

#### ***I. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари***

- 1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда). Халқ сўзи, 2004 йил 15 октябр.
- 1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. – Т.: Шарқ, 1998.
- 1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 6 май.
- 1.1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи, 1998 йил 6 июн.
- 1.1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил 7 январ.
- 1.1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.
- 1.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 29 октябр 2019 йил.

#### ***II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари***

- 2.1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2013 йил 19 апрел.
- 2.1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат Дастури тўғрисида”ги 1046-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2009 йил 26 январ.
- 2.1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1937-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2013 йил 13 марта.
- 2.1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1957-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2013 йил 17 апрел.
- 2.1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер

- хўжалигиларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2015 йил 15 декабр.
- 2.1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошқа ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2016 йил 12 апрел.
- 2.1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли Қарори. 2015 йил 25 декабр.
- 2.1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сонли «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори .
- 2.1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февральдаги ПҚ-3505-сонли “2018 йилда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
- 2.1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3657-сон қарори. Т: 2018 й

### ***III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари***

- 3.1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларни жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли қарори. 2013 йил 14 июн.
- 3.1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низом” 171-сонли қарори. 2013 йил 14 июн.
- 3.1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли қарори. 2016 йил 26 феврал.
- 3.1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 6 майдаги 145-сон “Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
- 3.1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрьдаги 719-сонли “Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 3.1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрьдаги 845-сонли “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг

озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

- 3.1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сонли “Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
- 3.1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги “Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 606-сон қарори. Т: 2018 й

#### **IV Махсус адабиётлар**

- 4.1.1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь.
- 4.1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил.
- 4.1.3. Абдураҳмонов К.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклларининг ривожланиб бориши. – Т.: Фан, 2002, 144 бет.
- 4.1.4. Аллахвердиев А.И. Развитие форм коопреации в аграрном секторе АПК. – М.: Экономика, 2003, 253 стр.
- 4.1.5. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Алоқачи, 2008, 172 бет.
- 4.1.6. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2011, 244 бет.
- 4.1.7. Азоев Г. Управление организацией. М.: Инфра-М, 2008. - 736 с
- 4.1.8. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотлар ва фермерлик ҳаракатлари. – Т.: ТДИУ, 2006, 59 бет.
- 4.1.9. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалигиларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 44 бет.
- 4.1.10. Беглаев У., Болтаев Н. Балиқчилик хўжаликларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари. Агроиктисодиёт илмий амалий журнал. Махсус сон 2018. 63-65 б.;
- 4.1.11. Водянникова В. Т. Экономика сельского хозяйства : учебник для вузов. ISBN: 978-5-8114-1841-1, 2015 г.
- 4.1.12. Емельянова М.А. Экономика села. Учебник. – М.: ИНФРА, 2010, 506 стр.
- 4.1.13. Гордон Л.М. Экономика, организация и планирование промышленного рыбоводства. М.: Пищевая промышленность, 1980. - 296
- 4.1.14. Дорохов С.М. и другие. Прудовое рыбоводство. М.: Высшая школа,

1975. — 312 с.:
- 4.1.15. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиқлол, 2004, 344 бет.
  - 4.1.16. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ЎАЖБНТ, 2003, 456 бет.
  - 4.1.17. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Молия, 2005, 268 бет.
  - 4.1.18. Скляров Г."Рыбоводства".М.: "Феникс"-2011, 320стр
  - 4.1.19. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.: Наука, 1992. Т.1. С.13.
  - 4.1.20. Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004, 112 бет.
  - 4.1.21. Салимов Б.Т. ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжалигилари иқтисоди. – Т.: Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004, 176 бет.
  - 4.1.22. Элмуородова Б. Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли жараёнларини моделлаштириш. Ж.: O'zbekiston qishloq xo'jaligi. №8, 2016. 42 б.;
  - 4.1.23. Эргашев Р.Х., Равшанов А.Д.,Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик), - Т.: «Iqtisod-Moliya» 2018 ,404 бет.
  - 4.1.24. Эргашев Р.Х., Халиков С.Д.,Тошбаев А.Ж. Инновацион иқтисодиёт- (дарслик),- Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019 ,396 бет.
  - 4.1.25. Эргашев Р.Х. ва бошқалар. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари- (монография),- Т.: «Iqtisod-Moliya» 2019 , 240 бет.
  - 4.1.26. Эргашев Р.Х., Шоҳужаева З.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т: «Iqtisod-Moliya» 2016 , 468 бет.
  - 4.1.27. Эргашев Р.Х., Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларида бошқарув фаолиятини ривожлантириш йўллари. Инновацион технологиялар илмий-техник журнал. № (2) 34, 2019. 79-85 б.;
  - 4.1.28. Эргашев Р.Х., Беглаев У.Х. Балиқчилик тармоғини инновацион ривожлантириш йўналишлари. Сервис илмий-амалий журнал.№ 2, 2019. 16-19 б.;
  - 4.1.29. Рустамова И “Қишлоқ хўжалиги иқтисодёти” ,Т;”Молия-Иқтисод”2015, 280 бет.
  - 4.1.30. Умурзоқов У.Т., Тошбоев А.Ш., Рашидов Ш., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Т.: Иқтисод-молия, 2008, 267 бет.
  - 4.1.31. Beglaev U.X. Ways of organizing sustainable development of fish farming and adaptation to market management mechanisms. - // International journal for innovative research in multidisciplinary field. 2020. Vol-6, Issue-2, - p .164-168
  - 4.1.32. Ergashev R., Beglaev U. The Ways Of Fishing Farms Management And

Developing The Production Activity. –// INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC & TECHNOLOGY RESEARCH, 2020. - Vol 9, Issue - 02,– p. 919-921.

- 4.1.33. Xolmirzayev D., Haqberdiyev P.S., . Shohimardonov R., Shaptaqov E.S. “Baliqchilik asosalari” T 2016. 245 b.;

## **V. Статистик маълумотлар**

- 5.1.1. Аналитический отчет декабрь 2018. Ежегодный мониторинг средств, выделенных из федерального бюджета на финансирование НИОКР (в том числе по приоритетным направлениям инновационного развития России)
- 5.1.2. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. 2014-2019 йиллар.
- 5.1.3. Ўзбекистон Республикаси ахборотномаси тўплами. 2014-2019 йиллар.
- 5.1.4. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетең за 2018 год.
- 5.1.5. Основные индикаторы развития сельского хозяйства Республики Узбекистан (2014-2018 гг.)
- 5.1.6. Основные индикаторы развития сельского хозяйства Республики Узбекистан (2017-2018 гг.)
- 5.1.7. Сельского хозяйства Узбекистана (статический сборник). 2014-2019 гг.
- 5.1.8. XXРнинг статистик йиллик тўпламлари, турли йилларда
- 5.1.9. Ўзбекистон рақамларда 2016. - Статистик тўплам. - Тошкент, 2016. 224 б.
- 5.1.10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2010-2019 йиллар бўйича статистик маълумотлари
- 5.1.11. Ўзбалиқсаноат уюшмаси маълумотлари 2016-2019 йиллар

## **VI. Интернет ресурслари**

1. [www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. parliament.uz
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)
6. [www.eco.uz](http://www.eco.uz)
7. [www.un.org/esa/sustdev/](http://www.un.org/esa/sustdev/)
8. [www.unesco.org](http://www.unesco.org)